

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**Т. ЭРГАШЕВ, Р. ИСМАТОВ**

## **ИҚТИСОДИЙ САВОДХОНЛИК АСОСЛАРИ**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2001**

Тақримчилар:  
Иқтисод фанлари докторлари, профессор  
*A. СОТВОЛДИЕВ;*  
профессор *A. СОЛИЕВ*

## СҮЗ БОШИ

Халқимизнинг асрий орзу-умидлари ушалиб, Узбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида истиқолол йўлидан шахдам қадамлар билан илдамлаб бормоқда. Мустақиллик туфайли жамиятимиз ҳётида туб ўзгаришлар амалга ошиб, келажаги буюк Узбекистон давлатининг негизи бўлган иқтисодиётга асос солиномоқда.

Озод ва обод ватангэ эга бўлиш, эркин, ҳур фикрловчи жамият барпо этиш, халқимизнинг фаровон ҳётини таъминлаш орқали ривожланган мамлакатлар халқлари эришган турмуш тарзига эришишояси юртбошимиз И. Каримов томонидан илгари сурилмоқда. Буояни амалга ошириш ва реал ҳақиқатга айлантириш миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ўсиш суръатларига боғлиқ.

Республикамизни иқтисодий жиҳатдан қудратли мустақил давлатга айлантириш эса бозор иқтисодиёти тизимини барпо этиш вазифаси билан бир даврда амалга оширилмоқда, яъни бу икки бир-бирига боғлиқ ишни бир тарихий даврда уддалашдек оғир муаммони ҳал қилишга тўғри келмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш, бир томондан, эски иқтисодий тафаккурдан воз кечиш, янги иқтисодий тизимга ўтиш бўлса, иккинчи томондан мамлакат иқтисодий аҳволини яхшилаш, иқтисодиётга янги сифат бериш, барқарор ўсиш суръатларига имконият яратиш демакдир.

Мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш бозор асосидаги иқтисодиётни яратиш орқали амалга ошилмоқда. Бинобарин, бугунги кундаги асосий йўл, йўналиш — бозор иқтисодиётини юзага келтиришдир. Иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал этиб, иқтисодиётнинг порлоқ келажагини таъминлай оладиган йўл бозор усули эканлигини, мамлакатимиз учун бундан бошқа муқобил иқтисодий тизим, усул йўқ эканлиги эндиликда биз учун яққол ҳақиқатдир.

Бозор иқтисодиёти хўжалик юритиш тизими сифатида ўзининг қонун ва қонуниятлари, сиру-асрорларига эга бўлиб, уларни ўрганиш, билиш ва ҳётга тадбиқ эта

билиш ҳар бир инсон учун жуда муҳимдир. Иқтисодиёт соҳасида фаолият кўрсатувчи инсон раҳбар ёки мутахассис, тадбиркор ёки бизнесмен, фермер ёки оддий ишчи бўлмасин, у муайян иқтисодий билимларга эга бўлиши керак. Ҳаттоқи инсон оддий истеъмолчи сифатида ҳам иқтисодий билимларсиз яхши яшай олиши амри маҳолдир. Бироқ жамиятдаги эҳтиёж ва талабларни қондириш имкониятлари, иқтисодий ибора билан айтадиган бўлсақ, ресурслар ҳамиша чекланган. Ана шундай шароитда ҳар бир одам ҳам, фирма ёки корхона ҳам, давлат ҳам танлаш муаммосига дуч келади. Шуни назарда тутиб, иқтисодиётни «чекланган ресурслар шароитида эҳтиёжларни қондириш учун жамият танлайдиган нарсаларни баён қилувчи ва таҳлил этувчи ижтимоий фан» деган таърифи ҳам мавжуддир.<sup>1</sup>

Иқтисодий билимларни умуман, бозор иқтисодиёти асосларини, хусусан, ўрганиш жўшқин ва сермазмун ҳаёт кечириш, соғлом турмуш тарзини ташкил этиш учун бениҳоя катта аҳамият касб этиши муқаррардир. Республикамиз Президенти томонидан иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий эркин тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очиб бериш вазифаси қўйилган. Ҳар бир фуқарони маълум маънода тадбиркор бўлишига эришиш муаммосини ҳал этиш зарур. Бу вазифа ва муаммоларни ҳал этиш учун жамиятда умумий иқтисодий саводхонликка эришиш айни муддаодир.

Бозор иқтисодиётни барпо этишнинг асл, лўнда маъноси иқтисодиётни юқоридан (ёки ташқаридан) туриб тартибга солиш ва бошқариш тажрибасидан воз кечиб, ўзини-ўзи тартибга солиб, йўналтириб, барқарор ўсиш суръатларини бахш этиб турадиган бозор механизмини яратишдир. Бунинг учун бир-бири билан чамбарчас боғланган қўйидаги учта вазифани ҳал этиш керак.

**Биринчиси** — моддий шарт-шароит яратиш, яъни мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкчиликни турли шаклларини вужудга келтириш, ишчиларга мулк эгалигини таъминлаш;

**Иккинчиси** — ижтимоий ҳимоя қилиш шарт-шароитини яратиш, яъни одамларни бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳимоялаб бориш, уларни янги иқтисодий тизимга азиятлар ва қийинчиликларсиз ўтиб олишларини таъминлаш;

**Учинчиси** — одамларни бозор муносабатларига ру-

<sup>1</sup> Амалий иқтисодиёт. (Ўқув кўлланма). Т.: «Шарқ», 1996, 10-бет.

ҳан тайёрлаш, яъни эски иқтисодий тизим руҳиятидан холи қилиб, уларга янгича иқтисодий тафаккурни сингдириш.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, юқорида айтиб ўтилган уч вазифадан дастлабки иккитасини амалга ошириша маълум ютуқларга эришилди. Бироқ учинчи вазифани ҳал этишда бир мунча оқсоқликлар мавжуд. Гап шундаки, иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, бозор иқтисодиётiga ўтишни тезлаштириш зарурати халқимиизда тамомила янгича иқтисодий фикрлашни шакллантиришни ўта долзарб вазифага айлантириб кўиди. Шунинг учун Республикамиз Президенти И. Каримов мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки тажрибасидан келиб чиқиб, «...Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имкониятини бериш керак» — деб тақидлаган эди<sup>1</sup>.

Шунга кўра эндиликда бозор иқтисодиётининг мөҳияти, шакллари, қонун ва қонуниятларини чукур ўрганиш ҳозирги иқтисодий амалиётимиз учун жуда долзарб вазифадир.

И. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи сессиясида озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаётга эришишини пировард мақсадимиз сифатида таърифлаб берди. Бу мақсадга эришиш ўз навбатида бозор муносабатларига асосланган миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашни тақозо этади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, бозор муносабатларига ўтиш даврида юз берадиган иқтисодий тангликнинг олдини олиш ва умуман янги иқтисодий тизимга ўтишни катта талофатларсиз ҳал қилиш иқтисодий билимларсиз бўлмаслиги аёндир.

Агар биз мамлакатимиз келажагига, тақдирига ўзимизнинг жавобгар эканлигимизни эътироф этсак, ҳар биримиз унинг тараққёти воситаси бўлмиш иқтисодиёт фани сирларини эгаллашни ўз бурчимиз деб билмоғимиз керак. Муаллифлар ана шу мақсадда мазкур кўлланмани ўқувчилар эътиборига ҳавола қилмоқдадар.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995, 18-бет.

# И Б О Б.

## ИҚТИСОДИЙ САВОДХОНЛИКНИНГ ҲАЁТИЙ АҲАМИЯТИ

### I. Ҳаёт ва иқтисодиёт

Келинг энг аввал, иқтисод, иқтисодиёт деган атамалар, тушунчалар ўзи нимани билдиришини кўриб чиқайлик.

«Иқтисод», «иқтисод қилиш» деганда биз одамлар эҳтиёжларини қондирадиган ноз-неъматлар, бойлик ва ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишни тушунамиз. «Иқтисодиёт» деганда эса ана шу эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаолиятни, яъни моддий неъматлар яратиш, уларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш билан боғлиқ бўлган хўжалик фаолиятини тушуниш керак. Шу билан биргаликда «иқтисодиёт» тушунчаси фақат фаолият маъносини билдириб қолмай, ана шу фаолиятни ўрганувчи фан сифатида ҳам ишлатилади.

Бу ҳар икки тушунча рус тилидаги «Экономика» деган сўз ёки атамага мос келади. Бу атама эса рус тилига юонон (ҳозирги грек) тилидан кириб келган бўлиб, аслида уй хўжалигини юритиш санъати маъносини билдирган. Кишилик жамиятининг ҳаётига ва хўжалик амалиётига икки ярим минг йил муқаддам уй хўжалигини юритиш санъати маъноси билан кириб келган «иқтисодиёт» эндиликда улкан ва кенг тармоқли фанга айланди. Иқтисодий назария, макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, саноат иқтисодиёти, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти, халқаро иқтисодий алоқалар, савдо ва тижорат иқтисодиёти, қўйингчи яна ўнлаб муайян маънода мустақил иқтисодий фанлар мавжудки, уларни қисқа ва лўнда маънода иқтисодиёт илми деб аташ мумкин.

Бу илм ҳаётда рўй берувчи иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар, қонун ва қонуниятларни ўрганиши билан бир қаторда одамларнинг хўжалик фаолиятини оқилона ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш муаммолари ва йўллари билан шуғулланади.

Назарий билимлар қанча чуқур пухта ва мустаҳкам бўлса, уларнинг амалиёт учун тегадиган нафи ҳам шунча юқори бўлади. Бу нарса айниқса иқтисодий билимларга таалуқлидир, десак муболага бўлмас.

Жамият аъзоларининг иқтисодий билимлари, иқтисодий саводхонлиги ҳозирги даврда айниқса муҳим аҳамият касб этаётгани шу нарсадан маълум ва аёнки, Ўзбекистон халқи олдида келажакда буюк давлат яратишдай катта мақсад турнибди. Буюк келажакни, буюк давлатни буюк иқтисодиётсиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Демак, умумий иқтисодий саводхонликка эришиш, иқтисодий билимларни изчиллик билан ўзлаштириш бугунги кунда ҳаммамиз учун ўта муҳим ва долзарб масаладир.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёsatнинг аҳоли турмуш шароитларини тубдан яхшилашга қаратилиши ҳар бир шахснинг ақлий ва жисмоний қобилияти ва имкониятига яраша ижодкор бўлиши учун замин яратади. Шу боис ҳам ҳар бир шахсни бозор муносабатлари шароитида ижтимоий фаоллик ва ижодкорликка асосланган мустақил фаолиятга тайёрлаш ҳаётий заруратdir.

Тарихга назар ташласак, аждодларимиз ўз замонасига мос иқтисодий фикр юритишида алоҳида ажralиб турганлар. Бу борада «Буюк ипак йўли»ни кашф этиб, савдо-сотиқ, товарлар алмаштириш, ишлаб чиқариши талаб дарајасига қараб ўстириш, хуллас, бозор иқтисодиётини ривожлантиришга асос солғанларини эслаш кифоя. Темур ва темурийлар ҳокимиятни бошқарган даврда ҳам мамлакат бойлигини қўпайтириш учун бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодиётни ривожлантиришга илм-фан ва маданият аҳлиниң таъсирини ошириш каби муаммолар ҳал этилган. Замон талаб этган кишиларни тарбиялашда иқтисодий аҳамият касб этувчи шахсий сифатларни таркиб топтириш ҳал қўйувчи омил эканлиги Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида «Иқтисод» бўлимининг ажратилиши бундан далолат беради.

«...Ҳозирги замонда мақсадуга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, ҳалқга мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қуратлари мол ва бойликлари ила ўлчанадур... Америкаликлар бир дона буғдой экуб, йигирма қадоқ буғдой олурлар, ёвруполиклар ўзимиздан олган беш тийинлик

пахтамизни келтуруб, ўзимизга йигирма беш тийинга сотурлар. Аммо... туркестонликлар, думба сотуб, чандир чайнаймиз: қаймоқ беруб, сут ошиймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз..., ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмоқ учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъи, битмас файрат лозимдур...»<sup>1</sup>

Республикамида янгича шаклланаётган ижтимоий муносабатлар, иқтисодий сиёсатдаги туб ўзгаришлар иқтисодий таълим-тарбия барчага баробар тааллуқли ва узлуксиз бўлишини талаб этаяпти.

Иқтисодий таълим-тарбиянинг оммавийлиги, узлуксизлиги ва жиддийлиги шу нарсадан кўриниб турибдики, у ҳозирги вақтда барча ижтимоий институтларда — оиласда, мактабгача тарбия муассасалари, маҳсус ва касб-хунар ўкув юртларида, меҳнат жамоаларида, мактабдан ташқари таълим масканларида, маҳаллаларда, малака ошириш институтлари ва бошқаларда амалга оширилмоқда. Иқтисодий таълим-тарбияни вақт билан қатъий четаралаш мумкин эмас. Бу унинг узлуксизлигини кўрсатади. Узлуксизликни таъминлаш эса ўз навбатида иқтисодий билимларни босқичма-босқич ўзлаштиришни, яъни энг оддий тушунча ва атамаларни ўрганишдан бошлаб, жамиятдаги ижтимоий-иктисодий жараёнларга тобора чукурроқ кириб боришни тақозо этади.

Жамият аъзоларининг иқтисодий саводхонлигини оширишдан кўзланган мақсад — уларнинг иқтисодиёт илмини ўрганиб, доимо шахсий камолот ва ижодкорликка интилишини таъминлашдир. Зоро, мукаммал иқтисодий тафаккурга эга бўлган шахсларгина мамлакат ривожини таъминловчи ва унинг бойлигини муттасил орттирувчи кучга айланади.

Иқтисодиёт ривожланган сари тоборо мураккаблашиб, хўжалик алоқалари ҳам тобора кенгайиб боради. Маҳсулот ишлаб чиқаришда турли корхоналар ( фирмалар) ўртасидаги алоқалар учун мамлакат доиралари торлик қилиб қолади ва халқаро алоқалар ўрнатишга тўғри келади. Бундай шароитда тадбиркорлик билан иш юритиш учун иқтисодиёт сиру-асрорларини, қонун-қоидаларини билишга тўғри келади. Иқтисодиёт илмини ўрганиш ва ўзлаштириш фақатгина иқтисодчи учун эмас, балки иқтисодий фаолият билан шуғуллан-

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992 йил, 33, 34-бетлар.

майдиган кишилар учун ҳам керак, чунки улар ҳеч бўлмаганда истеъмолчи сифатида майдонга чиқадилар, пул топадилар, уни сарфлайдилар, оила бюджетини юритадилар. Умуман олганда, иқтисодий муносабатларга киришмай яшайдиган бирорта ҳам одам бўлмайди. Гап шундаки, улардан бири кўпроқ иқтисодий алоқага киришса, иккинчиси камроқ киришиши мумкин. Барibir иқтисодий муносабатни ҳеч ким четлаб ўта олмайди. Иқтисодий саводхонлик иқтисодий фикрлашга ўргатади, иқтисодий қонун-қоидаларга биноан тежамили хўжалик юритишга, меҳнатни қадрлашга чорлади. Машхур маърифатпарвар ватандошимиз Абдулла Авлонийнинг ёзишича «Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда сўмни аямас»<sup>1</sup>. У киши ўз фикрини исботи сифатида Расулуллоҳнинг «Иқтисод узра ҳаракатли кишилар фақир бўлмас» деган ибратли сўзларини ҳавола этганилар. Инсон жамиятда яшагани туфайли ҳам шу жамиятдаги иқтисодий муносабатлардан ҳоли бўла олмайди. Шунинг учун ҳам иқтисодий билимларни эгаллаш фақат мутахассислар ёки бизнес билан шуғулланувчилар иши бўлмасдан, балки барчага баробар, ҳар бир фуқаро учун зарур ишдир.

Таниқли иқтисодчи А. Улмасов ёзганидек, «ҳозирги даврда мамлакатимизни бозор иқтисодиётига ўтиши ҳаммадан янгича фикрлаш, ишлаш ва яшашни талаб қиласди. Бозор иқтисодиёти ҳар бир инсон олдига оддий, аммо қаттиқ талаб кўяди: фаровон яшаш учун самарали меҳнат қилиш зарур. Ҳамма ҳаракат қилиб пул топади, уни сарфлайди, тирикчилигини ўтказади. Иқтисодий фаолият ҳаммани ўз домига тортар экан, унинг сир-асрорларини албатта билмоқ зарур. Ҳозир буни англамаганлар кейин пушаймон бўладилар»<sup>2</sup>.

Ҳамма замонларда ҳам иқтисодий билимлар кишиларга зарур бўлган, чунки иқтисодиёт билан ҳар хил даражада бўлсада, ҳамма шуғулланади. Кишилар фақат бутунги кун билан эмас, балки келажак билан ҳам яшайдилар. Иқтисодиёт илми эса шу кун ҳодисалари ни тушунтириш билан чекланмайди, балки келажакни англашга ҳам кўмак беради.

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент. «Ўқитувчи», 1992 йил, 33-бет.

<sup>2</sup> А. Улмасов. Иқтисодиёт асослари. Т.: Меҳнат, 1997, 4-бет.

Мамлакатимизда пойдевори яратилаётган бозор иқтисодиёти хўжалик юритишининг шундай тизимики, унинг тартиб ва қоидалари, сиру-асрорларини тўла-тўкис ўзлаштириб олиш бир қарашда кўрингандай осон иш эмас. Биз бу фикр билан ўқувчини қўрқитмоқчи эмасмиз, балки бу ишга ўта жиддий ёндашиш зарурлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бозор иқтисодиёти шароитида тасодифлар кўп, хавф-хатар эса ундан ҳам зиёда. Бу шароитда алданиб қолиш, синиб қолиш, та-наззулга учраш, қарзга ботиб қолиш ва ниҳоят, банкротта учраб қолиш хавфи етарлича мавжуд. Бундай ҳолатларга айрим тадбиркор ҳам, фирма ёки корхона ҳам ҳаттоқи бутун бир давлат ҳам дуч келиши мумкин. Уларнинг олдини олиш ёки улардан камроқ талофатлар ва йўқотишлиар билан чиқиб олиш иқтисодий билимларни ўзлаштириш дарајасига боғлиқ.

Жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ҳар биримиз бозор иқтисодиётининг тобора шаклланиб боришида иштирок этаяпмиз. Ушбу жараён давлат учун ҳам осон кечеётганий йўқ. Қанчадан-қанча ижтимоий ҳамда иқтисодий муаммолар юзага келаяпти, қонун ва фармонлар қабул қилинмоқда. Эндиликда бозор иқтисодиёти рўйирист қадам ташлаётган бўлса ҳам, ҳали равон бир йўлга тушиб олгани йўқ.

Иқтисодиётнинг бошлангич бўғинлари бўлмиш корхона ва фирмалар тўғрисидаги қонунга мувофиқ улар тўла хўжалик ҳисобида бўлиб, ўзини ўзи пул билан таъминлаши керак.

Бу ҳол ўз навбатида меҳнаткашлардан бошқарув жа-раёнларига, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга мушоҳада билан ёндошишни талаб этади. Бунинг учун иқтисодиёт ва уни бошқарув асосларини мустаҳкам ҳамда чуқур билиш, илмий билимларни амалиётда кўллаш, жамият фаолиятининг иқтисодий соҳасига фаол кўшилиш зарур.

Жаҳон бозорига чиқиш, фан-техника ва технология тараққиёти суръатларини жадаллаштириш ҳалқ таълими барча бўғинларининг ўзаро чамбарчас алоқасини ўрнатишни, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарлик вазифаларини бир бутунликда ҳал этишни тақозо этади. Шу сабабли бугун мамлакат иқтисодиётини тубдан қайта қуриш босқичида ўшларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш муаммоси яққол кўзга ташланиб қолди.

Иқтисодий тафаккурнинг ривожланиши якка тар-

тибдаги ва жамоат иқтисодий онгининг шаклланиши билан боғлиқдир. Мутахассисларнинг фикрича, иқтисодий тафаккур — шахснинг иқтисодий воқелик ва жараёнларга муносабатини ифодалайдиган иқтисодий ғоялар, қарашлар ва тасаввурлар мажмудидир. Иқтисодий тарбия билан биргаликда иқтисодий таълим ана шундай онгни шакллантиришнинг муҳим воситалари ҳисобланади.

Хозирги ёшлардан замонавий иқтисодиёт фани категориялари билан фикрлаш ва унинг ютуқларини амалиётда самарали кўллаш талаб қилинмоқда. Улар оқилона хўжалик юритиш ва ўз ишини амалга ошириш учун тадбиркорлик фаолиятининг сиру синоатларини ўрганишлари зарур. Давлатнинг иқтисодий қурратини кучайтиришда фаол ва ижодий равишда иштирок этиш уларнинг ватанпарварлик бурчидир.

Ёшларда бундай иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши иқтисодий ривожланишнинг бир даражадан анча юқори даражага муваффақиятли ўтиши учун ишончли шарт-шароит яратади. Зеро, иқтисодий тафаккур билан хўжалик юритиш амалиёти ўзаро чамбарчас боғланган. Албатта, уларнинг боғлиқлиги оддий эмас. Иқтисодий тафаккур иқтисодий билимларга асосланади, бу билимлар эса, ўз навбатида, ишончли бўлиши, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда юз бераётган ҳақиқий жараёнларни акс эттириши керак. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, иқтисодий билимлар, иқтисодий жиҳатдан хабардорлик ёшларни назарий жиҳатдан билимдонга айлантиради холос. Иқтисодий тафаккурни тарбиялаш ва шакллантириш ҳамда уни жамият иқтисодий фаолиятининг ҳаракатга келтирувчи кучига айлантириш учун муайян шарт-шароитлар ҳам зарур. Авваламбор ёшлар шахснинг маданий-иқтисодий даражасини ошириш талаб этилади. Муайян маҳорат ва кўнікмалардан ташқари, тегишли иқтисодий шарт-шароитлар ва омиллар ҳам зарур. Иқтисодий шароитни ўзгартириш учун янгича тафаккур зарур.

Бундай вазиятда кўп нарса ёшларнинг иқтисодий тайёргарлик даражасига, уларда хўжалик юрита олиш ва тежамкорлик хислатларини шаклланишига, уларни мактаб, мактабдан ташқари муассасалар, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик соҳасида ҳақиқий иқтисодий фаолиятга иложи борича эртароқ ва фаол жалб этишга боғлиқдир.

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига

ўтайдан жамият иқтисодий тафаккур ўз-ўзидан шакланади, деб кутиб ўтира олмайди. Бундай ёндашув иқтисодий тараққиётга жиддий тарзда түғаноқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳозирги шароитда биринчи навбатда кадрларда юксак даражадаги иқтисодий билимдонликни ҳосил қилиш талаби қўйилган. Иқтисодий таълимнинг асосий мақсади—иқтисодий тушунчалар, жараёнлар ва қонунларнинг мазмунини очиб беришdir. Иқтисодий тарбиянинг мақсади эса кенгроқ: ўзлаштирилган билимлар асосида меҳнатга ва жамоат мулкига онғли, масъулиятли муносабатни шакллантиришdir. У ёшларда ишга манфаатдорлик билан ёндошиш, давлат миқёсида фикрлай олиш, муайян иқтисодий ҳодисага, илмий-техника ишланмаларига, ўзининг шахсий ишига ижтимоий нуқтаи назардан баҳо бериш хислатини ҳосил этишни кўзда тутади.

Инсонларнинг меҳнат фаолияти уларнинг табиий ва доимо ортиб борувчи эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бироқ бу фаолиятнинг самарадорлиги меҳнат қилиш учун яратилган шарт-шароитларга, меҳнат натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлик даражасига ва шу меҳнатнинг жамият, миллат тараққиёти учун зарурлигини англаб етиш даражасига боғлиқ.

Кўриниб турибдики, иқтисодиёт фани инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг меҳнатини илмий асосда ташкил қилиш ва тўғри йўналтириш билан ҳам шугуулланади.

Хуллас, ҳаёт ва иқтисодиёт бир-бири билан шу даражада чамбарчас боғлиқки, бу боғлиқликни қуидаги фикрдан ҳам яққол қўриш мумкин. Ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий жиҳатдан бою бадавлат турмуш кечиришига эришиш ҳар қандай жамиятнинг эзгу орзу ва мақсадидир. Бироқ бу орзунинг руёбга чиқиши учун авваламбор моддий ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришиш керак. Шунинг учун моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг энг оқилона ва самарали йўлларини амалга ошириш иқтисод фанининг, иқтисодчиларнинг, қолаверса, ҳар бир ишга яроқли инсоннинг муқаддас вазифасидир.

## 2. Бозор иқтисодиёти нима

Ҳар қандай жамиятда одамларнинг хўжалик фаолияти муайян иқтисодий тизим шароитида кечади. Инсоният тараққиётининг ilk даврида шаклланган иқти-

содий тизимни одатда анъанавий ёки натурал тизим деб юритилади. Бу тизим шароитида қўл меҳнати ҳукмрон бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни натурал ҳолатда ўзаро алмаштириш иқтисодий муносабатларнинг асосини ташкил этади.

Уни анъанавий деб юритилишининг сабаби шундаки, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (чорвачилик, ба-лиқчилик, деҳқончилик маҳсулотлари) ва хизматлар одатдаги анъаналар бўйича ўзаро алмаштирилди ёки тақсимланади. Ишлаб чиқарувчилар хўжаликни аждодлари қай тарзда юритишган бўлса, худди шу тариқа юритишиади.

Анъанавий иқтисодий тизимга асосланган қабила-ларда одамларнинг эҳтиёjlари ниҳоятда чекланган бўлиб, уларнинг турмуш даражаси ҳам ачинарли дара-жада паст.

Бу тизим инсоният томонидан пул кашф этилиши натижаси ўлароқ олди-сотди муносабатлари иқтисодий амалиётга кириб келгунга қадар ҳукмронлик қилган. Эндиликда эса бу тизим унсурлари инсоният та-маддуни домига тортилмай қолган ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари сақланиб қолган қабилалар (масалан, Африканинг айрим мамлакатлари) ҳаётида учраб тура-ди.

Маълумки, инсоният тарихидаги кашфиётлардан энг буюги ва муҳими пулнинг кашф этилиши бўлди. То-вар, фойда, нарх-наво, олди-сотди каби тушунчалар-нинг пул билан биргаликда одамлар ҳаётига кириб кетгани чинакам инқолобий ўзгаришларни содир этди. Шу билан биргаликда бозор иқтисодиёти деб аталмиш иқтисодий тизимга асос солди. Мамлакатлар ва ҳалқ-ларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига жуда катта туртки бўлди.

Бироқ XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлиб шаклланган, утопик (хом хаёл) гоядан бутун бир таълимот даражасига кўтарила олган социализм ва коммунизм гояси кўпчилик ҳалқларни, шу жумладан Ўзбе-кистон ҳалқини ҳам ўз домига тортди, тўғри йўлдан адаштириди. Тўғри, ўзбек ҳалқи социалистик тараққиёт йўлига ўз хоҳиши билан киргани йўқ, унинг хоҳиширодаси у пайтда ўзининг кўлида эмас эди. Лекин шу нарса реал ҳақиқатки, бу ҳалқ ҳам собиқ салтанат ҳалқлари қаторида XX асрнинг 90-йилларига қадар социалистик ғоянинг меваси бўлмиш янги бир типдаги иқти-

содий тизим-маъмурӣ буйруқбозлиқ тизими шароитида кун кечиришга мажбур бўлди.

Иқтисодий муносабатларни юқоридан туриб тартиба солиш, бошқаришга таянган бу тизимнинг асосини умумхалқ мулки деб аталмиш давлат мулки ташкил этар эди. Шунинг учун ишлаб чиқаришни марказлашган ҳолда (давлат томонидан) режалаштириш ва тайёрланган маҳсулотни худди шу тарзда тақсимлаш тамойили хукмрон эди.

Режали иқтисодиёт деб ҳам юритилувчи бу тизимнинг энг катта иллати—хусусий мулкчиликни инкор этишдир. Ваҳоланки, хусусий мулкчилик, яъни одамларнинг мулкка эгалик қила олиш ҳуқуқи бўлмаган ерда бирон-бир жиддий тараққиёт ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Фикримизнинг далили сифатида шуни айтиб ўтиш кифояки, 90-йилларнинг бошида ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад 20—36 минг америка доллари ни ташкил этган ҳолда собиқ социалистик мамлакатларда 1700—3400 долларга teng бўлди. Бинобарин ҳар иккى ижтимоий-иқтисодий тизимига асосланган мамлакатлар халқларининг турмуш даражаси ва фаровонлигида ҳам кескин тафовут пайдо бўлди.

Худди шу даврга келиб социализм ва коммунизм гояси ўзини тўла бадном этди ва унга асосланган ўнлаб давлатлар бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ривожланиш йўлини танладилар. Бу инсоният тарихида катта бурилиш ясаган воқеа бўлди.

Шу нарсани алоҳида ифтихор туйғуси билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон собиқ шўролар салтанатидан биринчилар қаторида ажralиб чиқиб, ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилас экан, бозор муносабатларига асосланган тизимни ҳеч иккиланмай танлади. Чунки тарихий ҳақиқат шундан иборатки, бозор иқтисодиётiga муқобил бўлган бошқа йўл йўқ. Мулкчиликнинг хилма-хиллиги ва иқтисодий фаолиятда эркинликка асосланган бу тизимнинг бош афзаллиги шундан иборатки, у бутун жамиятнинг ҳам, айрим кишиларнинг ҳам бой бўлиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиб беради.

Ҳозирги кунда онгимизга ишбилармон, тадбиркор, менежмент, маркетинг, банк, кредит, солиқ каби тушунчалар борган сари кўпроқ сингиб бораяпти ва кундалик ҳаётимизда ўз ўрнини топмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли

мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари кечмоқда. Бу жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, ишбилармон ва тадбиркор инсонларнинг фаолиятини, хусусий мулкдорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонулар қабул қилинди.

Мамлакатимизда давлат мустақиллиги эълон қилингач, жаҳон тажрибасини рад этмаган ҳолда ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилди ва бозор иқтисодиёти асосларини яратишга киришилди.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётiga ўтиш стратегияси Президент И. Каримовнинг раҳбарлигига ва бевосита иштирокида ишлаб чиқилди. Бу стратегия асосида Президент томонидан олга сурилган фояларга асосланган беш тамойил ётади. Улар:

- иқтисодиётнинг мағкурадан ҳоли бўлиши ва унинг сиёсатдан устуворлиги;
- давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши;
- қонулар ва уларга риоя қилиш устуворлиги;
- ҳалқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат юргизиш;
- бозор иқтисодиётiga аста-секин, босқичма-босқич ўтиб бориш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикамиз Президенти илгари сурган ривожланишининг ана шу тамойилларига таяниб, Ўзбекистон эндиликда ўзининг ижтимоий-иктисодий тараққиёти йўлидан бозор сари дадил одимлаб бормоқда.

«Фақат уюшган бозоргина бутунги кунда ҳалқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбатлантиришни ва йўқотилган хўжайнлик туйгусини қайта тиклайди.

Фақат бозоргина тежамли хўжалик юритишнинг кучли оқилона жиҳатларини яратади, харажатларни камайтиради, талон-тарож ва лапашангликка қарши курашади.

Фақат бозоргина янгиликларга сезгир қиласи. Фан ва техниканинг энг сўнгти ютуқларини дадил ва файрат билан жорий этади, ўз ишининг устасига, касб маҳоратига муносаб баҳо беради.»<sup>1</sup> Иқтисодий исло-

<sup>1</sup> И. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Тошкент, Ўзбекистон 1992, 43-бет.

ҳотларнинг илк даврида айтилган бу фикр ва мулоҳазаларнинг нақадар асосли ва ҳаётийлигини ўтган йиллар тажрибаси тўла тасдиқлади.

Бозор асосида товар-пул муносабатлари ётади. Товар-пул муносабатлари — товар ишлаб чиқариш, уни айирбошлиш ва пул муомаласига хос муносабатлар мажмуидир. Товар ишлаб чиқаришга оид муносабатлар товарни яратишда моддий ва жонли меҳнат сарф этилиши, бу сарф-харажатлар жамият учун зарурй даражада бўлиши, товар сифати ва нархнинг мувофиқлигини таъминланиши, товарлар қийматининг меҳнат унумдорлигига тескари мутаносиблик билан ўзгариши каби алоқаларини билдиради. Товар ишлаб чиқарувчилар мустақил равишда бозор эҳтиёжларига қараб ўз товарларини яратадилар. Улар бозор талаби қондирилгандагина, яъни ўз товарларини сотгандагина даромад топадилар. Яратилган товарларни айирбошлиш соҳасидаги муносабатлар — сотувчи ва харидор ўртасидаги эркин олди-сотди муносабатлариdir. Турли товар ишлаб чиқарувчилар бозорда айни вақтда ҳам сотувчи, ҳам харидор вазифасини ўташади. Бозор алоқалари товарларнинг зарурй миқдорда ва келишилган нархда айирбошлини билдиради. Товар бевосита эмас, балки пул воситасида айирбошланади. Демак, пул мухим иқтисодий вазифани бажаради. Товар-пул муносабатлари умумисоний ҳодиса бўлиб, бозор иқтисодиётiga асосланган ҳар қандай жамият тараққиётининг асосини ташкил этади.

Бозор иқтисодиётининг моҳиятини англаш учун унинг асосий белгиларини кўриб чиқамиз. Бозор иқтисодиётiga эркинлик хос бўлиб, уни мулкчилик шакли таъминлайди. Бундай иқтисодиётда хусусий мулк, жамоалар мулки ва давлат мулки мавжуд бўлиб, у ёки бу мулкнинг монополияси (якка ҳокимлиги) бўлмайди. Мулкчиликнинг барча шакллари чекланмаган ҳолда ривожланади. Бироқ мулкчиликнинг асосини хусусий мулк ташкил этади. Қуйидаги рақамлар фикримизиннг яқъол далили бўла олади.

Республикамизда 1999 йилда хусусий корхоналар барча корхоналарнинг 45,1 фоизини жамоа корхоналар 40,3 фоизини, қўшма корхоналар 1,9 фоизни, давлат корхоналари 4,2 фоизни ва бошқа соҳалар 1,5 фоизини ташкил этди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси; 1999, № 12, 53-бет.

Бозор иқтисодиёти тизимида хўжалик юритишнинг шаклларидан қайси бирини таълаш, ўз мол-мулкини қандай ишлатиш ҳам кишиларнинг ўз ихтиёрига боғлиқ.

Тадбиркорлик қилиш ёки ёлланиб ишлатиш, ўз пулини саноатга, деҳқончиликка, тижоратга, банк ишига ёки бошқа йўналишга сарфлаш одамларнинг ўз ихтиёрида бўлади.

Бозор иқтисодиёти иштирокчилари ўзаро алоқага киришадилар. Ишчи кучи, ер капитал ва бошқа восита эгалари уларни корхона ёки фирмага сотади. Улар ўз навбатида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб, товар ва хизматлар яратадилар, уларни истеъмолчиларга таклиф этадилар.

Бозор иқтисодиётининг энг асосий белгиси — иқтисодий хилма-хиллик, яъни мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли-туман бўлишидир. Турли шакллардаги мулклар эркин, ёнма-ён, ҳеч бир чегараланмаган ҳолда ривожланади. Хўжалик юритиш усуллари ҳам ҳар-хил бўлади. Масалан, якка тартибда, жамоа (уюшма)га бириккан ҳолда, шерикчилик ёхуд ҳиссадорлик асосида, ўз маблагига ёки қарзга олинган маблагга таяниб хўжалик юритиш, ер ва бошқа воситаларни ижарага олиш ва ишлатиш кабилар.

Иқтисодий фаолият эркинлигининг асоси — ишлаб чиқариш омиллари ёки яратилган товарларнинг тасарруф этилишини ихтиёрийлиги, мулкдорларнинг эса мустақилликка эга бўлишидир. Ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи ўз товарини ёки пулини ўзи билганича ишлатади, ўз ихтиёрига кўра ўзига маъқул бўлган иш билан шуғулланади. Хўжалик юритувчилар фаолияти бир-биридан ажраган бўлади. Чунки улар, биринчидан, мустақил мулк эгалариdir, иккйнчидан, меҳнат тақсимоти асосида ихтисослашиб, ҳар-хил иш билан шуғулланадилар.

Бозор иқтисодиётини ташкил этувчи тадбиркорлар кўпчиликдан иборат бўлиб, тарқоқ ҳолда фойда-зарарни ўз зиммасига олиб иш юритади. Лекин уларнинг фаолияти қанчалик тарқоқ бўлмасин, барибир бозор орқали бир-бирига бoggланади. Бозор иқтисодиёти эркин бўлганлигидан ҳар қандай иқтисодий монополизмни инкор этади.

Иқтисодий монополизм — корхона, ташкилот ёхуд давлатнинг, умуман иқтисодиётда ёки унинг бирор соҳасида танҳо хукмронлик қилишидир. Иқтисодиётдаги монополизм ишлаб чиқаришнинг ўзида, савдо-сотик-

да, кредит, банк тизимида ёки истеъмол доирасида мавжуд бўлади.

Иқтисодиётдаги монополизмнинг таянчи муайян мулк шаклиниң танҳо ҳукмронлигидир. Бундай ҳукмронлик эса сиёсий ҳокимият ва ғоявий соҳадаги монополизмни юзага чиқаради. Иқтисодий тараққиётта йўл очиш учун энг аввал иқтисодиётдаги монополизмни тутатиш зарур, чунки монополия ўз табиатига кўра ишлаб чиқаришда турғунлик пайдо қиласи, ҳукмрон мавқеига таяниб, харажатларни камайтирмай, фойда кўриши мумкин, рақобатнинг йўқлиги ёки заифлигидан фойдаланиб, бозорда ўз ҳукмронлигини ўтказиши мумкин. Монополия турғунликни юзага чиқаради, ташаббусни чегаралайди. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти у билан чиқишига олмайди.

Бозор иқтисодиётининг яна бир белгиси — нархларни либераллашуви, яъни нарх-навонинг эркин ташкил топишидир. Товарлар нархини давлат юқоридан белгиламайди. Нарх айрим ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи тазиёки остида шаклланмайди. Нарх бозордаги талаб ва таклифга қараб, харидор билан сотувчнинг савдолашувига асосан юзага келади. Бозор муносабатларига келишилган нархлар хизмат қиласи. Нарх пул билан ўлчанади. Бозор иқтисодиёти пулсиз бўлиши мумкин эмас. Пул иқтисодий муносабатларнинг асосий воситаси бўлиб, иқтисодиётда ўта муҳим рол ўйнайди. Пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу ҳақда кейинроқ бағафсил тўхталамиз.

Бозор иқтисодиётида, унинг иқтисодий механизмида рақобат асосий ўрин тутади. Рақобат иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг ўзгаларнидан алоҳидалашган манфаатини билдиради. Лекин бу манфаат йўлида кураш қоидаларига риоя қилиш шарт ҳисобланади. Манфаатларни юзага чиқаришнинг бирдан-бир йўли рақобатбардош ва жамият учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришдир. Рақобат моддий ва меҳнат ресурсларини кам сарфлаган ҳолда уларни самарали ишлатиб, кўплаб ва сифатли товар ишлаб чиқаришга унрайди. Шунинг учун ҳам рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи воситадир. Рақобат иқтисодиётни тартибга солувчи ва назорат қилувчи куч ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётида рақобатга хос бўлмаган муносабатлар ҳам чиқади. Масалан, маркетинг (бозорни

ўрганиш) орқали ишлаб чиқариш билан истеъмол боғланади. Бунда сотувчи билан харидор рақобати ўрнига ўзаро маъқул алоқа ўрнатилади. Харидорга керакли товар етказиб берилади, нарх эса сотувчи учун қулай бўлади. Бу ерда манфаатларни уйғунлашуви юзага чиқади. Ишчиларни ўзаро иш ўрни учун, хўжайнинг эса ишчиларни ишга ёллаш учун кураши ўрнига уларга иш топиб бериш, яхши иш билан таъминлаш муносабати пайдо бўлади. Масалан, фирма ишчига янги касбни эгаллашга моддий кўмаклашади, токи у ишсиз қолганда кўчада қолиб кетмай, янги ишга жойлаша олсин. Давлат иқтисодий субъектлар муносабатига аралашиб, уни тартибга солади, қулай йўли билан монополияни чеклайди, рақобатни ҳалол боришини таъминлайдиган қоидаларни жорий қиласди. Индивидуал мулк эгалари ўзаро курашавермай, акционерлик (ҳиссадорлик) жамиятларига бирлашадилар, натижада уларнинг манфаатлари умумий бўлиб қолади. Бозор иқтисодиётининг субъекти бўлган ишчилар ҳам акция сотиб олиб, мулк эгасига айланадилар. Фойда кўриш борасида уларнинг манфаати капитал эгаларининг манфаати билан яқинлашади. Демак бозор иқтисодиётида рақобатдан ташқари ҳамкорлик муносабатлари ҳам мавжуд. Бозор иқтисодиёти ўзининг регуляторига эга. Бозор регуляторлари — бозордаги ўзгаришни ишлаб чиқаришга етказиб, унинг бозорга мослашувини таъминловчи воситалардир. Улардан энг муҳими бозор нархларидир. Нарх ошибб, товарлар тез сотилса фойда кўпаяди, улар кўпроқ ишлаб чиқарилади. Товарларни нархи пасайиб, улар яхши ўтмаса, ишлаб чиқаришни қисқартириш ёки ундан бутунлай воз кечиш керак бўлади.

Бозор муносабатларининг ҳар бир субъекти (корхонами, давлатми, айрим кишиими, бунинг аҳамияти йўқ) ўз манфаатини кўзлаб фаолият кўрсатади. Аммо у кўркўона хоҳлаган ишини қила олмайди. У бозор билан ҳисоблашишга мажбур, акс ҳолда иши юришмайди, даромад топмайди, хонавайрон бўлади. Ишлаб чиқарувчига ҳам, истеъмолчига ҳам, нима қилиш кераклигини бозордаги нарх кўрсатади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналишга эга, лекин бу унинг ўз табиатидан келиб чиқмайди, балки унинг аралаш иқтисодиёт тарзида ривожланиши натижасидир. Мулкчиликнинг турли шакллари, меҳнаткашларни мулк эгасига айланиши, ишлаб чиқаришни ривожлантирища

давлат секторининг мұхим рол ўйнаётгани каби ҳодисалар аралаш иқтисодиётта хоски, улар ижтимоий қафолаттарни юзага чиқаради.

Аралаш иқтисодиёт нима дегани? АҚШ ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси шу нарасдан далолат беради, реал иқтисодий тажрибада «Соф бозор», «Соф бозор иқтисодиёти»нинг бўлиши мумкин эмас. Чунки, ҳар қандай жамиятда ҳам ҳалқ манфаатларини ифода этувчи давлат ҳамма нарсани, яъни жамият тараққиётининг ижтимоий ва хўжалик жиҳатларини ўз ҳолига, бозор стихиясига тўла-тўқис ташлаб кўя олмайди. Мамлакат ҳаётининг кўплаб муаммоларини давлатнинг аралашувисиз ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун бозор кучлари билан давлат иштирокининг аралашуви натижасида аралаш иқтисодиёт тизими пайдо бўлади.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос ижтимоий адолат қоидлари бор. Иқтисодиётдаги ресурсларни, уларнинг самарасига қараб ишлаб чиқилган товарлар ва хизматларни тақсимлаш ва шунга мос равишда даромадга эга бўлиб, юқори фаровонлик даражасига чиқишига интилиш адолат ҳисобланади. Аммо адолат тамойили ҳаммани бир қилиш эмас, балки жамиятни табақалашувини билдиради. Иқтисодий субъектлар меҳнатига, унинг самарадорлигига, ишбилармонлигига ва мулкига қараб бир-биридан фарқланади.-Шу сабабли уларнинг даромади, турмуш даражаси ва жамиятдаги мавқеи бир хил бўлмайди. Табақаланиш бойларга хавас қилиб, улардай бўлишга интилишни ҳосил қиласди. Бозор иқтисодиёти шундай иқтисодий муносабатларки, улар ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантирувчи кучни юзага чиқаради. Бозор регуляторлари моддий, меҳнат ва молия ресурсларини керакли товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш томон буради. У беҳуда меҳнат сарфини тан олмайди, аксинча, унга йўл қўйганларни иқтисодий жиҳатдан жазолайди, яъни улар зарар кўради.

Бозор иқтисодиёти мослашувчан тизимдир. У шароит ўзгаришига дарҳол жавоб беради, нима етишмаса, шуни ишлаб чиқаришни таъминлайди. Унинг мұхим томонларидан бири новация (янгилик)га мойиллигидир. У фан-техника, технология янгиликларини дарҳол қабул қиласди. Янги товарларни ишлаб чиқаришни, янги технология ва бошқариш усусларини жорий этишни таъминлайди. Чунки бу рақобатда ютқазмаслик, яхши фойда кўриш, бойлик ва обрў-эътибор ортириш шарти бўлиб хизмат қиласди. Бозор иқти-

содиёти товарлар ва хизматлар тўкинчилигини юзага келтиради. Улардан энг яхшисини танлаб олган ҳолда эҳтиёжни қондириш имконини беради.

Аммо бозор иқтисодиётини ҳамма дардга даво деб, уни ҳаддан ташқари олқишилаш фикридан йироқмиз.

«Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига — деб ёзади И. Каримов — тик кўз билан реал қараш керак. Бозор иқтисодиётининг ижобий томонинигина эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билиш керак»<sup>1</sup>.

Гап бозор иқтисодиётига ўтиш даврида рўй берадиган салбий — ижтимоий-иктисодий ҳодисалар устида бормоқда. Ўтиш даври инқирозга юз тутган маъмурӣ-буйруқбозлиқ тизими билан эндиғина тета-поя бўлиб келаётган эркин бозор иқтисодиёти ўртасидаги, бошқача қилиб айтганда, инқирозга учраган, лекин йўқ қилиб ташланмаган буйруқбозлиқ тизими билан эндиғина туғилган, бироқ ҳали жуда заиф бозор иқтисодиёти ўртасидаги куаш даври бўлмай иложи йўқ.

Бозор иқтисодиёти миллионлардан иборат ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг фаолияти бўлганлигидан унга тарқоқлик ва худбинлик ҳам хосдир. У ўзўзидан давлат ва жамоатчилик иштирокисиз табиатни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни таъминлаш каби муаммоларни ҳал этмайди. Жамият учун зарур бўлган, лекин харажатлар қайтими секин бўладиган, катта маблаг талаб қиласидиган иншоотлар ва биноларнинг қурилишини рафбатлантирумайди. Дарҳол, фойда келтирумайдиган, лекин илм-фан келажаги учун муҳим бўлган фундаментал (назарий) изланишларни ҳам рафбатлантирумайди.

Бозор иқтисодиёти тизими шунингдек:

— фуқоролар ўртасида кескин тенгсизликни келтириб чиқаради;

— ижтимоий зарур товарларни ишлаб чиқаришни эмас, балки пули бор одамнинг талабини қондириш учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришга мояиллигини ҳамиша намоён қиласиди;

— инфляция (пулнинг қадрсизланиши) жараёнларини бошидан кечириб туради.

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли». Тошкент: 1992, 45-бет.

### **3. Эҳтиёжларни қондириш — иқтисодиётнинг бош вазифаси. Талаб ва таклиф**

Инсон бу дунёда яшар экан, унинг турли-туман эҳтиёжлари мавжуд. Айнан ана шу эҳтиёжлар уни ўқишга, касб ўрганишга, ўз малакасини оширишга, меҳнат қилишга ва ҳаттоқи шаҳарма-шаҳар юришга, турар жойини, айрим ҳолларда ўз касбини ҳам ўзгартиришга ва бошқаларга мажбур қиласи.

Кишиларнинг эҳтиёжлари бошқа биологик жонзодлардан фарқли ўлароқ фақат озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжлар билан чегараланиб қолмайди. Улар ниҳоятда хилма-хил, доимо ўзгарувчан ва юксалувчандир.

Инсон эҳтиёжларининг чеки ва поёни йўқ, деса бўлади. Шунинг учун ҳам эҳтиёжларнинг юксалиб бориши деган умумиқтисодий қонун мавжудлиги ва унинг барча ижтимоий-иқтисодий босқичларда амал қилиши аллақачон исботланган.

Эҳтиёжларнинг хилма-хиллиги ва доимо ўзгариб туриши уларнинг биринчи хусусияти бўлса, иккинчи хусусияти уларнинг доимо ўсиб, ортиб боришидир. Ана шу ҳар икки хусусияти билан эҳтиёжлар жамият тараққиётининг асосини ташкил қиласи.

Эҳтиёжларни шартли равишда икки турга бўлиш мумкин. Уларнинг биринчиси моддий эҳтиёжлар бўлса, иккинчиси маънавийдир.

Моддий эҳтиёжларга кишиларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, ўй-рўзгор анжомлари, транспорт воситалари, дори-дармон ва бошқаларга бўлган эҳтиёжлари киради.

Маънавий эҳтиёжлар эса билим олиш, малака ошириш, санъат асарларидан баҳраманд бўлиш, туристик саёҳатларга чиқиш, зиёратгоҳ жойларни бориб кўриш, дам олиш, узоқ умр кўриш ва ҳакозолардан иборатдир.

Моддий эҳтиёжларни ҳам, маънавий эҳтиёжларни ҳам қондириш учун кишилар меҳнат қиласидар ва ана шу меҳнат натижасида топилган даромадлар ҳисобига ўзлари учун зарур бўлган товарлар ва хизматларни сотиб оладилар. Демак, одамларда яна бир хил эҳтиёж борки, уни меҳнат қилишга бўлган эҳтиёж ёки меҳнат эҳтиёжи деб айтиш мумкин.

Ижтимоий нуқтаи назардан кишиларнинг эҳтиёжлари орасида уларнинг меҳнат қилишга бўлган эҳтиёжлари энг муҳимиmdir. Зеро айнан ана шу эҳтиёжлар туфайли одамлар меҳнат қиласидар, ўз билим ва мала-

каларини доимо ошира боришдан манфаатдордирлар. Айнан ана шу эҳтиёжлар туфайли улар меҳнат жамоаларига бирлашадилар, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бирламчи бўғинлари (корхона, фирма ва ҳ.к.)лар пайдо бўлади, савдо ва тижорат ривожланади.

Кишиларнинг меҳнат қилишга бўлган эҳтиёжлари туфайли янги иш ўринлари ташкил топади, янги ерлар ўзлаштирилади, меҳнат фаолиятининг янги турлари пайдо бўлади.

Ўз ризку-насибасини меҳнатдан топишни билган ҳолда амалга оширилаётган фаолият инсонларнинг нафақат моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласди, балки ана шу фаолият туфайли улар жамиятда ўз обрў-эътиборларини топадилар, шон-шуҳрат орттирадилар.

Биз, эҳтиёжлар жамият тараққиётининг асосини ташкил этади, деган фикрни юқорида билдирган эдик. Бу фикрни тасдиқлаш учун шуни кўрсатиб ўтиш кифояки, одамлар хоҳ якка тартибда меҳнат қилмасин, хоҳ жамоага бирлашган ҳолда ўз меҳнатларининг унумдорлиги ва самарадорлигини муттасил ошира боришдан манфаатдордирлар. Чунки, унумли ва самарали меҳнатдан улар кўпроқ даромад оладилар ва ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондирадилар. Шу сабабли ишлаб чиқариш доимо ривожланиб, такомиллашиб боради.

Шундай қилиб, эҳтиёжлар жамият миқёсида иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва уни ривожланишига хизмат қилувчи қудратли омиллар. Шу билан биргалиқда эҳтиёжларни қондириш иқтисодиётнинг бош вазифасидир. Ҳар қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жамият аъзоларининг у ёки бу эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Жамиятнинг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини одатда талаб деб юритилади. Ана шу эҳтиёж (ёки талаб) ўз навбатида таклифни юзага келтиради. Таклиф бу муайян эҳтиёжларни қондириш мақсадида бозор учун ишлаб чиқариладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг йигиндисидан иборат.

Талаб билан таклифни учрашган жойини бозор деб юритилади. У ерда икки хил иштирокчилар мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар, иккинчиси эса уларни харид қилувчилар ёки истеъмолчилардир.

Истеъмолчиларнинг бозордаги ҳаракати бирон-бир товарга талаб шаклида намоён бўлади. Бу талабнинг

асосида истеъмолчиларнинг эҳтиёжи ётади, яъни талабни эҳтиёж юзага келтиради. Бироқ ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Ҳақиқий аниқ талабни юзага келтирувчи эҳтиёж — бу тўловга қодир бўлган, яъни пул билан таъминланган эҳтиёждир. Масалан, кимнингдир телевизор сотиб олиш учун эҳтиёжи бўлса-ю, зарур миқдорда маблағи бўлмаса, истаги рўёбга чиқмайди, яъни унинг мазкур эҳтиёжи бозордаги таклифни шакллантирмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бир томондан ҳамма турдаги ресурслар чекланган бўлиб, иккинчи томондан инсоният эҳтиёjlари сифат ҳамда миқдор жиҳатдан доимо ўсиб боради. Бу ҳол ўз навбатида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди. Зеро, товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўrsатувчилар бундай шароитда меҳнат қуроллари ва ишлаб чиқариш усувларини такомиллаштириш, товарлар ва хизматлар доирасини кенгайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш йўлларини излашга мажбурдирлар.

Талабнинг ҳажми харидорлар муайян вақт давомида сотиб олишни истайдиган товарлар миқдорини билдиради. У мазкур товарнинг баҳоси ва бошқа товарлар (истеъмол хоссаларига кўра бир-бирини тўлдирадиган ёки муқобил товарлар) баҳосини, шунингдек харидорларнинг даромадлари ҳамда товарга қўядиган ўзига хос талабларини ўз ичига оладиган бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Товарга бўлган талабнинг ҳажми билан ҳақиқатда харид қилинган товар бир-биридан фарқ қилиши кепрак. Одатда, бозорга чиқсан товарнинг сифати ва унинг баҳоси ҳамма вақт ҳам харидорни қониқтиравермагани туфайли харид қилинган товарлар йигиндиси ҳақиқий талабга нисбатан камроқ бўлади. Бу табиий ҳол, чунки ҳар қандай харидор ҳам юқори сифатли товарни, ҳам арzonроқ баҳода харид қилишга қизиқади. Модомики, ана шундай товарни харидор бозорда топмаган экан, у ўз эҳтиёжини қондирishни вақтинча кечикитиради.

Талаб билан таклифнинг нисбатига товар баҳоси катта таъсир кўrsатади. Фикримизнинг далили сифатида қўйидаги жадвални келтирамиз. Унда бирон-бир ташкилот ёки муассасада ташкил этилган бутерброд савдосига тегишли талаб шкаласи келтирилган.

<b>Бир донасинг нархи, сўм</b>	<b>Талаб</b>
10	200
15	185
20	130
25	90
30	70
35	55
40	45
45	35
50	25

Кўриниб турибдикি, харидорлар бутерброд нархи қиммат бўлганига қараганда, арzon бўлганида қўпроқ миқдорда сотиб оладилар. Бунинг сабаблари қуида-гилардан иборат:

- арzon нархда бўлган товарни қўпроқ одамлар қўпроқ миқдорда сотиб олишга жазм қиласадилар;
- нарх арzon бўлса одамларнинг бир қисми бошқа товардан кўра (масалан, хот-дог ёки беляшидан) бутербродни афзal кўрадилар. Бинобарин, унга талаб ошади.

Нарх қиммат бўлса, одамларнинг бир қисми бутерброд ўрнига бирор бошқа маҳсулот сотиб оладилар.

Хўш, битта одам нечтагача бутерброд сотиб олиши ва истеъмол қилиши мумкин? Агар арzon бўлса, бирор киши 5 тагача ейиши мумкин, аммо, бора-бора шундай бир чегарага етамизки, бундан бўён нарх қанча арзонлаштирилса ҳам, ҳар бир навбатдаги бутерброддан лаззатланиш камайиб боради. Бу фақат бутербродга эмас, балки бошқа маҳсулотларга ҳам тегишли. Кўз тўйган сари товар ёки хизматдан олинадиган қониқиш камая бошлайди. Бу меъёрий нафликтнинг пасайиб бориши деб аталади. Нафлийлик деганда товардан ўз нафсонияти учун фойдаланиш тушунилади. Меъёрий нафлийки пасайиб бориши товарнинг охирги улуши олдингисига қараганда камроқ завқ бағишилайдиган вазијатни акс эттиради.

Бозордаги талаб ва таклифнинг нисбатига таъсир кўрсатувчи омиллар кўп. Бироқ уларнинг ичида энг муҳим ва ҳал қилувчи омил аҳолининг сотиб олиш қобилияти ҳисобланади. Бу қобилиятнинг даражасига эса авваламбор мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, ялпи ижтимоий маҳсулотнинг ҳажми, ойлик

ва маошларнинг, нафақа ва стипендияларнинг миқдори ва бошқалар таъсир кўрсатади.

Талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат инсон-ҳоҳиш иродасига боялиқ бўлмаган ёки илмий тилда объектив деб юритилувчи сабаблар туфайли ҳам ўзгариб туриши мумкин. Масалан, об-ҳавонинг нокулай келиши натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари камроқ етиширилса, ўша йили бу маҳсулотлар таклифи ҳам пастга тушшиб, уларнинг бозордаги баҳоси ортиб кетади. Акс ҳолда, яъни қулаг об-ҳаво шароитлари уларни кўпроқ етиширишга сабабчи бўлади, бинобарин таклиф ортади ва нарх-наво пасаяди.

Товар ва хизматларга бўлган талаб ўзгарувчан бўлиб, нархлар барқарор бўлишига қарамай, у ўзгариши (ўсиши ёки пасайиши) мумкин.

Нарх ўзгармаган ҳолда талабнинг ўсиши ёки камайиши қуйидаги сабаблар туфайли содир бўлиши мумкин. Иккита товар бир хил талабни қондиришга мўлжалланган бўлса, улар бир-бирини ўрнини босувчи товарлар деб аталади. Бинобарин, бир товар нархининг ўзгариши иккincinnига бўлган талабга таъсир қиласди. Қора рангли пойафзал нархини оширилиши натижасида одамлар қора ўрнига жигарранг пойафзални кўпроқ сотиб оладилар, бу эса нархи ўзгармаган ҳолда жигарранг пойафзалга талаб ошиб кетишини билдиради ва аксинча.

Кўпинча товарлардан биргаликда фойдаланилади. Масалан, пойафзал билан пойафзал мойи бир-бирини тўлдиради. Пойафзал нархининг ўсиши ва бинобарин, пойафзалга талабнинг пасайиши албатта пойафзал мойига талаб камайишига олиб келади.

Нарх ўзгармаган ҳолда товарга талабнинг ўсиши ёки камайишига яна қуйидаги омиллар таъсир қиласди.

— Атроф-муҳитдаги ўзгаришлар. Масалан, ҳавонинг одатдагидан иссиқроқ келиши сабабли музқаймоқقا талаб ошади.

— Товарлар нафлиилигининг ўзгаришлари. Масалан, музқаймоқнинг саломатлик учун фойдали эканлиги ҳақида реклама эълон қилиниши одамларнинг унга эътиборини оширади.

Бироқ товар ва хизматларга бўлган талабнинг ўзгаришига асосий таъсир кўрсатувчи омил уларнинг нархи ҳисобланади. Нарх пасайган сари талаб ортади ва у ортиши билан талаб камаяди. Масалан, кимёвий усул билан кийимларни тозалаш нархи қанча юқори бўлса,

шунча камроқ одамлар бу хизматдан фойдаланадилар. Мадомики, бу хизматларнинг нархи пасаяр экан, ундан кўпроқ одамлар фойдаланадилар.

Демак, товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ўз товарлари ва хизматларига кетадиган сарф-харажатларни камайтириш орқали талабни ўсишига таъсир кўрсатадилар. Бу хол мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун жуда муҳим ҳисобланади.

## П Б О Б.

### МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА УНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ


#### 1. Макроиқтисодиёт

Инсон ва жамиятнинг фаолияти учун маълум шартшароитлар, яъни озиқ-овқат, кийим кечак, туарар-жой, транспорт воситалари, тиббий хизмат ва бошқа товарлар ва хизматлар зарур. Бундай шарт-шароитлар хўжалик юритувчи субъектлар (корхона ва ташкилотлар, бошқарув идоралари, уй хўжалиги ва бошқалар) фаолияти натижасида яратилади. Улар мавжуд табиий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланган ҳолда турли-туман товарлар ва хизматларни узлуксиз ишлаб чиқарадилар, айирбошлайдилар, тақсимлайдилар ва истеъмол қиласадилар. Шундай тарзда улар маълум иқтисодий муносабатларга киришадилар. Бу муносабатларнинг хусусиятлари кўп жиҳатдан мулкчилик шаклларига боғлиқ.

Тарихий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, жамиятнинг иқтисодий тизими мулкчиликнинг қандайдир бир шаклига (хусусий мулкка ёки давлат мулкига) асосланган тақдирида иқтисодий барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш имкониятлари чекланиб қолади. Шунинг учун ҳам аралаш иқтисодий тизимни шакллантириш ва ривожлантириш жаҳоннинг барча мамлакатларига хос бўлган йўналиш ҳисобланади. Бундай тизим шароитида давлат тақсимот ва қайта тақсимот жараёнларида кенг ваколатларга эгадир.

Ҳар қандай иқтисодий тизимда товарлар ва хизматларнинг такрор ишлаб чиқариш умумий жараёнини иқтисодий ресурслар, товар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг доиравий айланиши кўринишида тасаввур

қилиш мумкин. Асосан хусусий мулкка таянган иқтисодий тизимда бундай доиравий айланиш корхоналар ва уй хўжалиги ўртасида амалга оширилади (1-чизмада акс эттирилган).



1-чизмада. Иқтисодий ресурслар, товар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг асосан хусусий мулкка таянган иқтисодий тизимдаги доиравий айланиши.

Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, уй хўжаликлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча иқтисодий ресурсларни ресурслар бозорига етказиб берадилар, корхоналар эса бу ресурсларни сотиб олиб, турли хил маҳсулотларга, хизматларга айлантирадилар, ўз навбатида уларни тайёр товарлар ва хизматлар бозорига етказиб берадилар.

Жамият иқтисодий фаолиятини бошқаришнинг режали иқтисодиёт деб аталмиш маъмурий-бўйруқбозлик тизимида ресурслар, товарлар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг доиравий айланиши давлатнинг маҳсус ташкилотлари томонидан бошқарилади. Бундай бошқариш Давлат режа қўмитаси, моддий-техника таъминоти, меҳнат, нарх бўйича давлат қўмиталари, молия вазирлиги, марказий банк, савдо, майший, хизмат вазирликлари ва бошқа идоралар томонидан бошқарилади. Буни кўйидаги 2-чизмада кўришимиз мумкин.




2-чизмада Марказлашган режали тизимда ресурслар, товарлар, хизматлар ва даромадларнинг доиравий айланиси.

Кўриниб турибдики, режали иқтисодиёт шароитида ресурслар ва тайёр маҳсулотлар бозори вазифаларини давлат бажаради. Шу билан бир вақтда у хўжалик юритишнинг асосий субъектига айланади. Бу тизимда барча моддий, меҳнат ва пул оқимлари ҳаракати қатъий режалаштирилган, яъни Корхоналар ресурсларни қанча миқдорда, қаердан ва қандай баҳоларда олиши, қайси маҳсулотни қандай ҳажмда ишлаб чиқариши ва истеъмолчиларга қайси баҳода етказиб бериши, истеъмолчилар қанча миқдордаги даромадларга эга бўлишлари олдиндан белгилаб қўйилади. Агарда, бозор тизимида ресурслар, товарлар ва даромадлар талаби ва таклифи ўртасидаги мувозанат баҳолар ёрдамида ўрнатилса, режали тизимда аксинча, нархларнинг ўзи давлат томонидан белгиланади.

Аммо иқтисодиётда факат баҳо ёки давлат режаси ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларининг бир текис кечишини таъминлашга қодир эмас. Бозор тизимида

доимо қайтарилиб туралған иқтисодий инқизорзлар ва режали тизимнинг (собиқ СССР ва бир қатор социалистик давлаттарда) емирилиши буни яқын намоён этади. Шу билан биргә иқтисодиётни тартибга со- лишнинг бозор ва режа механизмларидан қўшиб фойдаланишга асосланган аралаш иқтисодий тизимнинг жаётийлигини жаҳон амалиёти тўла тасдиқлади.

3-чизмадан кўриниб турибдик, аралаш иқтисодий тизимда ресурслар, товарлар ва даромадларнинг узлуксиз ҳаракати бозор орқали давлат аралашуви билан



3-чизма. Ресурслар, товарлар ва даромадларнинг аралаш тизимда-  
ги доиравий айланиши.

- |  |                              |
|--|------------------------------|
| 1. Ер, меҳнат, капитал.                          | 9. Истеъмол харажатлари.     |
| 2. Ресурслар.                                    | 10. Сотицдан тушган даромад. |
| 3. Товар ва хизматлар.                           | 11. Ресурс харажатлари.      |
| 4. Товар ва хизматлар.                           | 12. Солиқлар.                |
| 5. Ресурслар.                                    | 13. Солиқлар.                |
| 6. Товар ва хизматлар.                           | 14. Харажатлар.              |
| 7. Товар ва хизматлар.                           | 15. Харажатлар.              |
| 8. Пуллик даромад (иш ҳақи, рента фоизи, фойда). | 16. Харажатлар.              |

таъминланади. Бунда ҳукумат ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг фаолиятини бевосита бошқармайди. Балки ресурслар ва товарлар бозорида ўзининг қатнашуви билан уларнинг иқтисодий фаолиятига қулай шароит яратади.

Ресурслар, даромад ва тайёр маҳсулотлар билан товар айирбошлишнинг хилма-хил ва кўп сонли барча жараёнлари иқтисодий жараёнлар деб аталади. Агарда бу жараёнлар узлуксиз ва бир текис кечәётган бўлса, бунда иқтисодий тизим барқарор ва мувозанатли деб тушунилади.

Аралаш иқтисодий тизим бошқаларга нисбатан афзал бўлса-да, амалда у ёки бу ресурснинг, товар ҳамда даромаднинг ортиқчалиги ёки етишмаслиги учраб турди. Умумий мувозанатнинг шу қаби бузилиш ҳоллари инфляция ва ишсизлик даражаларининг ўсишида, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини пасайишида намоён бўлади. Айтиб ўтилган ҳодисалар ва жараёнлар ижтимоий ишлаб чиқариш қатнашчиларнинг фаолиятига bogliq бўлмаган ҳолда содир бўлиши мумкин. Масалан, мамлакатга импорт қилинаётган нефть ёки дон маҳсулоти нархининг жаҳон бозорида ортиб кетиши, ёхуд мамлакат экспорт қиласига маҳсулотга талабнинг кескин пасайиб кетиши. Демак, ана шундай ҳодиса ва жараёнларни олдиндан кўра билиш ва олдинни олиш керак.

Мамлакат миқёсида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш билан уларни истеъмол қилиш ўртасида зарурий нисбат ва мувозанатни таъминлаш — энг муҳим макроиқтисодий вазифа бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай давлат иқтисодий сиёсатида бу вазифани ҳал этишга алоҳида эътибор берилади. Бироқ уни қай даражада ҳал этилиши амалдаги иқтисодий сиёсатнинг илмий асосланганлик ва самарадорлик даражасига боғлиқдир.

Аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, экологик мувозанатни таъминлаш, мамлакатнинг мудофаа қурратини ошириш — булар ҳаммаси макроиқтисодий, яъни бутун мамлакат миқёсида содир бўлувчи жараёнлар ва ҳодисалардир. Буларни ўрганувчи фани макроиқтисодиёт деб аталади.

Мамлакатнинг макроиқтисодий ҳолатини белгиловчи бир қатор кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари куйидагилардан иборат:

- ялпи ижтимоий маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий даромад;
- давлат бюджети тақчиллиги, инфляциянинг ўсиш (ёки пасайиш) суръати;
- ишсизлик даражаси ва ишсизлар сони, аҳолининг иш билан бандлик даражаси;
- аҳолининг моддий неъматлар ва хизматлар ис-

төмөли ҳажми, унинг жамғармалари, иш ҳақининг күйи миқдори ва бошқалар.

Бу кўрсаткичлар мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳолатини ифодалаб, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча қатнашувчилар (корхона, давлат, минтақа, тармоқ) ва уй хўжалиги фаолиятларининг натижаси сифатида аниқланади. Улар мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини, унинг ижтимоий-иқтисодий истиқболларини баҳолаш учун ишлатилади.

Ҳар қандай жамиятда иқтисодий жараёнлар натижасида миллий маҳсулот ва миллий даромад яратилади. Бу жараёнлар йиғиндиси ижтимоий ишлаб чиқариш деб аталади. Ана шу ишлаб чиқаришнинг самардорлиги қанча юқори бўлса, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва экологик муаммоларни ҳал этиш имкониятлари шунча кўпроқ бўлади.

Собиқ социалистик мамлакатларда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тор маънодаги тушунчаси қўлланилган. Бу тушунчага биноан ижтимоий ишлаб чиқаришга фақат моддий ишлаб чиқариш тармоқлари, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, моддий-техника таъминоти, савдо, транспорт ва алоқагина киритилган. Шу тармоқларда жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ялпи ижтимоий маҳсулот, уларда янгитдан яратилган маҳсулотлар миллий даромад деб аталган.

Ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишнинг тақрорланадиган жараёнини тақрор ишлаб чиқариш деб аталган. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бу тушунчаси шунинг учун ҳам тор маънодаки, у ўзига замонавий иқтисодиётда мухим ўрин тутувчи хизматлар яратиш ва истеъмол қилиш жараёнларини кўшмайди.

Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилган тушунчасига амал қилинади. Шу маънода ижтимоий ишлаб чиқариш — иқтисодиётнинг даромад яратувчи барча соҳаларидаги ишлаб чиқаришdir. Бу ерда моддий ишлаб чиқариш соҳаларидан ташқари пулли хизматлар кўрсатувчи тармоқлар (молия, суғурта, соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқалар) ижтимоий ишлаб чиқаришга киради. Шу сабабли бозор иқтисодиёти мамлакатларида яратилган ижтимоий маҳсулот таркибига товарлар ҳам, хизматлар ҳам, миллий даромадга эса то-

варларни сотишдан, хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар киритилади. Ижтимоий ишлаб чиқаришдан четда фақат бепул хизматлар кўрсатиш жараёнлари қолади. Чунки, бепул хизмат кўрсатувчи тармоқларда даромад яратилмайди ва ҳар қандай мамлакатда бу тармоқлар давлат бюджети ҳисобига фаолият кўрсатади.

Агар биз миллий иқтисодиётни шартли равища турли хил ресурсларни қайта ишлаб, жамият учун зарур бўлган маҳсулот ва хизматларга айлантирадиган, сўнгра уларни мамлакат ичкарисида қайта тақсимлайдиган, бир қисмини хорижга чиқарадиган улкан корхона кўринишида тасаввур этсак, ҳеч муболагасиз, унинг фаолиятини асосий кўрсаткичлари миллий ишлаб чиқариш ва миллий даромад кўрсаткичлари ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётнинг ўсишини белгиловчи бир қатор кўрсаткичлар мавжуд. Улар биз юқорида кўрсатиб ўтгандек, ялпи ижтимоий маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий даромад каби кўрсаткичлардир.

Уларнинг муттасил ортиб бориши шу мамлакат иқтисодий тараққиётининг барқарорлигини билдиради. Ва аксинча, камайиши мамлакат иқтисодиётидаги бекарорликдан дарак беради. Уларнинг муттасил камая бориши эса иқтисодиётнинг таназзулга юз тутганини билдиради.

Муайян бир давр, масалан бир йил ичиде мамлакат ҳудудида жойлашган корхоналарда ишлаб чиқарилган барча товар ва хизматлар қийматининг йифиндиси ялпи ижтимоий маҳсулот (**ЯИМ**) деб юритилади. Бу ерда корхоналарнинг қайси мамлакатларга тегишли экани ҳисобга олинмайди.

Ялпи миллий маҳсулот (**ЯММ**) эса мамлакатда ва унинг ташқарисида жойлашган миллий корхоналарда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматининг йифиндисидир. Уни куйидаги усул билан ҳисоблаш мумкин.

<b>ЯММ=ЯИМ+</b>	Шу мамлакат юридик ва жисмоний шахсларини хориждан оладиган фойда ва даромадлари	Хорижий инвесторлар ва ишчиларни шу мамлакатда олган фойда ва даромадлари
-----------------	--	---

Энди яна бир макроиқтисодий кўрсаткич, яъни ялпи ички маҳсулотнинг нима экани ва у қандай ўлчаниши

(ёки аниқланиши) хусусида тұхталиб ўтамиз. Мазкур күрсаткыч мұайян давр ичидә мамлакат ҳудудидаги миллий корхоналарда ишлаб чиқарылған товарлар ва күрсатилған хизматлар қийматининг йиғиндисидан иборат. Уни аниқлаш учун ялпи ижтимоий маҳсулотдан хорижий инвесторлар ва ишчиларни шу мамлакатда олган фойда ва даромадларини чегириб ташлаш керак бўлади.

Хўш, ялпи миллий даромад нима ва у қандай аниқланади?

Ялпи миллий даромад тайёр маҳсулотлар (товарлар) ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янгидан яратилған қиймат бўлиб, у ялпи ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмини ташкил этади. Ялпи ижтимоий маҳсулот қийматидан сарфланган ишлаб чиқариш воситалари, яъни моддий харажатларнинг қийматини чегириб ташланса, йиллик янгидан яратилған қиймат қолади. Бу мамлакатнинг ялпи миллий даромадини ташкил этади.

Биз юқорида кўрсатиб ўтган ва таърифлаб берган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ортиши ёки пасайиши мамлакат миқёсида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг қай даражада кўпайгани ёки камайганидан далолат беради. Бироқ бу кўрсаткичларнинг мутлақ ҳажми (миқдори)дан келиб чиқиб мамлакатдаги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, аҳолининг турмуш даражаси ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Масалан, Жаҳон банкининг маълумотларига қараганда, 1998 йилда Хинди斯顿да ялпи миллий маҳсулот ҳажми Швейцариянинг ялпи миллий маҳсулотидан 50 фоиздан зиёдроқдир. Аммо аҳолининг турмуш даражаси, жон бошига тўғри келадиган ЯММ бўйича, Хинди斯顿да Швейцарияга қараганда 90 марта паст даражада.

Хитой ялпи миллий маҳсулотининг ҳажми жиҳатидан жаҳонда 7-уринда турувчи мамлакатdir. Бироқ аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯММнинг ҳажми жиҳатидан у жаҳон мамлакатлари ичидә 145 ўринда туради.

Куйидаги жадвалда жаҳоннинг 3 гурӯҳ мамлакатларида аҳоли жон бошига яратилаётган ЯММ ҳақида маълумотлар келтирилган.

**1998 йилда аҳоли жон бошига тўғри келган ялпи  
миллий маҳсулот<sup>1</sup>**

(АҚШ доллари ҳисобида)

Ривожланган мамлакатларда	Ривожланаётган мамлакатларда	Мустақил давлатлар ҳамдустлиги мамлакатларида	
Швейцария 39980	Мали 250	Латвия	2420
Норвегия 34310	Судан 290	Россия	2260
Дания 33040	Уганда 310	Қозоғистон	1340
Япония 32350	Замбия 330	Украина	980
Сингапур 30170	Никарагуа 370	Грузия	970
АҚШ 29240	Ҳиндистон 440	Ўзбекистон	950
Австрия 26830	Покистон 470	Озарбайжон	480
Германия 26570	Сенегал 520	Арманистон	460
Швеция 25580	Индонезия 640	Қирғизистон	380
Голландия 24780	Хитой 750	Тоҷикистон	370

Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатлар билан ривожланган мамлакатлар ўртасида аҳоли жон бошига яратилаётган ЯММ бўйича тафовут жуда катта. Демак, аҳолининг турмуш даражаси ўртасидаги тафовут ҳам шу даражада, яъни 150 баробар ва ундан зиёдроқни ташкил қиласди. Масалан, Швейцария билан Мали мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келаётган ЯММни солишириб кўрсангиз, бу фикрнинг тўғрилигига ўзингиз икрор бўласиз.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан яна шу нарса кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига Тоҷикистон ва Қирғизистонга қараганда деярли 3 баробар кўпроқ ЯММ яратилмоқда ва у 1998 йилда 950 АҚШ долларини ташкил этди. Бироқ мамлакат миллий валютаси билан АҚШ долларининг харид паритетини ҳисобга олганда у 2400 доллардан ортиб кетади.

<sup>1</sup> Жадвал Жаҳон банки маълумотлари асосида тузилган.

## **2. Макроиқтисодий ўсиш омиллари**

Ҳар қандай давлат иқтисодий сиёсатида миллий иқтисодиётни ривожлантириш, яъни макроиқтисодий ўсишни таъминлаш бош вазифа бўлиб ҳисобланади. Зеро, давлат ўз олдига қандай вазифаларни ҳал этишини қўймасин пировард натижада уларни бажарилиши биринчи навбатда макроиқтисодий дараражадаги ўсишни таъминлашига боғлиқ. Мамлакат мудофаа құдратини мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг турмуш дарајасини кўтариш — булар ҳаммаси муайян макроиқтисодий ўсиш таъминланган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этилиши мумкин бўлган вазифалардир.

Мамлакат ялпи миллий маҳсулоти ва миллий даромадининг ўсиш суръатлари қанча юқори бўлса, умумдавлат ва умуммиллий вазифаларни ҳал этиш имкониятлари шунча кўпроқ бўлади.

Ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромадни ўсишини таъминлашнинг иккита усули мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси экстенсив ва иккинчиси интенсив усуllibардир.

Тараққиёт ва ўсишнинг экстенсив усули — янги ерларни ўзлаштириш, янги иш жойларни яратиш ва илгари иш билан банд бўлмаган меҳнат ресурслари (ишли кучи)ни ишлаб чиқаришга жалб қилиш йўлидир.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, экстенсив тараққиёт йўли кўпроқ ривожланаётган мамлакатларга хос йўлдир. Чунки бундай мамлакатларда ишлаб чиқариш кам ривожланган, табиий ресурслардан фойдаланиш дарајаси паст, иш билан банд бўлмаганлар аҳолининг талайгина қисмини ташкил қиласди. Бошқача айтадиган бўлсак, ривожланаётган мамлакатларда макроиқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятлари кенг ва кўп.

Интенсив тараққиёт йўли асосан ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, уларда янги ўзлаштириладиган ер ва табиий ресурслар, ишга жалб қилиниши мумкин бўлган инсон (меҳнат) ресурслари ҳам ниҳоятда чекланган.

**Хўш, интенсив тараққиёт ўзи нима?**

Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни илм-фан, техника ва технология соҳаларидағи энг янги ютуқларни жорий этиш орқали ошириш интенсив ривожланиш йўли (усули) ҳисобланади. Бу — тараққиётнинг

шундай йўлики, макроиқтисодий ўсишни таъминлаш мавжуд миллӣ ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш ҳисобига эришилади. Ҳар бир гектар ердан кўпроқ ҳосил олиниши, ҳар бир кв. метр ишлаб чиқариш майдонида кўпроқ маҳсулот тайёрлаш ёки хизмат кўрсатиш, ҳар бир ишчи ёки хизматчининг маълум вақт ичидаги кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатиши — булар ҳаммаси интенсив тараққиёт йўлини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва меҳнат сарфини камайтириш интенсив тараққиётнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Масалан, иссиқлик электростанциясида 1000 квт-соат электр энергиясини ҳосил қилиш учун 1000 кг кўмир ёки 300 кубометр газ ёқилади, дейлик. Илмий-техник ва технологик янгиликларни жорий этиш натижасида 1000 квт-соат электр энергиясини ҳосил қилиш (ишлаб чиқариш) учун ёқилғи харажатлари 2 баробар камайди, яъни 500 кг кўмир ёки 150 кубометр газни ташкил этди, дейлик. Демак, мамлакат электростанцияларида ёқилаётган ёқилғи (кўмир ёки газ) миқдорини кўпайтиргмаган ҳолда 2 баробар кўпроқ электр энергияси ҳосил қилиш мумкин.

Яна бир мисол келтирамиз. Пахта майдонларига экилаётган чигит нави шундайки, бир тонна пахтадан 320 кг тола чиқади, яъни толани чиқиши 32 фоизни ташкил этади. Селекция (уругчилик) соҳасида амалга оширилаётган изланишлар ва илмий-тадқиқот ишлари натижасида 35 фоиз тола чиқишини таъминлайдиган чигит нави яратилди ва пахта майдонларига экилди, десак, бу республика миқёсида қўшимча таҳминан 120 минг тонна пахта толаси олинганини билдиради. Агар 1 тн толани нархи жаҳон бозорида 1500 АҚШ долларини ташкил этадиган бўлса, ҳалиги 3 фоиз мамлакат хазинасига 180 млн доллар, қўшимча фойда келтирганини, ёки ЯММ нинг шунчага кўпайганини кўрамиз.

Макроиқтисодий ўсишни таъминлашнинг интенсив усули кўпроқ мамлакатнинг ақлий, илмий-техникавий салоҳияти билан боғлиқ бўлиб, унга таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар мавжуддир. Улар, хусусан, қўйидагилардан иборат.

— Оқилона иқтисодий сиёсат;

— Мамлакат иқтисодиётининг аҳволи ва молиявий имкониятлари;

— Ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси ва техник-технологик даражаси;

- Мәхнат ресурслари (ишчи кучи)нинг малакаси;
- Мәхнатни ташкил этиш даражаси;
- Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар ва ходимларнинг ўз мәхнат натижаларидан моддий манфатдорлик даражаси;
- Маркетинг хизматининг ҳолати, яъни қай дараҷада ташкил этилгани ва ҳ.к.

Биз макроиктисодий ўсиш омилларини умумий ҳолатда кўрсатиб ўтдик, холос. Реал иқтисодий жараёнлар, хўжалик ҳаёти шу қадар ранг-барангки, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг тайёр рецепти йўқ. Ҳар бир мамлакат ўзининг табиий-иқлимий шароитлари, ақлий ва илмий-техникавий салоҳияти билан бир-бираидан тубдан фарқ қилиши мумкин. Масалан, бир мамлакатнинг нефть захиралари ер остида 300—400 м чукӯрликда жойлашган бўлса, бошқа мамлакатда уни 3000—4000 м.дан қазиб олишга тўғри келади.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, макроиктисодий ўсишнинг ҳар икки усули (йўли) ҳеч қачон ва ҳеч қайси мамлакатда алоҳида амал қилмайди, балки доимо бир-бири билан ёнма-ён амал қилади. Мамлакат иқтисодиётининг тараққиёт даражаси қанча юқорироқ бўлса, экстенсив ривожланишнинг улуши шунча камроқ ва интенсив ривожланиш улуши шунча кўпроқ бўлади. Таниқли иқтисодчи олим А. Ўлмасовнинг маълумотларига қараганда, ривожланган мамлакатларда интенсив усул иқтисодий ўсишнинг 70—80 фоизини таъминлайди ва аксинча қолоқ мамлакатларда фақат 20—30 фоизини беради.<sup>1</sup>

Макроиктисодий ўсиш омилларидан оқилона фойдаланиш даражаси кўп жиҳатдан ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсатига боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Биз юқорида оқилона иқтисодий сиёсат иборасини ишлатганимизда айнан шу нарсани назарда тутган эдик. Зеро, мамлакат табиий ресурсларга қанча бой бўлмасин, унинг табиий-иқлимий шароитлари нақадар қулагай бўлмасин ва ишлаб чиқариш салоҳияти қанча юқори бўлмасин, давлатнинг иқтисодий сиёсати илмий асосларга таянган ҳолда пухта ишлаб чиқилган (яъни оқилона) бўлмаса, бундай мамлакатда миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам «Оқилона иқтисодий сиё-

<sup>1</sup> А. Ўлмасов. Иқтисодиёт асослари. Тошкент, «Мәхнат», 1997. 135-бет.

сат»ни иқтисодий ўсишнинг бош омили сифатида келтиридик.

Хўш, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ёки, бошқача қилиб айтганда, барқарор иқтисодий тараққиёт деганда, нимани тушунамиз?

Барқарор иқтисодий тараққиёт тушунчасининг талқинлари кўп. Бироқ улардан биттаси 1987 йилда БМТнинг атроф-муҳит ва тараққиёт масалалари бўйича комиссияси томонидан берилган бўлиб, ҳар томонлама мумтоз аҳамиятга эга деса бўлади. Ўша талқин бўйича, барқарор иқтисодий тараққиёт деганда келажак авлодларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун қолдириладиган имкониятларга путур етказмаган ҳолда, ҳозирги авлодларнинг эҳтиёжларини қондира оладиган тараққиётни тушунмоқ керак.

Тўғри, барқарор иқтисодий тараққиётга қўйилаётган бундай талабни бажариш ниҳоятда мушкул иш. Масалан, табиий ресурслар, хусусан ер ости бойликлари чекланган. Захираларини камайтиргмаган ҳолда улардан фойдаланиб бўлмайди.

Демак, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш тўғрисида гаи кетганда келажак авлодлар учун мерос қилиб қолдирилаётган имкониятларга иложи борича камроқ путур етказиш ҳақида ўйламоқ керак бўлади.

Оқилона иқтисодий сиёsat макроиқтисодий ўсишнинг бош омили эканини Ўзбекистон мисолида яқзол кўриш мумкин. Собиқ Совет Иттифоқи республикалари давлат мустақиллигини қўлга киритгач, уларнинг барчасида маълум сабабларга кўра иқтисодий тараққиёт орқага кетабошлади, яъни товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми камая бошлади. Бироқ Ўзбекистонда ана шу камайиш энг кам бўлди. 1992—1993 йилларда ялпи ички маҳсулот барча собиқ Совет Иттифоқи мамлакатларида ўргача 35,2 фоизга камайган бўлса, Ўзбекистонда 13,1 фоизга камайди холос. Ишлаб чиқаришнинг камайиши 1994 йилда 4,2 фоиз ва 1995 йилда 0,9 фоизни ташкил этган бўлса, 1996 йилдан бошлаб унинг ўсиши бошланди. 1997 йилда мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 1991 йилдаги ялпи ички маҳсулотнинг 88 фоизини ташкил этди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич собиқ Совет Иттифоқи мамлакатларида 55 фоизни ташкил этди, ёки, бошқача айтганда ялпи ички маҳсулот деярли 2 баробар камайди.

Макроиқтисодий ўсиш суръатлари мамлакатимиизда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича 1997 йилда

(олдинги йилга нисбатан) 5,2 фоизни ва 1998 йилда 4,4 фоизни ташкил этди.

### **3. Нарх-наво ва унинг турлари**

Нарх, илмий тил билан айтганда, товар қийматининг пулдаги ифодаси, қийматнинг бозордаги кўриниши бўлиб, хўжалик юритиш амалиётида у муҳим иқтисодий восита, омил ҳисобланади. Товарнинг яратилишида моддийлашган ва жонли меҳнатлар иштирок этиб, уларнинг мажмуаси қийматни билдиради. Лекин қиймат ҳар қандай меҳнат сарфи эмас, балки муайян эҳтиёжни қондира олгани сабабли бозорда тан олинган меҳнат сарфидир. Бозорда турли меҳнат сарфлари умумий, яъни ижтимоий зарур меҳнат сарфига келтирилади ва шу сарфнинг пулда ифодаланиши нархини ҳосил қиласди.

Нарх бамисоли барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради, нарх пасайиб кетса, товар бозори таназзулга учрайди, товар кераксиз бўлиб, уни бошқа товар билан алмаштириш ёки уни сифатини тубдан яхшилаш зарурлиги келиб чиқади. Нархнинг иқтисодий мазмунини англаб етиш учун у бажарадиган функция (вазифа)ларни кўриб чиқамиз.

1. Бозор мувозанатини таъминлаш. Нарх бозордаги талаб ва тақлифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради. Бозор нархи — бу мувозанат нархи бўлиб, икки нарсани таъминлайди. Биринчидан, бозорда ўтмай қолган товарлар тўпланмайди, улар сотилиб кетади. Иккинчидан, бозорда товар тақчилиги юзага келмайди. Айтайлик, бозорда эркаклар кўйлаганинг мувозанат нархи 500 сўмга teng. Бу дегани 500 сўм пули бор одам кўйлакни бозордан топа олади, уни қилириб юрмайди. Айни вақтда кўйлакни 500 сўмдан сотиб, фойда оладиган кишилар бу кўйлакни ишлаб чиқаришлари мумкин. Бу ерда нарх ишлаб чиқариш билан товар муомаласи ўртасида мувозанат ҳосил қиласди.

2. Ҳисоб-китоб ва ўлчов. Товарлар (хизматлар) ишлаб чиқариш учун қилинган сарф-харажат, ундан кўрилган фойда (зарар), бажарилган иш ҳажми маълум нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинади. Ишлаб чиқариш ва унинг натижаларини натурал-моддий ва қиймат-пул ўлчови бор. Натурал-моддий кўрсаткичларни таққослаб ёки умумий кўрсаткичга келтириб бўлмайди. Ма-

салан: 1м<sup>2</sup> газлама, 1м<sup>3</sup> газ, 1 квт-соат электр энергияси, 1 тонна пахта ва ҳоказо. Бундай қўсаткичларни жамлаш ҳам, умумий маҳражга келтириш ҳам мумкин эмас. Уларнинг умумий ўлчови пул, унда ифодаланган нарх бўлиши мумкин. Харажатсиз ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ёки банк иши бўлиши мумкин бўлмаганидек, ишлаб чиқаришда ҳам маълум нархда сотиб олинган ресурслар сарф этилади. Машина-механизм, ҳом ашё, ёқилги, ҳар-хил материал ва иш кучининг нархи бор. Уларнинг миқдорларини ўз нархига кўпайтирилса, қилинган харажатларнинг ҳажми келиб чиқади. Яратилган маҳсулот миқдорини унинг нархига кўпайтмаси ишлаб чиқариш ҳажмининг пулдаги ифодасини кўрсатади. Ҳисоб-китоб учун жорий ва таққосий нархлар кўлланади. Жорий нархлар амалдаги нархлар бўлиб, улар ёрдамида йил давомидаги ишлар ҳисобланади. Масалан: миллий маҳсулот экспорт-импорт ҳажми ва бошқалар. Миллий даромад, реал иш ҳақи ва реал фойданинг ўсиш динамикасини билиш учун эса таққосий нархлар кўлланилади.

3. Иқтисодий созловчилик вазифаси. Товар ишлаб чиқаришнинг бозор билан алоқаси нарх-наво орқали юз беради. Муайян ишлаб чиқариш харажатлари сақланган ҳолда нарх юқори бўлса, фойда ортади, нарх пасайса, аксинча, фойда камаяди, ҳатто зарар кўриш ҳам мумкин.

Фойда кўрган корхона ривожланади, кенгаяди, зарар кўрган корхона эса синади, ёпилиб кетади. Рақобатда сақланиб қолиш учун корхона бозордаги нарх даражасига мослашиши керак. Нарх ошса, ишлаб чиқариш кенгайтирилади. Капитал фойда яхши келган томонга қараб оқади. Товар кўнайиб, бозор тўйингдан сўнг, нарх пасаяди. Нархи сезиларли даражада пасайган товарларни ишлаб чиқаришдан келадиган фойда қисқара бошлайди. Капитални бошқа соҳага, яъни нархи юқори бўлган, бозори чаққон соҳага йўналтириш зарур бўлади. Нархдаги ўзгариш корхонани яхши ишлашга, харажатларни камайтирган ҳолда янгиликни ўзлаштиришга, яъни инновацияга ундайди. Нарх фирмаларни бозорбоп товарлар ишлаб чиқаришга мажбур қиласи, ишлаб чиқаришни тартибга солиб, товарларнинг рақобатбардошлигини оширишга рафбатлантиради. Нархларнинг созловчилик вазифаси мана шунда намоён бўлади.

4. Рақобат воситаси. Бозор иқтисодиётига хос нар-

са рақобатдир. Унинг турларидан энг муҳими нарх воситасида курашдир. Фирмалар ўз рақибларини енгиш, уларни бозордан сиқиб чиқариш учун нархни ўзгартириб турадилар. Харидорларни ўзларига оғдириб олиш учун нархларни пасайтирадилар, зарар кўрмасликлари учун товарларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларини қисқартирадилар. Лекин вақти келганда нарх харажат билан боғланмаган ҳолда камайтирилади. Шундай қилиб, нарх-навони талаб ва таклифдан келиб чиқиб, тез-тез ўзгартириб туриш рақобатда кенг қўлланади.

5. Ижтимоий ҳимоя. Аҳолининг камбағал ва ночор қатламларига товарларни арzonлаштирилган нархда сотиш амалиётда учраб туради. Бундай нархлар ижтимоий дотациялашган нархлар бўлиб, улар аҳолининг муайян қатламларини қимматчиликдан сақлаш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида қўлланади. Бу нархлар озиқ-овқат, кийим-кечак ёки дори-дармонга ўрнатилиши мумкин бўлиб, нархлар ўртасидаги тафовут давлат бюджети ёки ҳайрия жамғармалари ҳисобидан қопланади.

Дотациялашган нарх ижтимоий ҳимояни таъминласада, иқтисодий ўсишни одатда рағбатлантирумайди. Аммо мазкур нархлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаб туриш учун вақтинча зарур бўлади, сўнгра улар эркин бозор нархлари билан алмаштирилади. Шунинг учун аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бундай ҳимояга муҳтоҷларга юқоридаги манбалар ҳисобидан пул бериш мақсадгага мувофиқ бўлиб қолади.

Нархнинг иқтисодиётдаги ўрни бекиёс катта бўлганидан унинг ҳар бир туридан оқилона фойдаланиш тадбиркорлик учун муҳим аҳамиятта эга. Шунинг учун корхоналар ва фирмалар нарх белгилашга катта аҳамият берадилар. Улар ўзларининг нарх стратегияларини белгилашда қўйидаги мақсадларни кўзлайдилар:

- товар сотишини кўпайтириш;
- кўпроқ фойда олиш;
- ўзини муайян мавқенини сақлаб қолиш.

Товар сотишини кўпайтиришдан учта натижа кутилади:

а) товар сотишини кўпайтириш орқали бозорда ўз мавқенини ошириш, имкон бўлганда уни назоратга олиш;

б) ҳар бир товарни (товар бирлигини) сотишдан тушадиган фойдани камайишига рози бўлган ҳолда то-

варни күтпелб сотиш орқали келадиган ялпи фойдани ошириш;

в) товарни кўп сотиш натижасида унинг ҳажмига нисбатан савдо-сотиқ харажатларини қисқартириш.

Бозордан рақибларни суриб чиқариб, ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун фирмалар маҳсус нарх қўллайдилар, уни бозорга кириб олиш нархи ёки демпинг нарх деб аталади. Бу нарх рақиби синдиришга қаратилганлиги сабабли у давлат томонидан таъқиқланади. Шунинг учун фирмалар уни яширин қўллайдилар ва бу иш расмий нархнинг бир қисмини кечиб юбориш шаклида бўлади. Фирма нарх белгилаганда, одатда, юқори нарх ҳисобига фойда олишни мўлжаллайди. Аммо бу нархлар бозорда иш бериши учун рақобат чекланган, энг яхшиси монопол бозор бўлиши шарт. Мазкур бозорда товарнинг нархи эмас, балки унинг маркаси обрўли бўлиши ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Бу ерда талаб нархга боғлиқ бўлмайди, шу сабабли нарх қўтарилиши товар сотилишини кескин камайтирмайди.

Фирмалар нархдан ўз мавқеини сақлаб қолиш, рақобатдан бутун чиқиши учун ҳам фойдаланадилар. Бунда шароитни ҳисобга олиб, рақиб хатти-харакатини назарда тутиб, нархни тез-тез ўзгартириб туришга тўғри келади, акс ҳолда товар сотиш ҳажмини ва фойдани бир меъёрда ушлаб қолиш қийин бўлади. Нархларни қўллашда товар ишлаб чиқариш харажатлари ва рента-беллик даражаси, бозордаги талаб, уни ўзгариши ва ниҳоят, бозорда нарх билан рақобатлашувнинг қай ҳолатда экани ҳисобга олинади. Харидорнинг харид қобилиятига қараб, маълум давргача ўзгармайдиган, қатъий стандарт нархлар ёки ўзгарувчан нархлар қўлланилади.

Табиийки, харидорлар товарларнинг нархи ўзгаргани (аникрофи, ортганини) ёқтирамайдилар. Шу сабабдан товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчилар, ўз харажатларининг ўсган қисмини тежамкорлик ҳисобига қоплашга, аникроқ қилиб айтадиган бўлсак, искеъмолчига қулайлик яратиш билан боғлиқ харажатларни камайтиришга ҳаракат қиласидилар. Масалан, конфет нархи ўзгармаган ҳолда уни оддий қофозга ўраш, арzon пакетга жойлаш, қадоқлашни содда қилиш йўли тутилади, автобусда юриш нархи (кира ҳаққи) ўзгармагани ҳолда автобусдаги қулайликлар камайтирилади, унинг қатнови қисқартирилади, қатновга катта автобуслар чиқарилади.

Ўзгарувчан нарх белгиланганда, биринчидан, харжатларнинг, иккинчидан, бозордаги талабнинг ўзгариши ҳисобга олинади. Нарх оширилиб ёки пасайтирилиб турилади. Нархлар харид миқдорини ва харид вақтини ҳам кўзда тутади, товарлар кўп сотиб олинса, нархлар пасайтирилади. Мавсум бошида нархлар ошиб борса, мавсум охирида улар камаяди. Нархларни белгилашда истеъмолчининг руҳияти ҳам эътибордан четда қолмайди. Нарх сўм ва тийинларга қадар аниқликда қўйилганда харидор уни аниқ ҳисобланган, адолатли нарх деб ўйлади. Шу сабабли нархни умумлаштирумай, майдалаб белгилаш харидорга маъкул тушади. Масалан, харидор 5000 сўмлик товарни олишга қодир, ҳатто 5200 сўм бўлса ҳам уни олиши мумкин, лекин товар нархини 4986 сўм 70 тийин бўлгани унга маъкул тушади.

Харидор назарида ҳар доим товар нархи унинг сифатига мос бўлади. Шу сабабли нарх товар сифатидан кескин узоқлашиши мумкин эмас. Аммо нарх ва сифат алоқадорлигидан фойдаланиб, нархни ошириш имкони бор. Бунда сифат ўзгартмаган ҳолда нарх оширилади, сифат ёмонлашган ҳолда нарх сақланади ва ниҳоят, нарх сифатнинг яхшиланишига нисбатан кўпроқ оширилади.

Савдо-сотиқда преискурант нархлар ҳам ишлатилади. Бу нархлар сотувчи учун мўлжал нарх, харидор учун эса билдиргич ёки маълумотнома нарх бўлади. У фирмалар преискурантларида эълон қилинади ва товар нархининг қайси сумма атрофида бўлишини кўрсатади. Аммо ҳақиқий нарх преискурант нархдан юқори ёки паст бўлиши мумкин.

Товар ишлаб чиқаришдан истеъмолига етиб боргунча бир неча нархларга дуч келади. Дастлаб улар улгуржи нархларда сотилади. Улгуржи нарх ишлаб чиқарувчи томонидан катта миқдордаги товарларни бир йўла, кўтарасига харид этувчига сотилган пайтда қўлланиладиган нархдир. Улгуржи нархлар ишлаб чиқарувчи учун харажатларни қоплаш ва маълум миқдорда фойда кўришни таъминлайди. Бундай нархлар товар биржаларида, савдо уйларида ёки сотувчи билан харидорнинг бевосита алоқасида қўлланилади. Улар контрактлар шаклида бўлади.

Кантракт нарх ҳар иккала томонни розилиги билан белгиланади ва уларнинг шартномасида қайд этилади. Бу нарх контракт амал қилган даврда, одатда ўзгар-

майди. Мазкур нархлар кўпинча мижоз фирмалар ўргасида ҳам миллий, ҳам халқаро бозорда қўлтанилади.

Чакана нархлар билан истеъмол товарлари бевосита аҳолига сотилади. Чакана нархга ултуржи нарх, савдо қилувчи фирманинг харажатлари ва оладиган фойдаси киради. Чакана нарх савдо билан шугулланувчи фирманинг зарар кўрмай ишлаши, фойда кўришини таъминлаши зарур, акс ҳолда фирманинг фаолияти унинг учун нафсиз ишга айланади. Амалда чакана нархлар талаб ва таклифга қараб ўзгариши мумкин.

Давлатнинг нархларга аралашибдек фаолияти натижасида лимитланган (ёки чегараланган) нархлар ва дотацияли нархлар пайдо бўлади. Давлат нархларнинг юқори ва қуий чегарасини белгилайди, улар шу доирада ўзгариши мумкин. Бундай нархлар ёрдамида давлат пулнинг қадрсизланиши жараёнига таъсир ўтказади.

Дотацияланган нарх бу давлат бюджети ҳисобидан маҳсус арzonлаштирилган нарх бўлиб, уни бозор касод бўлганда фирмалар арzonлаштирган нархлар билан алмаштираслик керак. Дотацияланшган нархлар даромади паст оиласлар, бева-бечоралар, ишсиз ва ногирон кишиларни минимал даражада таъминлаб туриш учун ишлатилади. Давлат товарларни арzon сотганларга бюджетдан дотация беради. Маҳсус арzonлашган, дотацияли бўлмаган нархлар ҳам борки, уларни белгилашда фирмалар, хайри-эҳсон ташкилотлари қатнашадилар. Улар амалдаги нарх билан арzonлаштирилган нарх ўргасидаги фарқни ҳомийлик тарзида ўз ҳисобларидан қоплайдилар.

Бозор кўлами жиҳатдан олганда, минтақавий (худудий), миллий ва халқаро (байнамилал) нархлар мавжуд. Минтақавий нарх унга таъсир этувчи омилларнинг маълум ҳудуд доирасидаги таъсиридан ҳосил бўлади. У фақат маълум ҳудудий бозорга хос бўлади. Масалан, Ўзбекистонда қовун-тарвузнинг муайян жойларга (Намангандон, Андижон, Марғилон, Тошкент, Жizzах ёки Термиз) хос нархи мавжуд. Миллий бозор нархи маълум бир доирада амал қилувчи ва уларнинг хусусиятини акс эттирувчи нархdir. Масалан, лимон ёки апельсиннинг Греция, Италия, Марокаш, Кубага хос нархлари бор. Миллий нарх мамлакат доирасидаги ижтимоий сарф-харажатлар, миллий бозордаги талаб ва таклиф, товар нафлилиги, уни ўз жойидаги қадри-қиммати кабилар таъсири остида шаклланади. Халқаро нархлар товарни ишлаб чиқариш учун кетган сарф-харажатлар билан бир

қаторда унинг жаҳон андозаларига мослиги, жаҳон бозоридаги таклиф ва талабни ҳисобга олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида биз нархларнинг тез-тез ўзгариб туриши, аксарият ҳолларда уларнинг кўтарилиб туриши ҳодисасига дуч келмоқдамиз. Бу ҳодисага оддий табиий бир ҳол сифатида қараашдан бошқа илож йўқлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Зеро, жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлган ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётининг ажралмас бир қисми сифатида амал қилади. Бундай шароитда дунёнинг нариги чеккасидаги бирон-бир мамлакатда ишлаб чиқарилаётган нефть, газ, пахта ёки олтиннинг нархи ўзгарса, бу ўзгариш албатта, сиз билан биз яшаб турган мамлакатни ҳам четлаб ўтмайди.

Иккинчидан, табиий ресурслар, (кўмир, нефт ва газ, турли маъданлар)ни ер остидан қазиб олиш учун тобора кўпроқ сарф-харажатлар қилинади. Бунинг сабаби бу ресурсларнинг ер юзига яқин бўлган захиралари камая бориб, тобора чукурроқ катламлардан қазиб олишга тўғри келаётганидир. Сарф-харажатларнинг кўпайиши нархларни кўтарилишига олиб келади. Гап шундаки, масалан, темирли маъдан нархининг ортиши машина ва асбоб-ускуналар нархини кўтаради. Бу ҳол ўз навбатида бундай машина ва технологик асбоб-ускуналар ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқарувчи барча корхоналарда нархларнинг кўтарилишига олиб келади. Ёқилғи (кўмир, газ ва нефт маҳсулотлари) нархларнинг ортиши коммунал хизматлар (электр энергияси, иссиқ ва совуқ сувлар) учун тўланадиган ҳақларнинг ортишини келтириб чиқаради.

### III Б О Б.

## ТАДБИРКОРЛИК – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ОМИЛИ

### 1. Тадбиркорлик ва бизнес

Бозор иқтисодиёти тадбиркорлик ва бизнесга асосланган иқтисодиёт бўлиб, қаерда уларнинг ривожланиши учун кенг шарт-шароитлар яратилган бўлса, ўша ерда иқтисодий ўсиш суръатлари ва самарадорлик юқори бўлади.

Тадбиркорлик — ўз маблаглари ёки қарзга олинган

маблагларни бирон-бир ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасига сафарбар этиб, фойда олишга қаратилган фаолиятдир. Демак, тадбиркор бирон-бир иш билан шуғулланувчи инсон. Шунинг учун уларни бизнесменлар (инглизча *business* — иш, машгулот, шап — одам) ёки ишビルармонлар ҳам деб юритилади. Айрим туркий забон мамлакатларда, хусусан Туркияда, уларни иш одамлари деб аташади. Тадбиркорлар аввалимбор ўз манфаатларини кўзлаб фойда олишга интиладилар. Аксарият ҳолларда улар хатарли ишга кўл уришга тайёр бўлган, ташаббускор, ишнинг сиру-асрорларини биладиган, сергайрат, тиниб-тинчимас, иқтисодий жиҳатдан саводхон ва ҳуқуқий маданиятни эгаллаган инсонлардир.

Тадбиркорлик билан бизнес нафақат бу фаолият билан шуғулланувчи шахснинг ҳёти, моддий фаровонлиги ва маънавий камолоти учун, балки мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти ва келажаги учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, иқтисодиётнинг асоси ҳамиша моддий ишлаб чиқариш, яъни моддий бойликлар яратишдан иборат бўлиб қолади. Тадбиркорлик эса, одатдан ташқари, алоҳида, ўзига хос ёндашув билан амалга ошириладиган фаолият тури бўлиб, иқтисодиётда янги, қўшимча иш ўринлари яратади, янги маҳсулотлар (хизматлар) ишлаб чиқаради, маҳсулот бозорида рақобатни кучайтиради, бу билан нарх-навони пасайишига, савдо-сотиқ маданиятини кўтарилишига хизмат қиласи.

Собиқ иттифоқнинг ҳамма минтақаларида бўлганидек, 70 йилдан ортиқ муддатга узилиб қолган тадбиркорлик фаолияти Ўзбекистонда ҳам ўзининг анча бой тарихига эга. Ушбу асрнинг бошларида ва ундан анча олдинги замонларда тадбиркорлик билан бизнес (гарчи улар шу сўзлар билан ифодаланмаган бўлса ҳам) анча кенг ривожланган.

Етти иқлимга донғи кетган тадбиркор ажодларимиз ўз фаолиятларини аксарият ҳолларда «Буюк ипак» йўлида жойлашган бозорлар ва карвонсаройларда олиб борганлар. Лекин у замонлар тадбиркорлик табиати ва кўламлари жиҳатидангина эмас, балки ташкил этилишининг усул — амаллари, воситалари жиҳатидан ҳам бошқача бўлган. Тадбиркор кўнгли кенг, олди-сотди ишлари ва бошқа муомалаларда жуда ҳалол, қолаверса, ўз устиларига олган мажбуриятларини ўринлатиб бажарадиган кишилар бўлган.

Ўша замонлардаги тадбиркорларни яна бир хусусияти шунда эдики, улар ўз бошлиқларининг мол-дунёси, сармоясини кўпайтиришга интилиш билан бирга ўзга ўлкаларни кўриб билишга, у ерлардаги одамлар билан олди-берди алоқаларини ўрнатишга ҳам кўп ҳаракат қилишар эди. Шунга кўра ўз мол-дунёсини кўпайтиришни ўйлаш билан чекланиб қолмасдан, маданий ва маърифий ишларга ва умуман атрофдаги дунёга қизиқиб қарайдиган ташаббускор тадбиркорлар орасидан машхур кишилар етишиб чиқиб, кўпинча давлат раҳбарлари ва ҳокимларнинг маслаҳатчилари бўлиб қолганликлари ҳам тарихдан маълум.

Бироқ бир асрдан кўпроқ давом этган мустамлакачилик даврида ҳалқимиз бошига тушган кулфатларни энг ачинарлиси қулилк психологияси ва кайфиятининг шаклланиши, одамларнинг хусусий мулкка бўлган муносабатини ўзгариши ва ҳар қандай, айниқса иқтисодий ташаббускорликни бўғилиши бўлди. Ҳаттоқи, русларнинг «ҳар қандай ташабbus жазоланади» деган мақоли ҳаётий ҳақиқат мартабасига кўтарилди.

Эндиликда замон ўзгарди, замон билан бирга жамият ҳам ўзгариб бормоқда. Республика Президенти И. Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигига мамлакатимизда хусусий мулкни ривожланиши ва бунинг асосида одамларнинг тадбиркорлик фаолиятини кенг кўллаб-кувватлаш ва кенгайтиришга қаратилган бир қатор фармон ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди ва институционал тузилмалар ташкил этилди. Булар жумласига Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, «Мадад» сугурта агентлиги ва бир қатор консалтинг, лизинг ва инжиниринг компаниялари ва фирмалари киради. Хусусий тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришга бизнес-инкубаторлар тармоғи ҳам муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

Шундай қилиб, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, аҳолининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти ва бизнес билан шуғулланишга аҳд қилган кишилар учун қулай замин яратиш соҳасида анчагина ишлар амалга оширилди.

Аммо ҳамма ерда ҳам аҳвол ҳозирча кўнгилдагидек эмас, айрим чора-тадбирлар энди кучга кириб бормоқда. Масалан, муайян имтиёзлар дастлаб савдо-сотик,

хизмат кўрсатиши соҳалари ва маҳаллий саноатга қарашли корхона ва фирмаларнинг меҳнат жамоаларига берилган бўлса, эндиликда барча юридик ва жисмоний шахслар бу имтиёзлардан баҳраманд бўлишмоқда.

Тадбиркорлик ва бизнес мамлакатнинг ўзидағи ишлаб чиқаришга, жумладан, ундаги хом ашё, моддий, ақлий ва бошқа ресурсларга таянмайдиган бўлса, фикримизча, уни ривожланиши бир мунча қийин бўлали. Лекин хом ашё, ресурслари катта бўлмагани ҳолда яхши ривожланиб, равнақ топаётган мамлакатлар ҳам бор. (Масалан, Япония, Тайван ва бошқалар). Кичкинагина Тайван мамлакатининг ўз аҳолиси турмуш даражаси жиҳатдан энг ривожланган йигирмата давлат қаторига ўтиб олгани тасодифий эмас. Япония эса, кишиларни турмуш даражаси жиҳатдан олганда бундан олдинги 4—5 ўринларда туради. Бу даражага улар, аввалимбор, энг янги технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни барпо этиш, товарларни рақобатбардошлигини ошириш ва уларни кўпроқ хорижий мамлакатларда сотиш эвазига эришган. Ўзида темиррудаси хом ашёси мутлақо бўлмаган, бироқ ўнлаб мамлакатлардан уни дengiz ўйлари орқали импорт қилиб, қайта ишлаш натижасида пўлат ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгалашга эришган Жанубий Кореяning мисоли айниқса диккатга сазовордир. Улар етарли даражада ривожланган мамлакат бўлишига қарамасдан бирорларнинг кашфиётлари ва технологияларидан фойдаланишдан орқалишишмайди.

Демак, тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш ҳам четдан келтириладиган товарлар заҳираларини шакллантириш, ҳам мамлакатнинг ўзида уларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таянмоғи лозим. Лекин кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, четдан энг замонавий техника воситалари, илфор технологиилар ва мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилиши ҳозирча ўйлга кўйилмаган товарларни олиб келиниши мақсадга мувофиқдир.

Тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик ва қўшма корхоналар ташкил қилиш, фермер хўжаликларини тараққий эттириш, йирик ва ўрта корхоналарни очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантириш билан чамбарчас боғлиқ жараёндир.

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳамма мамлакатларда тадбиркорлик билан бизнесни ривожлантиришнинг зарур шарти хусусий мулкчиликдир. Лекин тадбиркор билан бизнесмен ҳамиша хусусий мулк эгаси бўлавермайди. Тадбиркорлар билан бизнесменлар орасида мулк эгалари билан бир қаторда менежерлар (ишлаб чиқариш ташкилотчилари) ва ишга астойдил берилган бошқа кишилар ҳам бор. Йирик мулк ва капитал эгалари бўлган тадбиркорлар билан замонавий билимларга эга бўлган менежерлар (бошқарувчилар)нинг хатти-ҳаракатлари ва ишбилармонлик фаолиятлари бирга қўшилиб, уйғунлашган шароитда айниқса юқори иқтисодий самараға эришиш мумкинligини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Тоталитар тартибот шароитларида ишбилармон, эпчил одамлар собиқ иттифоқда ҳам, Ўзбекистонда ҳам тадбиркор, бизнесмен бўлиш у ёқда турсин, балки бу сўзларни тилга олишга ҳам қўрқар эдилар. Давлат мулкчилигининг мутлақ ҳокимлигига асосланган иқтисодий тузум ижодкорлик ва ташаббускорлик кўрсатиш учун шароит яратиб бера олмас эди.

Ҳозирги шароитда тадбиркорликнинг асоси бўлмиш хусусий мулкчиликни ривожлантириш давр талабига айланган. Зоро, фақат шу йўл билан, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш, бозор муҳитини шакллантириш мумкин.

Тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш учун бошқа шарт-шароитлар ҳам бўлиши керак. Чунончи, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг барқарорлиги, тадбиркорлик ва бизнес хусусида ижобий ижтимоий фикр юзага келган бўлиши, имтиёзли солиқ тартиби, тадбиркорликни қўллаб-куватлайдиган ривожланган инфраструктура, ақлий мулкни ҳимоя қилувчи тизим ва ҳоказолар шулар жумласига киради.

Тадбиркорлар учун қулай кредит тизимини яратиш, уларга зарур ишлаб чиқариш воситалари, ҳом ашё, бутловчи буюмларни сотиб олиш имконини бериш керак. Бу масалаларда тадбиркорлар ҳозирча маълум қийинчиликларга учраб турибди. Мана шу қийинчиликларни енгиш ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш ҳозирги тадбиркорларнинг энг муҳим вазифаларига киради.

Ўзбекистонда бизнесни ҳали унча ривожланмаган лигининг сабабларидан бири — барча жамият аъзолари томонидан бу фаолиятнинг ижтимоий тараққиётдаги ролини тўла-тўқис тушуниб етилмаганидир. Унинг

Йўлидаги кўпчилик қийинчилик ва англашмовчиликларнинг асосий сабаби ҳам айнан шу нарсадир. Тадбиркорликнинг мазмуни товарлар, меҳнат ҳамда хизматларга бўлган талабларни қондиришдан иборат. Шундай экан, бу товарларни ишлаб чиқаришни шу бизнесменнинг ўзи ташкил қиласидими ёки у ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида воситачи бўлиб майдонга чиқадими, бунинг фарқи йўқ. Бизнесменни бозор иқтисодиётининг бошқа агентларидан ажратиб туралиган нарса унинг талаб ва таклиф орасида рўй берадиган ва келажакда рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни тез илғаб олиши ва ўз вақтида тегишли чора-тадбирларни кўришидир.

Ҳамма одамлар сингари бизнесменлар ҳам ҳар хил бўлади. Фақат ўзининг тирикчилигини таъминлаш билан қаноатланиб қолаверадиганлари ҳам бор. Лекин уларнинг кўпчилиги ўз тирикчилиги билан бир қаторда мамлакат тараққиёти хақида қайгурувчи, жамият аъзоларининг фаровон турмушини таъминлаш туйгуларига асосланиб фаолият кўрсатувчи инсонлар десак хато бўлмас.

Ҳақиқий бизнеснинг асоси тадбиркорлик фаолиятидир. Тадбиркор бўлиш деган сўзнинг тагида бирор ишни бошлаш, бажариш, уddaлаш, яъни тайин иш билан шуғулланиш деган маъно ётади. Ишни кичкинадан бошлаб кейинчалик бизнес соҳасига кириш, йирик тадбиркор бўлиб олиш мумкин.

Бироқ бизнесга «сирли таёқча» ёки «очил дастурхон» сифатида қараш ярамайди. Бизнес ўз-ўзидан муваффақиятта олиб боравермайди. Унинг заминида ҳамиша меҳнат, уddaбуронлик, моҳирлик, билимдонлик ва ташабbus ётади. Шу билан бирга бу фазилатларни ва хислатларни тўхтовсиз камол топтириб бориш керак бўлади. Ҳақиқий бизнесмен замонавий менежмент асосларини ҳам яхши билиши, ҳисботлар тизимини, баҳо сиёсатини тушунадиган, келажакни кўра биладиган бўлиши керак. Бизнес ҳозирги кунда халқаро тус олиб бораётганлиги учун юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари, бизнесмен учун чет тилларини билиш ҳам фойдалдан холи эмас.

Бизнес бир кунлик, бир ойлик, ҳатто бир йиллик иш эмас. Ҳақиқий тадбиркорлар ҳам бизнесга ўзининг бутун ҳаётини бағишлайди. Бизнес жозибадор, кишини қизиқтирадиган нарса. Лекин унинг йўли ҳамиша гулзорлар ичра ўтавермайди. Бизнесда муваффақият-

ларга эришиш билан бирга маълум қийинчилекларга ҳам дуч келинади. Шунга кўра кўп ҳолларда таваккал қилиш талаб қилинади. Лекин шунга қарамай бутун жаҳонда неча юз минглаб кишилар ҳар йили янги бизнесга киришиб, ўз «ишларини» бошлайдилар ва ўз мамлакатларининг миллий иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшадилар.

Бизнесга киришиб, ўз оиласининг фаровонлигини таъминлаш ва мамлакат тараққиётига ўзининг муносаб ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган кишилар қуидаги фазилатларга эга бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Биринчиси — ўз соҳаси бўйича назарий билимлар ва амалий қўникмаларга эга бўлишлик;

Иккинчиси — мамлакатда амал қилаётган қонунларни билиш ва уларга итоат этиш;

Учинчиси — юксак маданият, шу жумладан муомала маданияти, халоллик, ростгўйлик, ваъдага вафо қила олишлик;

Тўртингчиси — истиқболни, яъни эртанги кунни кўра билишлик ва янгиликка интилиш;

Бешинчиси — таваккал қилишдан қўрқмаслик ва сабр-тоқатли бўлишлик.

Тадбиркорликнинг ахлоқий қоидаларидан энг муҳими ҳалоллик ва ҳаромдан ҳазар қилишдир. Бу, ислом таълимоти бўйича, тадбиркорлик ва тижорат билан шуғулланувчилар учун қўлланиши шарт бўлган қоидадир. Куръони каримда «ҳалол ва покиза нафақа енглар ва солиҳ ишлар бажаринглар» деб буюрилган. Бу таълимотга кўра, меҳнатсиз қўлга киритилган луқма ҳаромдир. Тадбиркорлар ҳам ризку насибаларини ҳалол меҳнат билан топишлари шарт.

Мамлакат Президенти И. Каримов мустақилликнинг илк давридан бошлаб ҳалқимиз орасидан мулкдорлар синфини шакллантиришга жуда катта эътибор бергани маълум.

Давлат ва жамият қурилишида, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда тадбиркорлар ва мулкдорлар синфининг аҳамиятини таъкидлар экан, И. Каримов шундай деб ёзган эди: «Ўлкамизнинг ўзига хослиги, ишчи кучининг ҳаддан ташқари қўплиги, ривожланган қишлоқ хўжалик ва хом ашё базаси, ҳатто айтиш мумкинки, аҳолининг анъаналяри, руҳияти кичик ва оиласибий бизнесни, хусусий тад-

биркорликни фаол ривожлантиришни объектив зарурат қилиб қўймоқда.»<sup>1</sup>

Маълумки, Ўзбекистон демографик жиҳатдан ўзига хос мамлакат бўлиб, аҳолининг ўсиши жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирида туради. Шу билан биргаликда ўзининг яшаш ва ишлаш жойини ўзгартиришга майиллиги бўйича эса, жаҳон мамлакатлари ичida, назаримизда, охирги ўринлардан бирида туради, десак хато бўлмас.

Мана шу икки ҳолат мамлакатда, айниқса унинг қишлоқ жойларида меҳнат ресурслари, яъни меҳнатга лаёқатли кишилар сонини йилдан-йилга ортиб боришининг асосий сабабидир.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган ва бинобарин давлатнинг иқтисодиётни бошқаришга аралашуви тобора қисқара бораётган мамлакатимизда «ҳамма ерда ҳамма нарсани давлат ҳал қилади» деган андоза билан фикрлаш ва давлатдан янги иш ўринларини ташкил қилиб беришини кутиб ўтириш, юмшоқроқ қилиб айтганда, ақли расоликка кирмайди.

Ҳар бир инсон бу гўзал дунёга келиб, умргузаронлик қила бошлаптими, ўз ҳаётини ўзи ташкил қилиши, ўз баҳтини ўзи яратиши лозим. Мана шундай ҳаётий фалсафадан келиб чиқиб, таъкидлаш жойизки, бозор муносабатлари шароитида хусусий тадбиркорлик ва бизнес худди ана шу баҳтни яратиш омиллари бўлиб хизмат қилади.

Кези келганда ҳалқимиз орасида юрувчи жуда ҳам тўғри бўлмаган бир фикр тўғрисида тўхталиб ўтишни ўринили деб биламиз. У ҳам бўлса «тадбиркор ёки бизнесмен бўлиш учун ёки ота-онадан мерос қолган мувайян маблафинг бўлиши керак, ёки ана шу маблағни вақтингча бўлсада бериб турадиган яқин одаминг бўлиши керак», деган фикрdir.

Тўғри, хусусий тадбиркорлик фаолиятини маблағиз сиз амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун мерос қолган маблағ ҳам кор келади, беминнат вақтингча фойдаланиш учун берилган маблағ ҳам «халақит бермайди». Лекин униси ҳам, буниси ҳам бўлмаса-чи? Унда нима қилиш керак. «Олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш тутиб, ғойибдан келадиган баҳтни кутиб ўтиравериш керакми?

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. 197-бет.

Йўқ. Асло бундай эмас. Авваламбор бу хусусда Парвардигори оламнинг машхур қаломларини эсга олайлик — «сендан ҳаракат — мендан баракат». Муқаддас ҳадисларда ҳам «Аллоҳ ўз бандалари ичидаги файратлигини ёқтиради», дейилади.

Файрат қилган, тиниб-тинчимас, шижаотли ва ташаббускор инсонларнинг пиру-бадавлат, катта обрў ва эътиборли кишиларга айланганига ўзингизда ҳам азиз китобхон, мисоллар кам бўлмаса керак.

Ривожланган мамлакатларнинг машхур тадбиркорлари ичидаги ўз бизнесини қўчадаги йўловчи автомашиналарни ювиш йўли билан, газета ва журнallар сотувчи киоскалардан уларни сотиб олиб, одамлар гавжум бўлган жойларда устига ўзининг хизмат ҳақини қўшиб сотиш йўли билан бойиганлар кўпчиликни ташкил қиласди.

Мамлакатимизда ҳам нисбатан қисқа вақт ичидаги ўзининг тадбиркорлик фаолиятини кичик бир устахона, ошхона, музқаймоқ цехини ташкил қилишдан, 1—2 гектар ташландик ерни ўзлаштириб, дехқончилик ёки чорвачилиқдан бошлаган ва ҳозирги кунда сермуруват, донгдор тадбиркорга айланган кишилар оз эмас.

Шу ўринда рисола муаллифларидан бирининг мамлакатимизда донғи кетган ва кўп савобли ишларни ҳам амалга ошираётган бир тадбиркор билан суҳбатининг мазмунини келтирмоқчимиз. Маълум бўлишича, бу инсон отадан жуда ёш пайтида жудо бўлган. Онаси бетоб бўлиб қолиб, уни даволаш учун бироз маблаг зарур бўлиб қолганда, ўша маблагни қарзга ҳам топишга қўйналган ва ана шу «алам» уни пул топишга киришишга яъни, ҳозирги тил билан айтганда, тадбиркорлик билан шуғулланишига туртки бўлган.

Ўша пайтларда у яшаб турган шаҳарда бир кило гўштни 2 сўмдан сотиб олиш муаммо бўлмаган. Шунинг учун у ўзининг биринчи бизнесини 3—4 кило гўштни сотиб олиб, ўз велосипедида шаҳардан 25—30 минутли йўлда бўлган бир қишлоқда 2,5 сўмдан сотишдан бошлаган. Шуниси диққатга сазоворки, қишлоқли харидорлар ундан гўштни ўша пулга бажонидил сотиб олишган ва унга ҳар сафар каттакон раҳматлар айтишган.

Шу йўл билан қаддини бироз ростлаб олган «қаҳрамонимиз» истиқтолнинг илк даврида хўжалик моллари савдоси билан шуғулдана бошлаган. 6—7 йил ўтгач унинг тикувчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини

қайта ишлаш билан шуғулланадиган кичик корхоналари, турли-туман хорижий товарлар билан тұла савдо дүкөнләри ва ҳатто хусусий банки барпо бўлган. Шу билан бирга шаҳар ободончилигига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўша бошлаган.

Бу тадбиркорнинг шу даражага етиб келишининг сабаблари нимада?

Биринчидан, мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратилиши бўлса, иккинчидан, ва энг мұхими, унинг шахсий фазилатларида деб биламиз. «Қаҳрамонимиз»нинг ўз олдига қўйган мақсади сари интилишида ҳеч қандай қийинчилик ва тўсиқдан қўрқмаслиги, унинг тиниб-тинчимас инсоғлиги, ўз вақтини бекор ўтказмаслиги ва уни тўғри тақсимлаши, таътил ва дам олиш тушунчаларини унда ўзига хослиги ва қолаверса, ўз маблағини оқилона сарфлаши — булар ҳаммаси ҳавас қиласа арзигулик фазилатлардир.

Давлатнинг бой бўлиши, мамлакатнинг обод бўлиши ҳал қилувчи даражада шу мамлакат фуқароларининг улдабуронлиги ва тадбиркорлигига боғлиқлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак.

## 2. Таннарх ва сифат

Маҳсулот таннархи уни тайёрлаш жараёнида сарфланган хом ашё, материаллар, ишлаб чиқариш воситалари, ишчиларға тўланган иш ҳақи, шунингдек маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган хизматлар учун тўлов ва харажатларнинг пул орқали ифодаланишидир.

Таннарх корхона (фирма) иқтисодий-хўжалик фалиятининг мұхим кўрсаткичи ҳисобланади, чунки у маҳсулот қийматининг бир қисмини ташкил этади. Яратилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизмат таннархи қанча паст бўлса, яъни бунинг учун қанча кам харажат қилинган бўлса, маҳсулот ёки хизматнинг қиймати ва бинобарин унинг баҳоси шунча паст бўлади. Баҳо қанча паст бўлса, шу товар ёки хизматга бўлган эҳтиёж (табаб) шунча юқори бўлиши табиий.

Маҳсулотнинг таннархи унинг баҳосини аниқлашда асос бўлиб хизмат қиласи. Шу билан биргаликда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида сараланган хом ашё, материалларнинг баҳоси яратилган маҳсулотнинг таннархига бевосита таъсир кўрсатади.

Маҳсулот таннархи кўрсаткичи ишлаб чиқаришни режалаштириш, унинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва харажатлар устидан назоратни амалга оширишда муҳим роль йўнайди.

Маҳсулот таннархи индивидуал ва тармоқ таннархига бўлинади. Маҳсулотнинг индивидуал таннархи деб корхонада хом ашё ва материаллардан фойдаланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишга кетган харажатларга айтилади. Тармоқ таннархи эса муайян маҳсулот (масалан, 1 тн. пахта толаси, кўмир ёки нефт) ни ишлаб чиқариш учун тегишли тармоқда сарфланган харажатларнинг ўртacha ҳажми билан ўлчавчи кўрсаткичdir.

Маҳсулот таннархи умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб, у корхона фаолиятининг ҳамма томонларини акс эттиради ва унинг иш юритиш самарадорлигини кўрсатади.

Маҳсулот таннархи даражасига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Бироқ маҳсулот таннархини пасайтиришга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар қуйидаги-лардан иборат:

- меҳнат унумдорлигини ошириш;
- фан-техника ютуқларидан фойдаланиш;
- асосий ва ишлаб чиқариш фондларидан самара-ли фойдаланиш;
- хом ашё материаллар, ёқилғи ва электр энергия-сидан тежамкорлик билан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини тако-миллаштириш ва бошқарув харажатларини камайти-риш.

Маҳсулот таннархини режалаштириш, корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўлларини белги-лаш учун корхона харажатларини шу маҳсулотни иш-лаб чиқариш учун тармоқ бўйича сарфланаётган ха-ражатлар билан таққослаш жуда муҳим аҳамият касб эта-ди.

Маҳсулот таннархини тўғри режалаштириш, ҳисоблаш ва таҳлил этиш ҳамда унинг пасайиш манбаалари-ни аниқлаш мақсадида фақат умумий харажатларниги-на эмас, балки уларнинг таркибий қисмларини ҳам билиш муҳимдир.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган ха-ражатлар бевосита ва билвосита харажатларга туркум-лашади.

Бевосита харажатлар ишлаб чиқариш харажатлари бўлиб, маълум турдаги маҳсулотни тайёrlашга сарфланади, улар маҳсулот таннархига тўғридан тўғри ўтказилиди. Бундай харажатларга хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, барча турдаги энергия, ишлаб чиқариш ишчиларига иш ҳақи ва ижтимоий муҳофаза учун ажратмалар киради.

Асосий ва ёрдамчи материаллар қийматига уларни омборларга ташиб олиб келиш, ишлаб чиқариш цехларига етказиб бериш каби жараёнларга сарф бўлган харажатлар ҳам киради.

Технологик эҳтиёжлар учун ёқилғи, сув, буғ, совуқ сув харид қилинади. Иссиклик трассалари, сув тармоқлари, канализация ва электр шахобчаларини созлаш ва уларга хизмат қилиш харажатлари ҳам бевосита харажатлар жумласига киради.

Асосий ва қўшимча иш ҳақи корхонада тайёrlана-диган маҳсулотнинг ҳажмига қараб аниқланиб, унинг ишбай ва вақтбай шакллари ёрдамида ишловчиларнинг белгиланган разрядлари асосида режалаштирилади.

Ижтимоий муҳофаза учун ажратмаларни режалаштиришда ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақларини умумий фонди аниқланади. Ижтимоий муҳофаза маблағлари вақтингча меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганларга нафақа тўлаш, ишчилар учун санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар сотиб олиш, уларга моддий ёрдам ва маданий-маший хизматлар кўрса-тиш билан боғлиқ харажатлар киради.

Билвосита харажатлар корхонада бир неча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, дастгоҳлардан фойдаланиш, цех ва умумкорхона харажатлари бўлиб, у техник-иктисодий кўрсаткичлар ҳажмига мутаносиб равишда тақсимланади.

Харажатларнинг ўзгариши ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига боғлиқдир. Шу муносабат билан харажатларни доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинини ҳам айтиб ўтиш керак.

Ўзгарувчан харажатлар гуруҳига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига (ўсиши ёки пасайиши) биноан ўзгаридиган харажатлар киради. Масалан, хом ашё, асосий материаллар, технологик ёқилғи ва электр куввати, асосий ишчиларнинг меҳнат ҳақлари кабилар.

Доимий харажатлар гуруҳига ишлаб чиқаришнинг ҳажми ўзгариши натижасида деярли миқдори ўзгар-

майдиган харажатлар киради. Масалан, маъмурий хоналарни иситиш ва ёритиш учун сарфланган иссиқлик, электр энергияси ва шу каби харажатлар.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланган харажатлар пайдо бўлиш ўрнига қараб цех, фабрика (завод) таннархи ва маҳсулотнинг тўла таннархи турларига бўлинади.

Цех таннархи — бу маълум бир цехда маҳсулотни тайёрлаш учун сарфланган харажатлар йигиндиси бўлиб, завод ёки фабрика таннархи маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида кўрхона бўйича сарфланган харажатлар йигиндисидир. Буни айрим ҳолларда ишлаб чиқариш таннархи деб ҳам юритилади.

Маҳсулотни тўла таннархига маҳсулотни ишлаб чиқаришдан бошлаб, то тайёр ҳолда омборга топширгунча сарфланган харажатлар киради.

Маҳсулот таннархини ташкил этувчи харажатлар икки гурухга бўлиб режалаштирилади:

1. харажатларнинг дастлабки элементлари бўйича;
2. харажат моддалари бўйича.

Харажатларнинг дастлабки элементлари барча тоифадаги ишчиларнинг турли шаклдаги иш ҳақлари, ижтимоий муҳофаза учун ажратмалар, ҳом ашё ва турли материалларни сотиб олиш учун қилинган харажатлар (улар қандай мақсадларга сарфланганлигидан қатъий назар), амортизация ажратмалари ва бошқа харажатлар киради.

Харажатларни дастлабки элементлар бўйича туркумлаш ишлаб чиқаришга сарф бўладиган харажатларнинг сметасини тузиш ҳамда амалда сарфланган харажатларни режа билан таққослаш учун ишлатилади.

Харажат моддалари бўйича туркумлаш (калкуляциялаш) маҳсулот таннархини режалаштириш, харажатларнинг қайси турини камайтириш эвазига таннархни пасайтириш ва корхона (фирма) фойдасини кўпайтириш мумкинлигини аниқлаш ва ҳ. к. мақсадларда фойдаланилади.

Янги корхона (фирма)ларда ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқ харажатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисмини янги маҳсулот ва технологик жараёнларни тайёрлаш учун сарфланган харажатлар ташкил этади.

Корхоналарда яна бир қатор харажатлар ҳам мавжудки, улар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларида тўғридан тўғри қатнашмайди, шунинг учун уларни «иш-

лаб чиқаришдан ташқаридаги» харажатлар деб айтилади. Бундай харажатларга күйидагилар киради:

- маҳсулотни ўраш харажатлари;
- маҳсулотларни жўнатиладиган жойларга ташиш, тушириш, ҳаво, темир йўл ва сув транспортига юклаш харажатлари ва ҳ. к.

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари корхона (фирма) да шунингдек бир гуруҳ харажатлар мавжудки, улар ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар таннархига киради. Булар жумласига фойдаланилган хизматлар (масалан, алоқа) ҳақлари, банклардан олингандан кредит (қарз)лар учун тўловлар, кўчмас мулк ва бошқалар учун ижара ҳақи, солиқлар киради.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, харажатлар сарфи ҳар бир тармоқда ўзига хос бўлиб, харажат моддалари бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Масалан, кўмир, маъдан ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шугулланувчи корхонада таннархнинг 50 фойздан ортигини иш ҳаки ташкил қиласа, қишлоқ хўжалик ширкати харажатларининг асосий қисмини уруғ, минерал ўғитлар ва турли дефолиантлар сотиб олишга кетган сарф-харажатлар ташкил қиласди.

Агар фермер ёки ширкат хўжалиги энг яхши уруғ, керакли миқдордаги минерал ўғитлар ва турли химикатларни сотиб олиш учун ўз маблагини аямаса, унинг нафақат ҳосили кўнгилдагидай бўлади, балки етиштирган маҳсулотининг сифати ҳам юқори бўлади.

Модомики, тадбиркор ўзининг сарф-харажатларини камайтириш мақсадида арzon баҳодаги ҳом ашё ва материаллар сотиб олса, малакаси паст ёки етарли бўлмаган ишчи кучидан фойдаланса, унинг корхона (фирма)сида тайёрланган маҳсулот сифатини бир тасаввур қилиб кўринг.

Юқоридаги 2 мисолдан маҳсулот таннархи билан унинг сифати ўртасида бевосита ва муайян боғлиқлик борлиги кўриниб турибди.

Маҳсулот сифати корхона фаолиятини режалаштириш ва уни аниқлашда қўлланилдиган асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, унда меҳнатни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришнинг жиҳозланиши даражаси, мутахассисларнинг малакаси, бошқариш ҳолати ифодаланади.

Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг самарадорлиги ва бошқа кўрсаткичлар маҳсулот сифатининг яхшиланиши билан узвий тарзда боғлиқдир.

Хозирги замон саноат корхоналарида ишлаб чиқарылаётган маҳсулотлар энг юқори техник иқтисодий, эстетик ва бошқа талабларга мос келиши, жаҳон бозорида рақобат қила олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида маҳсулот сифатини ошириш масаласи иқтисодиётнинг биринчи даражали аҳамият касб этувчи муаммоларидан биридир.

Маҳсулот сифати деганда уни кишилар ёки ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжларидан бирини қондириш қобилияти тушунилади. Аммо маҳсулотнинг фойдалилик даражаси, унинг мақсадга мувофиқлиги ҳар хил бўлади.

Маҳсулот сифати корхона ишлаб чиқариш жамоаси иш самарадорлигининг пировард кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Маҳсулот сифатида ҳар қандай корхонанинг техник ва технологик тараққиёт даражаси, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат маданияти ва интизоми ўз аксини топади.

Маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши кўп жиҳатдан технологик интизомга риоя қилиш, ишчи ва мутахассисларнинг ўз касбларини яхши эгаллаганлиги ва уларнинг ўз вазифаларига масъулият ва ҳалоллик билан ёндашувларига боғлиқ.

Маҳсулот сифатини, унинг техникавий-иқтисодий даражасини баҳолаш учун қатор кўрсаткичлар кўлланилади. Бу кўрсаткичлар маҳсулотнинг хусусияти ва унинг қайси мақсадда фойдаланиши билан бир-биридан фарқланади. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибида турли озуқа кислоталари ёки консерва саноатида тайёрланган маҳсулотларда сув моддасининг миқдори каби хусусиятлар уларнинг сифатини белгилаб беради.

Маҳсулот сифатини белгиловчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийси шу маҳсулотни ишлаб чиқараётган корхона (фирма)нинг техник ва технологик даражаси, у ердаги технологик интизом ва ишловчиларнинг касб малакасидир. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар қандай энг мукаммал техника ва технология ҳам вақт ўтиши билан дастлабки аниқлик қобилиятини (хусусиятини) йўқотади, у ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан эскиради. Шунинг учун ҳам корхоналарда технологик асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг аниқлик ва ишончлилик даражасини кўрсатувчи лаборатория текширувлари ва бошқа назорат тизимини жорий этиб, уларни давлат стандартти назора-

тидан ўтказиб туриш, эскирган машина ва технологияларни янгиси билан алмаштириб туриш талаб этилади. Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида тайёр маҳсулотнинг сифати кўп жиҳатдан уларнинг сақланиши бўйича самарали тадбирларга боғлиқ. Бунда хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни омборга жойлаш ва асраш, уларни ўраш ва ташиш катта аҳамиятга эга. Айрим ҳолларда технологик интизомнинг бузилиши туфайли сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўйилади. Уларнинг сабаби стандартдан, техник шароитлардан ёки бошқа нормалардан чекланиш билан маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида товарлар ва хизматлар сифати корхона (фирма) фаолиятининг самардорлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки бозор иқтисодиёти бу энг аввал рақобат асосида ривожланувчи иқтисодиётдир. Рақобат эса ўз навбатида бозор муносабатлари иштирокчилари корхона (фирма), тадбиркорлар, сотувчилар ва харидорлар (истеъмолчилар) ўртасидаги курашдир. Бу курашнинг мазмуни шундан иборатки, фирмалар ўз маҳсулотини кўпроқ ва юқорироқ нарҳда сотишга ҳаракат қиласидилар, харидорлар эса сифатлироқ ва арzonроқ нарҳда бўлган товарлар ва хизматларни сотиб олишдан манфаатдордирлар. Кимнинг товари (хизмати) сифат жиҳатдан харидор талабига тўлароқ жавоб берса ва унинг нархи ҳам мъқул бўлса, рақобат курашида у ютиб чиқаверади. Ана шундай товарни рақобатбардош товар деб юритилади.

Рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва шу орқали унинг валюта тушумларини кўпайтириш, бу тушумлар ҳисобига миллий иқтисодиётимиз учун ўға зарур бўлган илғор хорижий технологияларни жалб қилишнинг муҳим шартидир.

### 3. Фойда ва рентабеллик

Корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини баҳолашда асосий кўрсаткичлардан бири фойдадир. Фойда деб маҳсулотни сотишдан ҳосил бўлган пул тушумларидан уни ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларни чегириб ташлангандан кейин қолган соғдаромадга айтилади.

Ҳар бир корхона, фирма ва, қолаверса, ҳар бир шахс ўз ишлаб чиқариш фаолиятида энг кўп фойда

олишга интилади. Корхона, фирма ва ўз фойдаси миқдорини кўпайтиришни мақсад қилиб қўйган ҳар бир шаҳе ишлаб чиқариш жараёнини шундай ташкил этиши лозимки, бир хил ҳажмдаги тайёр маҳсулотга имкони борича кам ишлаб чиқариш харажатлари сарфлансин.

Ишлаб чиқариш ресурсларига қилинадиган сарф харажатлар ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Шундай экан, ишлаб чиқаришнинг энг юқори самародорлиги ишлаб чиқариш харажатларини зарурий минимум даражага келтиришдан иборат. Фойда хўжалик фаолиятининг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, у корхона самародорлигини ифодалайди. Фойдада корхонани бошқариш даражаси, асосий ва айланма фонdlардан унумли фойдаланиш, реализация қилинган маҳсулот ҳажми, сифати, маҳсулотларни кўрсатилган муддатларда харидорларга етказиб бериш ва бошқа чора тадбирлар ўз аксини топади.

Корхона (фирма)да тайёрлананаётган ва реализация қилинаётган маҳсулот ҳажми биринчи навбатда асосий ва айланма ишлаб чиқариш фонdlаридан самарали фойдаланишга боғлиқ. Шунинг учун илгор, замонавий техника ва технологияга асосланган корхона ва фирмаларда маҳсулот ҳажмини ошириш, унинг таннархини пасайтириш эвазига фойдани кўпайтириш имкониятлари кўпроқ бўлади.

Корхона (фирма) фойдасининг ҳажми у ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатига ҳам bogлиқdir. Чунки юқори сифатли маҳсулот бирмунча баланд нархларда сотилади.

Фойда корхона (фирма) жамоаси молия ресурсларининг асосий манбаи бўлиб, унинг кўпайиши жамоа аъзолари моддий турмуш даражасининг яхшилашишига олиб келади. Фойда ишлаб чиқаришни кентайтириш ва ривожлантириш, ишчи ва хизматчиларни моддий рафбатлантиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойда ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг, қолаверса, бутун иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи кучdir. Чунки фойда бермайдиган иш ёки фаолиятга ҳеч ким қўл урмайди, беҳудага сарф-харажат қилмайди.

Иқтисодиёт қоидаларидан бири шундан иборатки, фойда миқдори маҳсулот нархига нисбатан тўғри мутаносиблика ва унга сарфланган харажатлар (таннарх)-

га нисбатан тескари мутаносибликда ўзгарили. Демак, юқори нархларда сотилувчи товарлар ишлаб чиқариш ва унинг учун минимум (энг кам) харажатлар қилиш фойдани кўпайтишининг асосий йўлидир.

Фикримизни ойдинлаштириш учун бир мисол келтирамиз. Фараз қытайлик, фирмада тайёрланаётган эрекклар кўйлаги 1000 сўмга сотилади, унинг харажатлари 900 сўм, фойда 100 сўм. Кўйлакни ишлаб чиқариш жараёни модернизация қилинди, сифати яхшиланди ва бозорда уни нархи 1100 сўмга кўтарилиди. Айни вақтда харажатлар камайтирилиб 850 сўмга тушди. Бунда ҳар бир кўйлакдан кўриладиган фойда 250 сўмга кўпайди. Бунга, биринчидан, яхшироқ, сифатлироқ кўйлакни юқорироқ нархда сотилиши, ва иккинчидан, ишлаб чиқариш харажатларининг камайгани сабаб бўлди.

Харажатлар тўғрисида фикр юритар эканмиз, «бой берилган имкониятлар харажати» деган тушунча тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш керак. «Бой берилган имкониятлар харажати» деб, бирор бир ресурслардан фойда олиш мақсадида фойдаланиб, лекин мақбул йўлни танланмаганлиги учун бой берилган даромадга айтилади. Масалан, тадбиркор бирор бир ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун 100 минг сўм харажат қилди. Йилни охирида шу фаолияти натижасида у 110 минг сўм даромад қилди, яъни 10 минг сўм фойда олди. Лекин бу тадбиркор киши 100 минг сўм пулини йилига 15%ли жамғарма банкига қўйганда, у 115 минг сўм даромад олиши мумкин эди, яъни фойда 15 минг сўмни ташкил этиб, бой берилган имконият харажати 5 минг сўмни ташкил этади.

Шу каби бой берилган имкониятлар харажати ҳар бир фирма, корхона, тадбиркор шахс фаолиятида тез-тез учраб туради. Ҳар бир фирма, тадбиркор бирор хилдаги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини олиб боришини режалаштирас экан, унинг олдида мавжуд ресурслардан қайси бирини танлаш зарурияти туради, чунки бозорда турли хилдаги ва турли баҳодаги ресурслар бўлади.

Масалан, бирорта ҳовли қурмоқчисиз. Уйни гиштдан, ёғочдан, тошдан қуриш мумкин. Томни шифер, тунука ёки черепица билан ёпиш мумкин. Қайси бирини танлаш керак. Сиз сотиб олган ресурс баҳоси «Бой берилган имконият»га тенг бўлиши мумкин, чунки сиз бошқа ресурслар ўрнига шуни танладингиз. Худди

шунга ўхшаган мисол корхона ва фирмаларга ҳам тааллукли.

Яна бир мисол. Тадбиркор ёки фирма ўз жамғармалари ҳисобидан акционерлик-тижорат банкининг 1 млн сўмлик акцияларини сотиб олиш имкониятига эга. Бироқ у ана шу акцияларни имконият пайдо бўлиши билан ўз вақтида сотиб олмади. Орадан бироз вақт ўтгач, акцияларнинг нархи 10% га ортиб кетди. Демак, энди 1 млн сўмга ёки 900 минг сўмлик акция сотиб олиш, ёки 1 млн сўмлик акция учун 1 млн 100 минг сўм тўлаш керак бўлади, «Бой берилган имкониятлар харажати» 100 минг сўмни ташкил этади.

Юқорида келтирилган мисоллар ташқаридан сотиб олинадиган ресурсларга тааллукли. Корхонанинг ички ресурсларидан фойдаланишга тааллукли бўлган «бой берилган имкониятлар харажати» ҳам мавжуд.

Масалан, фирма ёки тадбиркор ўзининг бино ва иншоотларига, асбоб-ускуна ва жиҳозларига эга. Бироқ турли сабабларга кўра у яхши фаолият кўрсата олмади ва йил охирида даромади оз бўлди ёки зиён кўрди. Бунинг ўрнига у ўз иморатини, турли ускуналарини ижарага берганда, улардан қўнроқ даромад қилиши мумкин эди. Демак, бу ерда ҳам бой берилган имкониятлар мавжуд.

Шундай қилиб, ҳар бир тадбиркор, фирма, корхона учун тўғри йўлни танлай билиш ва фойда миқдорини ошириш тадбирларини белгилаш жуда муҳим ишдир.

Фойда миқдорини оширишнинг муҳим омилларидан бири меҳнат унумдорлигидир. Чунки, муайян миқдордаги маҳсулотни қанча камроқ ишчилар меҳнати билан тайёrlанса, ёки корхона (фирма)да мавжуд бўлган ишчилар билан қанча кўпроқ маҳсулот тайёrlанса, маҳсулот бирлигига шунча кам иш ҳақи харажатлари сарфланади.

Корхонанинг фойда миқдори таркибига қўйидаги соҳалардан олинган фойда ҳам киради:

ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини сотишдан олинган фойда;

транспорт воситалари орқали хизмат кўрсатиш ва уларни ижарага беришдан олинган фойда;

иккинчи даражали ресурсларни қайта ишлаб, маҳсулот ишлаб чиқаришдан кўрилган фойда;

корхонада ортиқча, кераксиз ва маънавий эскирган асбоб ускуналарни сотиш ва бошқа манбалардан олинадиган фойда.

Махсулотларни сотиш натижасида ҳосил бўлган фойда миқдори фирма ёки корхонада ишлаб чиқариш самародорлигини белгилаб бера олмайди. Масалан, «А» корхона бир йилда 2000 минг сўм, «Б» корхона эса 1500 минг сўм фойда олган бўлса, биринчи корхона иккинчисига нисбатан яхши ишлайтип деб айтиш қийин. Чунки, қайси корхона қанча сарф-харажат қилиб, шу миқдордаги фойданни олгани бизга ҳозирча номаълум.

Биз юқорида фойданинг ҳосил бўлишида асосий ва айланма фондлардан самарали фойдаланиш асосий омил эканини таъкидлаб ўтган эдик. Демак, «А» ва «Б» корхоналар ўз фойдаларини қанча миқдордаги, аниқроғи қанча қийматта эга бўлган асосий ва айланма фондлар ёрдамида олганларини билишимиз керак. Ана шундагина корхонада ишлаб чиқарышнинг фойдалилиги ёки рентабеллиги ҳақида бирон холоса қилишимиз мумкин.

Корхона рентабеллиги деганда фойданни асосий ва айланма маблағларнинг нормалашган қисмига нисбати тушунилади. Корхона рентабеллиги унинг фаолиятини самародорлик даражасини билдиради. Масалан, «А» корхонанинг рентабеллиги «Б» корхонанинг рентабеллигидан паст бўлса, иккинчи корхона юқоридаги омилардан унумли фойдаланиб, ҳар бир сўм ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига кўпроқ фойда олган.

Йил давомида мазкур фондлардан унумли фойдаланиш, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишга яроқсиз асбоб-ускуна ва дастгоҳларни балансдан чиқариш корхона (фирма) рентабеллигига бевосита таъсир қиласи. Куйидаги жадвалда корхоналар рентабеллигини ҳисоблаш намунаси келтирилган.

#### 1-жадвал

##### «А» ва «Б» корхоналарининг рентабеллиги (минг сўм)

T.р	Кўрсаткичлар	«А» корхона	«Б» корхона
1	Йил бошидаги асосий ишлаб чиқариш фондлари-нинг қиймати	15100	9700
2	Янги асосий ишлаб чиқариш фондлари-нинг ишга тушириш муддати	Март ойида 8000	Июнь ойида 1100

3	Ишлаш муддати тугаган ишлаб чиқариш фондлари-нинг балансдан чиқариш муддати	560 февраль ойида	440 май ойида
4	Ишга туширилган асосий фондларни ўртacha йиллик қиймати	$800:12\times 9=600$	$1100:12\times 6=550$
5	Ишлаш муддати тугаган асосий фондларни йиллик ўртacha қиймати	$560:12\times 10=466,6$	$440:12\times 7=256,6$
6	Асосий ишлаб чиқариш фондлари-нинг ўртacha йиллик қиймати	$15233,4=(15100+600-466,6)$	$9993,4=(9700+550-256,6)$
7	Нормалаштирилган айланма маблағлар-нинг ўртacha йиллик қиймати	1550	1120
8	Асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормалаштирилган айланма маблағларининг ўртacha йиллик қиймати ( $6+7$ )	16783,4	11113,4
9	Олинган фойда	2000	1500
10	Ишлаб чиқаришнинг умумий рентабеллиги %	$2000:16783,4=11,9$	$1500:11113,4=13,5$

Режа йилида ишга туширилган асосий фондларни ўртacha йиллик қийматини топиш учун ишга туширилган асосий фондлар қийматини 12 га бўлиб, дастгоҳларнинг ишлаган ойлар сонига кўпайтирилади. Ишлаш муддати тугаб, ишга яроқсиз ҳолга келган асосий фондларнинг ўртacha йиллик қиймати улар қийматини 12 га бўлиб, дастгоҳларнинг ишга яроқсиз оидан то йил охиригача қолган ойларга кўпайтириб топилади.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, «А» корхонаси йил давомидаги фаолияти натижасида «Б» корхонага нисбатан 500 минг сўмлик кўпроқ фойда олган бўлса ҳам унинг рентабеллиги 11,9%ни ташкил қилди холос, ваҳоланки, «Б» корхонаси 13,5% рентабеллик

билин йилни якунлади, демек унда ишлаб чиқариш самарадорлиги юқориоқ бўлди.

Шундай қилиб, корхона (фирма)нинг рентабеллигини кўйидаги формула билан ифодалаш мумкин.

$$R_y = \frac{\Phi}{A_{\text{иф}} + A_{\text{нф}}} \times 100$$

Бу ерда:  $R_y$  — ишлаб чиқаришнинг умумий рентабеллиги  
(фоиз ҳисобида)

$\Phi$  — маҳсулотни сотишдан олинган фойда (сўм)

$A_{\text{иф}}$  — асосий ишлаб чиқариш фонdlари (сўм)

$A_{\text{нф}}$  — нормалашган айланма фонdlар (сўм)

Корхоналарда умумий рентабелликдан ташқари ҳисобли рентабеллик тушунчаси ҳам мавжуд.

Ишлаб чиқаришни ҳисобли рентабеллигини аниқлашда юқоридаги омиллардан ташқари банклардан олинган кредит (қарз) ҳам ҳисобга олинади. У қанча кўп бўлса, фойданинг шунча кўп қисми уни тўлашга сарфланади. Бинобарин, ҳисобли рентабеллик кўрсаткичи шунча пастроқ бўлади.

Биз ҳозиргача корхона (фирма) рентабеллиги ҳақида фикр юритдик. Бироқ ушбу кўрсаткич билан бир қаторда маҳсулот рентабеллиги деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, у кўйидаги формула билан аниқланади.

$$R_m = \frac{\Phi}{T_n} \times 100$$

Бунда:  $R_m$  — маҳсулот рентабеллиги, (фоиз)

$T_n$  — маҳсулотнинг тўлға таннархи (сўм)

Маҳсулот рентабеллигини аниқлашдан кўзланган асосий мақсад уни сотишдан олинадиган фойданни ишлаб чиқариш харажатлари билан таққослаш, сарфланажак ҳар бир сўмдан қанча фойда олишни билишидир. Шу билан биргаликда айнан қайси маҳсулотни биринчи навбатда ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқлиги ҳам маҳсулот рентабеллигини ҳисоб-китоб қилиш орқали аниқланади.

Бир мисол келтирамиз. Тадбиркор ўзи ташкил қилган фирма фаолиятининг ilk даврида турибди дейлил. Унинг технологик асбоб-ускуналарида эркаклар туфлисини ҳам, аёллар туфлисини ҳам ва ниҳоят болалар этикчаларини ҳам тайёрлаш мумкин. Бугунги кунда

жорий ишлаб чиқариш харажатлари учун 100 млн сүмлик маблағи мавжуд.

Ҳисоб-китобларга қараганда, әрқаклар туфлисининг рентабеллиги 12%ни, аёллар туфлисиники — 15% ва болалар этикчаларини эса 20%ни ташкил этади. Демак, унинг 100 млн сүмлик харажатлари болалар этикчалари ишлаб чиқарганда 20 млн сўм фойда, аёллар туфлисини тайёрлаш билан шуғулланганда 15 млн сўм ва әрқаклар туфлиси тайёрланганда 12 млн сўмлик фойда келтиради.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Тадбиркор ўз фирмасида қайси маҳсулотни ишлаб чиқаришини биринчи навбатда ташкил қилгани маъқул?

Яна бир нарса устида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Тадбиркор учун муҳим бўлган кўрсаткичлардан бири сармояни айланиш тезлиги ҳисобланади. Бу фикрни кўйидаги мисолда равшанлаштириб олишимиз мумкин. Ўша 100 млн сўм сармояси бўлган тадбиркор ўз маблагларини пойафзал ишлаб чиқаришга ёки консервалар тайёрлаб сотишга ва ниҳоят курилиш материаллари ишлаб чиқаришга сарфлаши мумкин. (Дарвоҷе, буни иқтисодчилар муқобил вариантлар деб аташади.)

Фараз қиласайлик, пойафзал ишлаб чиқаришда сармоялар 20%лик рентабеллик билан йилига 5 марта, консервалар саноатида 25%лик рентабеллик билан 3 марта ва курилиш материаллари ишлаб чиқаришда 15%лик рентабеллик билан 6 марта айланади.

Энди тадбиркор маблағлари бир йилда қанча миқдордаги фойда келтиргани ёки унинг фойда массасини ҳисоблаб чиқиши кўп меҳнат талаб қилмайди.

Фойда массаси пойафзал ишлаб чиқаришда ( $20 \text{ млн} \times 5$ ) 100 млн сўмни, консервалар ишлаб чиқаришда ( $25 \text{ млн} \times 3$ ) 75 млн сўмни ва курилиш материаллари тайёрлашда ( $15 \text{ млн} \times 6$ ) 90 млн сўмни ташкил этди.

Консервалар ишлаб чиқариш рентабеллиги бу ерда бошқаларга нисбатан юқори бўлишига қарамай, тадбиркор учун ўз маблағларини пойафзал ишлаб чиқаришга сарфлаши мақсадга мувофиқлигини шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

#### **4. Мәхнат унумдорлиги**

Мәхнат унумдорлиги, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қийматининг сарфланган харажатларга нисбати, турли ижтимоий-иқтисодий тизимларда ҳам жуда муҳим аҳамият касб этиб келган кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Охирги йилларга қадар иқтисод фанида илфор техникани қўллаш ва мәхнат ихтисослашувини кучайтириш унинг унумдорлигини бош омили, деган назарий қарап мавжуд эди. Хусусан, янги техника ва технологияларнинг қўлланилиши, мәхнатни ташкил этишининг такомиллашуви натижасида иккинчи жаҳон урушидан кейинги йигирма йил давомида АҚШда мәхнат унумдорлиги ҳар йилга 3 фоизга ошиб борди.

1960 йил Америка ички бозоридаги автомобиллар, майший электроника ва пўлатнинг 95 фоизи ўша ернинг ўзида ишлаб чиқарилган эди. Америка бизнеси ўша йилари жаҳон саноат маҳсулотининг 25 фоизига эга бўлган. 70-йиллардан бу кўрсаткичлар тўсатдан ўзгарди. 1973—81-йиллар давомида Америка Кўшма Штатларида мәхнат унумдорлиги ҳар йили таҳминан 0,4 фоизга камайди. Мәхнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари бўйича кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Япония АҚШдан ўзib кетди.

Дастлаб Америка мутахассислари мамлакатдаги бундай аҳволнинг асосий сабаблари Японияда ишчи кучининг арzonлиги, Америкада эса иқтисодга давлатнинг ортиқча аралашуви, инфляция даражасининг юқорилиги, касаба союзлари хукуқларининг ортиқлиги, энергия баҳосининг ўсиб бораётганлиги деб ҳисоблашди. Аммо вазиятни диққат билан ўрганилгандан кейин қизиқарли маълумотларга эга бўлинди. Масалан, энергия ресурсларининг қиймати, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, ишчи кучи қиймати каби омиллар Америкада бошқа давлатлардагидан кўра кулайроқ эканлиги аниқланди. Америкалик ишибилармонлар япон товарларига харидор кўплигининг боиси унинг арzonлиги эмас, балки сифатининг юқорилиги эканлигини кейин тушуниши.

Шу билан бирга Япония саноати Америка саноатига нисбатан битта муҳим афзалликка эга эканлиги аниқланди: Япония саноатида бошқариш усули ниҳоятда такомиллашган. Япония менежерлари мәхнат унумдорлигининг ўсиши учун ишлаб чиқариш ҳажмларининг

ўсиши етарли эмаслиги ва бунинг учун товар сифати-нинг аҳамияти жуда катта эканлигини яхши тушунган эдилар.

Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар қўйматининг сарфланган харжатларга нисбати билан аниқланади. Демак, бу кўрсаткични умумлаштирувчи кўрсаткич деб эътироф этиш мумкин. Унинг умумлаштирувчилик функцияси шундан иборатки, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унга техника ва технологияларни жорий қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бошқарув тизимини такомиллаштириш каби барча соҳаларда амалга оширилган ишлар ўзининг якуний ифодасини топади. Масалан, янги, замонавий технология асосида ишлаб чиқариш қайтадан ташкил этилса, бу ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва корхона (фирма)даги ишчилар сонини камайтиришга олиб келади.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг умумлаштирувчилик функцияси яна шунда намоён бўладики, унинг даражаси, ўсиш суръатларига қараб ҳар қандай мамлакат иқтисодиётидаги тенденцияларни аниқлаш, эҳтимоли бор бўлган инқирозларни олдини олиш мумкин.

Меҳнат унумдорлиги макроиқтисодий ўсишнинг асосини ташкил қиласи. Шунинг учун ҳар қандай давлатнинг иқтисодий сиёсатида меҳнат унумдорлигини юқори сифатлар билан ўстиришни таъминлаш бош вазифа ҳисобланади.

Энди бир нарсага «Меҳнат унумдорлиги» тушунчасига аниқлик киритиб олиш пайти келди. Иқтисодиёт фанида «Ижтимоий меҳнат унумдорлиги» ва «Индивидуал (якка) меҳнат унумдорлиги» тушунчалари мавжуд. Биз ҳозирга қадар юритган фикрларимиз кўпроқ ижтимоий меҳнат унумдорлигига даҳдордир. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги дейилганда мамлакат миқёсида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот (миллий даромад) кўрсаткичини моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи кучи сонига нисбати тушунилади. Индивидуал меҳнат унумдорлиги эса корхона доирасида бир кишига маълум вақт бирлигига тўғри келадиган маҳсулот бирлиги билан ўлчанади.

Кўплаб хорижий мамлакатларда меҳнат унумдорлигидан кўра кўпроқ «унумдорлик» тушунчасидан фойдаланилади. Статистик маънода унумдорлик дейилганда, ишлаб чиқариш натижаларининг фойдаланилган

омиллар сарфларига нисбати тушунилади, бошқача қилиб айтганда—у харажат бирлигига тұғыр келадиган ишлаб чиқарылған маҳсулот ҳажмидир. Шунга күра, ишлаб чиқариш натижасини унинг барча ўлчаш мумкин бўлган омиллари мажмуига нисбатан ёки алоҳида гуруҳ омилларига нисбатан ҳисоблаш мумкин. Бу омиллар жумласига қуидагилар киради: сарфланган ишлаб чиқариш омилларининг миқдори ва уларнинг сифатлари, сарфланган омиллар миқдорининг фойдаланиш даражаси, ишлаб чиқариш омиллари комбинацияларининг миқдори, техника тараққиёті даражаси, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш даражаси ва ҳ. к.

Шу маънода ҳорижда ҳозиргача кенг ишлатиладиган «унумдорлик» тушунчаси билан биз кўп ишлатадиган ва ўрганиб қолган «мехнат унумдорлиги» тушунчаси ўртасида муайян умумийлик ва фарқ мавжуд.

Хорижда унумдорлик ишлаб чиқаришнинг ўсиш жарёнини тавсифловчи кўрсаткич ва ўлчаш усуllibаридан биридир. Уни амалда ишлатиш эса рақобат шароитида товар ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларини ва сифатлиликни таъминлашта кўмак беради. Собиқ Иттифоқдан «мерос» қолган «Мехнат унумдорлиги» кўрсаткичлари бўлса, ўзининг мазмун-моҳияти билан чет элдаги шу усуllibардан баъзи жиҳатдан устун келади. Хусусан, меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш харажатлари билан солишириб ҳисобга олингани учун, яъни фақат инсон омили орқали ўлчангандиги учун ҳам алоҳида дикқат-эътиборга моликдир.

Солиширилганда хорижий давлатларда қўлланаётган кўрсаткичнинг универсаллигини кўриш қийин эмас. Шу маънода олганда меҳнат унумдорлиги унумдорликнинг хусусий ва энг муҳим кўринишларидан биридир.

Мехнат унумдорлигининг бетўхтов ўсиб бориши жамият иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асоси ҳисобланади. Фақат шу ҳолдагина мамлакат ички бозоридаги барқарорлик, жаҳон ва халқаро бозордә давлатлар иқтисодининг рақобатбардошлиги таъминланади. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, меҳнат унумдорлигининг ўсиши орқали товарлар ишлаб чиқаришга кетган ишчи кучи сарфлари камаяди ва оқибатда ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлиги ҳамда маҳсулот қийматининг камайиб бориши таъминланади.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетадиган меҳнат сарфларининг камайиб бориш жараёнидир. Аҳоли турмуш даражасининг ўсиши ҳам меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши ва маҳсулот бирлиги қийматининг камайиб бориши билан белгиланади. Товар ишлаб чиқаришнинг барча бўғинлари ва босқичлари ишчи кучи сарфи билан боғлиқлиги туфайли меҳнат унумдорлиги ишчи кучи хизмат қиласиган барча жабхалар учун муҳим аҳамият касб этади. Жамият миқёсида эса меҳнат унумдорлигининг ўсиши иқтисодий ўшишнинг асоси бўлиб хизмат қиласи. Бу маҳсус тадқиқотлар ёрдамида тасдиқланган. Бруклинг университети профессори Эдвард Динсоннинг ҳисоб-китобларига кўра, кейинги 60 йил давомида Америка Кўшма Штатлари иқтисодий ўшишининг 2/3 қисми меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига эришилган.

Меҳнат унумдорлигининг иқтисодий аҳамиятини тушуниш учун уни ўлчаш ва миқдор жиҳатдан тассавур қила билиш катта роль ўйнайди. Бунинг учун биринчи навбатда меҳнат унумдорлиги даражасини аниқлашиб олиш лозим.

Меҳнат унумдорлиги даражаси дейилганда муайян бир вақт бирлиги мобайнида ишлаб чиқарилган товарлар миқдори тушунилади ва у ишлаб чиқарилган товарлар қиймати (миқдори)нинг унга кетган меҳнат сарфларига нисбати билан ўлчанади.

Меҳнат унумдорлиги даражаси асосан уч усулда аниқланади:

1) натуран усул, 2) қиймат усули, 3) меҳнат усули.

Натуран усулда меҳнат унумдорлигини қуидагича ҳисобланади

$$Y = \frac{M}{B}$$

бу ерда:  $Y$  — меҳнат унумдорлиги даражаси

$M$  — маҳсулот миқдори

$B$  — маҳсулотнинг шу миқдорини ишлаб чиқаришга кетган вақт.

Юқоридаги формулани одатда бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилётганда бемалол ишлатиш мумкин. Масалан, вақт бирлиги ичida қайта ишланган пахта хом ашёси миқдори. Шунинг учун ҳам бундай усулда ўлчаш меҳнат унумдорлигини ўлчашнинг натуран усули дейилади.

## Меҳнат унумдорлигини ўлчаш усуллари

Натурал усул	<p>Бир хилдаги, турдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, ишлаб чиқариш жараёнининг унумдорлигини ифодалаша қўлланилади.</p> <p><b>Афзалиги</b> — меҳнат унумдорлигини тармоқлар бўйича, бир хил маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ўлчаш имконини беради.</p> <p><b>Камчилиги</b> — кенг миқёсда қўллаш мумкин эмас, чунки иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари, аксарият корхоналар фақат бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашмаган, тақдослаш ва таҳдил ишларида қўллаб бўлмайди.</p>
Қиймат усули	<p>Турдош бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодалаш кўрсаткичларидан бири бўлиб, қиймат (пул) бирлигига ўлчанади.</p> <p><b>Афзалиги</b> — меҳнат унумдорлигини тармоқлар бўйича, турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда ўлчаш имконини беради.</p> <p><b>Камчилиги</b> — инфляция жараёнлари аниқ хисобга олинмаса, кўрсаткич таҳминий натижага эга бўлади, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ички, таркибий, сифат ўзгаришлари аниқ акс этмайди.</p>
Меҳнат усули	<p>(Норма-соатларда ифодаланувчи) ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг уни ишлаб чиқаришга кетган ҳақиқий вақт сарфига нисбатидан иборат бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришга меҳнат сарфини унумдорлик нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.</p> <p><b>Афзалиги</b> — иқтисодиётнинг барча соҳаларида қўлланилиши мумкин, тақдослашда жуда қўлай.</p> <p><b>Камчилиги</b> — бу усулда меҳнат унумдорлигини ўлчаш қийин ва жуда кўп вақт, харажатлар ва ҳисоб ишларини талаб қиласди.</p>

Агар маҳсулот бир турдаю, бироқ унинг сифат кўрсаткичлари ҳар хил бўлса, у ҳолда меҳнат унумдорлиги даражаси шартли натурал кўрсаткичларда ҳисобланади. Масалан, таркибида ёғ салмоғига кўра совунлар турли сифатга эгадир. Бироқ уларни бир хил сифатли кўрсаткичга келтириб олиш қийин эмас. Мисол: 500 кг. совуннинг таркибида 20 фоиз, 1000 кг. совуннинг таркибида эса 10 фоиз ёғ мавжуд. Уларни 20 фоизли кўрсаткичга келтириш мумкин. Бунинг учун қуйидаги ҳисоблаш ишлари бажарилади.

$$10:20 \times 1000 = 500. \text{ Демак, меҳнат унумдорлигини}$$

ҳисоблаш учун олинадиган кўрсаткич ишлаб чиқарилган 20 фоиз ёғли совун миқдори 1000 кг. га (500+500) тенг бўлади.

Меҳнат унумдорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, вақт бирлигида ишлаб чиқилган ва пулда ифодаланган маҳсулот миқдори тушунилади.

$$Y = \frac{\Sigma mn}{\Sigma B} \quad \text{ёки} \quad Y = \frac{M}{\Sigma B}$$

Бу ерда  $\Sigma M = \Sigma mn$

$M$  — ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати;  
 $m$  — маҳсулот миқдори натурал кўрсаткичларда;  
 $n$  — бир дона маҳсулот (товар нархи).

Меҳнат унумдорлигининг қиймат кўрсаткичини кўллаш турли маҳсулотлар бўйича ва ҳар хил иш участкалари бўйича меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш имконини беради.

Турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича меҳнат унумдорлиги даражаси меҳнат сарфлари кўрсаткичлари орқали ҳам ўлчаниши мумкин. Бунинг учун маълум вақт бирлигида ишлаб чиқарилган (одатда, норматив киши-соатларда ўлчанадиган) маҳсулот миқдори кўрсаткичидан фойдаланилади:

$$Y = \frac{\Sigma mbn}{\Sigma B}$$

Бу ерда:  $bn$  — бир товарни (маҳсулотни) ишлаб чиқаришга кетадиган вақт миқдори (киши-соат, киши-кун, киши-ой, ва ҳ. к.)

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, ушбу ҳисоб-китоблар методологик ва мантиқий жиҳатдан барча тармоқлар учун ҳам тўғри келса-да, бозор иқтисодига асосланган замонавий тажрибалар уларнинг алоҳида хусусиятларини ҳам ҳисобга олишни тақозо этади.

Макроиқтисодий ривожланиш қонуниятларидан бири — иқтисодий тараққиёт давомида ялпи ишлаб чиқариш ва иш билан банд аҳоли сонида хизмат кўрсатиш соҳаси салмогининг ортиб боришидир. Ҳозир жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида бу тенденция янада ривожланиш кўринишига кирган. Масалан, АҚШда жами банд ишчи кучининг 70 фоизга яқини хизмат кўрсатиш тармоқларида, қолган қисми эса ишлаб чиқариш тармоқларида банддир.

Хозирги замон иқтисодиёти таркибida хизмат кўрса-тиш тармоқлари етакчи ўринни эгаллагани учун ҳам кейинги тараққиётда меҳнат унумдорлиги таркибida ана шу соҳа тармоқларининг етакчилиги ортиб бора-вериши аниқ.

Куйидаги мисолни кўриб чиқамиз: Фараз қилайлик, бирон бир ишлаб чиқариш фирмаси консалтинг хизматини ташкил этди ва шунинг натижаси ўлароқ энди корхонада хизмат кўрсатиш соҳасидан ҳам муайян миқдорда пул маблағлари айтайлик, 10 млн сўм туша бошлади. Илгари корхона ишлаб чиқарган маҳсулот қиймати 100 млн сўмни ташкил этган бўлса, эндиликда унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар қиймати 110 млн сўмни ташкил этади. Агар корхонада жами ишловчиларнинг сони 100 кишидан иборат бўлса, у ҳолда меҳнат унумдорлиги 10 фойзга кўтарилган бўлади ва бу ўсиш фақат хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобига эришилган бўлади.

Меҳнат унумдорлигининг даражасига бир қатор омиллар таъсир қиласи. Уларни қуйидаги икки гурӯҳга ажратиш мумкин.

1. Меҳнат унумдорлигини моддий техникавий омиллари. Буларга ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларининг сифати, уларни такомиллаштириш ва фойдаланиш савиялари киради.

2. Ижтимоий иқтисодий омиллар. Бу омилларга муваҳассисларнинг таркиби, маълумоти, меҳнатни ташкил этиш даражаси, хусусияти ва ходимларнинг ишга бўлган муносабати киради.

Турли омилларнинг таъсирчанлиги меҳнат унумдорлигига намоён бўладиган табиий ва ижтимоий шароитларга боғлиқ бўлади.

Табиий шароитларга иқлим, ер қатлами, йил давомидаги ёғингарчилик миқдори ва бошқалар киради.

Ижтимоий шарт-шароитларга ишлаб чиқариш муносабатлари (меҳнатни ташкил этиш даражаси, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ходимларнинг ишга ва ишлаб чиқариш қуролларига бўлган муносабати ва бошқалар) киради.

## 5. Инвестицион фаолият

«Инвестиялар», «инвестицион фаолият» тушунчаларини иқтисодиётдаги мутлақо янги тушунчалар, атамалар деб бўлмайди. Чунки улар собиқ Иттифоқ иқти-

содий адабиётида ҳам учраб туради ва аксарият ҳолларда капитал қўйилмалар, капитал қурилиш билан боғлиқ бўлган фаолиятни англатар эди. Бироқ бозор иқтисодиёти шароитларида ва бу тизимга асосланган ривожланган мамлакатлар хўжалик ҳаётида мазкур тушунчаларнинг маъноси бирмунча кенгроқдир.

«Инвестициялар» аслида немисча «Investition» лотинча «Investio» сўзидан олинган бўлиб, пулни бирон-бир ишлаб чиқариш, корхонани ташкил қилиш мақсадида жойлаштириш, сарф қилишни билдиради.

Иқтисодий луғатларда инвестициялар капитални узоқ муддатли қўйилмалар тариқасида саноатга, қишлоқ хўжалигига, транспортга, қурилишга ва бошқа тармоқларга сарф этиладиган харажатлар йифиндисини акс эттиради, деб тушунча берилган.<sup>1</sup> Бизнинг фикримизча, инвестициялар деганда товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш, кенгайтириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш мақсадида сарфланадиган сармояларни тушунмоқ керак.

Инвестицияларни сарфлашдан кўзланган мақсад, албатта, юқори даромад ва фойда олишдан иборатdir. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариши бозор иқтисодиётiga асосланган давлатларда инвестициялар сарфи юқори даромад келтирадиган соҳаларга кўпроқ йўналтирилади. Ишлаб чиқаришни тараққий этиши ва жаҳон бозорини вужудга келиши муносабати билан инвестицияларнинг худудлараро ва давлатлараро оқими кучаяди ва ташқи инвестициялар пайдо бўлади.

Охирги йилларда дунё мамлакатлари ўртасидаги турли иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, халқаро меҳнат тақсимоти ва дунё бозорининг кенгайиши натижаси ўлароқ инвестицияларнинг миграцияси, яъни кўчиб юриши кучайди. Бу миграциянинг кучайишига 90-йилларнинг бошида бир қатор мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ҳам сабаб бўлди. Чунки, уларнинг ҳар бири олдида ўз иқтисодиётини қайта қуриш вазифаси турар эди ва бу вазифани ҳал қилиш учун биринчи навбатда хорижий сармоялар зарур эди.

Инвестициялар асосан қуйидаги шаклларда бўлади:

- пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қофозлар;
- кўчмас ва кўчар мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар бошқа моддий бойликлар);

<sup>1</sup> Маселан. Финансово-кредитный словарь. Т.1.—М: Финансы и статистика. 1984. 454 стр.

- муаллифлик хукуқи, ихтиrolардан фойдаланиш хукуқларидан («но-хуа») ташкил топган мулкдорлик хукуқлари ва бошқа интеллектуал бойликлар;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ва мулкчилик хукуқлари;
- бошқа бойликлар.

Инвестицияларнинг қайси соҳаларга сарфланишидан келиб чиқиб, уларни молиявий ва реал инвестицияларга ажратиш мумкин.

Молиявий инвестициялар қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигация, сертификат ва вексел) сотиб олиш учун сарфланган ёки банк депозитларига узоқ муддатга қўйилган сармоялардан иборатdir. Бундай инвестициялар, кўриниб турибдики, асосан ноишлаб чиқариш соҳаларига сарфланади. Улар эркин бозор инфраструктураси ривожланган, қимматбаҳо қоғозлар бозори капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган.

Реал инвестициялар эса молиявий инвестициялардан фарқли ўлароқ асосий капитални ва моддий бойликларни ўстириш мақсадида сарфланадиган қўйилмаларdir. Реал инвестициялар асосий ишлаб чиқариш фондларини янгиланишига, ишлаб турган корхоналарни кенгайишига, моддий бойликларни кўпайишига олиб келади.

Фан-техника тараққиёти муносабати билан интеллектуал (ақлий) салоҳият ишлаб чиқаришнинг энг кучли омилига айланди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар ўсиб бормоқда. Масалан, АҚШ, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда фан ва илмий изланишларга сарфланадиган сармояларнинг ўсиш суръатлари асосий фондларга сарфланадиган инвестициялардан юқоридир. Жаҳон бозорига кириб бориши маркетингни кенг кўламда ривожлантириш, бағасиҳ аҳборотларга эга бўлиш, юқори малакали, жаҳон андозаларига мос келадиган кадрларни тайёрлаш ва бу соҳада ривожланган давлатлар даражасига эришишини талаб қиласиди. Шунинг учун ҳам реал инвестициялар таркибида фан, техника, таълим, кадрларни қайта тайёрлаш учун сарфланадиган сармоялар улушининг ортиб бориши табиий ҳолдир.

Асосий фондларга сарфланадиган реал инвестициялар мақсади, сарфланиш йўналиши ва бошқа кўрсат-

кичларга күра технологик, тақрор ишлаб чиқариш ва худудлараро таркибларига зет. Асосий фондларнинг фаол (машиналар, асбоб-ускуналар) ва пассив (бинолар, иншоотлар) қисмларини ташкил қилиш учун сарфланган ҳаражатларнинг умумий сармоялардаги улуши инвестицияларнинг технологик таркибини ташкил этади. Инвестицияларнинг тақрор ишлаб чиқариш таркиби эса уларни қайси мақсадлар (яңги қурилиш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва янги техника билан қайта қуроллантириш)га йўналтирилганини кўрсатади. Инвестицияларнинг худудлараро ва тармоқлараро таркиби эса уларнинг худудлар ва тармоқлар бўйича тақсимланишини ёки инвестицияларни ўзлаштиришда худудлар ва тармоқларнинг улушкини билдиради.

Иқтисодий тараққиёт учун инвестицияларнинг барча шакллари ҳам, барча йўналишлари ҳам муҳим. Бироқ товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва инвестицияларнинг юқори самарадорлигига эришиш учун уларни биринчи навбатда асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив элементлари (технологик асбоб-ускуналар ва жиҳозлар)ни барпо этиш ҳамда янгилашга сарфлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қимматбаҳо қогозлар сотиб олишдан ёки банк депозитларига ўз маблағларини жойлаштиришдан инвесторнинг кўзланган мақсади — фойда олишдир. Унинг бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантириш, яъни янги корхоналар барпо этиш, ишлаб турганларини замонавий технологиялар асосида кенгайтириш ва ҳоказодан кўзлаган пировард мақсади ҳам фойда олишдан иборат. Бироқ кейинги ҳолатда, яъни инвестор ўз сармоясии бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ мақсадларга йўналтирилганда унинг маблағлари олдин товар кўринишини қабул қиласди, бу товар сотилгандан кейин у ўз фойдасини олади.

Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётiga ўтиш даври ҳисобланган ҳозирги вақтда инвесторлар, айниқса хорижий инвесторларнинг сармояларини бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жалб қилиш ва бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиш жуда муҳим вазифа ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида инвестицион фолият жисмоний шахслар (яъни фуқаролар), юридик шахслар ( фирмалар, акционерлик жамиятлари ва бошқа турдаги мулк эгалари) ҳамда давлат томонидан амалга оширилади.

Инвестицион фаолият билан шуғулланувчи ҳар қандай мулк әгаси биринчи навбатда ўз манфаатларини күзлаб, муайян самарага эришишни режалаشتради. Бирок, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, сармоя эгаси ўз фаолиятини бошлашдан олдин тадбиркорликнинг сиру асрорларини, тез ўзгарувчан бозор шароитларини ҳар томонлама ва чукур әгаллаши лозим. Акс ҳолда у ютқизиб қўйиши, ҳатто банкротликка учраб қолиши ҳеч гап эмас. Масалан, сармоядор ўз маблагларини истиқболи яхши бўлмаган ҳиссадорлик жамиятининг акцияларини сотиб олишга сарфлади, дейлик. Орадан кўп вакт ўтмай бу замоният акцияларининг нархи тушиб кетиши мумкин. Яна бир мисол. Сармоядор маблағларини мева шарбатлари ишлаб чиқарадиган фирмани ташкил қилиш учун сарфлади, дейлик. Унинг ҳисоб-китобларига қараганда, сарфлаган 10 млн сўм маблағи йилига 2 млн сўмдан фойда бериб 5 йилда ўзини оқлар эди. Бироқ орадан 2 йил ўтар-ўтмас, шу ҳудудда замонавий технологияга асосланган корхона ишга тушиди, дейлик. Унда ишлаб чиқариладиган шарбатларнинг сифати, товар кўриниши яхшироқ, нархи ҳам бирмунча пастроқ бўлиши табиий, чунки бу ерда технология энг замонавий. Энди биринчи сармоядорнинг товари бозорда ўтмай қолади, олаётган фойдаси кескин камайиб кетади, кўп ўтмай ўз фирмасини ёпишга ёки бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш учун мослаштиришга мажбур бўлади. Энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг, у, яъни биринчи сармоядор қанча зарар кўрди?

Нима учун яхши ният билан иш бошлаган сармоядор шу ҳолга тушиб қолди. Чунки, у, биринчидан, маркетинг асосларини ўрганмаган, бозорда 5 йил давомида шу маҳсулотни ягона ишлаб чиқарувчи бўлиб қолавераман, деб ўйлаган. Иккинчидан, эскирган технологик асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан иш бошлаган ва ниҳоят, учинчидан, шу ҳудуда тез орада замонавий хорижий технологияга асосланган катта консерва заводи курилишидан у бехабар бўлган.

Ҳар қандай иқтисодий, шу жумладан, инвестицион фаолиятни амалга ошириш учун нафақат танланган соҳа бўйича, балки бутун мамлакат бўйича иқтисодий ахборотларга эга бўлиш, маркетинг билимлар асосларини чукур әгаллаш алоҳида аҳамият касб этади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодиёт оdatda етарли даражада барқарорлашмаган бўлади. Бун-

дай шароитда пул муомаласи, молия-банк ва солиқ тизимида тез-тез содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар тадбиркорлик ва инвестицион фаолиятнинг хавф-хатарини ортиради. Хавф-хатар мавжуд бўлган жойда, албатта, таваккалчиликсиз иш битмайди. Лекин таваккалчилик ҳам маътум маънода асосланган бўлиши, инвестицион фаолиятнинг хавф-хатари, унинг инқиrozга учраш эҳтимоли энг кам (минимум) бўлишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай жамиятда ҳам инвестициялар иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳажми, таркиби ва ўсиш суръатлари мамлакат иқтисодиётининг аҳволи ва истиқболларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолият билан мамлакат сармоядорлари ҳам, чет эл фуқаролари, шахсий фирмалари, ассоциациялари ва бошқа юридик шахслари ҳам шуғулланишлари мумкин. Ҳатто чет эллик сармоядорнинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатишлари учун нафақат зарурий шарт-шароитлар яратилган, уларга муайян солиқ имтиёzlари ҳам бериш кўзда тутилган. Лекин шароит қанча яхши бўлмасин, агар хорижий компания ёки фирма ўзи олган фойдасини ўзи тасарруф эта олмаса, унинг бундан бўён маблағ сарфлашга қизиқиши қолмайди. Шунинг учун республика ҳукумати ўтиш даврида мамлакат иқтисодиёти учун чет эл инвестицияларининг фоят муҳим эканлигини анлаган ҳолда, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда чет эллик инвесторлар билан муносабатларда қонунчиликни такомиллаштириш учун барча чораларни кўрмоқда.

Чет эл сармояси иштирокида инвестиция лойиҳаларини танлаш, тайёрлаш ва амалга ошириш механизмини тартибга солиш ва осонлаштириш мақсадида 1998 йил 9 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл инвестициялари билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»га фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари департаменти ташкил этилди. У давлатнинг инвестиция сиёсатини амалга оширишга жавобгар бўлган бирдан-бир ваколатли идорадир. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги жараёнида Департамент фаолиятнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатdir:

— инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳамма босқичларида уларга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш;

— инвестиция фаолиятининг меъёрий-хуқуқий басини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

— инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш муддатларини белгилаш.

Инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда унинг субъектлари ва объектлари иштирок этадилар.

Мазкур фаолиятнинг субъектлари бўлиб, бир томондан мулкий ва қўлий (интеллектуал) бойликларга эга бўлган мулкдорлар (инвесторлар), иккинчи томондан эса инвестицияларни қабул қилувчи жисмоний, юридик шахслар ва давлат ҳисобланади.

Инвестиция субъектлари орасидаги муносабатлар кўпинча ишлаб чиқариш характеристига эга бўлиб, сармояларни иложи борича қисқа вақт ичидан ўзлаштириш ва улардан максимум даромад (фойда) олишга қаратилгандир. Улар ўз фаолиятларини бозордаги баҳоларни ўзгаришига қараб талаб ва таклиф қонуни асосида олиб борадилар.

Инвестицияларни йўналтирилган соҳаларига, ишлаб чиқаришдаги иштирокига ва қайси мақсадларда сарфланганига қараб, инвестицион фаолиятнинг қуидаги объектларини фарқлаш мумкин:

— ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларидағи янгидан яратилган ва замонавийлаштирилган (янгиланган) асосий фонdlар ва айланма маблағлар;

— фан-техника маҳсулотлари, илмий изланишлар, таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

— интеллектуал гоявий бойликлар, ҳамда муаллифлик, ихтиро, кашфиёт ҳуқуқлари;

— қимматбаҳо қофзлар, мақсадли пул жамғармалари;

— бошқа мулкчилик объектлари.

Республиканинг амалдаги қонунларига асосан экологик ва бошқа меъёrlарга, санитар-гигиеник талабларга жавоб бермайдиган, яратилиши ва ишлатилиши мумкин бўлмаган воситалар учун инвестицияларни йўналтириш ман этилади ва бу ишлар инвестицияларни сарфлаш обьекти бўла олмайди. Фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг қонуний ҳуқуқ ва манфа-

атларига путур етказадиган ишлар учун ҳам инвестицияларни сарфлаш ман этилади.

Инвестицион фаолият учун соҳалардан бирини ёки бўлмаса бир нечтасини танлаб олиш хукуқига инвесторларнинг ўзлари эгадирлар. Уларни ҳеч ким соҳа ёки инвестиция обьектларини танлашда мажбур эта олмайди.

Инвестицион фаолият субъектлари сифатида бир ёки бир неча сармоядорлар бир ёки бир неча мамлакатдан қатнашиши мумкин. Инвестициялар ҳажмини, соҳаларини ва натижалари бўйича самарадорлигини уларнинг ўзлари мустақил равишда аниқлайдилар.

Инвестицияларни амалга ошириш учун улар фуқароларни ва юридик шахсларни ўз хоҳишлари билан шартномалар асосида жалб қиладилар.

Инвестицион фаолият жараёнида субъектлар ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида мувофиқлаштирилади.

Шартномалар тузиш, шерикларни танлаш, мажбуриятларни аниқлаш ва бошқа хўжалик муносабатларини ўрнатиш, агарда улар қонунларга зид бўлмаса, фаяқат инвестицион фаолият субъектлари ваколатига киради.

Амалдаги қонунчиликка биноан инвесторнинг қатор мажбуриятлари ҳам бор. Инвесторнинг давлат идоралари ва муассасалари олдидағи мажбуриятлари қўйидагилардан иборатдир:

- инвестициялар ҳажми, уларнинг манбалари тўғрисида молия органларига декларациялар топшириш;
- капитал қурилишни амалга ошириш учун тегишли раҳбар ва маҳсус хизмат органларининг розилигини олиш;
- инвестиция лойиҳасининг санитар-гигиеник ва экологик жиҳатдан қўйилган талабларга жавоб бериши тўғрисида экспертиза хулосасига эга бўлиш;
- қонунчиликда белгиланган ва ўрнатилган тартиб бўйича норма ва стандартларга бўйсимиш;
- давлат томонидан юклатилган талабларни бажариш ва уларга амал қилиш;
- белгиланган тартибда бухгалтерия ва статистик маълумотларни ҳамда ҳисоботларни тегишли органларга ўз вақтида етказиб бериш.

Булардан ташқари инвестицион фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси маҳсус ишларни бажариш учун лицензияга эга бўлиши лозим.

Шу нарсаны алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, инвестициялар иқтисодиёт тараққиётини белгиловчи бош омил сифатида ўз-ўзидан намоён бўлавермайди. Инвестицияларнинг ҳажми ва уларнинг ўсиш суръатлари кўп жиҳатдан мамлакатдаги инвестицион мұхитга боғлиқ. Бу мұхит шу мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, давлатнинг ички молия сиёсати, инвестицион фаолиятга давлатнинг аралашув даражаси, миллий валютани хорижий валюталарга эркин алмаштириш (конвертациялаш) имкониятлари, инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар ва имтиёзлар мажмуаси билан белгиланади. Айниқса хорижий инвестициялар ана шу мұхит қаерда яхши ва қулай бўлса, ўша ерга тез ва кўп «оқиб» келади.

Инвестицион мұхитнинг яхшилана бориши, амалдаги қонунларнинг адолатлик даражаси орта боргани сари нафақат инвестициялар кўлами орта боради, балки уларнинг манбаларида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Ишбилармонлик ва тадбиркорлик кенг кўламда ривожланади, натижада умумий инвестициялар ҳажмida марказлашмаган, нодавлат секторга қарашли сармоялар ҳажми орта боради. Бошқача сўзлар билан айтганда, хусусий мулқорлар, шу жумладан хорижий сармоядорлар ўз маблағларини ишонч билан, қўрқмасдан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарфлайдилар.

Хорижий инвестициялар иштироқидаги қўшма корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш, инвесторларни аҳборотлар билан таъминлашнинг ягона тизимини барпо этиш соҳасида Ўзбекистонда жуда кўп ишлар қилинди. Бироқ инвесторларнинг республикада иқтисодий ислоҳотлар қандай бораёттани ва унинг йўналишлари, жамиятимиз тараққиётининг макроиктисодий кўрсаткичлари, қонун ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек йўриқнома ҳамда аҳборот-билдирув туслидаги материаллар тўғрисида тўлиқ ва оператив маълумотларга эҳтиёжи тўла-тўқис қондирилган деб бўлмайди. Шу муносабат билан республикада ҳисоб юритиш ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш мұхим вазифа ҳисобланади. Статистика ҳисоботларини кечикиши, кўп ҳолларда эса эълон қилинмаслиги ва ундаги бир қанча ўлчамларнинг халқаро андозаларга мос келмаслиги хорижий инвесторлар учун жиддий тўсиқ ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларнинг кўламини кенгайти-

риш ва самараадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатувчи юқорида айтилган ва бошқа муаммолар қанчалик тез ҳал этилса, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва тез суръатлар билан ривожланиши шунчалик тез таъминланади.

## IV Б О Б. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ

### 1. Микроиқтисодиёт

Ҳар қандай жамиятдаги кишиларнинг асосий мақсади ўзининг турмуш шароитини яхшилаш, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришдан иборат. Ана шу мақсадга эришиш йўлидаги уларнинг барча хатти-ҳаракатлари инсониятнинг чекланган имкониятлари доирасида амалга ошади. Кишиларнинг ақлий ва жисмоний қобилияти, у ёки бу вазифаларни бажаришга ажратадиган вақти, меҳнат қилиш учун зарур бўлган воситалари ҳам чеклангандир. Тўғри, илм-фан тараққиёти натижасида мавжуд имкониятлар мислсиз даражада кенгайди. Бундан юз йиллар олдин кишилар учун афсона ҳисобланган орзулар эндиликда реал ҳақиқатга айланди ва бундан кейин ҳам чекланган имкониятлар доираси кенгайиб бориши муқаррар. Лекин шундай бўлса, ҳам, ҳозирда ва келгусида кишиларнинг фаровон турмуш даражасини белгиловчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларнинг чекланганлиги асосий муаммо бўлиб қолаверади. Чунки ресурслар чекланмаган бўлганда эди, уларни тақсимлашга, тежашга, улардан унумли фойдаланишга зарурият бўлмас эди.

Жамият ва ундаги ҳар бир шахснинг асосий вазифаси чекланган ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланишини таъминлайдиган йўналишларни танлаш ва максимум натижаларга эришишдан иборат. Ана шу мақсадга эришиш учун меҳнатга лаёқатли кишилар муайян жамоалар (корхона, компания, фирма, ширкат, кооператив ва ҳ. к.) га бирлашадилар ва ҳамкорликда фаолият кўрсатадилар — товарлар ишлаб чиқарадилар ва хизматлар кўрсатадилар. Шундай йўл, билан иқтисодиётнинг куйи бўғинлари пайдо бўлади ва улар хўжалик юритувчи субъектлар деб аталади. Ана шу субъектлар фаолиятини ўрганувчи фанни «Микроиқтисодиёт» деб юритилади.

Корхона (фирма)лар мавжуд чекланган имкониятлар шароитида ўз фаолиятлари йўналишларини белгилашда учта асосий вазифани ҳал қилишларига тўғри келади. Биринчидан, нима, яъни қандай товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматларни бажариш ва қанча миқдорда, иккинчидан, қандай, яъни чекланган қанча ресурслар, технологик усуллар ёрдамида, учинчидан, ким учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Мана шу вазифаларни оқилона ҳал этиш йўллари ва усулларини «Микроиқтисодиёт» фани ўрганади.

Шу билан биргаликда «Микроиқтисодиёт» фани кенг қамровли фан бўлиб, у хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, фирмалар, ширкатлар ва ҳ. к.) дараҷасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш, ишчилар, хизматчилар ва муҳандис ҳодимлар меҳнатини ташкил қилиш ва улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг оқилона шакли ва тизимларини жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматлар сифатини муттасил яхшилаб бориш каби вазифаларни ҳам ўрганади.

Ишлаб чиқариш — хўжалик вазифаларини ҳал этишнинг бир неча, ҳатто ўnlаб йўллари мавжуд. Лекин ана шу йўллар (ёки усуллардан) фақат биттасигина энг мақбул бўлиб, уни иқтисодчилар, одатда, оптималь вариант деб юритишади.

«Микроиқтисодиёт» фанининг асосий вазифаси хўжалик юритувчи субъектлар олдига қўйилган мақсадга эришиш учун ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларниңг энг мақбул, оптималь ечимини топишлар, деса бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд имкониятлар доирасидан чиқиши мумкинми? Масалан, ҳозиргидан кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун нима қилмоқ керак, деган саволга «Микроиқтисодиёт» фани қўйидагича жавоб беради. Ҳа, албатта мумкин. Лекин бунинг шарти — янги ресурсларни жалб қилиш ва янги технологияларни жорий этишдир.

Шу бугунги кунда корхона (фирма)да ишлаб чиқарилётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизмат ҳажмини кўпайтирган маъкулми ёки олдинги ҳажмларни сақлаб қолганми? Бу саволга ҳам микроиқтисодиёт фани, аниқроғи шу фан бўйича мутахассис-иқтисодчилар жавоб беради. Жавоб конкрет маҳсулот ёки хизматта истьмолчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб топилади.

Бирон бир товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрса-

тишни ташкил қилиш учун қандай моддий-техника-  
вий, молиявий ва меҳнат ресурсларини қаердан жалб  
қилиш керак ва бунинг учун сарфланган маблағлар  
қанча вақтдан кейин ўзини қоплади, деган савол ҳам  
конкрет тадқиқотлар ва ҳисоб-китоблар орқали ўз жа-  
вобини топади. Бу жавобни ҳам «Микроиқтисодиёт»  
бўйича мутахассислар топа олади.

Шундай қилиб, «Микроиқтисодиёт» мамлакат ҳалқ  
хўжалигининг асосий бўғини бўлган, мамлакат миллий  
бойлигини кўпайтиришга хизмат қиласиган, ҳалқ хўжа-  
лиги учун зарур бўлган турли-туман товарлар ишлаб  
чиқаридиган корхоналар, фирмалар, ассоциациялар ва  
шу каби бошқа хўжалик юритувчи субъектлар иқтисо-  
диётини чекланган имкониятлар доирасида, талаб ва  
таклиф асосида ташкил этишнинг асосий қонуниятла-  
рини ўрганувчи фан бўлганилиги учун у жамиятдаги  
мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим роль  
ўйнайди.

«Макроиқтисодиёт» бутун ҳалқ хўжалиги ёки унинг  
тармоқларидағи иқтисодий қонуниятларни, давлат, ко-  
оператив, хусусий ва шу каби бошқа секторларнинг  
иқтисодий фаолиятини, мамлакат аҳамиятига молик  
бўлган миллий даромад, иқтисодий юксалиш, умумий  
баҳо тизими, инфляция, иш билан таъминлаш, умумий  
даромадлар ва харажатлар ва бошқа масалаларни  
ўрганса, «Микроиқтисодиёт» алоҳида олинган корхона  
(фирма) фаолиятини кенг миқёсда таҳлил этиш асоси-  
да тегишли хуносалар чиқариб, энг мақбул қарорлар  
қабул қилишга хизмат қиласи. Бунда таҳлил учун ай-  
рим корхоналар (субъектлар) олиниб, улардаги даро-  
мадлар ва харажатлар, ишчиларнинг сони ва уларнинг  
иш билан таъминланганлити, ишлаб чиқарилаётган маҳ-  
сулотлар миқдори, уларнинг баҳоси ва шу каби қатор  
бошқа иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилиб, тегишли  
қарорлар қабул қилинади. Образли қилиб айтадиган бўлсак,  
«Макроиқтисодиёт» бирорта шаҳарнинг  
бутун фаолиятини, ундаги воқеа ва ҳодисаларни юқори-  
дан туриб ўрганса, «Микроиқтисодиёт» шу шаҳардаги  
ҳар бир корхона ва ташкилот фаолиятини, улардаги  
воқеалар ва ҳодисаларни яқиндан туриб ўрганади. Бозор  
иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири  
давлат корхоналари билан бирга тадбиркорлик прин-  
ципи асосида ташкил этилган корхона (фирма)ларнинг  
фаолият юргизишидир. Микроиқтисодиётнинг асосий  
ахборот манбай бўлиб ана шу турли корхона (фирма)-

лар ҳамда шахсий хўжаликлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади. «Микроиқтисодиёт» улар фаолиятини таҳлил этишда, хulosалар чиқаришда, зарур бўлган қарорлар қабул қилишда турли усуllibардан фойдаланади. Бу усуllibарнинг энг асосийси «билишнинг диалектик методи» деб юритилувчи усулдир. Уни қисқароқ қилиб, диалектика усули деб ҳам юритилади. Диалектика усули барча ҳодиса ва воқеаларни доимий тараққиётда ва ўзаро алоқадорликда ўрганиш зарурлигини билдиради. Бунда анализ, синтез, индукция ва дедукция усуllibаридан фойдаланилади. Анализ, яъни таҳлил усулидан фойдаланишда ҳодисаларни майда бўлакларга ажратиб, уларни тадқиқ этилса, синтез усулида ҳодисаларнинг майда элементларини бирлаштириш асосида ягона хulosага келинади. Индукция усулида айрим далиллар асосида умумий қоидалар асосида айрим хulosалар қилинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритадиган ҳар бир иқтисодчи, ҳар бир тадбиркор киши бу усуllibардан фойдаланмасдан иложи йўқ. Чунки ўз корхонасидан ёки шахсий хўжалигидан оладиган даромадни ошириш учун доимо кузатув олиб борилиши зарур бўлган фактлар, далилларни тўплаши ва уларнинг таҳлили асосида ягона хulosага келиб, қарор қабул қилиши лозим бўлади. Қабул қилинган қарорни амалга ошириш учун улар бу қарорни қисмларга бўлиб, тадбирлар белгилаши ва уларни бажариш чораларини ишлаб чиқишилари керак.

Юқорида кўриб ўтилган усуllibардан фақатгина корхона (фирма) иқтисодчилари, тадбиркорларгина эмас, балки давлат ҳам ўз иқтисодий сиёсатини белгилашда кенг фойдаланади. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий таҳлиллар асосида иқтисодий концепция (ёндашувлар) вужудга келади. Улар ўз навбатида давлатнинг иқтисодий сиёсати йўналишларини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, «макро» деганда «катта», «микро» деганда эса «кичик» деган маъно тушунилади. Демак, «макроиқтисодиёт» катта иқтисодиёт, яъни мамлакатлар иқтисодиёти, унинг айрим секторлари (давлат сектори, хусусий сектор) ва тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, курилиш ва ҳ. к.) иқтисодиёти тушунилади. «Микроиқтисодиёт» деганда эса «кичик иқтисодиёт», яъни юқорида айтиб

ўтилганидек, алоҳида корхона ёки фирма, компания ёки ширкатнинг иқтисодий фаолиятини ўрганувчи фанни тушунмоқ керак.

Иқтисодий билимлар мажмуасининг икки йўналиши бўлган «макроиқтисодиёт» ва «микроиқтисодиёт» бизга бозор муносабатларига ўтиш натижасида кириб келган тушунчалар бўлиб, уларни биз учун мутлақо янги тушунчалар деб бўлмайди. Илгари бизда «халқ хўжалиги иқтисодиёти», «халқ хўжалигини режалаштириш», «иқтисодиётни бошқариш» деб айтилувчи фанларни эндиликда замонавий тилда қисқа қилиб «Макроиқтисодиёт» деб айтилмоқда «Корхоналар иқтисодиёти», «Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш» деб аталган фанлар эса ҳозирги замон талабларига биноан «Микроиқтисодиёт» деб юритилмоқда.

Шу билан биргаликда «Макроиқтисодиёт» ҳам, «Микроиқтисодиёт» ҳам, бозор иқтисодиёти тизимиға хос бўлган илмий қарашлар ва ёндашувларга асосланганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Авваллари, масалан, ишлаб чиқаришнинг мақсади — ижтимоий эҳтиёжларни қондиришдан иборат, деган мавҳум (абстракт) тушунча ҳукмронлик қилиб, корхонада нимани ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш ва маҳсулотни қайси истеъмолчига юбориш юқоридан, яъни марказдан белгилаб берилган бўлса, эндиликда аҳвол мутлақо бошқача. Бозор иқтисодиётининг асосий тамойили ҳар қандай товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этишда конкрет истеъмолчиларнинг шу товар ёки хизматга бўлган талабини эътиборга олишдир. «Микроиқтисодиёт»нинг фан сифатида ўзига хос хусусияти унинг кенг қамровлилиги ва кўп тармоқлилигидир. Масалан, корхона, фирма, ширкат ёки ассоциация даражасида уларнинг молиявий муаммолари билан микромолия мутахассислари шугулланади. Корхонада ишлаб чиқарилган товарнинг рекламаси ва уни сотиш билан боғлиқ масалалар маркетинг соҳасининг ваколатига киради. Корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқариш менежмент деб аталувчи соҳанинг масалаларидир. Булар ҳақида рисоланинг кейинги саҳифаларида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

## 2. Менежмент

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳаётимизга шиддат билан кириб келган тушунчалардан бири бу ме-

нежментдир. Кенг маънода, менежмент ишлаб чиқариши бошқариш билан боғлиқ бўлган фаолият туридир. Самарали менежмент ташкил этилмаган корхона ёки фирмада ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлиги ҳақида фикр-мулоҳаза юритишнинг ўзи хом хаёлликдан иборатдир.

Хўш, менежмент корхона ва фирмада ишлаб чиқариши бошқариш билан боғлиқ бўлган фаолият ёхуд фаолият тури экан, бошқариш деганда нимани тушунамиз?

Маълумки, ҳар бир инсон якка тартибда, яъни бирон-бир жамоага бирлашмаган ҳолда меҳнат қиласар экан, у ўз меҳнатини ўзи бошқаради. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, якка тартибда амалга оширилувчи меҳнат фаолияти бошқарувга мухтоҳ эмас. Аммо одамларнинг меҳнат фаолиятлари бир жойга жамланиб, бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолатта келгач, бошқарувга эҳтиёж пайдо бўлади ва бошқарув аппаратини бунёд этиш зарурияти туғилади. Бу аппарат ишлаб чиқаришнинг барча бўгинларини бир бутун қилиб боглаши ва тегишли бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириши зарур бўлади.

Меҳнат жамоаси йириклишган сари бошқарувнинг вазифалари ҳам мураккаблаша боради ва бошқарув аппаратидан техник, технологик, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этишнинг энг мақбул (оптималь) ечимларини топа билиш иқтидори талаб этилади.

Бошқарув жараёни муайян мақсад сари йўналтирилган бўлиб, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техник натижаларга эришиш учун амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида турли хил ижтимоий, руҳий, педагогик, ҳукукий, технологик ва бошқа тоифадаги масалалар вужудга келади ва ҳал этилади. Аммо, жамоани бошқариш билан боғлиқ муносабатлар ичida ташкилий муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди, дейиш мумкин.

Хўжалик бошқарувининг вазифаларини, бошқарилаётган обьектнинг кўламидан қатъий назар, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- а) тадқиқотчилик ва лойиҳалаш;
- б) меъёрлаштириш ва режалаш;
- в) ташкилотчилик ва мувофиқлаштириш;
- г) таъминловчилик;
- д) ҳисобот назорати.

Тадқиқотчилик ва лойиҳалаш вазифаларига илмий

изланишларни ўтказиш, келажак режаларини тузиш ва унга оид иқтисодий маълумотларни ўрганиб чиқиш ишлари киради.

Меъёрлаштириш ва режалаш бошқарувни ташкил қилиш асосларини ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш жараёнини тўғри йўлга солища мөҳнат ва харажатларни меъёрлаштириш, истиқболли, жорий, тезкор режалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бошқарув илмининг асосий вазифаларидан биридир.

Ташкилотчилик ва мувофиқлаштириш вазифалари ишлаб чиқариш бошқаруви негизини ташкил қилиб, у бошқарув аппарати таркибини лойиҳалаш, ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ишлаб чиқаришга муҳандислик раҳбарлиги каби масалаларни қамраб олади.

Ишлаб чиқариш бошқарувида таъминловчилик вазифаси ҳам катта аҳамиятга эга, чунки корхона (фирма)ни керакли ҳом ашё ва материаллар, унинг энергетика, транспорт ва асбобсозлик хизматларини зарур дастгоҳ ва жиҳозлар билан таъминлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишни амалга ошириш каби ишлар бошқарув аппаратининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Корхонанинг ҳисобот назорати статистик, бухгалтерия ва тезкор ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади. Аналитик таҳдил, молия-кредит муносабатларининг мукаммаллиги бошқарув самарадорлигига таъсири кўрсатувчи муҳим омилларидир.

Бошқарув тизимининг самарадорлиги қўп жиҳатдан бошқарув услубларига боғлиқ бўлиб, улар асосан қўйидагилардан иборат:

а) сиёсий услублар; б) иқтисодий услублар; в) маъмурий-хуқуқ услублари; г) ташкилий услублар; д) бошқарув қарорларини ва жараёнларни қулайлаштириш (кибернетик) услуби; е) ижтимоий-руҳий, педагогик услублар; ж) график услублар.

Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ишлаб чиқаришни кўрсатиб ўтилган услубларнинг биронтаси орқали ташкил қилиш ва бошқариш мумкин эмас. Бу услубларнинг мантиқий ва илмий асосланган ўзаро боғлиқлигигина ишлаб чиқаришни бошқаришда кутилган натижаларни бера олади.

Бошқарув аппаратининг таркибини бир-бири билан боғланган бўлимлар ва бўғинлар билан тўлдириш натижасида унинг ташкилий тузилмаси шакланади. Ҳар бир бўлинма ўз вазифасига эга бўлиб, унинг ба-

жарадиган вазифалари доирасини, фаолият чегараларини, ваколатлари ва жавобгарлигини корхона (фирма) маъмурияти белгилайди.

Ишлаб чиқариш бирлашмаларининг бошқарув тузилиши кетма-кет жойлашган бир нечта бошқарув иерархия (хизматда юқори мансабдорларга тобелик) босқичларидан ташкил топади. Уларга ҳар хил, масалан, ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқи берилади ва бу фаолият натижалари учун маъсулият юкланди.

Олий бошқарув иерархия даражасига ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, кейинги даражага эса бош директорга бўйсунувчи раҳбарлар киради. Ўз навбатида уларга кейинги даражадаги раҳбарлар бўйсинади. Улардан сўнг навбатдаги бошқарув иерархия даражалари жойлаштирилади.

Бошқарувнинг илмий асосланган ва тажрибада синаб кўрилган қоидаларига таяниб, корхоналарни самарали ривожлантириш бозор муносабатларини ўзлаштираётган мамлакатимиз учун жуда муҳим вазифадир.

Ишлаб чиқариш соҳаларига раҳбарлик қилиш бошқарувчи юқори ташкилотларнинг ҳамжиҳат ҳаракатларини талаб қиласди. Шу билан биргаликда ишлаб чиқаришни бошқариш тизимининг асосида қуидаги таймиллар ётади:

**1. Бошқаришнинг илмийлиги.** Ҳозирги замон шаротида бошқаришнинг илмийлик қоидаси тобора каттароқ аҳамият касб этмоқда. Бу қоидани амалга ошириш ижтимоий тараққиёт қонунлари, қонуниятлари ва тажрибасини чукур ва ҳар томонлама билиб боришни ва улардан хўжалик юритиш амалиётида тобора кўпроқ фойдаланишни тақозо этади. Ишлаб чиқаришни илмий асосда бошқариш қоидасини амалга ошириш қуидаги шартларни бажаришни назарда тутади.

а) ишлаб чиқаришни бошқаришнинг илмий негизларини бутун чоралар билан ривожлантириш ва унинг турли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш учун маҳсус илмий тадқиқот муассасаси (институт, марказ ва ҳ. к) барпо қилиш;

б) раҳбарлик малакасига талабни кучайиб бораётганлигини эътиборга олиб, бошқарув ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг мукаммал тизимини яратиш;

в) ишлаб чиқаришни бошқаришнинг энг яхши ва илфор тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш.

**2. Сиёсий ва хўжалик раҳбарлигининг яхлитлиги.** Бу қоида иқтисодиётга сиёсат билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қарашга асосланади ва ўз ичига қўйидагиларни олади:

- а) умумий хўжалик вазифалари билан иқтисодий вазифаларни ҳал этишга сиёсий ёндашув;
- б) меҳнат жамоаларининг фаолиятини миллий иқти-  
сиёт манфаатларига мослаш учун оммани сиёсий тар-  
биялаш усусларидан фойдаланиш;
- в) мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривож-  
ланишини умумдавлат мақсадларига йўналтириш.

Агар бу қоида бузилса, мақсадлар муштараклиги йўқолади ва хўжаликка раҳбарлик услуби самараисиз бўлиб қолади. Бу ўз навбатида давлат манфаатларига-  
гина эмас, балки ҳар бир алоҳида меҳнат жамоаси,  
алоҳида шахс манфаатларига ҳам зарар келтиради.

**3. Тармоқ ва ҳудудлар бўйича бошқариши мушта-  
рак олиб бориш.** Маълумки, ҳалқ хўжалиги тармоқлар  
ва иқтисодий районларнинг йиғиндисидан иборатdir. Меҳнатнинг тармоқлараро ва ҳудудий бўлиниши иш-  
лаб чиқариши ташкил қилишнинг энг умумий шак-  
лидир. Ҳар бир корхона, бирлашма бир томондан, му-  
айян тармоқнинг таркибий қисми бўлса, иккинчи то-  
мондан, бирор ишлаб чиқариш, ҳудудий мажмуаси-  
нинг, районнинг таркибий қисмидир. Бу ҳол корхона-  
ларга раҳбарлик қилишда тармоқ ва ҳудуд бўйича бош-  
қариш қоидасини bogлаб олиб боришни ва тармоқ бош-  
қаруви билан ҳудудий бошқарув вазифаларини тўғри  
тақсимлашни талаб қиласди.

**4. Бошқариши демократлаштириш.** Бу қоида иш-  
лаб чиқариши бошқаришпининг энг муҳим қоидалари  
(тамоилилари) жумласига киради. Иқтисодиёт тарақ-  
қиёти юзлаб (айрим ҳолларда эса минглаб кишилар-  
нинг бир корхона, фирма ёки компанияга бирлашиб  
амалга ошираётган ишларини йўлга солиб, мувофиқ-  
лаштириб турадиган мустаҳкам иродага асосланади. Шу  
билан бирга бошқариши демократиялаштириш жа-  
моя аъзоларини ишлаб чиқариши бошқаришга кенг  
кўламда жалб қилиш учун етарли имконият ва шарт-  
шароитлар яратиб беришни тақозо этади.

**5. Иқтисодиётни режа асосида ривожлантириш.** Бош-  
қарув тизимининг самарадорлиги кўп жиҳатдан режа-  
лаштиришга боғлиқ бўлиб, у бошқарувнинг марказий  
бўғинини ташкил этади.

Ҳар қандай режа — бу ўзаро алоқадор қарорлар

мажмуаси бўлиб, улар режалаштириладиган объектнинг келажак ҳолатини акс эттиради, тараққиётнинг мақсад ва вазифаларини аниқлайди, режа топшириқларини бажарилишини ташкил ва назорат қилади. Агар бу қоида бузилса, баъзи бир товарларнинг етишмовчилиги дарҳол сезилиб қолади ёки айрим товарлар керагидан ортиқча ишлаб чиқарилади. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш ва истеъмолда, маҳсулотга бўлган талаб ва таклифларда номутаносибликка олиб келади.

**6. Бошқарувда якка ҳокимлик.** Бу қоида корхона ва ташкилотлар бошқарув давлат томонидан тайинланган ишончли шахс орқали бажарилишини билдиради. Бу шахсга корхонанинг мол-мулки, пул воситалари ва меҳнат ресурслари ишониб топширилади. Якка ҳокимлик ишлаб чиқаришни бошқаришда жиддий тартиб ва меҳнат интизомини таъминлади. Якка ҳоким ўз ишида ҳамма вақт кўпчилик билан бамаслаҳат иш тутиши, уларга таяниши керак. Бу эса ўз навбатида уни бошқарув фаолияти даврида нотўғри қарорлар қабул қилишдан сақлайди.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда кўлланиладиган усусларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Бошқарув усуслари ўзининг тавсифига кўра қўйидагиларга бўлинади:

#### **Биринчи. Иқтисодий усуслар**

Бошқаришнинг бу усули ходимлар ва меҳнат жамоаларининг моддий манфаатларига асосланган бўлиб, давлат, жамоа ва ҳар бир ходимнинг моддий манфаатларини бир-бири билан боғланиши (муштараклиги)ни таъминлаш учун уларга иқтисодий омиллар воситасида таъсир кўрсатади. Бу омилларга таннарх, нарх, фойда, рентабеллик, хўжалик ҳисоби, моддий рағбатлантириш фонди киради. Иқтисодий бошқарув усусларининг асосий вазифаси маҳсулот бирлигига сарфланадиган харожатлар микдорини камайтиришга имкон берувчи хўжалик механизмини барпо этиш ва ундан самарали фойдаланишdir. Хўжалик механизмининг негизини ишлаб чиқарушни бошқариш, режалаштириш ва рағбатлантириш ташкил этади.

#### **Иккинчи. Ташкилий-маъмурий бошқарув усуслари**

Бошқаришнинг бу усули яккабошчилик муносабатлари, меҳнат интизоми ва масъулиятга асосланган бўлиб, унинг негизида бошқарилаётган объектга ёки шахсларга қаратилган ва бажарилиши шарт бўлган маъмурий кўрсатмалар ётади. Бошқача қилиб айтганда,

корхонанинг раҳбари ўзига бўйсунувчи цех раҳбарларига, цех раҳбарлари шу цеҳдаги ишлаб чиқариш участкаларининг усталарига бажарилиши зарур бўлган кўрсатмаларни бериши мумкин ва улар бу кўрсатмаларни бажариши лозим. Бундай кўрсатмалар жумласига маҳсулот турларини режага асосан бир маромда ишлаб чиқаришни юқори даражада ташкил қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат нормаларини ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва бошқа тез ҳал қилинадиган масалалар киради.

Куйи поғонадаги раҳбарларнинг юқори поғонадаги раҳбарларга бўйсуниши қўйидаги тартибда бўлади. Масалан, уста катта устага, катта уста цех раҳбарининг муовинига, цех раҳбарининг муовини цех раҳбарига бўйсунади ва ҳоказо.

#### **Учинчи. Ижтимоий-руҳий бошқарув усуслари**

Бу усул меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқарища кенг иштирок этишига асосланган бўлиб, уни қўллашдан асосий мақсад жамоаларда соғлом ижтимоий-руҳий муҳитни яратиш, пайдо бўлган низоларни ўз вақтида бартараф этишдир.

Жамоа аъзолари орасидаги низоларнинг қўпчилиги, ишлаб чиқаришни қониқарсиз ташкил қилинганилиги, раҳбарнинг иш жараёнида ўзига бўйсунувчи жамоа аъзоларининг руҳий ҳолатларини ҳисобга олмаганлиги натижасида вужудга келади. Низолар қанчалик кўп бўлса, меҳнат жамоаларида ижтимоий-руҳий муҳит шунчалик ёмонлашади.

Ҳозирги шароитда раҳбар фақат ўз соҳасини яхши билибина қолмай, балки яхши ташкилотчи бўлмоғи, социология, психология, педагогика фанларидан ҳам хабардор бўлмоғи лозим. Буни ҳаётимиздаги жиддий ўзгаришлар, инсон омилининг фаоллашуви, жамоаларнинг ўз-ўзини бошқариш шароитида улар билан ишлаш тақозо қиласи. Жамоага аъзо бўлган раҳбар ўз жамоаси ичida меҳнат жараёнида вужудга келадиган ҳар бир низоларни жамоат ташкилотлари билан биргаликда юқори ташкилотларга чиқармасдан ўзида ҳал қилишга қодир бўлиши лозим.

Ишлаб чиқаришни бошқарища раҳбарнинг қайси тоифада экани асосий роль эгаллайди. Раҳбарларнинг қўйидаги тоифалари мавжуд:

**1. Автократ ёки авторитар тоифадаги раҳбар.** Бундай раҳбар қўл остидагиларнинг фаолияти учун жавобгарликни ўз зиммасига тўлиқ олади, барча мавжуд ахбо-

ротларни ўзи орқали ўтказишга ҳаракат қиласи, жамоа аъзолари билан бевосита мулоқотларни чегаралаб қўяди, ўзининг ноўрин ҳаракатларини танқид қилинишига чидай олмайди. Ўзига бўйсунувчилари билан муомалада бўлғанда унинг раҳбарлик фурури баландлиги, ўзини катта тутиши сезилиб туради. Одатда автократ раҳбарлар ўзига бўйсунувчилар олдида қовоги солинган кайфиятда бўлади. Бироқ автократ раҳбарлик турини ҳар жиҳатдан ёмон деб бўлмайди. Баъзи бир ҳолларда бўйсунувчиларнинг маданий даражаси ахлоқи пастлиги сабабли автократик бошқарув услубини танлаб олиш ҳам иш бериб қолиши мумкин. Аммо жамоада ҳар томонлама демократик муносабатлар пишиб етилган пайтда раҳбар ўз услубини ўзгартиришга мажбур бўлади.

**2. Анархик тоифадаги раҳбар.** Бундай раҳбар шахсан ўзи фаоллик кўрсатмайди. Ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ масалаларни қўл остидаги ходимларга расман тақсимлаб беради. Шунинг учун ишлаб чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ҳам расмий характерга эга бўлади. У кўпроқ ташқи таъсирга мояйлилиги билан ажralиб туради. Жамоанинг тақдири, ишлаб чиқаришнинг истиқболи каби масалалар уни кам қизиқтиради. У ёки бу масалаларнинг бажарилиши айrim бўйсунувчиларнинг хоҳиш-иродасига бөглиқ бўлади.

Бундай раҳбар бошқараётган жамоада танқид, ўз-ўзини танқид каби муҳим омиллар ўз ўрнига эга эмас, жамоа аъзоларининг ташаббускорлиги рағбатлантирилмайди.

Табиийки, бундай раҳбар тезда алмаштирилмаса, у бошқараётган корхона тез орада банкротга учрайди.

**3. Демократик раҳбар.** Бундай тоифадаги раҳбар ўз фаолиятини жамоа аъзоларига таянган ҳолда олиб боради. Фаолият учун жавобгарлик бўйсунувчилар орасида тақсимланади. Жамоа аъзоларининг бир-бири билан ижодий, ташаббускорона муносабатларини рағбатлантириш билан биргаликда раҳбар ўзига бўйсунувчилар билдирган фикрларга қулоқ солади, улар билан маслаҳатлашади, ижобий фикр-мулоҳазаларни инобатга олади, илгорларни мукофотлайди. Бундай раҳбарлик тури бўйсунувчиларнинг шахсий ташаббусини, ижодий фаолиятини ривожлантиради ва меҳнат жамоасида ўртоқлик ва ишchan муҳитни, соғлом маънавий-руҳий иқлимини яратади.

Ҳозирги кунда бошқаришни такомиллаштиришнинг

мұхым масалаларидан бири менежмент (бошқариш)ға оид вазифаларнинг бажарилишини таъминлай оладиган, ўз ишининг устаси бўлган менежерлар тайёрлашдир.

Менежерлар (бошқарувчилар) олдига қўйиладиган асосий вазифаларни қўйидагича таърифлаш мумкин:

**1.** Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, бир бутун, яхлит ишлаб чиқариш бирлигини яратиш, корхонани юқори малакали мұхандис-техник ходимлар ва ишчилар билан бутлаш;

**2.** Корхонанинг заиф томонларини аниқлаб, уларни бартараф этиш ва ишлаб чиқаришни юқори даражада ривожланишини таъминловчи хўжалик механизмини яратиш;

**3.** Жамоа аъзоларини юксак ишлаб чиқариш ва меҳнат натижаларига рағбатлантира олувчи моддий манфаатдорлик тизимини яратиш;

**4.** Корхона (ташкilot) фаолиятини мунтазам таҳлил қилиш ва унинг меъёrlарига ўз вақтида ўзгаришлар киритиши;

**5.** Ўз фаолиятига оид давр талабларини ҳисобга олиш, мазкур соҳада содир бўлаётган ўзгариш ва янгиликларни илғай олиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш.

Менежер ўз қўл остидаги ходимларнинг аниқ меҳнат фаолиятини ташкил қилувчи ва шу билан бирга маълум ҳажмдаги бошқарув вазифасини бажарувчи шахсdir. «Менежмент» деганда маълум корхона ёки фирма бошқаруви ёки уларга раҳбарлик қилиш тушунилади.

Менжерликнинг асосий мақсади корхона (фирма) фаолиятини ишлаб чиқариш қувватларидан тўла ва самарали фойдалана олишини таъминлайдиган даражада ташкил қилишдан иборатдир. Менежер ҳар доим одамлар билан мулоқатда бўлиб, уларнинг ишини ташкил қиласди. Унинг билим доираси қанчалик кенг ва маданияти юқори бўлса, ходимлар билан бўладиган муносабати шунчалик самарали бўлади.

Кўпгина ҳолларда бошқарув билимларини етишмаслиги корхонани кам самара билан ишлаши ёки ўз фаолиятини тўхтатишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳар бир менежер (бошқарувчи)дан менежментга оид билимларни мукаммал ўзлаштириш, бу билимларни мунтазам бойита бориш ва доимо янгиликка интилиш туйғусига эга бўлиши талаб қилинади.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқда-  
ки, эндиликда менежментга оид билимлар доираси то-  
бора кенгайиб, ўз навбатида ундан бир қатор маҳсус  
йўналишлар ажралиб чиқмоқда. Бинобарин менежер-  
лар ҳам муайян соҳалар бўйича ихтисослашмоқда.

Умумий менежмент бўйича мутахассислар, яъни ме-  
нежерлар корхона ёки фирмада олинаётган фойданинг  
кўп миқдорига эришишнинг умумстратегик масалала-  
ри билан шугулланади.

Молиявий менежмент мутахассислари корхона ёки  
фирманинг молиявий ресурсларидан юқори самарадор-  
лик билан фойдаланиш, яъни ишлаб чиқаришга сарф-  
ланяётган ҳар бир сўм ёки доллардан максимум (энг  
кўп) фойда олишга эришиш масалалари билан шугул-  
ланадилар.

Ишлаб чиқариш менежменти мутахассиси товар  
ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш операцияларин-  
инг самарадорлигини ошириш масалалари билан маш-  
фул бўладилар.

Менежмент фанининг муҳим тармоқларидан бири-  
персонал (ходимлар)ни бошқариш бўлиб, бу соҳа мутахассислари ишчи ва хизматчиларни танлаш, уларни  
жой-жойига кўйиш, уларнинг меҳнатини оқилона таш-  
кил қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомил-  
лаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш каби  
масалалар билан шугулланадилар.

Ва ниҳоят, менежментнинг яна бир муҳим соҳаси  
мавжудки, уни маркетинг (бозоршунослик) иши деб  
аталади. Мазкур соҳа бўйича мутахассислар корхона  
(ёки фирма) маҳсулотига бўлган талабни ўрганиш ор-  
қали унинг бозорини кенгайтириш, яъни кўпроқ маҳ-  
сулот сотиш йўлларини ўрганади. Бу ҳақда, яъни мар-  
кетинг иши хусусида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

### 3. Маркетинг

Бозор шароитлари ва унинг ўзига хос хусусиятла-  
рини, ундаги рақиблар салоҳияти-ю рақобат усуслари-  
ни, муайян товар ва хизматларга бўлган талаб ва у  
ерда мавжуд бўлган таклифни пухта ва атрофлича ўрга-  
ниш товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи-  
лар учун ютуқ ва барқарорлик гаровидир. Ана шу айт-  
тиб ўтилган ишларни амалга ошириш ҳозирги замон  
тилида маркетинг деб юритилади.

Бозор механизмининг асосий элементлари (товар-

лар таклифи, харидорлар талаби, нарх-наво) бир-бири билан шу қадар узвий боғлиқки, уларни ўрганмай туриб, бозордаги жараёнларни тўғри тушуниб етиш анчагина мушкул ишдир. Шунинг учун хўжалик амалиётининг чалкашликлари, унинг сиру-асрорларини билмоқ учун ҳар қандай тадбиркор, биринчидан, маҳсус билимларга эга бўлмоғи ва, иккинчидан, маркетинг тадқиқотларини ўтказиб турмоғи лозим.

Маркетинг фаолияти тижорат ишларида хавф-хатарни камайтириш, мавжуд шароиту-вазиятларни энг мақбулини танлаб олиш, ишлаб чиқариш ва сотувнинг юқори фойда бериб туришини таъминлаш ва харидорлар учун тўғри келадиган баҳоларни белгилашга ёрдам беради. Маркетингни асосий тамойиллари бозорни билиш, бозорга мослашиш ва бозорга таъсир ўтказишдан иборатdir.

Бозорни билиш деганда истеъмолчиларни ҳар томонлами ўрганиш, уларнинг дид ва истакларини билиш кўзда тутилади. Демак, бозорга мослашиш муайян талабни қондирадиган маҳсулотларнигина ишлаб чиқармоқни билдиради. Нима ишлаб чиқарилган бўлса, шуни сотмаслик, балки бозорталаб молларнигина ишлаб чиқармоқ зарур. Бозорга таъсир ўтказиш талабни шакллантириш демакдир, яъни товарни яратиш билан истеъмолчини ҳам яратмоқ лозим.

Маркетингни умумий тамойиллари ва вазифаларига қараб фаолиятнинг аниқ йўналишлари ва унинг мазмунни белгиланади. Уларнинг орасида энг муҳимлари: бозорни атрофлича ўрганиш, маҳсулот турларини режалаштириш, маҳсулот сифатини қиёмига етказиш, товар рекламасини ташкил қилиш, унинг энг мақбул баҳосини белгилаш ҳамда савдосини ташкил этишдир.

Маркетинг бозор иқтисодиётининг муҳим элементи бўлиб, бизнинг хўжалик субъектларимиз ва тадбиркорларимиз уни ўзлаштириш ва ташкил қилиш соҳасида муайян натижаларга эришмоқдалар. Корхона ва фирмаларда маркетинг хизмати бўлими ташкил этилмоқда. Шу фаолият билан шуғулланувчи маркетолог (бозоршунос) мутахассислар тайёрлаш республиканинг айrim олий ўқув юртларида амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, товарлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан маркетинг хизматининг самарадорлигига боғлиқдир.

Бироқ шу нарсани ёсдан чиқармаслик керакки, мар-

кетинг хизматини ташкил қилиш муайян сарф-харатжатлар қилиш ва сабр-тоқат кўрсатишни талаб этади, бунинг устига дарров самара ҳам бера олмайди. Бу иш, бир томондан, истеъмолчиларни етарлича юқори бўлган талабларига ва харид қобилиятларига, иккинчи томондан, товарлар ва хизматларни танлаш эркинлигига мос келадиган бўлиши керак.

Маркетингни жорий этиш ташкилий шарт-шароитларни яратишни талаб этади. Корхоналарни режалашибтириш ва уни бошқариш, ички ва ташқи савдо алоқалари тизимини яратиш, шунингдек товарлар билан юқори даражада таъминланган бозор каналлари бўйича тайёрланган маҳсулотларни реализация қилиш, яъни сотиш шулар жумласидандир.

Иқтисодиётимизнинг ҳозирги аҳволи, талабларни қондирилмай келаётгани, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги номутаносибликлар мавжудлиги шароитида маркетингдан фойдаланишга эҳтиёж ва имконият йўқдек кўринади. Бироқ айнан маркетинг шу қийинчиликларни енгигб ўтишга, талаб билан таклиф ўртасида мутаносиблик ўрнатишга ёрдам беришини ёддан чиқармаслик керак.

Маркетинг корхоналар учун маҳсулот сифатига, унинг рақобатбардошлигига қўйиладиган ўзига хос талабларни ўрганиш орқали товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аниқ талаб даражасини ҳисобга олган ҳолда товарларни бозор каналлари орқали моҳирлик билан ўтказиш имкониятидир.

Талаб билан таклиф ўртасида бир қадар номутаносиблик мавжуд бўлиб турган иқтисодиётимиз шароитларида товарларни эгасига бориб етадиган қилиб ишлаб чиқариш ва охирги истеъмолчига кам-кўстсиз етказиб бериш жуда ҳам муҳимдир. Маркетинг ана шунга имкон очади. Маркетинг ёрдамида кўпгина муаммоларни ҳал қилиш мумкин: талабга таъсир ўтказиш, унинг таркибини ўзgartириш, ишлаб чиқаришни бозор талабларига қараб кенгайтириш ва ҳ. к.

Шундай қилиб, маркетинг хўжалик юритишининг бозор муносабатларига асосланган тизимида корхона ва фирмалар учун стратегик аҳамиятга молик бўлган вазифаларни ҳал этишга кўмаклашади. Қўйида талабнинг турли ҳолатлари ва маркетинг хизматининг уларга мос келадиган вазифаларини келтирамиз.

**1. Манфий талаб.** Агар харидорнинг кўпчилик қисми товарни қабул қиласа, ундан қочадиган бўлса,

бундай бозор манфий талаб ҳолатида бўлади. Бундай шароитда маркетинг хизматининг вазифаси — бозор нима сабабдан товарни ёқтирмаёттанини таҳлил қилиш ва товарни қайта ишлаш, баҳоларни пасайтириш йўли билан уни реализация қилишни бир мунча жонлаштиришдан иборатdir.

**2. Талабнинг йўқлиги.** Истеъмолчилар товарга қизиқмаслиги ёки унга бефарқ қарашлари мумкин. Маркетингни вазифаси — товарга хос бўлган хусусиятларни инсоннинг табиий эҳтиёжлари ва истаклари билан боғлаш йўлларини топишdir.

**3. Яширин талаб.** Кўпгина истеъмолчиларда бозорда мавжуд бўлган товарлар ёки хизматлар ёрдамида қондириб бўлмайдиган эҳтиёжлар бўлиши мумкин. Маркетингни вазифаси — ана шу товарлар ва хизматлар бозорининг ҳажмига баҳо бериш ва талабни қондира оладиган самарали товарлар ҳамда хизматлар яратишини йўлга қўйишdir.

**4. Камайиб бораётгани талаб.** Ҳар қандай корхона (фирма) ҳам ўзининг у ёки бу товарига бўлган талаб камайиб қоладиган ҳолатга эргами-кечми дуч келади.

Бундай шароитларда маркетинг хизмати нима сабабдан талаб камайиб бораёттанини таҳлил қилиб чиқиши ва янги бозорларни қидириб топиши, товар характеристикаларини ўзгартириш ёки бир мунча самарали алоқаларни ўрнатиш йўли билан товарларни ўтказишини яна жонлантириш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаши керак бўлади.

**5. Номунгизам талаб.** Кўпгина товарлар (хизматлар)-га талаб мавсум сайин, кун сайин ва ҳатто соат сайин ўзгариб туради. Масалан, авиаҷипталарга бўлган талаб ёзги мавсумда ортиб кетади, жамоат транспортининг кўпчилик қисми кундузги осойишталик пайтида бўш туради ва одамлар қатнаб турадиган соатларда уларни ташиб уddeлай олмайди. Бундай шароитда маркетингни вазифаси баҳоларни ўзгартириш, транспорт қатнови жадвалини такомиллаштириш ва ҳоказога қаратилган таклифлар ишлаб чиқишидир.

**6. Тўла қимматли талаб.** Тадбиркорлар ўзларининг товарлари (хизматлари) оборотларидан қониқадиган бўлса, ана шу тўла қимматли ёки тўлақонли талаб дейилади. Маркетингни вазифаси талабни мавжуд дараҷасини сақлаб қолиш мақсадида ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг сифати тўғрисида тинмай қайгуриб боришидир.

Маркетинг стратегиясининг зарур элементи бозор қатнашчилари фаолиятини ҳисобга олган ҳолда бозорга чиқадиган маҳсулотларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини белгилаб олишдир.

Корхонанинг умумий стратегик мақсади белгилаб олингандан сўнг, уни амалга оширишга доир зарур чораларни батафсил ишлаб чиқилади.

Булар:

- бозорга қандай товарни қандай ассортиментда ва қандай баҳолар билан киритиш;
- товарларни режалаштирилган миқдорда сотиш учун қандай шарт-шароитлар кераклигини аниқлаш;
- товарларни етказиб бериш қандай каналлар орқали ва қандай ҳажмларда амалга оширилишини белгилаш;
- талабга таъсир кўрсатиш ва сотувни рағбатлантириш учун қандай воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;
- сотувдан кейин кўрсатиладиган хизмат қандай бўлиши ва уни ким амалга оширишини белгилаб олиш.

Маркетинг фаолияти тактикасини белгилаб берувчи мана шу масалаларни бирон бўғинида узилиш бўлиб қолиши мўлжалдаги барча ишларни барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

Маркетинг фаолиятининг тайёр йўл-йўриги йўқ. Талабга таъсир кўрсатишнинг усул-амаллари ҳар бир корхона ва бозорга киритиладиган ҳар бир товар учун янгидан ишлаб чиқилади. Чет мамлакатларда бунинг учун маҳсус фирмалар ва институтлар ташкил этилган. Йирик корхоналардан биронтаси маркетинг билан шуғулланадиган маҳсус бўлим (ёки хизматсиз) тирикчилик қила олмайди.

Маркетинг фаолиятида реклама муҳим нарса ҳисобланади. Рекламанинг вазифаси — мавжуд бозор сегментини мустаҳкамлаб бориш, янги-янги харидорларни топиб бориш, янги бозорларни шакллантириш орқали истеъмолчилар доирасини кенгайтиришdir. Бироқ, харидорнинг психологияси учун фирманинг истеъмол бозоридаги обрў-эътибори ва товар маркасининг муҳим аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур.

Сотувни рағбатлантириш маркетингнинг вазифаларидан бири бўлиб, бозорга киритиладиган товар реализациясини режалаштирилган миқдорга етказишга имкон беради. Демак, у қилинган сарф-харажатларнинг ўрнини тўлдириб, фойда олишга имкон беради. Сотувни рағбатлантириш учун ярмаркалар, моллар сотиладиган

күргазмалар сингари актив шаклларидан, маҳсус савдо агентларининг хизматларидан, шунингдек имтиёзли баҳолар кўйиш усуllibаридан фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, маркетинг бизнинг хўжалик ҳаёти мизга бозор иқтисодиёти билан биргаликда кириб келган тушунча бўлиб, уни яхшилаб ўзлаштириш, жорий қилиш ҳар қандай корхона ёки фирма иш фаолияти нинг юқори самарадорлигига хизмат қиласи. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маркетингни ташкил қилишнинг ягона ва тайёр схемаси йўқ. Ҳар бир корхона ёки фирма ўзининг хўжалик фаолияти характеристи, ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ва савдони ягона технологик жараёнга бирлаштириб ўзининг маркетинг дастурини ишлаб чиқади.

Хўш, нима учун маркетинг хизматини ўз вақтида ва оқилона ташкил қилиш корхона (фирма) фаолиятини юқори иқтисодий самарадорлик билан амалга ошириш имконини беради? Умумлашган ҳолда бу саволга кўйидагича жавоб бериш мумкин.

Биринчидан, маркетинг хизмати товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни бозор талабларига мослаштирали.

Иккинчидан, тайёрланган маҳсулотларни ўз вақтида ва тўла-тўқис сотилишига кўмаклашади.

Учинчидан, бозордаги талабнинг ўзгаришини олдиндан башорат қилган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш таркиби ва сифатига тегишли тузатишлар киритиб, беҳуда сарф-харажатлар қилиниши ва кераксиз товарлар ишлаб чиқарилишининг олдини олади.

Тўртинчидан, бозор жуғрофияси ва нарх-навосини ўрганиш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотни қайси ҳудуд, минтақада ва мамлакатларда қандай баҳолар билан сотиш бўйича таклифлар киритади.

Ва, ниҳоят, маркетинг хизматининг муҳим вазифаси — ишлаб чиқарилаётган товарлар рекламасини амалга ошириш бўлиб, бозорлар товарлар билан тобора кўпроқ тўйиниб бораётган ҳозирги даврда таъсирчан рекламанинг корхона (фирма) фаолияти учун аҳамияти жуда каттадир.

Хорижий фирмалар, хусусан ривожланган мамлакатларда товарлар ва хизматлар рекламасига жуда катта аҳамият беришади ва бунинг учун ўз маблағларини аямасликлари бежиз эмас.

Бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатлар, шу

жумладан Ўзбекистонда ҳам товар ишлаб чиқарувчилар буни тобора яхшироқ англа бетмоқдалар ва реклама ишига ўз эътиборларини кучайтируммоқдалар.

#### 4. Бизнес режа

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, кўшма корхоналар тузиш, корхоналарни очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш, айниқса кичик ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга боғлиқdir.

Агарда жаҳон иқтисодиётида XX асрнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришни концентрациялаш, яъни йириклиштириш ҳолати кузатилган бўлса, унинг иккинчи ярмидан бошлаб эса тескари ҳолат, яъни кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Сўнгги пайтларда кичик ва ўрта бизнес ўзининг бир қатор афзалликлари туфайли ривожланган давлатларнинг иқтисодиётидаги салмоги тобора ортиб бормоқда. Масалан, Япониянинг кичик корхоналарида барча мамлакат ишчиларининг 80 фоизи ишламоқда. Германия ва Нидерландиядаги кичик ва ўрта корхоналар ҳиссасига экспорт қилинаётган саноат маҳсулотининг 40% тўғри келади. АҚШда эса сўнгги 10 йил ичida кичик корхоналар эвазига 20 млн. янги иш жойи вужудга келтирилди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда хорижий мамлакатлар тажрибасига суюнган ҳолда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор берилмоқда. 1995 йилнинг 21 декабрида Олий Мажлис томонидан «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиниши фикримизнинг далилидир.

Кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун энг муҳим масалалардан бири улар фаолияти учун инвестициялар (шу жумладан, хорижий инвестициялар)ни жалб қилишdir. Бунинг учун керакли инвестицияларнинг самарадорлигини ва ҳар томонлама асослаб берувчи таклифлар ва хуносаларни ўзида мужассамлаштирган бизнес режа муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётида бизнес режа тадбиркорликнинг асосини ташкил этади, дейиш мумкин. У фирма раҳбарларининг ўз мақсадларига қандай эришишларини, қилинаётган харажатларнинг қанча вақт ичидаги қопланишини, ишнинг даромадлигини қай даражада бўлишини асослаб беради.

Яхши ишлаб чиқилган бизнес режа фирмага маҳсулот ишлаб чиқариш (ёки хизматлар)нинг ўсиб боришини таъминлаш, унинг истиқболларини белгилаб олиш, янги товарлар ишлаб чиқиши ва янги хизмат турларини яратиш, товарлар (хизматлар) бозорида ўз мавқеини эгаллаб олиш ва мўлжалланган бошқа мақсадларга эришишга ёрдам беради.

Бизнес режа доимий ҳужжат бўлиб, мунтазам равишда янгилаб борилади, унга ҳам фирмани ичидаги, ҳам иқтисодиётдаги шароитларга қараб ўзгаришлар киритиб борилади. Одатда ҳар бир фирма бизнес режа тузади, лекин уни тайёрлаш имкониятлари ҳамма фирмаларда ҳам мавжуд бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бизнес режани ишлаб чиқиши учун кичик фирмалар консалтинг ташкилотлари мутахассисларини жалб этишлари мумкин.

Бизнес режа фирманинг муайян бозордаги фаолиятининг аниқ йўналишини ўрганиш мақсадида ўтказиладиган тадқиқотлар ва ташкилий ишнинг натижаси бўлғанлиги учун у қўйидагиларга асосланади:

— муайян товарлар (хизматлар) бозорини янги турдаги буюмлар ёки янги хил хизматлар билан тўлдириш;

— фирманинг заиф ва кучли томонларини аниқлаб, ўзига хос хусусиятларни ва ўзига ўхшиаш бошқа фирмалардан фарқларини аниқлаб олиш мақсадида ҳар томонлама ўтказиладиган ишлаб чиқариш — хўжалик ва тижорат таҳлили;

— аниқ вазифаларни амалга ошириш учун қўлланиладиган молиявий, техник-иктисодий ва ташкилий механизмлар.

Бизнес режа фирманинг ривожланиш стратегияси ва истиқболини белгилаб берадиган асосий ҳужжатdir. Шу билан бирга у стратегиянинг иқтисодий ва молиявий жиҳатларини бир мунча батафсил баён этади. Аниқ, тайин чора-тадбирларни техник-иктисодий жиҳатдан асослаб беради. Стратегияни амалга ошириш техник-ташкилий ва иқтисодий ўзгаришларни маълум вақтгача ўзаро боғланган бутун бир тизими сифатида

тузилган көнг инвестиция дастурларига асосланади. Бизнес режа инвестицион дастурнинг одатда бир неча йил ичидаги амалга оширилиши керак бўлган қисмини ўз ичига олади.

Бизнес режа бир қанча вазифаларни ҳал қилишга имкон беради. Буларнинг асосийлари қуйидагилардир:

— фирма тараққиёти (стратегияси, концепциялари, лойиҳалари) йўналишларининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;

— фаолиятдан кутилаётган молиявий натижалар, биринчи навбатда сотув ҳажмлари, сармоядан олинадиган даромад ва фойданинг миқдорини аниқлаш;

— танлаб олинган стратегияни амалга ошириш учун керакли маблаглар манбанини, яъни молиявий ресурсларини жамлаш усувларини белгилаш;

— мазкур режани амалга оширадиган ходимлар масакаси, сони ва уларга тўланадиган иш ҳақи фондини аниқлаш.

Бизнес режа бўлғуси шериклар билан музокаралар олиб борилаётганда бизнес таклифи учун асос бўлиб хизмат қиласи. Шу билан биргаликда у ходимларни фирма фаолиятига жалб қилиш учун ҳам асосдир.

Бизнес режадан инвесторлар фирмага кредиторларни таклиф қилишда ҳам фойдаланади. Инвесторлар таваккал қилиб сармоя беришдан аввал уни ҳар томонлама ўрганиб, пухта ишлаб чиқилганлигига ишонч хосил қилишлари керак. Бизнес режада асосий муҳим масалалар ёритилган, унинг материаллари равон ва тушунарли қилиб баён этилган бўлиши керак. У ҳар хил тоифадаги одамларга, хатто маҳсулот (хизматлар) ва бозор тўғрисидаги билимлари чекланган кишиларга ҳам тушунарли бўлмоғи лозим.

Бизнес режани тузишда раҳбарнинг шахсий иштиrokeri зарурдир. Шунинг учун ҳам кўпинча хорижий мамлакатлар банклари ва инвесторлари агар бизнес-режа бошидан охиригача четдан жалб қилинган консультант томонидан ишлаб чиқилиб, раҳбар унга фаяқт қўйғанлигини билиб қолсалар, лойиҳага маблаг беришдан бош тортадилар.

Бу дегани бизнес-режа ишлаб чиқишда маслаҳатчилар хизматидан фойдаланмаслик керак, дегани эмас, аксинча, инвесторлар томонидан эксперт маслаҳатчиларни хизматидан фойдаланиш қўллаб-қувватланади. Гап бошқа нарсада. Бизнес режани ишлаб чиқишда фирма бошлигининг ёки иш бошловчининг шахсан

ўзи иштирок этиши ишни муваффақиятли бошлаш ҳамда якунланишининг кафолати ҳисобланади.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун бизнес режанинг муҳимлиги, юқорида кўрсатилганлардан ташқари, яна қуидаги учта вазият билан белгиланади:

— биринчидан, иқтисодиётимизга янги тадбиркорлар авлоди кириб келмоқда. Уларнинг кўпчилиги ҳеч қачон мустақил иш юритмаганлар, корхона (фирма)ни бошқармаганлар. Шу сабабли улар бозор иқтисодиётида вужудга келадиган муаммоларни тасаввур ҳам қила олмайдилар;

— иккинчидан, бутунлай ўзгариб бораётган хўжалик фаолияти соҳаси ҳатто катта тажрибага эга бўлган раҳбарларни ҳам ишдаги ҳар бир қадамни бошқача босишини, ҳозиргача бизга ёт бўлган рақобатга тайёр туришни тақозо этади.

— учинчидан, агар биз хориждан инвестиция олмоқчи бўлсак, у ҳолда фикр-мулоҳаза, таклифларимизни бериш қобилиятига эга бўлишимиз, инвестиция маблағларининг ҳар бир жиҳатини хорижий тадбиркорлардан қолишмайдиган даражада ишлаб чиқа олишимиз керак;

Бизнес режа бу менежернинг бозор иқтисодиётида тадбиркорликнинг шакллари ва фаолият соҳаси ҳамда кўламидан қаттий назар қўлланиладиган маҳсус қуоролидир.

Қўйилган мақсадга мувофиқ ишни қандай бошлаш, ишлаб чиқаришни қандай самарали юргизиш ва товарни қай тарзда бозорга олиб чиқиши, қачон дастлабки даромадни олиш, таваккалчилик хавфини қандай камайтириш, рақобат курашида қайси йўл билан ютиб чиқиши каби масалаларнинг ечими тадбиркорнинг бизнес режасида ўзининг ифодасини топган бўлиши керак.

Тадбиркорда янги маҳсулот тайёрлашни ўзлаштириш ёки янги хизмат кўрсатишни ташкил этиш фикри пайдо бўлган бўлса, у албаттa ўз бизнес режасини ишлаб чиқади.

Бизнес режани ишлаб чиқишида унинг ҳар томонлама пухта ва асосланган бўлишини таъминлаш бошлашаётган ишнинг муваффақиятини ҳал қилувчи даражада белгилаб беради. Шу билан биргаликда бундай режа тадбиркор ғоясини (ўйлаган ишини) бошқа манфаатдор кишиларга етказиш воситаси ҳам бўлиб хизмат

қиласи. Бизнес режасиз тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш ва умуман амалга ошириш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бизнес-режанинг бирон бир қатъий шаклдаги таркибий тузилиши талаб этилмайди, у ҳар хил шаклда ҳамда таркибий тузилишда бўлиши мумкин. Аммо унда қуидаги масалалар албатта ёритилган бўлиши шарт. Ҳусусан:

- Бизнеснинг мақсади ва асосий ғояси;
- Ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг ўзига хос ҳусусияти ва улар билан бозор эҳтиёжини қондириш;
- Айrim бозор ўзгаришларида фирманинг хулкавтори стратегияси;
- Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши;
- Ишнинг молиявий лойиҳаси (шу жумладан молиялаштириш стратегияси ва инвестициялаш бўйича таклифлар);
- Фирмани ривожлантириш истиқболлари.

Таклиф этилаётган лойиҳа (қандай маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат тури)га қараб бизнес режанинг бўлимлари турлича бўлиши мумкин. Аммо унинг таркибий тузилиши озми-кўпми муайян андозага тушиши керак. Ҳусусан, қуидаги бўлимларсиз бизнес режа олдига қўйилган мақсадларга эришиб бўлмайди:

1. Резюме (Хуроса). Бу бизнес режанинг бошланувчи ва энг қисқа бўлими бўлиб, у ўзидан кейин келадиган барча бўлимларнинг умумий хуросасини мужасамлаштиради. Сармоядорлар (уларнинг аксарияти тадбиркорлардир) бизнес режанинг қисқача мазмунини акс эттирувчи 1—2 варагли ушбу бўлимни ўқишни маъқул кўрадилар. Чунки улар бу орқали лойиҳанинг энг керакли ҳусусиятларини ва афзал томонларини кўрадилар. Қисқа мазмунли бу бўлимни тайёрлаш жуда мушқул ишdir ва у бизнес режанинг тайёрловчи ходимлардан катта маҳорат ҳамда билимларни талаб қиласи.

Бу бўлим бизнес режанинг барча бўлимлари ишлаб чиқилгандан сўнг, улардан олинган хуросаларга таяниб, тайёрланади.

Тадбиркор шу нарсани ёдда тутиши лозимки, мазкур бўлимнинг мазмуни ва ёзилиш сифатига қараб сармоядор (инвестор) лойиҳа ҳақида ҳукм чиқаради.

Хуросада жуда қисқа тарзда қуидагилар ёритилади:

- лойиҳанинг мазмуни, унинг мақсади ва самарадорлиги;

- муайян бозор шароитларидан келиб чиқиб, лойиҳани амалга ошириш мумкинлиги;
- лойиҳани ким ва қандай амалга ошириши;
- лойиҳани молиялаштириш манбалари;
- лойиҳани инвестициялаш (маблағ сарф қилиш)-дан келадиган потенциал фойдалар: сотув ҳажми, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, фойда нормаси, инвестиция маблагларини қайтариш ва харажатларни қоплаш муддатлари.

2. Корхона ҳақида маълумот. Бу бўлим доимо бизнес режанинг резюме (хуласа) қисмидан сўнг келтирилади ва унда қўйидагилар ёритилади:

- корхона (фирма)нинг ташкил этилган вақти;
- рўйхатдан ўтганлиги;
- фирма капиталининг структураси;
- фирмага хизмат кўрсатадиган банк;
- фирма раҳбарияти ҳақида маълумот;
- фирманинг ташкилий-бошқарув тузилиши;
- харидорларнинг фирма ҳақидаги фикри, фирманинг бошқа худди шундай фирмалардан афзаллик томонлари, кимлар унинг товаридан ёки хизматидан фойдаланиши, фирманинг савдо белгиси, асосий харидорлари ва ҳ. к.

3. Товар, маҳсулот (ёки хизмат) турлари. Бу бўлимда қўйидагиларга тўхталиб ўтилади:

- таклиф этилаётган маҳсулот ёки хизмат қандай эҳтиёжларни қондиради;
- бозорда ҳозирги кунда мавжуд бўлган худди шундай маҳсулот ёки хизматдан мазкур маҳсулот (ёки хизмат)нинг афзалликлари;
- таклиф этилаётган маҳсулот ёки хизмат қандай муаллифлик ҳуқуқлари билан ҳимоя қилинади. Таклиф этилаётган маҳсулот ва хизматнинг нархлари қандай бўлиши мумкин ва рақобатта қанчалик бардош беради.

— маҳсулот ва хизматни сотиш натижасида қанчалик фойда нормасига эришиш мумкин.

4. Сотув бозори. Бунда қўйидагилар ёритилади:
- маҳсулотлар ёки хизматларнинг харидорлари кимлар;
  - ҳозирги пайтда ҳамда келажакда сотув ҳажми қандай бўлиши мумкин;
  - асосий рақобатчилар кимлар, уларнинг сотув ҳажми қанча, маркетинг стратегияси ва даромадлари қандай;

— рақобатчилар маҳсулотининг асосий тавсифномаси ҳамда сифат даражаси қандай;

— рақобатчилар маҳсулотлари ёки хизматларини қайси нархларда сотмоқдалар, уларнинг нарх сиёсалари қандай.

5. Маркетинг стратегияси. Бунда қуидагиларга ёритилади:

— ички ва ташқи бозорларда худди шундай маҳсулот ёки хизматни таклиф этаётган корхона (фирма)лар;

— сотув нархи ва нархни ташкил этиш тизими;

— реклама бўйича керакли чора-тадбирлар, таклиф этилаётган реклама воситалари ҳамда уларга кетадиган харажатлар структураси;

— сотишга кўмаклашадиган чора-тадбирлар, харидорлар учун кўшимча имтиёзлар, сотувдан сўнгти хизмат кўрсатиш ва ҳ. к.

6. Ишлаб чиқариш дастури. Бу бўлимда қуидагиларга тўхталиб ўтилади:

— маҳсулот (ёки хизмат)нинг ишлаб чиқаришни қаерда ташкил этилиши;

— янги ишлаб чиқариш кувватларини ташкил этиш лозимми ёки корхонанинг ишлаб турган кувватларидан (қайта қуроллантириб) фойдаланиш мумкинми;

— режалаштирилаётган корхонада ишлаб чиқаришни энг мақбул ҳажми қандай бўлиши керак;

— оптимал кувватларга эришиш учун қандай инвестициялар зарур;

— корхона ҳом-ашё, бутловчи маҳсулотлар ҳамда бошқа ишлаб чиқариш ресурслари билан қандай таъминланади.

— қандай технология ва воситалардан фойдаланилади;

— корхона бошқа корхоналар билан кооперация усулида ишлайдими ёки ҳамма нарсани ўзи ишлаб чиқарадими ва ҳ. к.

7. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Бу бўлимда қуидагилар ёритилиши керак:

— режалаштирилаётган корхонанинг ташкилий тузилиши;

— корхонани кадрлар билан таъминланганлик даражаси, зарур мутахассислар рўйхати, уларнинг малакаси, иш тажрибаси;

— турли категорияда ишловчиларнинг ижтимоий имтиёзларини қўшган ҳолда иш ҳақи шакллари ва даражаси қандай бўлади;

— корхонанинг технологик чизмаси.

8. Корхонанинг ташкилий режа шакли.

— режалаштирилаётган корхонанинг мулк шакли ҳамда ҳукуқий мақоми (хусусий корхона, ҳиссадорлик жамияти, ижара корхонаси, кўшма корхона ва ҳ. к.);

— корхонада потенциал инвестор қандай ҳукуқларга эга бўлади (бошқаришда қатнашиши, акциялар пакетидаги ҳиссаси ва ҳ. к.);

— режалаштирилаётган корхонанинг ҳомийлари (спонсорлари) ёки инвесторлари кимлар (давлат ташкилоти, банк, хусусий корхона ва бошқалар);

— мавжуд ҳомийлар ёки инвесторлар учун қандай ҳукуқлар берилган (бошқариш, молиявий назорат ва бошқа масалалар бўйича);

— ушбу мулк шаклидаги корхона қандай юридик ҳукуқларга эга (корхонанинг ҳукуқий статусини тартибга соладиган нормаларини қисқача ёритилади), потенциал инвестор, унга бериладиган ҳукуқларга эга бўлиш учун қандай юридик ҳолатларни амалга ошириш керак (биргаликда эгалик қилиш, ҳомийлик, акционер) ва бу жойдаги миллий қонунлар бўйича қандай ҳукуқий жавобгарликка эга ва ҳ. к.

9. Молиявий режа.

— көрхонани ташкил қилиш учун қанча миқдорда умумий инвестиция (сармоя) керак;

— молиялаштириш манбалари қандай (акциялар сотиш, қимматбаҳо қофозлар чиқариш, банк кредитини олиш, корхонани ташкил этаёттганларнинг ўз маблағи ва ҳ. к.);

— узоқ муддатли инвестицияларга ва айланма капиталга бўлган эҳтиёжларни қондириш учун қандай шартлар асосида молия маблағлари жалб этилади.

10. Лойиҳанинг рентабеллиги (фойдалилиги). Бу бўлимда қуйидагилар ёритилади:

— корхонани ташкил этиш бўйича инвестиция харажатларининг умумий ҳажми (асосий ва айланма капиталлар, инфратузилмалар ва бошқалар учун инвестициялар) ҳамда уларнинг маҳсулот бирлигига тўғри келиши;

— режалаштирилаётган корхонани ишлатиш, маҳсулотини сотиш ёки хизматни ташкил этиш қанчага тушади;

— маҳсулотни сотишдан ёки хизматдан келадиган умумий даромадлар ҳажми қанча бўлади;

- режалаштирилаётган корхона (фирма) қандай турдаги солиқларни тұлайды;
- қарзга олинган маблағларни қайси муддатларда ва қандай ҳажмда қайтарилади;
- режалаштирилаётган корхона (фирма)нинг умумий фойда ҳажми ва нормаси.

Бизнес режанинг юқоридаги бўлимларидан ташқари яна қўшимча равища куйидаги ахборотларни келтириш мумкин, яъни молиявий маблағлар ва мажбуриятлар, фойда ва заарлар ҳисоботи, моддалар бўйича харажатлар ва х. к.лар.

Хуоса қилиб айтганда, яхши тузилган бизнес режа корхона (фирма)нинг ҳолатини чуқур таҳлил қиласи ҳамда унинг келажакдаги ривожланишига холисона ва объектив баҳо беради.

Бизнес режа икки хил мақсад учун тузилади ҳамда ишлатилади:

- корхона (фирма)нинг хўжалик фаолиятини учбеш йилларга белгилаб берувчи ҳужжат сифатида;
- инвесторларни, кредиторларни ёки биргаликда (ҳамкорликда) ишлайдиган шахсларни ишонтириш орқали инвестиция ёки кредит маблағлари олиш учун тижорат таклифи сифатида.

Ҳар қандай лойиҳанинг бизнес режасини тузишдан кўзланган асосий мақсад шундан иборатки:

- биринчидан, сармоя сифатида ажратилаётган маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини олдиндан билмаган ҳолда ҳеч ким сарф-харажатлар қиласиди;
- иккинчидан, бизнесни мақсадга мувофиқ равища амалга ошириш учун ҳар томонлама асосланган ягона ҳужжат сифатида айнан бизнес режа хизмат қиласи;
- учинчидан, корхона (фирма) фаолияти бўйича керакли ахборотларни ўзида мужассамлаштирган ва тегишли банклар, инвесторлар ва кредиторларга тақдим этиладиган ҳужжат ҳам айнан ана шу бизнес режадир.

Бизнес режа муҳим ва керакли ҳужжат бўлгани сабабли бегона одамларга ҳамда корхона бошқарувига алоқадор бўлмаган шахсларга бериш мумкин эмас.

# В Б О Б.

## ИҚТІСОДИЙ ТАРАҚҚІЁТНИНГ МОЛИЯ-КРЕДИТ ОМИЛЛАРИ

### 1. Пул ва инфляция

Инсоният тарихида қилинган ихтиrolар ичидә эңг буюк ихтиро пулдир, деб айтиш мүмкін. Чунки пул одамларни ҳаракатта келтирүвчи асосий омил бўлиб хизмат қиласи, айнан пул топиш мақсадида одамлар турли-туман соҳаларда меҳнат фаолияти билан шуғулланадилар. Билим олиш, касб ўрганиш, малака ошириш, бизнес билан шуғулланиш ва бошқа фаолиятнинг пировард мақсади — пул топиш ва шу орқали моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш.

Пул ҳам аслида товар. У барча товарларга хос бўлган хусусиятларга эга бўлиб, айни пайтда қуйидаги жиҳатлари билан бошқа товарлардан ажралиб тўради.

Биринчидан, ҳар қандай товар одатда кишиларнинг бирон бир эҳтиёжини қондиради, пул эса маҳсус товар ҳисобланади, шу боис у бошқа товарларга тўғридан тўғри айирбошланиш хусусиятига эга. Ҳар қандай товарга айирбошланиш, яъни инсонларнинг товарларга бўлган барча эҳтиёжларини қондира олиш қобилияти пулни жозибадор товарга айлантиради.

Иккинчидан, оддий товар аниқ меҳнат (этикдўз, новвой, деҳқон, олим меҳнати) маҳсули ҳисобланади. Пул ҳам аниқ меҳнат маҳсули, лекин у ана шу меҳнат натижаси (маҳсулот ёки хизмат)ни сотишдан олинган эквивалентdir. Унинг истеъмол қиймати кишиларнинг муайян жисмоний ёки маънавий эҳтиёжларини қондира олишда эмас, балки товарлар айирбошлашда ишончли восита бўла олиш қобилиятидадир.

Инсон ҳаётидаги муаммолар ичидә эңг асосийси — пул топишдир. Айнан шу муаммони ечиш инсоннинг барча бошқа муаммоларининг аксариятини ҳал этиш калити ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, яъни бош муаммони ҳал қилиш мақсадида одамлар товарлар ишлаб чиқарадилар, турли хизмат кўрсатиш билан банд бўладилар, улар билан бозорга чиқадилар ва бошқалар билан иқтисодий (пул) муносабатларга киришадилар. Бозорда ишлаб чиқариш воситалари пулга сотиб олиниб, улар ёрдамида яратилган товарлар пулга айирбошлиниб, истеъмолга ўтади. Товарлар шахсий истеъмолга-

ми ёки ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарф этиладими, барibir уларни ҳаракатга келтирувчи куч пулдир.

Бозор муносабатлари шароитида пул ўта муҳим иқтисодий воситадир. У туфайли ишлаб чиқаришнинг тақрорланиши амалга ошади, иқтисодий ўсишга эришилади. Пул шаклидаги маблағлар бозорда ресурсларга айланади, товарлар сотилиб, яна пулга айлантирилади.

Пулнинг инсоният ҳаётидаги аҳамияти у бажарадиган қуидаги вазифаларда ўз аксини топади:

Авваламбор, пул қиймат ўлчови вазифасини бажаради. Ҳар қандай товар ишлаб чиқарилганда ёки хизмат кўрсатилганида муайян меҳнат сарфланади. Ана шу сарфланган меҳнат бозор нархи орқали ўлчаниб, пулда ифодаланади.

Товарнинг бозордаги нархи орқали уни ишлаб чиқаришга кетган меҳнат ва барча сарф-харажатларнинг нафақат миқдори, балки сифати ҳам ўз ўлчовини топади. Яхшироқ ҳом ашёдан тайёрланган товарнинг сифати ҳам одатда яхшироқ бўлади ва бинобарин унинг қиймати ҳам юқорироқ бўлгани учун юқори нарҳда сотилади. Бундай товар ўз эгасига кўпроқ даромад (ъни пул) келтиради.

Товарнинг бозордаги қадри, унинг харидоргирлиги ва рақобатбардошлиги ҳам пул орқали ўз ифодасини топади. Бозорга чиққан товар қанча юқори нарҳда ва тез ўз истеъмолчисини топса, бу нарса шу товарнинг сифати яхшилигидан ва унинг харидоргирлигидан далолат беради.

Ҳеч қандай товар пул каби бозордаги маҳсулотлар ва хизматларнинг қадр-қиммати ва баҳосини ўлчаб бера олмайди.

Пулнинг иккинчи вазифаси (ёки функцияси) унинг муомала воситаси эканлигидир. Чунки пул ёрдамида товарни сотиш, уни пулга алмаштириш ва бу пулга яна бошқа товар сотиб олиш мумкин. Пул ёрдамида товарни товарга айирбошлаш (бартер) бартараф этилади, олди-сотди ишлари маърифатлашган, маданийлашган ҳолда ва юқори самара билан амалга ошади.

Ва ниҳоят, пул жамғариш воситаси вазифасини бажаради, чунки пул бойлик шаклига кириб, ўз эгасига керак бўлганда харид этиш воситасига айланади. Пул қофоз ёки танга бўлгани учун эмас, балки ўзида меҳнатни мужассамлаштиргани, унга ҳамма нарсани ха-

рид этиш ҳамда сақлаш мумкин бўлгани учун бойлик ҳисобланади.

Пул бойлик жамғаришни қулай усули, чунки пулда ликвидлик бор, яъни тўлов учун ҳамма ерда унга белгиланган номиналга (ёзигб қўйилган миқдор, кўрсаткичи, масалан, 100 сўм) қараб тўлов учун қабул қилинади. Пул бошқа ликвидлик воситаларига нисбатан айтилиқ, ер, бино, акция, облигация, сертификатларга қараганда барқарор восита ҳисобланади. Унинг қадри бир хилда сақланади (инфляция бўлмаса), бошқа ликвидлар нархи ўзгариб туради. Аммо, шиддатли инфляция шароитида пулни жамғариш бемаънилик бўлади. Шунинг учун бундай шароитда топилган пулни жамғармага айлантиришнинг бошқа йўллари, масалан кўчмас мулкка айлантириш маъқул бўлиб қолади.

Кейинги йилларда содир бўлаётган пул инфляцияси ни сусайтириш ва миллий валютамизнинг қадр-қийматини ошириш — Ўзбекистон давлатининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Зоро, республикамиз Президенти И. Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Иқтисодиёт барқарорлигининг ўзига хос кўрсаткичи, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий мезони бўлган ўз валютамизни мустаҳкамлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларниги на эмас, балки ижтимоий ислоҳотларнинг ҳам энг устувор йўналишидир. Қачон миллий валюта кучи ва обрўи бўлса, иқтисодиёт ўшандагина мустаҳкам бўлади».<sup>1</sup>

Софлом бозор иқтисодиёти пулга талаб ва таклифи мувозанатда бўлишини билдиради. Аммо, мувозанат бузилиб ҳам туради, бу пул миқдорига таъсир этувчи омилларнинг издан чиқиши натижасидир.

Ишлаб чиқариш ҳажми, пул миқдори ва пулнинг айланиш тезлиги ва нарх ўртасида узвий bogлиқлик мавжуд. Ишлаб чиқариш ўсмаган ҳолда пул миқдори кўпайса, бунга жавобан нарх ошади. Агар ишлаб чиқариш ўсиб, пул кўпаймаса нарх пасаяди. Керакли пул миқдори фақат нархга қараб эмас, балки иқтисодиёт аҳволига ва пулнинг айланиш тезлигига қараб белгиланади. Иқтисодий юксалиш юз берганда пул кўп бўлса, унинг товар билан таъминланиши ортади, пул қадри тушмайди. Аммо пул тез айланиб борса, унинг бир қисми ортиқча бўлиб қолади.

Нархнинг пул миқдорига таъсири қисқа даврда се-

<sup>1</sup> И. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т: — «Ўзбекистон», 1995, 176-бет.

зилмайди, узоқ муддатда намоён бўлади. Агар пул миқдори иқтисодий ўсишга монанд равишда кўпайса, у қадрсизланмайди. Ишлаб чиқариш ҳажми, пул миқдори ва пул обороти ўртасидаги мувозанат бузилса, инфляция юз беради.

Инфляция пулнинг қадрсизланиши, харид қобилиятининг пасайишидир. Инфляцияга таъсир қилувчи омиллар кўп бўлиб, уларнинг асосийси — нарх-навонинг кўтарилишидир. Шу билан биргаликда яширин инфляция ҳам бўладики, бу, аввало, товарлар танқислиги, улар сифатининг ёмонлашиб бориши каби омиллар орқали намоён бўлади.

Инфляция сўзининг том маъноси, лотинчадан таржима қилинганда, «дўмбайиш», «шишиш», «семириш» каби тушунчаларга мос тушади. Шунинг учун пулнинг инфляцияси дейилганда тегишли товар массаси билан таъминланмаган ортиқча қоғоз пуллар билан муомала каналларининг тўлиб-тошиб кетиши деган маъно келиб чиқади.

Инфляциянинг сабаблари ҳар хил бўлади. Инфляция асосида, одатда, пул талаби билан товар массасининг бир-бирига номувофиқлиги ётади. Товарлар ва хизматларга бўлган талаб товар айланиш ҳажмидан ошиб кетадики, бу нарса, товар ишлаб чиқарувчилар ва уни етказиб берувчиларнинг сарф-харажатлари қанчалигидан қатъий назар, нарх-навони кўтариши учун шароит яратиб беради. Давлат бюджетининг тақчиллиги (давлат сарф-харажатларининг ортиб кетиши), ҳаддан ташқари инвестициялаш (инвестициялар ҳажмининг имконият даражаларидан ортиб кетиши) шароитида ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва меҳнат унумдорлигининг кўтарилишига қараганда иш ҳақи кўпроқ ўсади. Натижада таклиф билан талаб ўртасидаги мувозанат бузилади, пулнинг қадрсизланиш жараёни содир бўлади.

Пул инфляциясининг сабаблари асосан қўйидагилардир.

Биринчидан, кўп ҳолларда Марказий банк томонидан нотўғри пул сиёсатининг ўтказилиши ва натижада товарлар билан таъминланмаган пулнинг муомалада пайдо бўлиши. Масалан, иқтисодий ўсишнинг пасайишни олдини олиш ёки фонд биржасида акциялар курсининг тушиб кетишини тўхтатиши мақсадида Марказий банк пул таклифини кўпайтиради, яъни пул эмиссияси амалга ошади.

Иккинчидан, бюджет тақчиллиги ҳам муқаррар ра-вишда пулнинг қадрсизланишини келтириб чиқаради. Тўгри пул сиёсати бўлмаган ҳолларда бундай тақчилликни қоплаш учун янги пуллар чиқарилиб, хўжалик оборотига киритилади.

Учинчидан, иқтисодиётни ҳарбийлаштириш инфляцион жараённи жадаллаштиришга олиб келади. Чунончи, ҳарбий-саноат мажмуасини ҳаддан ташқари ривожлантириш давлат бюджетининг чиқимлар қисмida доимо кескинликни юзага келтиради.

Тўртингчидан, бозорларнинг монополлашуви, яъни рақобатнинг йўқлиги инфляциянинг авж олишига сабаб бўлади. Монополиялар бозордаги устунликни сақлаб қолиш мақсадида нарх-навони юқори белгилаб ва уни шу даражада ушлаб туришни кўзлаб, товарларни ишлаб чиқиш ва таклиф этишни ҳам камайтиришга ҳаракат қиласидар. Бу нарса умумий талаб билан таклиф нисбатига салбий таъсири ўтказади ва улар ўргасидаги номутаносибликни кучайтиради.

Улардан ташқари инфляцияга ташқи омиилар ҳам таъсири қиласидар. Масалан, хом ашё ва энергоресурслар баҳосининг кўтарилиши, хорижий сармоялар (кредитлар) фоиз ставкасининг ортиши, халқаро аҳволнинг танглашуви ва х. к.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, пулнинг қадрсизланиши эркин бозор иқтисодиёти шароитида юқорида кўрсатиб ўтилган сабаблар туфайли албатта содир бўлиб турадиган ҳодисадир. Бундай шароитда уни жиловлаб туриш ва иқтисодиёт тараққиёти ҳамда халқнинг турмуш даражасига таъсирини камайтириб туриш ҳар қандай давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

У ёки бу мамлакат иқтисодиётида чукур инқироз содир бўлса, у ҳолда инфляция ҳам чуқурлашади ёки, бошқача қилиб айтганда, унинг жилови давлат қўлидан чиқиб кетади. Ўз пайтида тегишли чоралар кўрилмаса, гиперинфляция содир бўлади, яъни пулнинг қадрсизланиши ойига 50 фоиздан ортиб кетади.

Шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган тўғри ва ҳаётий иқтисодий сиёсат туфайли бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг дастлабки ва оғир йилларида ҳам гиперинфляцияга йўл қўйилмади. Бунинг асосий омили бўлиб Ўзбекистондаги кучли антиинфляцион (инфляцияга қарши) сиёсат хизмат қилди.

Биринчидан, ишлаб чиқаришни жонлантириш, яъни

унинг ўсишини рағбатлантириш чоралари кўрилди. Хорижий сармояларни жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар шулар жумласига киради.

Иккинчидан, пул массасининг ортишини чеклаш ёки тўхтатиб қолиш чоралари кўрилди. Шу мақсадда пул даромадлари — иш ҳақи, нафақа, пенсия ва бошқа тўловларнинг ўсиши устидан назорат кучайтирилди, ортиқча пулни товар бозоридан қайтариш учун банкка қўйиладиган депозит пулларга банк тўлайдиган фоизлар оширилди.

Пул деганда биз одатда қўз билан кўриш ва қўл билан ушлаш мумкин бўлган қоғоз ёки танга пулларни тушунамиз. Бироқ бу пулнинг бир тури, яъни нақд пуллардир. Шу билан бир вақтда нақд бўлмаган пуллар ҳам мавжуд бўлиб, улар аҳолининг банк депозитларида, кредит карточкаларида, корхона, фирма ва ташкилотларнинг банк ҳисоб рақамларида турувчи пулларидир. Бу пулларни нақд бўлмаган пуллар деб юритилади.

Пулнинг бу тури, яъни нақд бўлмаган пулларнинг нақд пулга нисбатан бир қатор афзалликлари мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими бу пулларни асраршнинг қулай ва хавфсизлигидир, айтайлик сафарга чиққанда уларни кўтариб юришга эҳтиёжнинг йўқлигидир. Ундан ташқари аҳолини банкка қўйган пуллари доимо кўпайиб боради.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бозор муносабатларининг жорий этилиши ва ривожланиши билан «кредит карточкалари» деган тушунча ҳаётимизга кириб кела бошлади. Бундай карточкаларга қўйилган пулни мамлакатимизнинг истаган шаҳрида нақд пулга айлантириш мумкин. Модомики, унга қўйган пулингиз эркин алмаштириладиган валюта бўлса, истаган хорижий мамлакатда карточкадаги пулингиз ҳисобидан ўзингизга керакли миқдорда нақд пул олишингиз мумкин.

Нақд бўлмаган пуллар, айниқса, корхона, ташкилот ва фирмалар учун ҳисоб-китобнинг энг қулай шаклидир. Масалан, авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ёки автомобиллар ишлаб чиқарувчи корпорациянинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган пул маблағлари нинг миқдори бир неча юз миллион, ҳаттоқи миллиард сўмни ташкил қилиши мумкин. Бу пулларни фаяқат банк ҳисоб рақамларида саклаш мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлиги ўз-ўзидан равшан.

Шундай қилиб, мамлакат миқёсида ҳаракатда бўлган пул массаси нақд пуллар ва нақд бўлмаган пуллар йиғиндишидан иборат.

Ўзининг муомала доираси жиҳатидан пулларни икки турга бўлиш мумкин — миллий пуллар ва байналмилал пуллар.

Миллий пуллар (валюталар) — айрим мамлакатларнинг пуллари ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон сўми, АҚШ доллари, Қозоғистон тенгеси, Франция франки, Англия фунт стерлинги, Олмония маркаси, Қирғизистон соми ва ҳ. к. Миллий пуллар ҳам ўз навбатида 2 хил бўлади — эркин алмаштириладиган (АҚШ доллари, немис маркаси ва ҳ. к.) ва фақат ўз мамлакатида амал қиласидиган. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига киравчи мамлакатларнинг миллий пуллари ҳозирча 2-хил турдаги, яъни ўз мамлакатида амал қилувчи пуллар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ўзбек валютасининг кучи ва қадрими оширишга қаратилган қатъий чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида яқин йилларда у ҳам эркин алмаштириладиган валюталар қаторидан ўрин олишига ишончимиз комил.

Байналмилал пуллар деб, ҳалқаро, мамлакатлараро иқтисодий муносабатларда ишлатилувчи валюталарни тушунамиз. Ҳозирча бундай пуллар вазифасини айрим миллий валюталар (доллар, марка ва бошқалар) бажармоқда. Шунингдек ҳалқаро валюта сифатида чиқарилган экю ва евро каби пуллар ҳам мавжуд бўлиб, улар мамлакатлараро савдо-сотиқ ишларини амалга оширишга мўлжалланган. Бироқ ҳалқаро амалиётда улар ҳозирча кенг миқёсда тарқалгани йўқ, деса бўлади.

## 2. Молия ва банк

Ижтимоий хўжаликда пул жамғармаларини шакллантириш, тақсимлаш ва уларни ишлатиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар молиявий муносабатлар деб юритилади. Бозор иқтисодиёти шароитида барча иқтисодий жараёнларни амалга оширилиши пул маблағларининг ҳаракатланиши билан бοғланиб кетган. Шунинг учун молиявий муносабатлар жамият иқтисодий ҳаётида марказий ўринни эгалрайди.

Ҳар қандай ижтимоий фаолият пул маблаглари та-

лаб қилади. Ишлаб чиқариш қаерда бўлмасин, баригир, молияни юзага келтиради. Маҳсулотлар ва хизматлар фақат тақсимлангандан сўнг истеъмол этилиши мумкин. Улар қиймат шаклида тақсимланганда дастлаб турли мақсадларга мўлжалланган пул ресурслари ҳосил бўлади, улар товарларга айирбошланиб, шундан кейин истеъмол қондирилади. Масалан, қиймат шаклидаги маҳсулот тақсимланганда уни яратиш учун сарфланган меҳнат қуроллари қийматини ифодаловчи қисми амортизация фонди шаклига киради. Бу ўз навбатида молиявий ресурсга айланади, йиғилиб боради ва унга янги машина ва механизмлар сотиб олиниб, эскирганлари ўрнига тикланади.

Маълумки, умумжамият эҳтиёжлари давлат йўли билан қондирилади. Булар жумласига атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, мудофаа, миллий хавфсизлик, ижтимоий тартибни сақлаш, бир қатор номоддий соҳаларни пул билан таъминлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқалар киради. Мазкур эҳтиёжларни қондирилиши давлатнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ. Аммо бундан молиянинг зарурлиги давлатнинг мавжудлигидан келиб чиқади, молиявий муносабатларни фақат давлат яратади, деб ўйлаш нотўғри бўлади. Давлат молияни яратувчи эмас, балки молия муносабатларининг иштирокчисидир. Тадбиркорликда оила доирасида ҳам молиявий алоқалар мавжуд. Шубҳасиз молия иштирокчилари ҳар хил, лекин молияни молия қиласидан умумий асос бор. Бу маҳсулот қийматининг тақсимланишидир. Маҳсулот ишлатиш учун тақсимланганда пул шаклидаги молиявий фонdlар ҳосил бўлади, улар табиатан молиявий ресурсе ҳисобланади.

Молиявий ресурсларни ташкил этишда ва ишлатишида иштирок этувчилар молиявий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади. Булар давлат идоралари, корхоналар, фирмалар, ташкилотлар, турли муассасалар, оиласалар ва айрим шахслардан иборатdir.

Улар молиявий муносабатларда умумдавлат эҳтиёжларини (аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг соғлигини сақлаш, унга таълим бериш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни ҳал этиш ва ҳ. к.) ҳамда корхона ва фирмаларни ривожлантариш эҳтиёжларини қондириш мақсадларида иштирок этадилар.

Молиявий муносабатларнинг обьекти эса пул маблағларидан иборатdir.

Жамият тараққиётида молиявий муносабатларнинг ўрни беқиёсdir, зеро уларни инсон организмини доимий равишда қон билан таъминлаб турувчи қон-томир тизимиға ўхшатиш мумкин.

Иқтисодиётни ривожлантиришда молиявий муносабатларнинг роли улар томонидан бажариладиган куйидаги функциялар (вазифалар) орқали намоён бўлади.

**1. Тақсимлаш функцияси.** Бу функция ўз навбатида бирламчи ва иккиламчи тақсимлаш функцияларидан иборат.

Бевосита ишлаб чиқаришда юзага келадиган тақсимлаш бирламчи деб юритилади. Бундай тақсимлаш натижасида иш ҳақи фонди, социал сугуртга учун ажратмалар, амортизация жамғармалари, фойда ва рағбатлантириш пуллари шаклланади.

Иккиламчи тақсимлаш давлат билан корхоналар (фирмалар), ташкилотлар ўргасида рўй беради. Бундай тақсимлаш жараёнида турли хил солиқлар ва ажратмалар воситасида давлат корхона ва ташкилотлар пул маблағларининг бир қисмини ўз бюджетида мужассамлаштиради ва юқорида кўрсатиб ўтилган умумдавлат эҳтиёжлари учун сарфлайди.

Масалан, корхонада бир йилда 100 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бирламчи тақсимлаш натижасида унинг 60 млн сўми амортизация фондига, 20 млн сўми иш ҳақи фондига, 15 млн сўм фойдага ва 5 млн сўми ижтимоий сугуртага ажратилади, дейлик. 20 млн сўмлик иш ҳақи фондининг 5 млн сўми даромад солиги сифатида, олинган 15 млн сўмлик фойданинг таҳминан 8 млн сўми тўловлар шаклида давлат бюджетига тушади. Давлат ўз ихтиёрига ўтган 13 млн сўмни умуммиллий вазифалардан келиб чиқиб, турли мақсадларга тақсимлайди, яъни молиявий ресурсларни иккиламчи тақсимлаш солир бўлади.

**2. Рағбатлантириш функцияси.** Молия воситалари орқали давлат хўжалик субъектларини иқтисодий фалоликка ундейди. Солиқقا тортишда имтиёзлар бериш ёки уларнинг миқдорини (фоизини) камайтириш корхона (фирма)лар ихтиёрида қоладиган пул маблагларини кўпайтиришга олиб келади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жамоа аъзоларининг моддий манфаатдорлигини ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Иқтисодий ва ижтимоий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ҳолларда давлат томонидан корхона ва таш-

килотларга молиявий күмак (субсидиялар) ҳам ажратилади ва бу билан уларнинг фаолияти рафбатлантирилади.

**3. Ижтимоий ҳимоя функцияси.** Давлат жамият аъзолари маълум қатламларининг минимал тирикчилик юритишини молиявий жиҳатдан таъминлаб туради.

Жамиятда шундай ночор ижтимоий қатламлар борки, улар съектив сабабларга кўра, ўз-ўзини тӯла таъминлай олмайди. Масалан, ногиронлар, кўп болали оиласлар, ишсиз қолганлар. Уларнинг тирикчилиги махсус ташкил этилган гул маблағлари ҳисобидан, масалан, ишсизлик нафақалари, болалар учун нафақалар, ногиронлик пенсиялари ҳисобидан таъминланади, бу маблағларни нафақат давлат, балки корхона, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ўз маблаги ҳисобидан ҳам уоштиради.

Молияни ижтимоий ҳимоя функцияси бозор иқтисодиётининг инсоний бўлишини, унинг аниқ ижтимоий мўлжалга қаратилишини билдиради.

**4. Иқтисодий ахборот бериш функцияси.** Ҳўжалик съектлари ва жамият иқтисодий фаолиятининг молиявий якунлари хусусида маълумот ва хабарлар бериб туришдан иборат бўлиб, иқтисодиётни бошқарища мухим аҳамият касб этади. Йқтисодий ҳолат молияда ўз ифодасини топади. Молиявий кўрсаткичлар орқали ишлаб чиқаришнинг қандай бораётганини кузатиш мумкин. Молиявий фондлар ҳаракатига қараб, ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол бир-бирига нақадар монандлигини, улар орасидаги мутаносибликни билиш мумкин. Корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатига қараб, уларнинг ҳўжалик фаолиятини яхши-ёмон эканлиги ҳақида хulosага келиш мумкин. Молиявий ахборотларга қараб, тадбиркорлар ўз ишининг бориши, ўз шерикларининг аҳволи, рақобатчилар имконидан огоҳ бўладилар.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, молия муносабатларини такомиллаштира бориш ва уни бошқариш иқтисодиёт тараққиётининг мухим омили ҳисбланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш молиявий аҳволни соғломлаштириб, банк тизимини қайта куришни биринчи галдаги чора-тадбирлар сифатида кун тартибига кўйди. Шу муносабат билан молиявий бозорни шакллантириш ва ривожлантириб бориш объектив жарайёнга айланди. Бу жараённинг муваффақияти банк

соҳасидаги маркетинг ривожига, турли банклар ва уларнинг мижозлари ўртасида қарор топадиган ўзаро муносабатларга, шунингдек банк хизматлари бозорининг шаклланишига, банкларнинг фоизлар сиёсати ва бошқа хилдаги фаолиятига кўп даражада боғлиқдир.

Шу муносабат билан ҳозирги вақтда тижорат банкларини ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар ташкил топиб бориши билан банк ишларидағи монополизм сусайди ва айни вақтда рақобат қучайиб боради. Тижорат банклари ташкил топиши билан хўжаликдаги кредит муносабатларининг табиати тубдан ўзгарилиди. Келажакда тижорат банклари бозорнинг ажралмас қисми, муҳим элементи бўлиб қолади ва бозор муносабатларининг тезроқ ривожланиб бориши учун қулай шароитлар юзага келади.

Жаҳон амалиётида банклар кичик (активи 300 млн долларгача), ўртacha (300 млн доллардан — 5 млрд долларгача) ва иирик (5 млрд доллардан кўп) банкларга бўлинади. Банкларнинг асосий мезони уларда бажариладиган ишлар, яъни операцияларнинг кўламидири. Банкларда олиб бориладиган ишлар, яъни операцияларнинг асосий хили истеъмолга алоқадор фаолият ва турли кредитлар беришдир.

Тижорат банкярининг фаолияти мамлакатимизда қонун йўли билан тартибга солиб борилади ва шу билан бирга мамлакатдаги жами пул муомаласини бошқаришнинг иқтисодий усул-амалларини жорий қилиш ва кредит ресурсларини тартибга солишга кўмаклашади.

Тижорат банкларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- кредит ресурсларини тартибга солиш фондига албатта маблаг ажратиш;
- банк ликвидлиги андозалари ва марказий банкнинг расмий фоиз ставкаларига амал қилиш;
- бевосита кредитланиш;
- қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича ишлар олиб бориш, яъни уларга доир операциялар бажариши.

Тижорат банкининг биринчи ва энг муҳим тамоили аниқ мавжуд бўлган ресурслар доирасида иш олиб боришдир. Тижорат банки бошқа банклар фойдасига нақд пулсиз тўловларни амалга ошириши, банкларга кредит бериши ва ўзининг корреспондентлик ҳисобларига қолдиқ маблағлар доирасида нақд пул олиши мумкин.

«Аниқ мавжуд бўлган ресурслар доирасида иш олиб

бориш» деган гапнинг маъноси шуки, тижорат банки ўз ресурслари билан кредит маблаглари ўртасида миқдорий мувофиқлик бўлишига ҳамда банк активлари табиатининг сафарбар этилган ресурслар табиатига мос келишига эришмоги лозим. Банклар фаолиятининг иқтисодий меъёрларини белгилаш ва банк операцияларини тартибга солища улар активларининг шу банклар пассивлари табиатига мутлақо баглиқлиги ҳисобга олиниши керак. У ёки бу хилдаги ўзига хос операцияларни бажариш имконияти банк пассивларининг структураси билан белгиланади. Шу муносабат билан операцияларни бажариш шарт-шароитлари ишлаб чиқилар экан, биринчи даражали эътиборни тегишли пассивларни шакллантириш манбаларига қаратиш зарур.

Тижорат банки фаолиятининг асосида ётадиган иккинчи энг муҳим тамоил иқтисодий жиҳатдан тўлаттўқис мустақил бўлишидир. «Банкларнинг иқтисодий мустақиллиги» деганда уларнинг ўз фаолиятлари учун иқтисодий жиҳатдан жавобгар бўлиши назарда тутилади. Банкларнинг иқтисодий мустақиллиги уларнинг жалб этилган маблағ ресурсларидан бемалол фойдаланиши, мижоз ва омонатчиларни эркин танлаши ва солиқлар тўлангандан кейин қолган даромадлардан ўз ихтиёrlарига кўра фойдаланишини билдиради.

Тижорат банкининг иқтисодий жавобгарлиги унинг жорий даромадлари билангина чекланиб қолмай, балки сармоясига ҳам дахлдордир. Тижорат банки ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча маблағ ва мол-мулклар билан жавоб беради.

Учинчи тамоил шундан иборатки, тижорат банкининг ўз мижозлари билан бўладиган ўзаро муносабатлари бозор муносабатлари тамоиллари асосида таркиб топиб боради. Тижорат банки қарзлар берар экан, аввало фойда олишга алоқадор бозор мезонлари, хавфхатар ва ликвидлик мезонларидан келиб чиқиб, иш кўради.

Тижорат банки фаолиятининг тўртинчи таомили шундан иборатки унинг фаолияти бевосита иқтисодий усул — амаллар билан тартибга солиб борилади. Давлат тижорат банклари учун «Ўйин қоидаларини» белгилаб беради-ю, лекин улар фаолиятига аралашмайди.

Тижорат банкларининг энг муҳим вазифаларидан бири кредитда воситачилик қилишдир. Бу вазифани улар корхона фондлари ва хусусий шахслар пул даромадларининг муомалада бўлиб, айланниб туриши жа-

раёнида вақтингча бўшайдиган пул маблагларини қайта тақсимлаш йўли билан амалга оширадилар. Тижорат банклари воситачилик ишининг хусусияти шундан иборатки, ресурслар қарз олувчилар томонидан ишлатилганида уларни қанчалик фойда келтира олиши шу ресурслар қайта тақсимланишининг асосий мезони бўлиб майдонга чиқади.

Тижорат банкларининг иккинчи энг муҳим вазифаси хўжаликда жамғармалар тўпланиб боришини рағбатлантиришидир. Улар кредит ресурслари молиявий бозорига чиқар экан, хўжаликдаги мавжуд жамғармаларни мумкин қадар кўпроқ сафарбар этиш билан чекланниб қолмай, балки кундалик истеъмолни чеклаш асосида маблагларни жамғариб боришга рағбат уйғотишлири ва бунинг учун етарлича самарадор бўлган стимулларни яратишлари керак. Пул маблагларини тўплаб, жамғариб боришга ундаидиган рағбатлар (стимуллар) тижорат банкларининг пухта депозит сиёсати асосида шакллантирилади. Омонатлар юзасидан тўланадиган фоизларнинг юқори бўлишидан ташқари тўпланган ресурсларни банкка жойлаштиришнинг ишончлилиги хусусида банк кредиторларига юқори даражада кафолат бериш ҳам зарур. Тижорат банкларининг фаолияти ва уларнинг берадиган кафолатлари тўғрисида омонатчиларнинг ахборотта эга бўлиб туриши ҳам муҳимдир.

Тижорат банклари фаолиятининг яна бир муҳим вазифаси алоҳида ҳолдаги мустақил субъектлар ўтасидаги тўловларда воситачилик қилишидир. Бозор иқтисодиётiga ўтган ҳамма мамлакатларда тижорат банклари иқтисодиётнинг тўлов механизмида етакчи ўринни эгаллайди.

Тижорат банклари фаолиятининг яна бир тури қимматли қоғозлар билан олиб бориладиган ишлар, яъни операцияларда воситачилик қилишидир.

Ўзбекистонда тижорат банклари, одатда, очиқ турдаги акциядорлик жамияти кўринишида ташкил этилган. Банк устав капитали тенг номинал қўйматдаги муайян миқдордаги акцияларга бўлинган. Акциядорлар банк мажбуриятлари бўйича банк устав капиталига қўшган маблағлари доирасида жавоб берадилар.

Тижорат банкини бошқаришнинг олий органи акциядорлар умумий йигилиши бўлиб, у бир йилда камида бир марта ўтказилиши лозим. Умумий йигилиш акцияларнинг 60 фоизига эга бўлган акциядорлар қатнашган ҳолларда ваколатли ҳисобланади.

Банк фаолиятига умумий раҳбарликни акциядорлар умумий йиғилишида сайдланган банк кенгаши амалга оширади. Кенгашнинг ваколатлари банк уставида белгилаб қўйилади. Кенгаш банк бошқарувининг иш фаолиятини кузатиб ва назорат қилиб боради, унинг умумий йўналишларини белгилайди, кредит режалари ва бошқа режалар лойиҳаларини кўриб чиқади, банк даромадлари ҳамда харажатлари режаларини тасдиқлайди, банк филиалларини очиш каби масалаларни ҳал этади.

Тижорат банки фаолиятига бевосита банк бошқаруви раҳбарлик қиласди. У акциядорлар умумий йиғилиши ва банк кенгаши олдида масъулдир. Бошқарув таркибига раис, унинг ўринбосарлари ва аъзолар киради. Банк фаолияти акциядорлар умумий йиғилишида сайдланадиган тафтиш комиссияси томонидан назорат қилинади.

Тижорат банкининг фаолияти тижоратчилик қонун-қоидаларига асосланади. Тижорат банки ўз ихтиёридаги мавжуд маблағлар доирасида иш олиб боради ва улардан фойда олиш мақсадларида фойдаланади. Тижорат банки қонунда белгилаб қўйилган чегараларда иқтисодий мустақилликка эга ва ўз фаолиятининг натижалари учун иқтисодий масъулдир. Тижорат банкларининг ўз мижозлари билан ўзаро муносабатлари бозор муносабатларида, яъни ихтиёрийлик ва ўзаро манфаатдорликка асосланади.

Мамлакатнинг ягона пул-кредит тизими доирасида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиб бориш Марказий банк зиммасига юклатилган. Шу муносабат билан у қўйидаги вазифаларни бажаради:

— тижорат банки ишининг барқарорлиги ва молијавий аҳволини мустаҳкамлашни таъминлаш;

— тижорат банкларининг кредит ресурсларини иқтисодий тараққиётнинг биринчи галдаги вазифаларини бажаришга йўналтирилишини таъминлаш;

Марказий банк тижорат банки фаолиятини тартибга солиш мақсадида қўйидаги усул ва амаллардан фойдаланади:

— тижорат банклари томонидан Марказий банкка жойлаштириладиган мажбурий резервлар нормасини ўзгартиради;

— тижорат банкларига бериладиган кредитлар, шунингдек кредитлар бўйича тўланадиган фоиз ставкаларини ўзгартиради;

— қимматли қоғозлар ва чет эл валютаси билан операциялар ўтказиб боради.

Марказий банк мажбурий резервлар нормасини ўзгартериш билан тижорат банкларининг кредит сиёсатига ва муомаладаги пул массасининг аҳволига таъсир ўтказиб боради.

Марказий банк мажбурий резервлар нормасини омонатлар ва депозитларнинг тури, миқдори ва муддатла-рига қараб табақалаштириб боради. Банк тизимининг қанчалик ривожланганлиги, умуман иқтисодиётнинг аҳволи ҳам мажбурий резервлар нормасининг миқдорига таъсир кўрсатади.

Марказий банкнинг очиқ бозорда қимматли қоғозлар ва чет эл валютаси билан олиб бориладиган операциялари ҳам тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг иқтисодий чоралари жумласига киради. Марказий банк қимматли қоғозлар ва чет эл валютасини тижорат банкларига сотар экан, бу банкларнинг кредит экспансиясини чеклайди, муомаладаги пул масасини камайтиради ва шу билан тўлов воситаларининг товар бозорига кўрсатадиган тазиёнини сусайтириб, миллий валюта қадрини кўтаради.

Маъмурий чораларга тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар фоиз ставкаларининг чегаравий миқдорларини белгилаб кўйиш киради.

Тижорат банклари банклар тўғрисидаги қонунларни, банк операцияларини ўтказиш қоидаларини бузганида, шунингдек акционерлар, омонатчилар, мижозларнинг ҳақ-хуқуқларини камситадиган бошқа жиддий камчиликларга йўл кўйганида Марказий банк уларга нисбатан маъмурий таъсирнинг жуда қаттиқ чораларини, ҳаттоқи, улар фаолиятини тўхтатиб кўйишгacha бўлган чораларни кўриши мумкин.

Ҳозирги пайтда Узбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолияти «Узбекистон Республикаси-нинг Марказий Банки» тўғрисидаги Қонунга асосан олиб борилади. Қонунга кўра, Марказий банк давлатнинг бош банкидир. Марказий банк раисини мамлакат Президентининг тақдимига кўра, Олий мажлис тайинлайди ва озод этади. Марказий банкнинг йиллик ҳисоботи ҳамда банк фаолияти ҳақида аудитор хulosаси ҳам Олий Мажлис томонидан кўриб чиқилади. Марказий банк ўз сарф-харажатларини даромадлари ҳисобидан амалга оширади ва иқтисодий жиҳатдан мустақил муасаса ҳисобланади. Давлат Марказий банкнинг мажбу-

риятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланмайди.

Марказий банкнинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлашдан иборат. У шу мақсаддан келиб чиқиб, қўйидагиларни амалга оширади:

- давлатнинг монетар (пул) сиёсатини ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантиради ва амалга оширади;

- банклар фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади;

- Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта резервларини, шу жумладан келишув бўйича ҳукумат резервларини сақлайди ва тасарруф қилади;

- давлат бюджетининг касса ижросини молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этади.

Ўзбекистон тижорат банкларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунiga мувофиқ амалга оширилади. Қонунга мувофиқ улар жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағларни кредитга бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш ҳамда тўловларни амалга ошириш билан шуғулланадилар.

Қонунда банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмасликлари кўрсатилган.

Марказий банк рухсати билан банклар Ўзбекистонда ўз фаолиятларини, чет эл банклари эса ўз ваколатхоналарини очишлари мумкин. Марказий банкнинг рухсати билан улар чет элларда ўз шўъба банкларини, филиаллар ва ваколатхоналарини очишлари, банклар очишда қатнашишлари мумкин.

Банклар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, мулқдорлар манфаатларини ҳимоялаш, биргаликда дастурларни амалга ошириш учун, мавжуд қонунчиликка риоя қилган ҳолда, иттифоқлар ва уюшмаларга бирлашишлари мумкин. Бундай уюшмаларнинг мустақил равишда тижорат фаолияти, шу жумладан банк фаолияти билан шуғулланишларига йўл қўйилмайди.

### **3. Банк кредитлари ва фоизлари**

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараённада мамлакатимизда пул-кредит тизимида жуда кўп ўзгаришлар содир бўлмоқда. Хусусан:

- банкларнинг мустақиллиги ва мавқеини кучайиши;
- янги молия-кредит институтларини юзага келиши;
- кредитлар учун тўланадиган фоиз ставкаларининг кредит ресурсларини тақсимлашдаги аҳамиятини ошиши;
- Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти» тўғрисидаги қонунини қабул қилиниши ва бошқалар шулар жумласига киради.

Кредит ва молия тушунчалари ўртасида муайян умумийлик бўлсада, уларни бир-биридан фарқловчи жиҳатлар ҳам кўп.

Агар молия барча хўжалик субъектларининг ўзига тегишли пул маблағлари хусусидаги алоқаларини билдириса, кредит, бундан фарқли ўлароқ, ўзга мулки бўлган пул маблағларини қарзга олиб ишлатиш борасидаги муносабатларни англатади ва бозор муносабатларининг муҳим унсури ҳисобланади.

Молия билан кредитнинг умумийлиги шундан иборатки, уларнинг иккаласи ҳам пул маблағлари пайдо бўлувчи муносабатларни ифодалайди. Аммо жамлаш ва ишлатиш усуллари бўйича улар бир-биридан тубдан фарқ қиласди.

Кредит ўзгаларнинг пул маблагларини ҳақ тўлаш шарти билан вақтинча фойдаланиб туриш ва муддати келганда уни қайтариб беришга асосланади. Кредит пул-товар муносабатларига хос бўлган ва пул ҳаракатини билдирувчи категория ҳисобланади.

Кредит муносабати икки субъект ўртасида юзага келади: бири пул эгаси, яъни қарз берувчи, иккинчи — пулга муҳтоҷ, яъни қарз олувчи.

Банк аслида пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида ги воситачи бўлиб, айни вақтнинг ўзида у бўш пулни қарзга олади, уни бошқаларга қарзга беради.

Кредит субъектлари ҳар хил бўлади, буларга давлат, корхона, фирма, ташкилот ва турли тоифадаги фуқаролар киради.

Кредит обьекти — бу ҳар қандай пул эмас, балки факат вақтинча бўш тургани учун берилиши мумкин бўлган пуллар ва товарлардир.

Бўш пул уч хил бўлади:

а) тадбиркорлар ёки катта пулдорлар қўлидаги пул, яъни пул капитали;

б) аҳоли қўлидаги пул (эртами-кеч эҳтиёжни қон-

дириш учун тўпланган пул эгаси қўлида капитал эмас, балки истеъмолни қондириш воситаси);

в) давлат ихтиёридаги пул. Бу пул ҳам капитал (давлат корхонаси учун), ҳам умумий истеъмол пулидир.

Юқорида қайд қилиб ўтилган бўш пуллар ссуда фондини (қарз жамғармасини) ташкил этади ва унинг юзага келиши объектив тарзда муқаррардир.

Бўш пуллар қўйидаги манбалардан ҳосил бўлади:

1. Амортизация пулининг тўпланиб бориши. Амортизация пули ҳар йили ажратилади ва у бир неча йилдан кейин ишлатилиши сабабли маълум давр бўш туради. Масалан: экскаваторнинг амортизация пули йилига 500 минг сўм, 10 йилдан кейин эскирганлиги сабабли янгиси олинади. 9 йил давомида тўпланган 4 млн 500 минг сўмлик амортизацион ажратмалар бўш ҳисобланади.

2. Ишлаб чиқаришни ривоҷлантириш учун фойдалан ажратиладиган инвестиция маблағлари. Улар маълум миқдорда йигилгандан сўнг инвестиция қилиш мумкин. Масалан, корхонага янги цех қуриш учун 10 млн сўм зарур. Ҳар йили корхонаға фойдасидан 2 млн сўм ажратилганда, зарур маблағларни 5 йилда жамғариш мумкин. Бешинчи йилгача тўпланган 8 млн сўм маблағ корхонанинг вақтинча бўш маблағи ҳисобланади.

3. Хом ашё, ёқилғи ва материаллар сотиб олиш учун сарфланган пул ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилиши билан эгасига қайтиб келади, лекин уларни янгидан сотиб олиш шу вақтнинг ўзида юз бермайди. Масалан, тўқимачилик комбинати газламани сотиши натижасида пахта толаси сотиб олиш учун сарфлаган пули ҳар ойда 50 млн сўм миқдорида қайтиб келади. Аммо уни пахтани териб, толаси ажратиб олингандан сўнг ишлатилади. Мавсум келгунча хом ашё пули бўш туради.

4. Фойдалан ижтимоий мақсадлар учун ажратилган пулнинг келиб тушиш вақти билан ишлатилиш вақти тўғри келмайди, натижада бўш пул пайдо бўлади. Масалан, ишчи ва хизматчилар иш ҳақидан пенсия жамғармаларига ажратиладиган маблағлар улар пенсияга чиққунга қадар тўпланиб боради ва вақтинча бўш пулларни ташкил қиласди.

5. Иш ҳақи пулининг келиб тушиши ва сарфланиши бир вақтда юз бермайди. Маълумки, товар сотилгач, пул келиб тушаверади, иш ҳақи эса ҳар куни эмас,

ҳар 15 кунда берилади. Бу пуллар ҳам вақтингча бўш туради.

6. Фуқароларнинг истеъмолчи сифатида қариликни таъминлаш, қимматбаҳо товар олиш, уй қуриш, саёҳат қилиш ёки турли маросимлар ўтказиш учун жамланган пули бўлади, у етарли миқдорга боргунча ёки ишлатиш фурсати келгунча бўш туради. Масалан, ишчи 40 ёшдан бошлаб, қариликни ўйлаб, ҳар йили ўз даромадидан 20 минг сўм ажратиб боради, дейлик. Шу пул 20 йил тўпланиб, 400 минг сўмни ташкил қилгандан сўнг, пенсияга чиқсан эгаси томонидан ишлатилиши мумкин.

7. Давлат бюджетига пул даромадларининг келиб тушши ва уларнинг сарфланиши ҳам бир вақтда юз бермайди. Йил бошида бюджетта тушган пул маблаглари йил давомида ишлатилиди. Шу сабабли, улар ҳам маълум муддат бўш туради.

8. Турли-туман хайр-эҳсон ва суғурта пулларининг ҳосил бўлиши ва ишлатилиши ҳам турли вақтда юз берганидан унинг бир қисми сафланиб, қолган қисми бўш туриб қолади.

Жамиятдаги пул ресурслари ҳаракатининг нотекислиги уларнинг бир қисмини бўш қолиб, қарз жамгармасига айланиши учун имкон беради. Бу ҳодиса бўш пулнинг таклифини билдиради. Аммо кредит пайдо бўлиши учун пулга талаб ҳам бўлиши керак. Бу талабни иктиносидиётнинг ўзи юзага чиқаради.

Бўш пуллар ҳисобидан қарз жамгармаси ҳосил бўлиб, унга талаб юзага келгач, кредит муносабатлари пайдо бўлади. Кредит тўргт хил вазифани бажаради.

Биринчиси — пулга тенгглаштирилган тўлов восита-ларини (масалан вексел, чек, сертификат ва ҳ. к.) юзага чиқариб, уларни хўжалик оборотига жалб қилади (вексел—қарзнинг мажбуриятномаси, чек—банкдаги пулни беришни талаб қилувчи ҳужжат, сертификат—пул тўланганлиги, қарз берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат).

Иккинчиси — бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, «пулни пул топади» деган қоидани амалга оширади.

Учинчиси — қарз бериш орқали пул маблагларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлайди.

Тўртинчиси — қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иктиносий ўсишни таъминлайди.

Кредитдан фойдаланиш жараёнида турли натижаларга эришилди. Бу натижалар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий натижалар деганда кредитдан самарали фойдаланиш эвазига қўлга киритилган ютуқлар тушунилди. Масалан, Андижоннинг Асака шаҳрида асосан банк кредити ҳисобидан автомобиль заводининг қурилиши аҳолининг янги автомобильларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва республиканинг жаҳон автомобиль бозорида муносаб ўрин эгаллашига сабаб бўлгани фикримизнинг далили бўла олади.

Кредитнинг салбий натижаси асосан қўйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

— кредит хўжалик юритувчи субъектларга турли йўллар билан асоссиз равишда кўп берилса, оқибатда пул массаси кўпайиб, миллий пул қадрсизланади;

— агар олинган халқаро кредитлардан самарали фойдаланилмаса, мамлакат ўзининг бошқа даромад манбалари, масалан, олтинни сотиш билан қайтаришга мажбур бўлади.

Кредит алоқалари пул эгаси билан қарз олувчи ўтасида бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда улар тўғридан-тўғри муомалага киришади. Иккинчи ҳолда улар алоқаси воситачилар орқали юз беради. Шунга кўра кредитнинг қўйидаги асосий шакллари келиб чиқади: тижорат кредити, банк кредити, истеъмолчи кредити, давлат кредити, халқаро кредит.

Тижорат кредити бу сотувчиларнинг харидорларга товар шаклида берадиган кредитидир. Бунда товарлар маълум муддатда пулини тўлаш шарти билан насияга берилади. Тижорат кредитини насияга олувчи унинг эгасига вексел (қарзнинг мажбуриятномаси)ни беради.

Насияга бериладиган қарз йигиндиси товарнинг бозор нарихи ва миқдорига боғлиқ бўлади. Масалан, 1 метр духобанинг бозор баҳоси 200 сўм дейлик. Духоба эгаси 1000 метр духобани шу нархда насияга берса, маълум вақтдан кейин унга 200 минг сўм қайтарилиши керак эди. Бироқ мазкур ҳолатда кредит фоиз насияга сотилган духоба нархига устама шаклини олади, шу сабабли духоба насияга эл қатори нархдан юқори нархда берилади. Масалан, духоба нақд пулга ҳар бир метри 200 сўмдан сотилса, насияга 250 сўмдан берилади. Мана шу 50 сўм устама фоиз бўлади. Бизнинг мисолимизда 1000 метр духобага устама 50 минг сўмни ташкил қиласди.

Бевосита кредитнинг оммавий кўринишларидан бири қимматбаҳо товарларни (автомашина, уй, телевизор, компьютер ва ҳоказо) аҳолига насияга сотишdir. Бундай кредит товарларни бўлгуси даромад ҳисобига сотиш учун қўлланилади. У товарлар етарли, бинобарин, тақчиллик йўқ бозорда қўлланилади.

Билвосита кредит пул эгалари маблағларини кредит ташкилотларининг воситачилигида қарз олувчи-ларга берилишидир. Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари пулни унинг эгаларига фоиз тўлаш шарти билан ўз қўлларида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фоизлар оладилар. Бунда уч субъект (пул эгаси, кредит ташкилоти ва қарз олувчи)нинг кредит алоқаси пайдо бўлади.

Банклар қарзни ишончли, пулни самарали ишлатишига қодир бўлган хўжалик субъектларига берадилар. Улар ўз навбатида пулни инвестиция учун сарфлаб, иқтисодиётни ўстиришига кўмаклашадилар.

Банклар фирмаларга қарзни тадбиркорлик учун берса, истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун беради. Бунинг натижасида истеъмолчи кредити пайдо бўлади. Масалан, АҚШда банкларнинг истеъмолчиларга берадиган кредити ҳисобига нархи 2500 долларгача бўлган товарлар харид қилиш мумкин. Харид қилинган товар пулини банклар магазинларнинг берган счётига қараб тўлайдилар. Бундай кредит ғоят имтиёзли бўлади. Унинг фоизи бошқа кредитлар фоизидан кам, ҳатто фоизсиз ҳам бўлиши мумкин.

Истеъмолчи кредити аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бўлиб, у товар ёки пул шаклида бўлиши мумкин. Бундай кредитлар аксарият ҳолларда банклар томонидан эмас, балки фирма, корхона ва ташкилотлар томонидан берилади.

Аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг вақтинча бўш пул маблағларини давлат томонидан қарзга олиш ҳоллари ҳам учраб туради. Давлат қарзни турли шаклда, энг аввал, давлат заёmlари шаклида олади. Заём давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у қарзни вақти келганда қайтариб бериш ва фоиз тўлашини кафолатгайди. Заёmlарни марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар чиқаради. Заёmlар қарз ҳақи тўлаш жиҳатидан фоиз тўланадиган ва баъзан фоизсиз ҳам бўлади.

Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини ўтамай, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат ўз маблағлари ҳисобига банкда қарз фондини

ташкыл қиласы, хазинадан ҳам қарз беради. Хазина қарзи давлат бюджетидан корхона, фирма ва ташкилоттарга уларни молиявий санациялаш (соғломлаштырилиш) учун сафланади. Мазкур қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб бериш ва фоиз түлаш шарти билан берилади. Аммо фоиз ғоят имтиёзли бўлади ва даромад олишни кўзламайди.

Халқаро кредит — бу ссуда капиталининг халқаро миқёсдаги ҳаракати бўлиб, бу ҳаракат товар ва валюта кўринишидаги маблағларни қайтариб беришилик, муддатлилик ва ҳақ тўлашлик асосида бериш билан боғлиқ.

Халқаро кредит муносабатларида қатнашувчи субъектлар бўлиб тижорат банклари, марказий банклар, давлат органлари, ҳукуматлар, йирик корпорациялар ҳамда халқаро ва минтақавий молия-кредит ташкилотлари ҳисобланадилар.

Халқаро кредитнинг асосий шакллари сифатида фирмавий кредит, акцептли кредит, акцептли-рамбурсли кредитларни кўрсатиш мумкин.

Фирмавий кредит бу бир мамлакат фирмаси томонидан иккинчи мамлакатдаги фирмага берилган кредитdir. Унинг энг кенг тарқалган тури — бу экспортёрнинг импортёрга товарларни тўлов муддатини кечириши асосида сотишга асосланган кредитdir.

Акцептли кредит бу йирик банклар томонидан бериладиган кредитdir. Агар экспорт қилувчи импорт қилувчининг тўловга қобилиятлигига шубҳа қилса ёки тўлов йиғиндини тезда олишни хоҳласа, ушбу кредитдан фойдаланади.

Акцептли-рамбурсли кредитнинг маъноси шундаки, экспорт қилувчининг вексели учинчи мамлакат банки томонидан акцептланади ва импортёр векселда кўрсатилган йиғиндини ўша банкка ўтказади.

Маълумки, хусусий банклар билан бирга халқаро ташкилотлар (Халқаро валюта фонди, Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё ривожланиш банки ва бошқалар) халқаро кредитлар беради. Аммо уларнинг кредитларни бериш шартлари бир-бирлариникидан тубдан фарқ қиласи.

Бу фарқлар қуйидагилардан иборат бўлади.

— Халқаро ташкилотлар одатда узоқ муддатли кредитлар беради. Хусусий банклар эса қисқа муддатли кредитлар бериш билан шуғулланади;

— Халқаро ташкилотлар берадиган кредитларнинг

фоиз ставкалари кичик, яъни 7—9% ни ташкил қила-ди;

— Халқаро ташкилотлар иқтисодиётни барқарор-лаштириш дастурлари асосида кредит беради.

Бу дастурлар уларнинг эксперталари томонидан кўриб чиқилади. Бундан ташқари халқаро ташкилотлар кредит олувчи мамлакатлардан маълум кўрсаткичларга (бюджет тақчиллигининг ялпи миллий маҳсулотга нисбатан маълум нисбатини, инфляциянинг ойлик дара-жаси ва ҳоказоларга) риоя этилишини талаб қиласди. Хусусий банклар эса бу турдаги дастурларга ва кўрсаткичларга риоя этилишини талаб қилмайди.

Хусусий банклар берадиган халқаро кредитлар ҳаж-мида таъминланган кредитларнинг салмоғи катта бўла-ди. Халқаро ташкилотларнинг кредитида эса аксинча, уларнинг салмоғи, одатда кичик бўлади.

Кредит берилиш муддатига кўра қуидаги турларга бўлинади:

— қисқа муддатли кредитлар (муддати бир йилгача)

— ўрта муддатли кредитлар (муддати бир йилдан уч йилгача)

— узоқ муддатли кредитлар (муддати уч йил ва ундан узоқ бўлган).

Халқаро кредитлар берилиш муддатига кўра бир мун-ча фарқ қиласди. Бунда бир йилдан беш йилгача муд-датга берилган кредитлар ўрта муддатли, беш йил ва ундан ортиқ муддатга берилган кредитлар эса узоқ муд-датли кредитлар деб ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар учун энг асо-сий муаммолардан бири берилган ссудаларни ўз вақ-тида қайтарилмаслигидир. Ўшбу муаммони қисман ҳал этиш, яъни мижоз томонидан кредитни қайтара ол-маслик хавфини камайтириш йўлларидан бири мижоз мулкининг маълум қисмини берилган ссуда учун гаров сифатида талаб қилишдир. Масалан, ер, қимматбаҳо қоғозлар, дебитор қарздорлик йигиндилари, тегишли ҳужжатлар билан бирга тақдим этилган товарлар ва бошқалар шундай гаров сифатида қўйилиши мумкин. Айниқса ер гаров учун муҳим объект ҳисобланади, чун-ки у ҳеч қачон ўз қийматини йўқотмайди.

Қимматбаҳо қоғозлар банклар учун маъқулроқ таъ-минлаш воситаси ҳисобланади. Чунки қимматбаҳо қоғозларни бозорда осонгина сотиш, мулк эгасини тезда ўзгартириш мумкин. Уларни банкда саклаш ортиқча харажатлар талаб қилмайди. Шулар билан бир қаторда

уларни сотиш ва сотиб олишда ортиқча расмиятчиликнинг йўқлиги қимматбаҳо қоғозларни гаров обьекти сифатида аҳамиятини оширали.

Дебитор қарздорлик йиғиндиси деганда, очик счётлар бўйича ҳисоб-китоблардаги қарздорлик йиғиндиси тушунилади. Бу пул банкнинг мижози жўнатган товарлари учун харидорлардан олиши лозим бўлган пулдир. Бу турдаги таъминлаш обьекти жаҳон амалиётida кенг қўлланилади.

Хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар кўпчилик давлатларда, хусусан республикамизда кредитнинг кенг қўлланиладиган таъминланиши обьекти бўлиб хизмат қиласди.

Суғурта қилинувчи суғурта компаниясига бадал тўлаб боради. Суғурта муддати тугаши билан тўланган бадаллар йиғиндиси уни тўлаган шахсга қайтарилади. Банк суғурта полисини ҳам йиғилган бадаллар йиғиндиси миқдорида гаров сифатида қабул қиласди.

Кредитни бериш қўйидаги тартибларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

- кредит олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш ва бўлғуси мижоз билан яқиндан танишиш;
- мижознинг кредитни тўлашга лаёқатлигини аниқлаш ва ссуда бўйича хавф-хатарни баҳолаш;
- кредит шартномасини тайёрлаш ва имзолаш;
- шартномада белгиланган шартларнинг бажарилиши ва кредитнинг қопланиши устидан назорат олиб бориш.

Мижоз банк кредитини олиш учун дастлаб ариза беради. Аризада ссуда тўғрисида қўйидаги маълумотлар ўз аксини топган бўлиши қерак: ссуда олишдан кўзланган мақсад, ссуданинг миқдори, ссуданинг муддати, ссуданинг тури (таъминланган ёки таъминланмаган ссудами).

Агар аризанинг мазмуни банкнинг кредит сиёсати мазмунига мос келса, у ҳолда банк 2-босқичга, яъни мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашга киришади.

Мижоз кредитга лаёқатли деб топилганда, банк кредит шартномасини тузишга киришади. Бу босқичда банк ссуданинг асосий тавсифларини, яъни кредитнинг тури, йиғиндиси, муддати, қоплаш усули, таъминланганлиги, кредитнинг баҳоси ва бошқа шартларни белгилаб олади.

Банк мижознинг кредитга лаёқатлигини аниқлаш учун қуидаги маълумотлардан фойдаланади:

- мижознинг бевосита ўзидан олинган маълумотлар;
- банкнинг архивида ушбу мижоз тўғрисида мавжуд бўлган маълумотлар;
- мижоз билан шартномавий алоқада бўлган ҳукуқий ва жисмоний шахслардан олинган маълумотлар;
- турли ҳусусий ва давлат муассасаларининг ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.

Банкнинг кредит бўлими ходимлари банкдаги архив материаллари билан танишадилар. Агар ариза берувчи олдин ҳам банк кредитидан фойдаланган бўлса, унда албатта архивда бу ҳақда маълумотлар бўлади.

Мижоз тўғрисида муҳим маълумотларни бошқа молиявий муассасалардан ҳам олиш мумкин. Масалан, инвестиция компаниялари мижоз депозитларининг миқдори тўғрисида, тўланмаган мажбуриятлари тўғрисида ва бошқа маълумотларни бериши мумкин.

Кредитнинг асосий шарти — бу қарз учун ҳақ тўлаш. Бу ҳақ қарз қилинган суммага нисбатан фоиз ҳисобида олинганида уни қарз фоизи ёки кредитнинг фоиз ставкаси деб юритилади. Бу ставка кредит қарз олувчнинг маълум эҳтиёжини қондиргани учун тўлаши шарт бўлган ҳақдир. Қарз пули капитал сифатида, одатдаги тўлов ёки харид воситаси сифатида ишлатилади.

Мана шунинг учун ҳам қарздор шахс пул эгасига фоиз ставкасини тўлайди.

Кредитнинг фоиз ставкаси мамлакатнинг ссуда капиталлари бозорида аниқланади. Халқаро кредитнинг фоиз ставкаси эса жаҳон ссуда капиталлари бозорида аниқланади. Бу бозорларнинг асосий қисми Лондон, Токио, Нью-Йорк, Франкфурт, Париж, Брюссель шахарларида жойлашган.

Фоиз даражаси (ёки ставкаси) унга таъсир этувчи омиллар туфайли ўзгариб туради. Уларнинг асосийлари қуидагилардан иборат:

1. Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати, яъни бозорда қандай миқдорда қарз пулига талаб бор ва унга нисбатан қандай миқдорда қарзга бериладиган пул мавжуд. Талаб ошса, фоиз ортади, таклиф ошеа, у камаяди.

2. Қарзга олинадиган пулни ишлатишдан кутиладиган наф, аникрофи, шу пулнинг истеъмол қийматидир.

Қарз пули тадбиркор учун кўп фойда келтирса ёки истеъмолчи эҳтиёжини тўлароқ қондирса, фоиз юқори-роқ бўлади, акс ҳолда у камайиб кетади. Бунда пулни ҳозир ишлатишдан ва келажакда ишлатишдан нафи таққосланади. Агар ҳозир пулни 10% ҳисобидан қарз олиб, келажакда ундан 25% ҳисобидан фойда кўрилса, қарз олувчига шу фоиз маъқул бўлмайди.

3. Қарзни тўлаш муддати ва шарти. Агар қарз узоқ муддатга берилиб, уни секин-аста кичик-кичик қисмларга бўлиб, бемалол қайтариш мумкин бўлса, қарздор юқори фоизга рози бўлади. Агар қарз қисқа вақтга берилса ва уни бир йўла тўлаш шарти бўлса, қарз олувчи пастроқ фоизни маъқул кўради. Гап шундаки, қарз қанчалик узоқ муддатга берилса, уни ишлатиб, шунчалик кўпроқ даромад кўриш мумкин ва шу ҳисобдан фоиз тўлаш енгил бўлади.

4. Қарзни қандай пул билан берилиши. Агар қарз эркин алмаштириладиган валютада берилса, фоиз юқори белгиланади, агар у оддий валютада берилса, фоиз нисбатан паст ўрнатилади. Эркин алмаштириладиган валюта обрў-эътиборли бўлганидан уни ишлатиш осон, ундан тезда даромад кўриш ва қарзни қайтариш мумкин.

5. Инфляция даражаси. Инфляция юз берса, қарзга берилган пул эгаси ютқазади. Шу сабабли фоиз инфляцияни ҳисобга олиб белгиланади. Фоиз инфляция шиддатига нисбатан тўғри мутаносиблиқда ўзгаради.

6. Пулни қарз беришдан кўра бошқа йўсинга ишлатишдан тушадиган даромад. Бунда пул эгасининг афзал кўриш тамоили амал қиласи. Агар акция дивиденди кўтарилса, фоиз пасаяди ва аксинча. Агар акция 15% дивиденд берилса, фоиз ундан юқори бўлиши шарт. Акс ҳолда пул эгаси уни қарзга бермай, акция сотиб олишини афзал кўради.

7. Қарз беришнинг хатар даражаси. Агар қарзниң қайтиб келиши кафолатланса, фоиз паст, агар бу хатарли бўлиб, қарз қайтиши шубҳали бўлса, фоиз юқори бўлади. Одатда молиявий бақувват ва нуфузли фирмалар учун паст фоиз тайинланади. Юқори ва паст фоиз ўртасидаги фарқ пул эгалари учун маълум даражада қарз хатарини камайтиради, чунки бир ерда фоизнинг камлиги бошқа ерда унинг ортиқ бўлиши билан қопланади.

Кредит ташкилотлари пул ва капитал бозорининг фаол иштирокчиси бўлиб, бозор иқтисодиётида муҳим

роль ўйнайди. Улар ўз мижозларига хизмат кўрсатганиклари учун фойда оладилар. Банк фойдаси банк тўлаған фоиз билан у олган фоиз ўртасидаги фарқдан унинг харажатларини чегириб ташлангандан сўнг қолган суммага тенг бўлади. Банк даромадининг асосий манбаи фоиз ҳисобланади. Банк берадиган ва оладиган фоизлари ўртасидаги фарқ маржа деб юритилади. Банклар фоиз сиёсатини ишлаб чиқадилар, фоизни ўзгартириш орқали пул оқимига таъсир этадилар. Кредит сиёсатини ишлаб чиқишида Марказий банклар етакчилик қилалилар. Кредит ташкилотлари ҳам рақобатда, ҳам ўзаро алоқада бўладилар, ўз фаолиятларини мувофиқлаштириб борадилар. Кредит ташкилотлари бозор инфраструктурасининг муҳим унсурни сифатида молия пул бозори ишхирокчиларига турли-туман хизматлар кўрсатадилар ва бу билан миллий иқтисодиёт тараққиётида муҳим роль ўйнайдилар.

#### 4. Солиқ ва унинг турлари

Давлатнинг молиявий ресурсларини шаклланиши ва улардан фойдаланиш давлат бюджети орқали амалга оширилиб, уни муҳим манбаи солиқлардир. Солиқ тизимининг тўғри тузилиши ва давлатнинг холисона солиқ сиёсатини олиб бориши иқтисодиёт тараққиётини нинг ҳал қилувчи омилидир, десак хато бўлмайди. Солиқ тизими мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган солиқлар ва табиатан солиқда ўхшаш тўловларнинг миқдорини, шаклларини, ундириб олиш усул-амаллари ва муддатларини тартибга соладиган ҳукуқий мезонлар мажмуасидир. Солиқлар пул ресурсларининг давлат ихтиёрида тўпланиб боришини таъминлайди. Бу ресурслардан иқтисодий ривожланишнинг умумдавлат, минтақавий вазифаларини ҳал қилиш, ишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишни рағбатлантириш, даромадларни тартибга солиш каби мақсадлар учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпогистон Республикаси давлат бюджетларига, маҳаллий бюджетларга солиқ кўринишида тушадиган даромад манбаларини белгилаб беради.

Солиқларни жорий этишдан мақсад давлат ижтимоий кафолатларининг молиявий базасини таъминлаш,

юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш, халқаро тўловларни марказлаштирилган йўл билан амалга ошириш, шунингдек чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлишини барқорлаштириш учун мустаҳкам молиявий манбаларни таъминлашдири. Солиқ тўлаш хўжалик юритувчи субъектлар фуқаролар билан давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни бозор иқтисодиётига мос бўлган асосий шакли ва даромадларни хўжалик субъектлари билан давлат ўртасида тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Солиқлар энг аввало давлатнинг ижтимоий зарурӣ вазифаларини молиявий маблағлар билан таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади.

Давлат олдида турган муҳим вазифаларни бажариш хусусан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, маориф, маданият, соглиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, мудофаа, ижтимоий ва миллий ҳавфсизликни таъминлаш жуда кўп молиявий ресурсларни талаб қиласди. Бозор иқтисодиёти шароитида бу ресурсларни фақат солиқлар ва солиқ характеристига эга бўлган тўловлар орқали амалга оширилади. Шунинг учун солиқ тўлаш ҳар бир хўжалик субъекти, меҳнат жамоаси, юридик ва жисмоний шахс учун мажбуриятгина бўлиб қолмай, муқаддас бурч ҳамдир. Солиқларни тўламасликка, тўлов муддатларини кечиктиришга, уларнинг объектини яшириш ёки суммасини камайтириб кўрсатишига њеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Марказлашган — маъмурий бошқариш даврида давлат ўз вазифаларини иқтисодий тўловлар, яъни ажратмалар, бадаллар ва ҳар хил тўловлар орқали амалга оширган, чунки у даврда солиқли тўловга ҳожат йўқ эди. Ҳамма мулк давлатники бўлганлиги сабабли давлат хоҳлаганича корхоналар даромадини ўз мулки сифатида ажратмалар йўли билан бюджетта жалб қиласди. Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк шакларини таркиб топиши ва демократик жараёнларнинг ривожланиши бюджеттага тўловларнинг ажратмалар сифатида эмас, балки қонунний кучга эга бўлган демократик тўловлар яъни солиқлар асосида амалга оширишни тақозо этади.

Бозор иқтисодиёти қонунларидан келиб чиқсан, давлатнинг бажарган хилма-хил хизматлари учун мамлакат ичida юридик ва жисмоний шахслар ҳақ тўлашлари керак, яъни давлатнинг хизмат кўрсатувчи муассасалана-

ри (мудофаа, хавфсизлик хизмати ва ҳ.к.) лар ўз хизматларини сотишлари зарур. Демак, мазкур хизматлар төвәр даражасига күтарилиши ва бозорга чиқиши керак. Бирок, бу хизматлар «ижтимоий товарлар» бўлганлиги учун алоҳида корхоналар буларни кўрсатишдан бош тортади чунки бу мураккаб ва қимматга тушади. Бошқа корхоналар, юридик ва жисмоний шахслар эса шу ижтимоий товарларни сотиб олишдан бош тортади. Демак, бозор бундай товарларни қабул қилмайди.

Лекин масаланинг иккинчи томонини оладиган бўлсак, ҳеч ким, яъни юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам «ижтимоий товарлар»ни истеъмол қилишдан бош тортмайди, уларнинг зарурлигини билади. Бирок, алоҳида корхоналар бу товарлар учун ҳақ тўлашга қодир эмас. Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг жамиятта кўрсатадиган хизматлари ҳақини қоплаш учун мажбурий тўловлар сифатида солиқлар жорий этилган.

Солиқ нимага солинади, яъни солиқ обьекти бўлиб нималар ҳисобланади? Мамлакатимизда солиқ обьектларини уч гурӯҳга бўлиш мумкин. Булар — маҳсулот обороти, олинган фойда (ёки даромад) ва мулқидир.

Солиққа тортиладиган обьект солиқ номини ифода этади ва кўп ҳолларда солиқ манбаига мос келади. Масалан, корхона фойдасидан солиқ ундиришида солиқнинг обьекти ҳам, манбаи ҳам фойдадир. Даромад солигининг обьекти ҳам, манбаи ҳам фуқаро олган ялпи даромаддир. Солиқ муносабатлари ҳар қандай жамиятда ҳам бозор муносабатларининг муҳим ва марказий унсурларидан бири ҳисобланади. Уларни амалга оширишида қатнашувчи томонлар — хўжалик юритувчи корхона, фирма, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда фуқаролар солиқ тўловчи сифатида, солиқ идоралари эса солиқ ундирувчилар сифатида солиқ субъектлари ҳисобланадилар.

Солиқлар нима ҳисобидан ундирилади ёки солиқ тўлашнинг манбаи нима деган савол кўпчиликни қизиктириши табийи.

Аксарият ҳолларда солиқ тўлаш манбаи бўлиб хўжалик субъектининг олган фойдаси ёки даромади хизмат қиласи. Бирок айрим ҳолларда бошқа манбалардан фойдаланишга ҳам тўғри келади. Масалан, ер солигининг манбаи, табиийки, ердан келадиган даромад. Лекин тадбиркор у ёки бу сабабларга кўра ердан даромад олмади, дейлик. У ҳолда ер солигининг манбаи бўлиб, унинг бошқа даромадлари хизмат қиласи.

Давлатнинг солиқ сиёсатининг энг нозик, энг муреккаб ва масъулиятли вазифаси — солиқларнинг меъёрлари (нормалари)ни оқилона ва адолатли тарзда белгилашдир. Чунки мазкур нормалар ҳаддан ташқари юқори бўлса, у ҳолда солиқ тўловчилар ўз даромадларини кўпайтиришдан манфаатдорлик сезмай қоладилар. Агар бу нормалар, аксинча, ҳаддан ташқари паст бўлса, у ҳолда давлат бюджетига тушумлар камайиб кетади ва умумдавлат, умумхалқ эҳтиёжларини қондириш имкониятлари чекланиб қолади.

Солиқ суммасининг унинг обьектига нисбатан ҳажми солиқ нормаси деб аталади. Солиқ нормаси даромад (фойда) суммаси, мол-мулк қиймати ёки товар сотиш обороти миқдорига қараб белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 31 декабрдаги «Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш шкаласини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонига асосан фуқароларнинг даромад солиғида солиқ нормаси уларнинг олган даромадларига қараб 15, 25, 36 ва 40 фоизларда белгиланади.

Солиқ нормасини белгилашнинг одатда 2 хил усули мавжуд бўлиб, улардан биринчиси мазкур нормани сўм ёки фоизда олдиндан қатъий (ўзгармас) миқдорда белгилашдир. Иккинчи усулда эса солиқ миқдори унинг обьекти миқдорини ўзгаришига қараб прогрессив ҳолда ўзгариб боради.

Солиқ нормаси фақат бир солиқ ёки тўловнинг бюджетта ўтказиладиган қисмини ифода этса, солиқ оғирлиги барча солиқли ва солиқсиз тўловларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, солиқларни ундириш манбаига қараб тўғри ва эгри солиқлар деган гурӯҳга ажратиш мумкин. Фойда, даромад, ер ва бошқаларга солинадиган солиқларни одатда тўғри солиқлар деб юритилади. Бундай солиқлар оғирлигини солиқ тўловчи корхона, компания, фирма ва фуқаролар кўтариади.

Қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, конлардан фойдаланиш солиғи ва шунга ўхшаш солиқлар эгри солиқлар деб юритилади. Бундай солиқларнинг оғирлиги маҳсулот сотувчи, хизмат кўрсатувчи корхоналар, уларни истеъмол қилувчи корхона, фирма, ташкилот ва аҳоли зиммасига тушади.

Солиқ ундириш амалиётида солиқ бирлиги деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, у, одатда, солиқ обьекти-

нинг бир бўлагини билдиради ва бутун объектдан ундириладиган солиқ суммасини ҳисоблаш учун меъёр вазифасини бажаради. Масалан, аҳолидан ундириладиган ер солигини ҳисоблашда бир гектар солиқ бирлиги ҳисобланади. Транспорт воситалари учун тўлана-диган солиқни ҳисоблашда бир от кучи ёки киловатт-соат солиқ бирлиги вазифасини бажаради. Масалан, 1 кв. м. солиқ бирлигига ўрнатилган солиқ ставкаси 10 сўмни ташкил этса, у ҳолда 500 кв. м. ери бўлган фуқаро давлатга 5000 сўм солиқ тўлаши керак бўлади.

Шундай қилиб, солиқ объектининг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан олдиндан қатъий суммалар ёки фоизларда белгиланган меъёр солиқ ставкаси деб юритилади. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бозор муносабатларига ўтиш даврига хос ҳусусиятлардан бири пул инфляцияси, яъни унинг нисбатан тез қадр-сизланиши ҳисобланади. Бундай шароитда қатъий суммада белгиланган солиқ ставкалари кўп вақт ўтмай ўз вазифасини бажараолмай қолади. Шунинг учун аксарият ҳолларда солиқ ставкаларини фоизларда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

1998 йилдан бошлаб кўшилган қийматта солиқ ставкаси 20 фоиз белгиланган. 2000 йил 1 январдан фойдага солиқ ставкаси 31 фоизни, юридик шахсларни мол-мулкига 4 фоизли ставка ўрнатилган.

Солиқ ставкалари уч тоифага бўлинади — мутаносиб солиқлар, прогрессив (ортиб борувчи) солиқлар ва ргрессив (камайиб борувчи) солиқлар.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадлари (фойдаси)нинг миқдоридан қатъий назар ўрнатилган солиқ ставкалари мутаносиб ставкалар деб юритилади. Бунда, масалан 50 млн сўмлик асоси фондларга эга бўлган фирма ҳам, 100 минг сўмлик асосий фондга эга бўлган тадбиркор ҳам ўша фондлари қийматининг 4 фоизи миқдорида мулк солиги тўлайди.

Даромад ёки фойданинг ортиб бориши билан солиқ ставкаларининг ҳам ортиб бориши кўзда тутилган бўлса, бундай ставкалар прогрессив (ортиб борувчи) ставкалар деб юритилади. Бундай ставкалар, масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан даромад солиги ундиришда қўлланиллади. Куйидаги жадвалда жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ суммаларини ҳисоблаш тартиби (усули) келтирилган.

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ сўммаси
Энг оз иш ҳақининг уч карра миқдоригача,	Даромад сўммасининг 15 фоизи.
Энг оз иш ҳақининг уч карра миқдори (+1 сўм)дан беш карра миқдоригача	Уч карра миқдоридан солиқ + энг оз иш ҳақининг уч карра миқдоридан ошган сўммадан 25 фоиз
Энг оз иш ҳақининг беш карра миқдори (+1 сўм)дан ўн карра миқдоригача	Беш карра миқдоридан солиқ + энг оз иш ҳақининг беш карра миқдоридан ошган сўммадан 36 фоиз
Энг оз иш ҳақининг ўн карра миқдори (+1 сўм)дан ва ундан юқори	Ўн карра миқдоридан солиқ + энг оз иш ҳақининг ўн карра миқдоридан ошган сўммадан 40 фоиз

Кўриниб турибдики, фуқаронинг даромади қанча кўп ортиб борса, шунча кўпроқ солиқ тўлайди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда энг оз иш ҳақи миқдорлари вақти-вақти билан ўзгартирилиб, аниқроғи оширилиб турилади. Масалан, 1998 йил 1 августдан у 1250 сўмга ортган бўлса, 1999 йил 1 августдан бошлаб 1750 сўмга, 2000 йил 1 августдан бошлаб эса 2450 сўмга оширилди.

Даромадга қараб ортиб борувчи солиқ ставкаларини қўллаш усулининг афзаллиги шундан иборатки, ишчи ёки хизматчи, тадбиркор ёки фермер ўзининг даромадларини кўпайтириш билан бир қаторда давлат бюджетини шакллантириш ва умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга тобора кўпроқ ҳисса қўшади ва ўзининг ватанпарварлик бурчини тобора тўлароқ бажаради.

Бироқ бу усулнинг ўзига хос камчилиги шундан иборатки, у одамларнинг унумли ва сифатли меҳнат қилиб, ортиқча даромад олишга бўлган қизиқишини сусайтиради. Олинаётган даромадни кўпайтириб, уни омонатга қўйиш ёки қимматбаҳо қофозлар сотиб олиб, мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти учун инвестиция манбаи яратишга қизиқтирумайди. Чунки меҳнаткаш даромади ортиб бориши билан солиқ ставкаси ортиб боради, натижада унинг учун камроқ даромад топиб, камроқ солиқ тўлаш маъқул бўлиб қолади. Шунинг учун савдо ва бошқа соҳаларда ишбилармонлик билан шугулланувчилар савдо оборотини, даромадни

яширишга ҳар хил йўллар билан ҳаракат қиласидилар. Лекин қатъий иш ҳақи (даромад) олиб ишловчи ишчи ва хизматчилар бундай қила олмайдилар.

Солиқ ставкасининг регрессив усулида даромадларнинг ўсиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ёки экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши билан солиқ ставкаси камайиб боради ва корхона бюджетга камроқ солиқ тўлай бошлади. Регрессив ставкалар бирор фаолият ёки соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ёки экспорт ҳажмларини оширишни рагбатлантириш мақсадида кўлланилади. Масалан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаришта корхоналарни рагбатлантириш мақсадида 1996 йил 20 марта қабул қилган қарори асосида белгиланган регрессив солиқ ставкалари бунга мисол бўла олади.

Агар ишлаб чиқарилаеттан маҳсулотнинг умумий ҳажмида экспорт улуши:

5% дан 10% гача бўлса, — 20% га;

10% дан 20% гача бўлса — 30% га;

20% дан 30% гача бўлса — 40% га;

50% дан кўп бўлса солиқ ставкаси 50% га камайтирилади.

Юридик ва жисмоний шахслар ҳамда аҳоли даромадларининг солиқдан бутунлай озод этиладиган қисми солиққа тортилмайдиган минимум деб юритилади. Бу минимум асосан аҳоли даромадига нисбатан кўлланилади.

Агар аҳоли даромадининг солиққа тортилмайдиган минимум қисми ошиб борса, улар топган даромадидан солиқ камроқ ундирилади.

Мамлакатимизда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати амалга оширилаётгани туфайли солиққа тортилмайдиган даромад минимумининг муттасил ошиб бораётганини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Солиқ тўловчиларни солиқдан озод этиш, улар тўлаётган солиқ миқдорини (солиқ базасини) камайтириш ёки солиқ тўлаш шартини енгиллаштириш capability солиқ имтиёзлари ёки сийловлари деб юритилади.

Солиқлар ҳар қандай давлатнинг ҳам молия ресурслари ва имкониятларини белгилаб берувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун солиқ имтиёзлари ва сийловларини кўллаш аксарият ҳолларда давлатнинг, биринчидан, ана шу имкониятларига, иккинчидан, у ёки бу

фаолият турини ёки ишлаб чиқаришни рағбатлантириш заруриятига боғлиқ.

Солиқ имтиёзлари ва сийловларининг ижобий роли шундан иборатки, аксарият ҳолларда улар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга хизмат қилади. Бироқ улар айрим ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларда боқимандалик кайфиятларини ҳам туғдириши мумкин.

Мамлакатимиз солиқчилик сиёсатида қуйидаги учхил солиқ имтиёзлари учрайди.

1. Солиқдан батамом озод этиш;
2. Солиқдан қисман ва вақтингча озод этиш;

3. Солиқقا тортиладиган (даромад) базасини камайтириш.

Корхонада ишловчи ходимлар таркибида 50% дан ортигини ногиронлар, 1941—45 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар, (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслардан ташқари) даромад (фойда) солигидан тамомила озод этиладилар.

Агар корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг камида 30 фоизи экспортга сотилган бўлса, бундай корхона фойда (даромад)га солиқ ставкасини 2 марта камайтирилган ҳолда солиқ тўлайди.

Янги ташкил этилган корхоналар (биржа, тайёрлов-улгурчи, воситачи, савдо-тижорат корхоналари бундан мустасно) биринчи йили 25 фоиз ва иккинчи йили 50 фоиз белгиланган солиқ ставкасидан солиқ тўлайдилар.

Солиқ сиёсати иқтисодий сиёсатнинг ажралмас ва бозор иқтисодиёти шароитида муҳим қисмидир. Давлат томонидан юритиладиган солиқ сиёсати тўғри ва аниқ бўлиши учун у илмий жиҳатдан асосланган бўлмоғи зарур.

Солиқ сиёсати мустақил Республикамизнинг Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Республикализ Президенти И. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли» номли рисолаларида солиқ тизимининг иқтисодий аҳамиятига шундай баҳо берадилар: «Солиқ тизими ҳам бозор инфраструктурасининг таркибий қисми ҳисобланади. Уни ҳали чинакамига ташкил қилишга тўғри келади. Солиқ хизмати фақат солиқ тўплаш идорасигина бўлиб қолмасдан, бал-

ки тадбиркорларга уларнинг молиявий фаолиятини ташкил этишда ҳамда молия интизомига риоя қилинишига қўмаклашиши керак»<sup>1</sup>.

Пул муомаласини мустаҳкамлашда, айниқса пул инфляциясини жиловлашда солиқлар катта роль ўйнайди. Хусусан, солиқлар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали ундирилганда муомалага чиқиши лозим бўлган пулларни камайтиради. Эгри солиқлар (акциз солиги, қўшилган қиймат солиги ва бошқалар) ёрдамида товорлар баҳоси оширилиб, муомаладаги пул массасининг харид қилиш қобилияти қисқартирилади, яъни муомаладаги бир қисм пуллар товар баҳоси орқали олинади.

Нақд пулда ундирилладиган солиқлар (аҳолидан ер солиги, транспорт воситалари солиги, мол-мulk солиги ва бошқалар) муомалага чиқиб кетадиган пуллар массасини камайтиради, товар билан таъминланмаган пулларнинг бир қисмини муомаладан олиб, марказлашган давлат пул фондига (бюджетга) қайтаради.

Пайдо бўлиш манбаига қараб солиқлар хуқуқий ва жисмоний шахслардан ҳамда аҳолидан олинадиган солиқларга бўлинади.

Давлат бюджетига тушиши лозим бўлган даромадларнинг 80%га яқини корхоналардан олинадиган солиқлар, 14% ни фуқаролардан олинадиган солиқлар ва қолган қисмини солиқсиз тўловлар ташкил қиласди.

Бюджеттага ўтказиш нуқтаи назаридан солиқлар давлат ва маҳаллий солиқларга бўлинади. Давлат солиқлари тўғридан-тўғри республика бюджетига тушадиган солиқлардир. Бундай солиқларга қўшилган қиймат солиги, акциз солиги, фойда (даромад) солиги, фуқароларнинг даромад солиги, божхона солиги, божхона божи ва бошқалар киради.

Маҳаллий солиқлар эса тўғридан-тўғри маҳаллий бюджетларга тўлалигича тўланади. Улар биринтирилган даромадлар деб аталиб, ер солиги, мол-мulk солиги, реклама солиги, курорт жойларда саноат обьектлари қурилиши солиги, автомобиль воситалари, ҳисоблаш машиналари ва майший техникани қайта сотиш солиги шулар жумласига киради.

Тўғри солиқлар корхоналар ва фуқаролар даромадидан тўғридан-тўғри олдиндан белгиланган ҳолда олин-

<sup>1</sup>. И. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент: «Ўзбекистон», 1992 йил. 57-бет.

са, эгри солиқлар фақат корхоналар маҳсулоти ёки хизмат қийматига күшиб олинади.

Корхоналарни молиявий якуни — фойда ёки даромад түгри солиқлар манбай ҳисобланса, товар қиймати, күпроқ янги яратилган қиймат эгри солиқлар манбай ҳисобланади.

## 5. Биржаларнинг молия бозоридаги ўрни

«Биржа» бозор иқтисодиётига хос бўлган тушунчалардан бири бўлиб, у ултуржи савдо-сотиқ ишлари билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи тижорат корхонасидир.

Биржада товарларга бўлган талаб ва товарлар таклифи жамланади, уларни айирбошлиш, сотиш ва сотиб олиш хусусида битимлар тузилади. Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, биржада товарларнинг ўзи қатнашмайди, уларнинг намунаси ёки мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кўйилади.

Биржа операцияларининг иштирокчилари ўзгариб туради, доимий иштирокчилар билан бир қаторда янги янги иштирокчилар қатнашадилар.

Биржа савдосининг оддий савдо-сотикдан фарқи шундаки, бу ерда пул иштирок этмайди, харидор билан сотувчи юзма-юз турмайди, операцияларда товарнинг эгаси ва уни сотиб олувчи қатнашиши шарт эмас. Улар номидан ишни маҳсус шахслар-брокерлар (даллоллар) юритишиади. Биржада савдо-сотиқ нақд турган товарлар билан қилинмайди. Товар биржадан жуда узоқ мамлакатда турган бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистондаги пахта толаси Ливерпулдати (Англия) биржада сотилиши мумкин. Биржа савдо-сотигида товарларнинг нақд бўлмаслиги уларни ташиш ва сақлаш билан боғлиқ ҳаражатларни тежайди. Юқоридағи мисолимизга қайтсак. Ливерпулда сотилган пахта Тошкентдан тўғри Лионга (Францияга) боради. Уни олдин Ливерпулга, сўнг Лионгача ташиб ўтириш керак бўлмайди. Биржанинг яна бир хусусияти шуки, бу ерда ҳали ишлаб чиқарилмаган, аммо тайёрланиши аниқ товарлар ҳам барвақт сотилади. Эгаси тасарруфига тушиб ултурмаган товар, масалан, келгуси йил ҳосили ҳисобидан пахта толаси ҳам сотилаверади.

Биржа ишининг ҳажми унинг обороти билан ўлчанди. Масалан, биржада 10 млрд. сўмлик савдо-сотиқ битимлари тузилган бўлса, бу унинг ҳажмидир. Оборот

жиҳатидан бирон-бир савдо-сотиқ фирмаси биржага тенглаша олмайды, чунки унда айрим ёки бир гурух товарлар талаби ва таклифи бутун бир мамлакат доиласи ёки халқаро доирада жамланади. Масалан, Лондондаги нодир металлар биржасида олтинга талаб ва олтин таклифи дунё миқёсида түпланади. Олтин савдоси бўйича ҳеч қандай фирма Лондон биржасига тенглаша олмайды.

Биржанинг яна бир белгиси — бу унинг юксак даражада ташкил этилган ва уюшган бўлишидир. Бу ерда чайқов бозоридаги каби тартибсиз, кўр-кўронада савдо-сотиқ бўлмайди. Биржаларда операциялар белгиланган тартиб ва қонун-қоидалар асосида амалга оширилади ва келишиб олинган нархлар амал қиласи.

Жаҳон амалиётида товар биржалари 2 хил — универсал ва ихтисослашган бўлади. Универсал биржаларда ўз номидан кўриниб турибдики, турли хил товарларнинг улгуржи савдоси амалга оширилади. Иккинчи хил биржалар эса айрим турдаги ёки турдош ҳисобланган товарларнинг савдо-сотигига ихтисослашгандир.

Биржалар аслида тижорат воситачилари бўлиб, битим тузишга ёрдам беради. Улар савдо-сотиқ иштирокчилари учун бир хил қоидалар эълон қиласи ва аниқ вақт белгилайди. Маҳсулотларнинг баҳоси ҳақидағи маълумотларни биржа ўз аъзоларига ва бошқа мижозларга ўз вақтида етказиб туради, битим шартлари, тўлов мажбуриятларини бажаришга тўла кафолат беради.

Биржада битимлар маълум сифатга эга бўлган стандарт товарлар партиясига мувофиқ тузилади. Бу эса биржада товарларни кўрмасдан ва умуман мавжуд бўлмаган товарлар бўйича биржа операцияларини ўтказиш имкониятини беради.

Дунёлаги машҳур биржаларда савдо-сотиқ эълон қилиш қўл бармоқлари ёрдамида айрим белгиларни изоҳлаш орқали олиб борилади. Ҳар қайси маҳсулот бўйича операциялар маҳсус белгиланган жойларда, кўпингча доирасимон жойда амалга оширилади. Айланада биржа хизматчилари бўлиб, улар баҳони ва унинг ўзгаришини рўйхатга олиб борадилар. Нархлар дисплейга ўрнатилади ва ахборот ҳар хил алоқа воситалари орқали эълон қилиб турилади.

Биржалар иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланган мамлакатларда товарлар улгуржи савдосининг энг ривожланган ва кенг тарқалган шаклидир.

Шу билан биргаликда мамлакатимизда қимматли қоғозлар билан савдо-сотиқ ишларини олиб борувчи биржалар ҳам ҳозирги молия инфратузилмасининг муҳим унсури сифатида шакланиб, ривожланиб бормоқда. Бундай биржалар стандарт молиявий воситалар (акциялар, облигациялар, векселлар, сертификатлар ва ҳ.к.) билан савдо қилиш учун уошган бозор бўлиб, уни қимматли қоғозлар бозорининг малакали қатнашчилари ўзаро улгуржи операциялар ўтказиш мақсадида ташкил этадилар.

Қимматли қоғозлар билан биржа савдоси муайян тартибга асосан ўтказилади. Уларнинг энг асосийлари кўйидагилар:

1. Биржада қимматли қоғозлар олди-сотиси фақат воситачилар ёрдамида амалга оширилади. Бундай воситачилар жисмоний шахслар (дилерлар) ёки юридик шахслар — банклар, инвестиция компаниялари, брокерлик фирмалари бўлиши мумкин. Уларнинг ишончномалари билан воситачилар (брокерлар, дилерлар) ҳаракат қиласиди. Воситачилар мижоздан қимматли қоғозларни сотиб олиш (ёки сотиш) учун берилган буюртмани бажаради ёхуд кейин яна сотиш мақсадида ўз хисобларидан қимматли қоғозларни сотиб олади.

2. Фонд биржасига қимматли қоғозларни етказиб бериш шарт эмас. Қимматли қоғозлар мавжудлигини уларнинг миқдор ва сифатини тавсифлайдиган сертификат-хужжатлар тасдиқлайди.

3. Фонд биржасида қимматли қоғозларнинг дуч келган миқдори сотилавермайди, балки умумий қабул қилинган миқдорда сотилади. Бошқача айтғанда, фонд биржаси улгуржи савдо шаклидир.

4. Фонд биржасида котировка рўйхатига киритилган қимматли қоғозларгина сотилади. Акцияларни бундай рўйхатга киритиш тартиби листинг деб юритилади. Листинг — қимматли қоғозларни биржага киритиш тамойилидир.

5. Фонд биржасида нархлар ошкора кўйилади, бу ҳақда залдаги табло доимо хабар қилиб туради. Биржа операциясининг барча қатнашчилари тенг шароитга эга бўлиб, улар биржада қабул қилинган қоидаларга бўйсинадилар.

Биржанинг ўзи ҳеч нарса сотмайди ва сотиб олмайди, балки бундай улгуржи савдо ўтказиш учун қоидалар ишлаб чиқади ҳамда шарт-шароит яратиб беради.

Биржа аввало савдо зали бўлиб, унда брокерлар

Қимматли қоғозлар савдосини амалга оширадилар. Инвестиция муассасалари биржада ўз брокерларига эга бўлиш учун ўрин сотиб олиб, унинг аъзосига айланислари керак.

Ўрин олиш савдо қилиш ҳукуқини қўлга киритиш, биржанинг савдо залида ўз брокерига эга бўлиш ҳамда биржа рўйхатига киритилган қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш деган гапдир. Ўрин товар ҳисобланади. Унинг эгаси ўз ўрнини сотиши мумкин, аммо бундай қилганда, у биржада ишлаш ҳукуқидан маҳрум бўлади.

Биржалар фойда кўрадиган уюшмалардир, улар даромадининг асосий моддалари қўйидагилардир:

- савдо залида амалга оширилган ҳар бир буюртма (битим) қатнашчисидан ундириладиган битим солиғи;
- компанияларнинг ўз акциялари биржа рўйхатига киритилганини учун тўлайдиган ҳақ;
- компанияларнинг биржа томонидан уларнинг листингини яхши ҳолатда сақлаб тургани учун тўлайдиган ҳар йишлик бадаллари;
- биржа аъзоларининг кириш бадаллари;
- ўринларни сотиш ва бошқалардан тушадиган маблағлар.

Биржани бошқариш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифасини биржа бошқаруви ёки кенгаши амалга оширади. Фонд биржаси қошида эксперт, малакага оид ва котировка комиссиялари, маклериат ва маслаҳатчи юрист ишлайди.

Эксперт комиссияси эмитентлар (қимматли қоғозларни муомалага чиқарувчи молия-кредит муассасалари, компаниялар)нинг қимматли қоғозларини текшириб чиқади ва котировка қилиш ҳамда биржа олди-сотисига қўйишга рухсат беради. Экспертиза эмитентнинг бухгалтерия ва молия ҳисоботлари таҳлили натижаларига кўра унинг акцияларини листингга киритиш ёки киритмаслик ҳақида қарор қабул қиласди.

Малакага оид комиссия брокерлар малакасини аниқлайди ҳамда қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларга уларни кўйиш-кўймаслик масаласини ҳал қиласди.

Котировка комиссияси олди-сотди кунида биржада кўйиладиган қимматли қоғозларнинг нархини белгилайди.

Маклериат молия брокерларидан қимматли қоғозларни сотиш ва харид қилиш учун буюртмалар олади,

биржа олди-сотдисини ташкил этади ва ўтказади, келишилган битимларни ҳужжатлар билан расмийлаштиради.

Маслаҳатчи юрист қимматли қофозлар операцияси юзасидан келиб чиқадиган мөжораларни ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ваколатли вакили биржа фаолияти давомида қонунчилик ва биржа низоми талабларига риоя қилинишини назоратга олади. Қонунчилик бузилган ёки бозор қатнашчилари томонидан ноўрин хатти-ҳаракатлар содир этилганда у қуидаги чораларни кўради:

- лицензиян тўхтатиб қўяди ёки бекор қиласди;
- суд органларига билдиришнома ёзди ва ҳ.к.

Одатда биржада олди-сотди маълум муддат ва маълум схемада ўтказилади. Фонд биржаси — ким ошди савдоси (аукцион) демакадир.

Биржада олди-сотди овоз ёрдамида (бу ҳолда таклиф этилаётган қимматли қофозлар, уларнинг нархлари ҳақида қичқириб маълум қилинади) ёки терминаллар орқали электрон тизим воситасида олиб борилиши мумкин.

Қимматли қофозлар олди-сотдиси бўйича битимлар тузиш жараёни қуидаги тартибда содир бўлади. Акцияларнинг эгаси брокер орқали акцияларни сотишга ёки инвестор брокер орқали сотиб олишга ёхуд акция эгаси брокер орқали биржа маклернатига буюртма беради. Бу буюртма листингга киритилади. Бошқа харидор ёки сотувчилар аралашиби мумкин бўлган очиқ олди-сотдидаги битим тузилади ва уни кейинчалик биржа томонидан рўйхатдан ўтказилади. Савдо бўлиб ўтганидан сўнг шартнома расмийлаштирилади. Харидор ва сотувчига хизмат қилган брокерлар олди-сотди шартномаларининг нусхаларини ҳамда битимлар юзасидан ўз ҳисоботларини мижозларга топширадилар. Харидор томонидан беш банк куни ичida битимга ҳақ тўланганидан кейин депозитарийда акцияларни сотувчи ҳисобидан харидор ҳисобига ўтказилади, депозитарий эса акцияларни сақлади, рўйхатга олади ва назорат қиласди. Акцияларни янги эгаси эмитент билан боғланиб, мазкур эмитент акциялари реестрини сақловчи ким эканлигини аниқлаши ҳамда уни ўша реестрга киритишларини талаб этиши зарур. Шундан кейингина акцияларнинг янги эгасига дивидентлар тўлана бошлайди.

Ўзбекистон Республикасида биржалар фаолияти дав-

лат томонидан тартибга солиб турилади. Шу мақсадда биржада биржада фоалияти иштирокчилари (юридик шахслар) давлат рўйхатидан ўтказилади, биржаларга лицензия берилади, уларни солиқ тўлаш қоидалари белгиланади ҳамда биржада қонунчилигига амал қилиш устидан назорат олиб борилади.

Нодавлат тузилмалари томонидан биржада фоалиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

## VI Б О Б.

### САВДО ВА ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

#### 1. Савдо ва тижорат

Бозор иқтисодиёти тизимининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда савдо-сотиқ ва тижорат ишлари ниҳоятда ривож топиб, унинг мукаммал шакллари пайдо бўлади.

Аслини олганда бу икки тушунча бир-бири билан жуда яқин маъноларни англатади. Тижорат тор маънода савдо-сотиқ билан шуғулланишни билдиради. У жуда қадим замонлардан мавжуд бўлиб, рўзгорни тебратиш, тирикчилик ўтказиш ва одамларнинг турли товарларга бўлган эҳтиёжини қондириш воситаси сифатида ислом таълимотида ҳам муҳим ўрин олган. Жаноб Пайғамбаримиз Мұҳаммад алайхис салом «ризқнинг ўндан тўқиз қисми тижоратдандир» деб, у билан шуғулланишга бу юрганлар.

Тижорат ҳар қандай фаолият сингари, маълум ҳаражатларни талаб қиласди. Савдо-сотиқда хизмат қилувчилик иш ҳақи оладилар, товарларни олди-сотди қилиш, уларни ташиб келтириш, харидорга етказиб бериш, истеъмол учун қулайлаштириш моддий ва меҳнат сарфлари билан боғлиқ. Товарларга кетадиган меҳнат сарфлари ишлаб чиқариш доираси билан чекланмайди, чунки товарлар ҳаракати ишлаб чиқаришдан бошланиб, бозорда давом этади, товар истеъмол этилиши билан якунланади. Товарни ишлаб чиқаришдан истеъмолгача бўлган ҳаракати меҳнат сарфини ва бошқа ҳаражатларни келтириб чиқаради.

Ишлаб чиқарилган товарни сотиш асосан иккита йўл билан амалга оширилади. Улардан биринчисида савдо-сотиқ ишлари билан бевосита товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар, фирмалар) шуғулланади, ик-

кинчи йўл—ишлаб чиқарилган товарларни воситачилар (тижоратчи фирмалар) орқали сотишидир.

Ҳар икки ҳолда ҳам товарларни истеъмолчига етказиш муйян сарф-харажатлар талаб қиласди. Фақат биринчи ҳолда савдо харажатлари корхона, фирма зимасига тушса, иккинчи ҳолда бу харажатларни тижоратчи фирмалар кўтаради.

Савдо-сотиқни воситачилар амалга оширганда турили муносабатлар келиб чиқади. Товарлар ишлаб чиқарувчи мулкидан тижорат фирмаси мулкига айланган ҳолда истеъмолчига сотилади. Тижоратчи фирма бунда товарларни улгуржи нарх билан ўз номига сотиб олиш учун пул ажратади, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлайди, товарларни ташиш, жойлаштириш ҳамда транспорт ва омборлар учун харажатлар қиласди. Товарларни харидор истеъмолига мослаштириш, унга элтиб бериш, товардан фойдаланиш юзасидан (бу техникавий товарга тааллуқли) маслаҳат бериш каби ишлар ҳам сарф-харажат талаб қиласди.

Харажатлар моддий ва меҳнат сарфларидан иборат. Моддий сарфларга бинолар ва ишлатиладиган машиналар, асбоб ускуна ва транспорт воситалари амортизацияси, ижара ҳақи, ҳар хил материаллар, ёқилғи ва энергия сарфлари кирадики, буларсиз савдо-сотиқни юритиб бўлмайди.

Харажатларнинг катта қисмини реклама ташкил этади. Реклама — товар ҳақидаги холисона ахборотни харажатдорга етказишидир. Ахборотсиз товарларни танлаб бўлмайди. Шу сабабли савдо-сотиқ ҳажми кўп жиҳатдан рекламага боғлиқдир. Шуни эътиборга олиб, тижоратчилар рекламага катта пул сарфлайдилар. Масалан, АҚШ телевидениесида бир минутлик реклама ўзлони 150 минг доллар туради. Бозорни ўрганиш (маркетинг) ҳам бир мунча харажатлар талаб қиласди. Олдисотди операцияларини савдо ходимлари юргизадилар, уларга иш ҳақи бериш учун пул кетади. Тижоратчилар ҳар хил солиқ тўлайдилар, бу ҳам харажатга қўшилади.

Тижоратчи учун унинг умумий харажатлар суммаси билан товар сотилиши ҳажми ўртасидаги нисбат муҳим аҳамиятга эга. У 100 минг сўмлик, айтайлик, товар сотиш учун 5 минг сўм сарф қўлдими ёки 10 минг сўм, бунга бефарқ қарай олмайди. Чунки айнан ана шу нисбатга қараб тижоратнинг серхаражат ёки камхаражатли бўлганини аниқлаш мумкин.

Савдо харажатлари одатда доимий ва ўзгарувчан

харажатлардан иборатдир. Доимий харажатлар, тижоратчилар фаолиятидан қатый назар, олдиндан белгилаб қўйилган ва ўзгармай қоладиган харажатлардир. Буларга биноларнинг ижара ҳақи, банкка тўланадиган процент, давлатга тўланадиган солиқлар киради. Уларнинг миқдори олдиндан белгиланган бўлиб, маълум давргача ўзгармайди. Масалан, тижорат фирмаси бинони 5 йил муддатга ҳар йилига 100 минг сўмдан ижара ҳақи тўлаб туриш шарти билан олган бўлса, шу ижара пули бир неча йил давомида ўзгармаган ҳолда харажатларга киради. Фирма давлатга 200 минг сўмлик мол-мулк солиги тўлайдиган бўлса, бу ҳам ўзгармаган ҳолда харажатларга қўшилади.

Ўзгарувчан харажатлар шундай сарфларки, уларнинг миқдори ҳар хил омиллар таъсири остида ва тижоратчилар ҳатти-ҳаракати натижасида ўзгариб туради. Турли омиллар орасида нарх асосий ҳисобланади. Харажатларни шакллантирувчи моддий сарфлар ресурсларнинг нархига боғлиқ бўлади. Бозорда ресурслар арzonлашса, харажатлар пасаяди, уларнинг нархи ошса, акси юз беради. Ҳудди шундай қонуният иш ҳақи сарфига ҳам хосдир. Иш ҳақи ошса, харажат кўпайиши турган гап.

Харажатлар моддий ва меҳнат ресурсларининг тежамили ишлатилишига ҳам боғлиқ. Аммо уларнинг тежалиши савдо-сотиқ иши сифатига путур етказиши ҳам мумкин. Рақобатли бозорда бу ҳол товар сотиш ҳажмини камайтириб юбориши мумкин. Тўйинган бозорда харидорни жалб этиш, унга қулагилик яратиш, кўшимча хизматлар кўрсатиш талаб қилинади. Бу, шубҳасиз, харажатларни, бинобарин, нархни оширади, лекин товар сотиш ҳажмини кўпайтириш имконини беради, чунки харидорнинг харил қобилияти юқори бўлганида унга нархдан кўра кўрсатилган эътибор ва хизматлар афзал туради. Бунинг натижасида оширилган нархда товар сотилиши қўшимча харажатларни оқлайди.

Савдо-сотиқдаги харажатлар ҳар хил йўллар билан қопланади. Фақат олди-сотди ишларини бажаришга, яъни товарни пулга айирбошланишига хизмат қиладиган харажатлар соғ тижорат сарфи бўлиб, унинг қопланиси товарни харид этиш ва сотиш нархи ўртасидағи фарқ ҳисобидан бўлади. Гап шундаки, ишлаб чиқарувчи ўз товарини сотиб бергани учун тижоратчига фойданинг бир қисмини кечиб беради, яъни товар тижоратчиларга бозор нархидан арzonроқ сотилади. То-

варнинг бозор нархи 100 сўм бўлса, ишлаб чиқарувчи уни тижоратчи фирмага 95 сўмдан сотади, натижада ўзи оладиган 20 сўм фойданинг (80 сўм ҳаражат) 5 сўмини кечиб беради. Шу 5 сўмнинг 4 сўми ҳаражатни қопласа, 1 сўми савдо фойдасига айланади.

Савдо-сотиқ ҳаражатларининг таркиби доимо ўзгариб туради, чунки бозорнинг тўйинниш даражаси ошган сари ҳаражатларнинг янги турлари келиб чиқали, хизмат кўрсатиш маданиятини муттасил ошира бориш талаб этилади. Турли омиллар ҳаражатларга ҳар хил таъсир этгани сабабли уларнинг таркиби ҳам ўзгариб туради. **Харид вақтини тежаш учун янги техникани** (масалан, тез ишловчи касса аппаратлари, савдо автоматлари)ни қўллаш ҳаражатлар таркибида моддий сарфлар ҳиссасини кўпайтиради. Товарни харидор дидига мослаштириш ҳам меҳнат сарфини ошириб юборади.

Тўйинган бозор шароитида уни ўрганиш, товарларни реклама қилиш, харидорга маслаҳат бериш билан боғлиқ ҳаражатлар тез ўсади. Ҳаражатлардаги миқдорий ва таркибий ўзгаришлар шунингдек харидорлар вақтини тежаш ва улар учун товарларнинг нафлилигини ошириш билан боғлиқ фаолият ўлароқ ҳам содир бўлади. Бозордаги товарлар миқдори ортиши билан ҳаражатларнинг умумий миқдори ҳам кўпаяди, аммо ҳаражатларнинг ўғсани ҳолда товарларни сотилиши бундан тезроқ ўсиши керак. Шундан товар бирлигига кетган ҳаражатлар камайиб, савдо фойдаси кўпайиши билан ўзини оқлайди.

Савдо фойдаси ўзининг манбай ва ҳосил бўлиш механизми билангина эмас, балки ўзлаштириш субъектлари жиҳатидан ҳам муайян хусусиятларга эга. Савдо фойдасини ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг ўзлари ўзлаштириши мумкин. Бунда улар харидорлар билан бевосита алоқа ўрнатиб, олди-сотдининг ҳамма ҳаражатларини (рекламадан тортиб тики товарни етказиб беришгача) ўзлари кўтарадилар, шу боисдан савдо фойдасини ҳам ўзлари оладилар. Бу ерда савдо ҳаражатлари ва фойдаси ўз мазмуни жиҳатдан алоҳида кўринишга эга бўлса-да, ишлаб чиқариш ва савдо функцияси бир субъект қўлида бўлганидан ишлаб чиқарувчининг умумий фойдаси таркибига киради. Ишлаб чиқарувчи ҳам савдо фойдасини, ҳам ишлаб чиқаришдан келган фойдани ўзи ўзлаштиради.

Савдо-сотиқ ишлари воситачилар ёрдамида амалга ошганда савдо фойдасини ўзлаштириш ишлаб чиқа-

рұвчилардан тијоратчиларға үтади. Савдо-сотиқда нормал фойда билан биргаликда ундан ортиқча (ёки іқтисодий) фойда ва омад фойдаси мавжуд.

Бозор учун нормал фойданы бўлиши шарт, аммо капитални савдо-сотиқдан чиқиб кетмаслигини таъминлаш учун іқтисодий фойда зарур бўлиб, у савдо-сотиқни фаоллаштиради, бозорга қўшимча равишда ресурслар келишини таъминлади. Шу сабабли бозорни муттасил ушлаб туриш учун нарх ҳеч бўлмагандан нормал фойданы таъминлаши зарур. Сотувчи бундай фойданы олиши учун нарх харажатларга тенг бўлиши зарур. Гап шундаки, бозор амалиётида нормал фойда савдо-сотиқ харажатларига киритилади. Бозор чакана нархи таркибига товарнинг улгуржи нархи, савдо-сотиқ харажати ва тијоратнинг нормал фойдаси кирган бўлади. Масалан, товарнинг чакана нархи 5000 сўм бўлса, шундан 4500 сўм улгуржи нарх, 350 сўм харажатлар ва ниҳоят 150 сўм харажатларга киритилган фойда бўлади. Мазкур нарх товарни бозордаги минимал нархи бўлади. Амалда нарх бундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Шундай ҳодиса рўй берганда іқтисодий фойда ҳосил бўладики, у товар сотишдан тушган пул, яъни кирим пули билан (уни даромад деб ҳам аталади) харажатлар фарқига тенг бўлади. Савдо пули таркибида ҳам нормал, ҳам іқтисодий фойда бўлганидан сотувчи нархни оширишга интилади, аммо буни бозор кўтарадими, йўқми, бу — талабга bogliq bўлади.

Савдо фойдасининг манбай товар ишлаб чиқариш ҳисобланади. У ерда яратилган қўшимча маҳсулотнинг бир қисми савдо фойдасига айланади ва уни тијоратчи ўзлаштиради. Ишлаб чиқарувчи товарларини пуллаб берганлиги учун ўзи оладиган фойданинг бир қисмини тијоратчига кечиб беради. Мана шу қисм ҳисобидан тијоратчининг савдо-сотиқ харажатлари қопланади ва у савдо фойдасига эга бўлади. Бироқ саноат фирмаси ўзи савдо-сотиқ билан шуғулланганда, яъни ўз товарини ўзи сотганда, фойданинг икки қисмга ажралиши юз бермайди, у бутунлигича фирманинг ўзида қолади. Бунда савдо-сотиқ ишлаб чиқарувчи ишининг давомида бўлиб кетаверади, аммо у ўзининг мазмуни билан муомала фаолияти ҳисобланади.

Фойда ҳақида гапирилганда уни тијоратчилар фақат ўзлаштирадилар, уни яратишда муомала соҳасининг ҳеч қандай ҳиссаси йўқ, деб ўйлаш нотўғри бўлади. Гап шундаки, муомала соҳасида ишлаб чиқариш

жараёни давом этиб, қийматнинг ўсиши юз беради. Бу ерда қўшимча меҳнат сарфланиб, у яратган қиймат фойда шаклига киради. Савдо-сотиқ соҳасидаги меҳнат функцияси фақат олди-сотди ўтказишдан иборат эмас. Бу ердаги меҳнат янгидан товар яратмас-да, мавжуд товарларни сақлаш, ташиш, истеъмолчига етказиб бериш, товарни харидор дидига мослаш, унинг истеъмолини қулай қилиб, харидор вақтини тежаш каби вазифаларни бажаради. Бу меҳнатлар товар миқдорини кўпайтирмайди, лекин унинг истеъмол қийматини, наф келтириш даражасини оширади, унинг бир қисми эса фойдага айланади.

Истеъмолчига ишлаб чиқариш эмас, балки савдо-сотиқ яқин туради. Ўз-ўзидан маълумки, харидор товарни завбд, фабрикадан эмас, магазиндан сотиб олади. Харидор талабининг икир-чикир томонлари тижоратда эътиборга олинади ва шу ерда уни қондириш мақсадида товар устида ишлаш давом этади. Қийматнинг савдо-сотиқда ўсган қисми, агар уни бозор тан олса, товарнинг нархига киради, товар сотилгач, пул шаклини олиб, фойдага айланади. Қийматнинг ўсган қисми тўлалигича фойдага айланмайди, унинг бир қисми харажатларни қоплашга кетади. Бозорга сотиш учун келтирилган тикув машинасининг нархи 10000 сўм, бу унинг қиймати, деб фараз қиласлик. Тижоратчи шу машинани сақлаш, ташиш, созлаш, харидор талабига кўра унга айрим ўзгаришлар киритиш учун 500 сўм сарфлари, дейлик. Демак, машинанинг қиймати 500 сўмга ўди. Шундан 300 сўми харажат бўлса, 200 сўм шу ерда яратилган фойда бўлади. Бунда 500 сўм машинанинг сотилиш нархига киритилади. Аммо олдинги 10000 сўм ичida ҳам ишлаб чиқарувчи кечиб берган қиймат бор, айтайлик у ҳам 500 сўм бўлиб, ундан 300 сўм сотиш ҳаражатлари бўлса, 200 сўм фойдани ташкил қиласди. Шундай қилиб жами фойда 400 сўмга teng бўлади. Лекин унинг манбалари ҳар хил: 200 сўм савдо-сотиқдан, 200 сўм ишлаб чиқаришдан келади.

Фойда манбанини фақат ишлаб чиқаришда яратилган фойда билан чеклаб бўлмайди, чунки харидорни пули ҳам манба бўлиб хизмат қиласди. Бу айниқса иқтисодий фойдага тааллуқлидир. Товарнинг бозори чаққон бўлса, нарх ҳаражатлардан ортиб кетади. Ортиб кетган нархдан ҳаражатлар чегирилиб ташланса, қолган қисми иқтисодий фойдани ташкил этади, унинг манбаи харидорнинг пул даромадидир.

Савдо-сотиқдаги фойданинг миқдорига асосан учта омил таъсир күрсатади:

1. Бозордаги нарх даражаси. Нарх орта борган сари фойда ҳам ошади;
2. Савдо-сотиқ оборотининг тезлиги. Бозор чаққон бўлса, товарлар тез сотилади, сотиш ҳажми ортади, фойданинг миқдори кўпаяди;
3. Савдо-сотиқ, яъни муомала харажатларининг миқдори. Фойда миқдори харажатга нисбатан тескари ўзгаради, яъни харажат камайса, фойда ортади ва аксинча.

Ишлаб чиқарувчи фойданинг бир қисмини тижоратчига кечиб берар экан, бу қисм савдо харажатларини қоплашга кетиши ҳам мумкин. Агар харажат кам бўлса, кечилган фойданинг ҳақиқий савдо фойдасига айланган қисми албатта кўп бўлади. Юқоридаги мисолимизга қайтсан 10000 сўмлик тикув машинасини улгуржи нархида 500 сўм кечиб берилган қиймат эди, харажатлар 300 сўм бўлганида унинг 200 сўми фойдага айланган эди. Агар харажатлар 400 сўмга етса, фойда 100 сўмга тушиб қолади, аксинча харажат 250 сўмга тушса, фойда 50 сўмга ортиб, 250 сўмга тенг бўлади.

Савдо-сотиқдаги фойда тижоратчиларнинг ақл-заковатига, тажрибасига, бозордаги вазиятни илғаб ола билишига ҳам боғлиқ. Бозорнинг чаққон бўлишини кутиб туриш, шубҳасиз, фойдага таъсир этади. Товарни вақтида пулламасдан уни қасодга йўлиқтириш натижасида фойда камаяди, уни вақтида сотиш фойданни оширади. Ўз навбатида бозор чаққон бўлишини пайқаган ҳолда, нарх ошишини пойлаб, сотмай туриш, нарх энг чўққига кўтарилиганда уни сотиш фойдани сезиларли даражада оширади. Албатта, бундай имкониятлардан фойдаланиш бозордаги рақобатга боғлиқ. Нарх ошишини кутган тижоратчини рақиби додга қолдириши ҳам мумкин, чунки у ўз товарини вақтида сотиб, талабни қонидириши ва бозорни қасод қилиши мумкин.

Бозордаги кутилмаган фойдани омад фойдаси деб аталади. Уни мўлжаллаш хатарли иш, чунки бундай фойда бирон бир фаолиятга бевосита боғлиқ эмас, у нархни кутилмаганда ошиб кетиши ёки нархи савдо-сотиқ харажатига кирувчи товарлар ва хизматларнинг арzonлашуви орқали юз беради. Масалан, фирма гамлаб кўйган нефть нархи ошади ёки нефть сақланади-

ган идишлар арzonлашади. Бу фирмага куттілмаганды ортиқча фойда беради. Бу фойда фирма хатты-харакати натижасыда эмас, балки унга bogлиқ bулмаган омиллар таъсири натижасидир. Бундай фойда ҳаммага ҳам тегавермайды. Шу сабаблы бозорда тегиши аниқ bулган фойдага интилиш кучли bулади. Бу рақобат шароитта тижоратчининг фаолиятига боғлиқ ҳолда унга тегадиган фойдадыр. Фойда тегишининг аниқлиги фойданнинг кафолатланиши эмас. Бу — маълум шарт-шароит bулгандагина тижоратчининг фойдага эга бўлиш имкониятидир. Рақобат бор экан, фойда миқдорида ноаниқлик bулади, бинобарин, бозорда таваккалига иш тутиш ҳам мавжуд.

Савдо-сотиқда энг кўп фойда олишга интилиш табий бир ҳол. Фойда миқдорини оширишга интилиш товар сотилишини кўпайтиришга олиб келади, бу эса харидорга яхши савдо хизмати кўрсатишни, керакли товар билан харидор кўнглини олишни талаб қиласи. Бинобарин, савдо-сотиқда фойда топишнинг шарти савдо хизматига bулладиган талабни қондиришидир.

Савдо-сотиқдан олинадиган фойда нормал рентабелликни таъминлаши даркор. Бу ерда сарфланган капитал бирлигига тегадиган фойда бошқа ердагидан кам bулмаслиги шарт, акс ҳолда капитал, бинобарин, ресурслар бу ердан чиқиб кетади, товар муомаласи қийинчиликка йўлиқади. Иқтисодиёт бир меёрда ривожланиши учун ресурсларнинг керакли қисми савдо-сотиқда сақланиши зарур, буни эса фақат нормал фойда таъминлайди.

Тижоратчилар фаолиятига қараб савдо фойдаси турлича тақсимланади. Савдо-сотиқ билан маҳсус фирмалар шугулланганда фойда уларнинг ихтиёрига тушади, шу ерда тақсимланади. Бу ишни воситачилар (брокерлар, маклерлар) бажарганда савдо фойдаси харидор ва сотувчиларнинг комиссиян тўлови шаклида ундирилади, улар одатда савдо-сотиқ ҳажмининг 5—10%га тенг bулади. Бу тўловнинг бир қисми брокерлар идорасига, қолгани уларнинг ўзларига тегади ва уларнинг шахсий даромадига айланади.

Савдо-сотиқдан тушган фойда шу соҳани ривожи учун сарф қилинади.

Шундай қилиб, савдо ва тижорат бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласи.

## 2. Ташқи иқтисодий фаолият

Бозор муносабатларига ўтган ва ўтаётган мамлакатлар учун ташқи (хорижий) иқтисодий фаолият ва ташқи савдо ҳаётий заруратдир. Умумжаҳон хўжалиги тобора ривожланиб, такомиллашиб борган сари мамлакатлараро иқтисодий муносабатларнинг доираси ва кўлами ҳам кенгая боради. Мамлакат иқтисодиётининг умумжаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви (кўшилиши)нинг асосий шарти ҳам ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланишидир.

Ташқи иқтисодий фаолият деганда мамлакатдаги юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ҳамда халқаро ташкилотлар билан олиб борадиган ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалари (фаолияти) тушунилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланганлик даражаси асосан мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасига, давлатнинг ташқи сиёсати ва стратегиясига бевосита болиқидир. Шу билан биргаликда ташқи иқтисодий фаолиятга таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, улар кўйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг табиий-иқлимий шароитлари;
- мамлакатнинг индустрiali тараққиёт даражаси;
- ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий ва технологик салоҳияти;
- мамлакатдаги демографик вазият ва ақлий салоҳият;
- халқ менталитети ва миллий анъаналари;
- аҳолининг харид қобилияти.

Ҳар қандай давлат ҳам ўзининг ташқи иқтисодий фаолият стратегияси ва йўналишларини ўзининг ҳаётий эҳтиёжларидан, мамлакатнинг мудофаа хавфсизлиги манфаатларидан ва, ниҳоят, ўз халқининг турмуш даражасини ошириш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият давлат томонидан тартибга солинади. Бунинг учун авваламбор бу фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш, уни ривожланган мамлакатларда амал қилувчи қонунчиликка тобора мувофиқлаштира бориш

ўта муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни ҳам республика мустақиллиги эълон қилинмаган бир пайтда, яъни 1991 йилнинг 14 июнида қабул қилинган эди. Ана шу ҳолнинг ўзи ташқи иқтисодий фаолиятнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролига берилган катта баҳо эди.

Бироқ мамлакатда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида тўплangan тажриба мазкур қонунга муайян ўзгаришлар киритишни тақозо этади. Шу сабабли 2000 йил 26 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонуннинг янги таҳририни қабул қилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъектлари ва обьектлари мавжуд бўлиб, уларга қўйидағилар киради.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг обьектларига эса олди-сотди ёки айирбошли обьекти ҳисобланган төварлар (ишлар, хизматлар), ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан қимматли қофозлар, валюталар ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари ва интеллектуал мулк обьектлари киради.

Қонунда Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг қўйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилган:

- ҳалқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик;
- ташқи савдо фаолият;
- чет эл инвестицияларини жалб қилиш;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестицион фаолият.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан ишлаб чиқариш, молия, банк ва суурта, таълим ва кадрларни тайёрлаш, туризм, соглиқни сақлаш, илмий-техникавий, маданий, экология ва гуманитар соҳаларда хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ҳамда ҳалқаро

ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти халқаро иқтисодий ва молиявий фаолият деб юритилади.

Чет эл инвестицияларини жалб қилишга қаратилган фаолият хусусида биз қўлланманинг З-бобида баҳоли қудрат тўхталиб ўтган эдик. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестицион фаолият хусусида шу нарсани айтиб ўтиш кифояки, ташқи иқтисодий фаолиятнинг бу йўналиши ҳозирча мамлакатимизда ўз ривожини топа олгани йўқ. Хорижий мамлакатларда юридик шахслар ёки уларнинг филиалларини ташкил этиш, хорижий компанияларнинг мол-мулки ва акцияларини, қимматбаҳо қофозларни сотиб олиш, ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукуқини қўлга киритиш, табиийки, катта миқдордаги эркин алмаштириладиган хорижий валюта эгаларига насиб этади.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорлар синфини яратишга қаратилган чора-тадбирлар, ўйлаймизки, яқин йиллар ичida ўз натижаларини беради ва ўзбекистонлик инвесторлар хорижий мамлакатларда кенг кўламли фаолият кўрсата бошлайдилар.

Мамлакатлараро товарлар айирбошлиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини ташқи савдо фаолияти деб юритилади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, ташқи иқтисодий фаолиятнинг бу йўналиши энг қадимий, анъанавий ва кенг ривожланган йўналиш ҳисобланади.

Ташқи савдо жаҳон халқарини турли товарлар билан таъминлаш имкониятини беради ва шу билан биргаликда ҳар бир мамлакатнинг ихтисослашувини ривожлантириш, ўз ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Давлатлар, худудлар ва алоҳида шахслар у ёки бу товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашиб, уни кейинчалик бошқа буюмга алмаштиришдан фақат ютадилар. Чунки, биринчидан, мамлакатлар табиий ва меҳнат ресурслари ҳамда сармоялар билан таъминланганликларига кўра, бир-бирларидан анча фарқ қиласдилар, иккинчидан, турли товарларни бирдек самарали ишлаб чиқариш учун етарли технологик имкониятларга эга эмаслар.

Масалан, Япония табиий ресурсларга эга бўлмаган ҳолда юқори малакали ишчи кучига эга, шу сабабли у юқори малака талаб қиласидан кўплаб товарларни кам меҳнат сарф этиб тайёрлаши мумкин. Аксинча, Австралия катта ресурсларга эга булган ҳолда етарли меҳнат ресурслари ва капиталга эга эмас. Шунинг учун у ерда буғдой, гурунч, гўшт етиштириш самаралироқдир. Бразилияда арzon кофе етиштириш учун ҳамма шароит етарли бўлса, Канада арzon буғдой етиштириш имкониятига эга.

Вақт ўтиши билан мамлакатнинг турли товарлар ишлаб чиқаришда имкониятлари ва самарадорлиги ўзгариши мумкин. Масалан, бирор давлат асосан ҳом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, кейинчалик ишчи кучи сифатининг ўсиши, асосий капиталнинг кўпайиши натижасида саноат маҳсулотлари, тайёр товарлар ишлаб чиқариши мумкин. Масалан, Шўролар даврида Ўзбекистонда етиштирилган пахтадан олинган толанинг 4—4,5 фоизигина мамлакатда қайта ишланган бўлиб, унинг асосий қисми арzon баҳоларда кўпроқ Россия ип-газлама корхоналарига етказиб берилган ва бошқа хорижий давлатларга сотилган эди. Эндиликда эса мустақиллик туфайли мамлакатда кўп миқдорда хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни кириб келиши туфайли пахта толасидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни жаҳон бозорига чиқариш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Халқаро меҳнат тақсимоти ва товар айирбошлишда мамлакатлар, юқорида таъкидланганидек, бир хил имконият ва шароитларга эга эмаслар. Бу ҳол уларнинг жўғрофий жойлашуви, табиий ресурсларнинг таркиби ва захиралари, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, иқтисодиётнинг тузилиши, ички бозорнинг ҳажми каби омиллар билан белгиланади.

Ана шу омиллар таъсирида турли мамлакатларда бир хил товарларни ишлаб чиқаришдаги харажатлар даражаси ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳар бир мамлакат жаҳон бозорида ўзида ишлаб чиқариш учун харажат кўпроқ бўладиган, табиий ёки бошқа шароитларга кўра умуман ўзида ишлаб чиқаруб бўлмайдиган товарларни сотиб олишга интилади.

Моддий ресурслар ва ишчи кучининг қийматидаги фарқ туфайли озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа төварларнинг баҳоси ҳар қайси давлатда турлича бўлади. Айнан ана шу фарқ эркин халқаро савдони ривожлантириш омили бўлиб хизмат қиласди.

Халқаро савдода миллатнинг диди, қизиқиши ва мамлакат аҳолисининг харид қилиш қобилияти муҳим роль ўйнайди. Масалан, ўзбеклар яхши кийинишини ёқтирадиган ва ўзига зеб берадиган миллатлар қаторига киради. Шунинг учун ҳам мамлакатга четдан келтирилаётган товарларда хушбичим кийим-кечагу, замонавий матоларнинг улуши каттагина. Қадимдан халқимиз менталитетида илм олиш иштиёқи кучли бўлган, шу сабабдан истиқбол йилларида таълим давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бундай шароитда Япония, АҚШ, Олмония каби ривожланган давлатлардан замонавий компьютерларни сотиб олишга катта маблағлар сарфланмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, халқаро савдо, яъни товарларни четга чиқариш (экспорт) ва четдан товар келтириш (импорт) бизнинг мамлакатимизда жуда қадим замонлардан бўён мавжуд.

«Буюк ипак йўли»нинг анчагина қисми мамлакат худудидан ўтгани туфайли тадбиркор аждодларимиз хорижий давлатлар билан савдо-сотик ишларини яхшигина ривожлантирганлар ва уни халқаро савдода жозибадор мамлакатлардан бирига айлантирганлар.

Ташқи (халқаро) савдонинг мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрнини ялпи миллий маҳсулотда экспорт ва импортнинг ҳиссасига қараб аниқлаш мумкин. Умуман олганда мамлакат иқтисодий аҳволига баҳо беришда импорт ва экспорт ўртасидаги нисбатни аниқлаш зарурати юзага келади. Ушбу нисбат мамлакатнинг тўлов балансини тузяётганда аниқланади. Савдо баланси тўлов балансининг таркибий қисми ҳисобланади. Тўлов балансини умумлаштирувчи кўрсаткич унинг салдоси ҳисобланади. У импорт ва экспорт орасидаги фарқقا teng. Балансда импортни экспортдан ошиб кетиши тўлов балансини салбий салдога эга эканлигидан далолат беради. У ташқи савдо дефицитига олиб келади. Уни тўлаш учун эса дав-

лат қарз олади. Қарзни тўлаш учун эса ички истеъмол камайтирилади.

Ташқи савдонинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва самарадорлигига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омил экспорт ва импорт маҳсулотларининг таркиби, яъни мамлакат нимани четга чиқаряпти-ю, нимани четдан олиб келаётганидир. Четдан сотиб олинаётган товарлар ичida қайта ишлашга мўлжалланган хом ашёнинг улуши қанча катта бўлса, шу мамлакатда импортдан кўриладиган наф шунча юқори бўлади. Четга чиқарилаётган товарлар ичida хом ашёнинг улуши қанча кўп бўлса, шу мамлакат экспорти шунча самарасиз бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг экспортида пахта толаси улушининг йилдан-йилга камайиб бораётгани шу нуқтаи назардан ижобий тенденцияни ташкил этади. Шуни айтиб ўтиш кифояки, 1994—1998 йиллар давомида у 51 фоиздан 41 фоизга камайди.

Хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш, экспорт ва импортнинг таркибини такомиллаштириш соҳасида республика ҳукуматининг олиб бораётган сай-ҳаракатлари ўзининг ижобий натижаларини бера бошлаганини яна қўйидаги рақамлардан кўриш мумкин. 1994 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг Ўзбекистон импортидаги улуши 32 фоизни ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб у 2 баробар камайди ва 16 фоизни ташкил этади.

Энг муҳими, Ўзбекистонга хорижий давлатлардан келтирилаётган товарлар ичida технологик асбоб-ускуна ва жиҳозларининг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда ва эндиликда у жами импортнинг ярмидан кўргини ташкил этмоқда. Гап шундаки, миллий иқтисодиётнинг тараққиёти ва Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига чиқиши учун авваламбор моддий ишлаб чиқаришни янги техника ва технологиялар асосида қайта қуриш талаб қилинар экан, импорт таркибининг бундай ўзгариши ўта ижобий ҳолдир.

Ташқи савдонинг мамлакат иқтисодий тараққиётига таъсирини кучайтиришнинг муҳим омили экспорт билан импорт орасидаги ижобий салдога, яъни экспорт ҳажмининг импорт ҳажмидан ортиқлигига эришишдир. Шунинг учун Ўзбекистон давлат мустақил-

лигининг илк давридан бошлаб республика ҳукумати мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортни ҳар томонлама рағбатлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Экспортбоп, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгилангани ва амалга оширилаётгани фикримизнинг далилидир. Хусусан 2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб мулкчиликнинг барча шаклларидағи экспорт қилувчи корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан олинган даромадлари даромад (фойда) солигини тұлашдан озод қилинган. Улар учун шунингдек ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорты улушыга қараб мулк солиги тұлашнинг қүйидеги тартиби жорий этилган:

— экспорт улуши 25 фоиздан 50 фоизгача бўлганида, белгиланган мулк солиги ставкаси 50 фоизгача камайтирилади;

— 50 ва undan кўпроқ фоиз бўлганида, мулк солиги умуман ундирилмайди.

Бироқ шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур имтиёзлар пахта толаси, ип газлама калаваси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металларни экспорт қилувчи корхоналарга тадбиқ этилмаган.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ташқи савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва унинг устидан давлат монополиясини ўрнатиш заруратини англаш қийин эмас. Чунки мамлакатта четдан нималар келтирилаётгани ва мамлакатдан хорижга нималар олиб чиқиб сотилаётганига бефарқ қарашиб мумкин эмас. Ҳалқимизда «шаҳар бедарвоза эмас» деган нақл бор. Уни ташқи савдо фаолиятига тааллуқли қилиб, «мамлакат бедарвоза эмас», деса ҳам бўлаверади.

Ана шу мулоҳазадан келиб чиқиб, ташқи савдони амалга оширишда миқдорий чекловлар белгилангани ва товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиш устидан давлат назорати ўрнатилганини айтиб ўтиш лозим.

Курол-яроғлар, ҳарбий техника, икки хил мақсадда

ишлиатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларга нисбатан нима учун экспорт назорати ўрнатилганини ҳам тушуниш қийин эмас.

Мамлакатга олиб кириладиган ва ундан четга олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш (شاҳодатлаш) экспорт-импорт операцияларининг обьекти бўлган товарларга техникавий, фармокологик, санитария, ветеринария, экология стандартлари ва талабларини давлат томонидан белгиланишининг ҳам мақсадга муовифиқлиги, назаримизда, ҳеч кимда шак-шубҳа туғдирмаса керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти унинг иқтисодий ва мудофаа хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодий суверенитетини ҳимоялаш, миллий иқтисодиётнинг ривожини рағбатлантириш ва халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилгандир.

### **3. Халқаро савдони тартибга солишда божхона хизматининг ўрни**

Савдо-сотиқ ишларининг бир мамлакат доирасидан чиқиб, дунё мамлакатлари ўртасида ривожланиб бориши бу ишларни тартибга солиш ва назорат қилиб бориши амалга оширувчи божхона хизматини ҳаётий заруратга айлантиради.

Жаҳон амалиётида божхона хизматининг тарихи ташқи савдонинг пайдо бўлиши билан бевосита болжлиқ бўлиб, дастлабки даврларда у мамлакатларнинг фагатгина хазинасини тўлдиришга хизмат қилган дейиш мумкин. Бироқ кейинчалик халқаро савдонинг ривожланиши, сайёҳлар сонини кўпая бориши билан божхона хизматининг вазифалари ва доираси кенгайиб борган. Давлатчилик такомиллашиб, иқтисодиётни ривожланиб бориши билан товар ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳимоялаш, мамлакатички бозорини сифатсиз моллардан асраш, унинг хавфсизлигига таҳдид солувчи қўл ёзма ва ащёларнинг ҳамда турли қўпорувчилик қуроллари, наркотик ва психотрон моддаларнинг кириб келишини олдини олиш каби ишлар ҳам божхона хизмати зиммасига тушади.

Ўзбекистон Республикасида божхона хизмати мустақил давлатчилик асослари билан бирга ва унинг таркибий қисми сифатида шаклланиб ва такомиллашиб бормоқда. Ўтган йиллар ичидаги божхона хизмати фаолиятига даҳлдор бўлган ҳуқуқий негизлар яратилдики, улар ислоҳ қилинаётган иқтисодиёт, ҳаётга жорий этилаётган демократик тамойиллар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Божхона кодекси» ва «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди. Уларда божхона хизматининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан тартибга солиб турилишини таъминловчи асосий тамойиллар белгилаб берилди. Таъқиқловчи — маъмурӣ чоралардан божхона қоилаларига асосланган тариф ёрдамида бошқарилувчи тадбирларга тўла-тўқис ўтиш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилди.

Ҳозир мамлакатимизда 230 дан зиёд, шу жумладан республика чегараларида 150 тадан кўпроқ божхона масканлари давлатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаяпти. Айни пайтда темир йўл станциялари, аэропортлар, халқаро ўтиш жойлари, дарё портларида нозирлар фаолият кўрсатмоқдалар. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан мамлакатнинг божхона чегараси орқали ўтадиган товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштирилишини жадаллаштиришга кўмаклашувчи божхона инфраструктураси обьектлари барпо этилди.

Ўзбекистонда божхона иши жаҳонда эътироф этилган халқаро месъёрлар ва амалиёта тўла мос тарзда ривожланмоқда. Бу ҳол Ўзбекистоннинг божхона ҳуқуқи субъекти сифатида тан олинишига сабаб бўлиб, давлатимизнинг жаҳон иқтисодий ҳамдўстлигига киришига ёрдамлашмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда 142 мамлакатни бирлаштирувчи жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) аъзолигига қабул қилинганлиги ва унинг сиёсий комиссияга сайланганлиги юқоридаги фикримизнинг далилидир.

Мамлакатимиз божхона хизмати олдида турган энг бош вазифа божхона ишини ватанимиз иқтисодиётини тариф ва бошқа хил чора тадбирлар ёрдамида муҳофаза

заловчи, шунингдек Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга ҳамда унинг ҳалқаро мажбуриятларини ўз вақтида тўла ҳажмда бажарилишига кўмаклашувчи таъсирчан механизм орқали амалга оширишдан иборатdir.

Божхона — бу чегара орқали ўтадиган жами юклар ва почта, жўнатмаларини назорат қиладиган, текширадиган ва улардан божхона йигимларини ундириш билан шуғулланувчи давлат идорасидир.

Божхона муассасалари ташки савдода мамлакат манфаатларини таъминланишини назорат қилади ҳамда мамлакат чегараларидан таъқиқланган юклар ва буюмларни файриқонуний тарзда олиб ўтишга қарши кураш олиб боради. Ҳалқ хўжалиги ва ҳалқ истеъмоли учун зарур товарларни мамлакатдан қонунсиз чиқиб кетишига қарши курашиш ҳам божхона хизмати зиммасига юклатилгандир.

Божхона божи — божхона назорати остида мамлакат чеграсидан олиб ўтиладиган мол-мулк ва қимматбаҳо буюмларни белгиланган ставкаларда ундириладиган пул йигими (тўловлари)dir.

Ўзбекистон Республикасида божхона божининг импорт ва экспорт, мавсумий, маҳсус, демпинг қарши, компенсация ва алоҳида турлари қўлланилади.

Импорт божлари ҳалқаро шартномага мувофиқ белгиланади. Савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартиби қўллаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар учун ундириладиган импорт божи ставкаларининг энг кам ёки кўп миқдори қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартиби назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёки қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги аниқланмаган, товарлар учун ундириладиган импорт божининг ставкалари икки баравар оширилади.

Импорт ва экспорт божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда жорий этилади.

Мавсумий божлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланиб, товарлар олиб кириш ва олиб чиқиши тезкорлик билан тартибга

солиши учун қўлланиллади. Бунда бож тарифида назарда тутилган ставкалар қўлланилмайди.

Мавсумий божлар белгиланган кундан эътиборан олти ойдан ортиқ амал қилиши мумкин эмас.

Махсус божлар, башарти ўхшаш ёки бевосита рақобат қилувчи товарлар божхона ҳудудида Ўзбекистон Республикасидаги товар ишлаб чиқарувчиларга зиён етказадиган ёки зиён етказиши мумкин бўлган миқдорда ва шартларда олиб кирилаётган бўлса, ҳимоя чораси сифатида, шунингдек бошқа давлатлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳукуқларини чекловчи ва манфаатларини камситувчи ҳаракатларга жавоб чораси сифатида қўлланиллади.

Демпингга қарши божлар қўйидаги ҳолларда қўлланиллади:

— товарлар божхона ҳудудига, уларни олиб чиқилган давлатда айни вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нарҳда олиб кирилса, агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфини туғдирса, Ўзбекистон Республикасида ҳудди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса;

— товарлар божхона ҳудудидан унинг Ўзбекистон Республикасида айни вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нарҳда олиб чиқилаётган бўлса, агар бундай олиб чиқиши Ўзбекистон Республикасининг шундай товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказаса ёки етказиш хавфи бўлса, ёхуд Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ўртасила нормал рақобат ўрнатишга тўсқинлик қилса;

Компенсация божлари қўйидаги ҳолларда қўлланилади:

— Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиши пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялар (давлат томонидан кўрсатилган молиявий ёрдам)дан фойдаланилган товарлар олиб кирилса, агар бундай олиб кириш Ўзбекистони Республикасининг ўхшаш товарлар ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказаса ёки етказиш хавфи бўлса, ҳудди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса;

— божхона ҳудудидан ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб чиқилса, агар бундай олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига зиён етказиши хавфи бўлса.

Алоҳида божлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат бошқаруви органлари ташаббуси билан ўтказиладиган текширув натижаларига биноан қўлланилади. Уларнинг ставкалари ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида белгиланади.

Божхона қиймати — Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунига мувофиқ белгиланадиган ва божхона тўловларини ҳисоблаб чиқиш мақсадида фойдаланиладиган товар қийматидир.

Божхона қиймати божхона органига декларант томонидан белгиланган тартибда маълум қилинади. (Декларацияга киритилади). Уни аниқлаш ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотларга асосланиши лозим.

Мамлакатга олиб кирилаётган товарларнинг божхона қийматини шу тўловлар бўйича тузилган шартномага мувофиқ аниқлаш — товарнинг божхона баҳосини чиқаришни асосий усулидир.

Агар асосий усулдан фойдаланиб бўлмаса, божхона баҳосини чиқаришнинг қўйидаги усувлари қўлланилади:

— Айни бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш;

— Ўхшаш товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш ва ҳоказо.

Давлат ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятини тариф ва нотариф усувлар билан бошқариб боради. Но-тариф усул деганда — лицензия бериш, квоталаш, декларациялаш ва эмбарголарни қўллаш тушунилади.

Лицензия — ваколатли давлат идораларига ташқи савдо ҳаракатларини олиб бориш учун бериладиган рұхсатнома бўлиб, у экспорт ва импортни, валюта сарфларини назорат қилиш усувларидан биридир.

Давлатлараро шартномаларга кўра айрим ёки бир гурӯҳ товарлар бўйича квота (муайян миқдори, ҳажм) ўрнатилиб, унга мувофиқ мамлакатлар ёки мамлакатлар гурӯҳининг белгиланган миқдордаги товарларни

ишлиб чиқариш ва уни четга сотиш квоталашган усул деб юритилади. Квота шартини бузган мамлакат ёки корхона иқтисодий жиҳатдан жазоланади.

Бу усул ҳозир Европа иқтисодий ҳамжамиятияга қарашли мамлакатлар ташқи савдо амалиётида кенг қўлланилади.

Декларациялаш ёки божхона декларацияси — бу миллий қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириладиган ҳужжат бўлиб, унда чегара орқали ўтаётган юқ (экспорт, импорт товарлари, кишиларга тегишли юклар, қўлдаги анъомлар, валюта, қимматбаҳо буюлар ва бошқалар) ҳақидаги маълумотлар қайд этилади.

Эмбарго — бу давлат томонидан айрим товарлар, хизматлар, валюта ёки бошқа бойликларни мамлакатта келтириш ёки бошқа мамлакатларга чиқаришни тақиқлаб қўйишdir.

Тариф усули деганда асосан бож тарифи ва бож тарифлари тўпламини қўллаш тушунилади. Бу усул билан энг аввало давлат хазинасига маблағ туширилади, экспорт ва импорт товарларининг ҳаракати мувофиқлаштирилади.

Божхона тўловлари фақатгина хазинани тўлдириш мақсадида қўлланилмай, балки ички истеъмол бозорини ва ишлиб чиқарувчиларни иқтисодий ҳимоялаш вазифаларини ҳам бажаради.

Масалан, Ўзбекистоннинг иқлим шароитида полиз маҳсулотлари жуда ҳам сифатли ва витаминларга бой. Бундай шароитда четдан айтайлик, помидор импорт қилишнинг ҳеч ҳам ҳожати йўқ. Лекин айрим савдогарлар учун сифатсиз арzon томат соки ёки пастасини (кетчуп) четдан олиб келиш фойдали бўлиб кўринини мумкин. Буни олдини олиш учун импорт қилинадиган ана шундай маҳсулотлар учун импорт божидан ташқарӣ акциз солиғи ҳам жорий этилади.

## **МУНДАРИЖА**

<b>Сўз боши</b> .....	<b>3</b>
<b>I Б о б. Иқтисодий саводхонликинг ҳаётий аҳамияти</b>	
1. Ҳаёт ва иқтисод .....	6
2. Бозор иқтисодиёти нима .....	12
3. Эҳтиёжларни қондириш — иқтисодиётнинг бош вазифаси Талаб ва таклиф .....	28
<b>II Б о б. Макроиқтисодиёт ва унинг умумий асослари</b>	
1. Макроиқтисодиёт .....	27
2. Макроиқтисодий ўсиш омиллари .....	36
3. Нарх-наво ва унинг турлари .....	40
<b>III Б о б. Тадбиркорлик — иқтисодий тараққиётнинг бош омили</b>	
1. Тадбиркорлик ва бизнес .....	46
2. Таннарх ва сифат .....	55
3. Фойда ва рентабеллик .....	61
4. Мехнат унумдорлиги .....	69
5. Инвестицион фаолият .....	75
<b>IV Б о б. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш</b>	
1. Микроиқтисодиёт .....	84
2. Менежмент .....	88
3. Маркетинг .....	97
4. Бизнес режа .....	103
<b>V Б о б. Иқтисодий тараққиётнинг молия-кредит омиллари</b>	
1. Пул ва инфляция .....	112
2. Молия ва банк .....	118
3. Банк кредитлари ва фоизлари .....	127
4. Солиқ ва унинг турлари .....	138
5. Биржаларнинг молия бозоридаги ўрни .....	147
<b>VI Б о б. Савдо ва ташкил иқтисодий фаолият</b>	
1. Савдо ва тижорат .....	152
2. Ташкил иқтисодий фаолият .....	160
3. Халқаро савдони тартибга солишда божхона хизматининг ўрни	166

Т. ЭРГАШЕВ, РИСМАТОВ

## ИҚТИСОДИЙ САВОДХОНЛИК АСОСЛАРИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2001

Мұхаррир Г. Зокирова  
Рассом К. Акчулаков  
Бадиий мұхаррир М. Самойлов  
Техник мұхаррир Д. Габдрахманова  
Мусаҳхид Ж. Тоирова



Теришга берилди 26.02.2001. Босишига рухсат этилди 28.03.2001.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоги 9,24. Нашриёт-хисоб табоги 9,5. Алади 5000 нусха. Буюртма  
№1692. Баҳоси келишув асосида.

**«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

Э74

**Әргашев Т., Исматов Р.**

Иқтисодий саводхонлик асослари.—Т.: «Шарқ», 2001.—176 б.

Сарлавҳада: УзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. Наманган муҳандислик-педагогика институти.

### I. Муаллифдош

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини яратишга қартилгандир. Бу муносабатлар ҳар бир инсоннинг ҳаётй манбаатларига бевосита даҳлдор бўлганилги сабабли аҳолининг аксарият қисмидаги янглича иқтисодий воқеалик ва жараёнларни тушуниш, уларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқликни англаб этиш, умуман бозор иқтисодига оид билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан ушбу рисолада бозор иқтисодиёти тизими-нинг моҳияти, унинг қонун ва қонуниятлари, менежмент, маркетинг, бизнес режа, молия ва банк, пул ва инфляция каби мухим иқтисодий категориялар ва тушунчаларнинг мазмуни оммабоп тилда ўз ифодасини топган.

Ундан иқтисодиёт илмини ўрганишга киришган барча ёшлар, қасб-хунар коллежларининг талабалари, иқтисодий лицей ва гимназиялар ўқувчилари, бизнес мактабларининг тингловчилари, шунингдек иқтисодий билим олишга қизиқаётган кишилар қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.